


ФАРФИЕВ Б.А.



**ЎЗБЕКИСТОН
ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА
ИСЛОМ РАЦИОНАЛИЗМИ
ОМИЛИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАРФИЕВ Б.А.

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ
ТАРАҚҚИЁТИДА ИСЛОМ
РАЦИОНАЛИЗМИ ОМИЛИ**

ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 361.42:28+211.5(575.1)
КБК: 66.3(5Ў)3
Ф 25

Фарфиев Б.А.

Ф25 Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили
[Матн]: монография / Фарфиев Б.А. — Тошкент: «Ўзбекистон
файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2019. — 228 б.

УЎК: 361.42:28+211.5(575.1)
КБК: 66.3(5Ў)3

Монография мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг маънавий омили сифатида намоён бўлаётган исломдаги рационализм тамойилининг социологик жиҳатларини тадқиқ қилишга бағишланган бўлиб, унда миллий менталитетдаги дунёвийлик ва динийлик нисбати, дин институтининг бошқа социал институтлар билан алоқаси бирламчи тарихий-назарий манбалар ва амалий социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида таҳлил этилган. Мазкур монография талабалар, докторантлар, ўқитувчилар ва ижтимоий тараққиётнинг маънавий омили масалалари билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Ушбу монография Ўзбекистон Миллий университети илмий-техникавий Кенгашининг 2019 йил 2 апрелдаги мажлисида (2-сонли баённома) муҳокама этилди ва нашрга тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 29 апрелдаги 2337-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

Масъул муҳаррир:

Алиқориев Н.С. — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Идиоров У.Ю. — сиёсий фанлар доктори,

Калонов К.Қ — социология фанлари номзоди, профессор.

ISBN 978-9943-5454-1-0

© «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2019.

Олийжаноб инсон ва меҳрибон устоз
Қосимжонхожи Муллабоевнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Кишилиқжамиятининг ҳаёти мураккаб хусусиятга эга экан, унинг барча долзарб муаммолари ҳар доим ижтимоий фанлар олимларининг диққат марказида туради. Айниқса, ижтимоий тараққиёт масалалари ҳар замон ва маконда ўз аҳамиятини сақлаб келган. Замонавий жамиятлар ҳам бундан мустасно эмас. Ижтимоий тараққиёт эса бир қатор омилларнинг бажараётган тизимли ва детерминациялаштирувчи вазифалари натижасида амалга оширилади. Уларнинг ичида моддий-иқтисодий ва молиявий омиллар ўрни беқиёсдир. Чунки мўътадил табиий иқлим ва қулай ҳудудий жойлашув ҳамда бой табиий қазилмалар захирасининг мавжудлиги ҳар қандай мамлакат тараққиёти учун муҳим маъно касб этади. Шу билан биргаликда бу жараёнда маънавий омилларнинг аҳамияти моддий омилларникидан сира кам эмас. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси бунга ишончли мисол бўлиши мумкин. Ижтимоий тараққиётни ўз миллий ривожланиш хусусиятлари асосида амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасида ҳам моддий омиллар билан бир қаторда маънавий омилларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев эркин ва обод демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этишимизда мазкур омилларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиб келмоқда. «Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ, бизнинг энг катта бойлигимиз — бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 1-жилд. — 144-б.

Дарҳақиқат, бой тарихий-маданий мерос негизида шаклланган ва такомиллашаётган миллий менталитетимиз ўзида юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятни мужассамлаштиргандир. Миллий менталитетимизнинг шаклланиши варивожига дунёвий-маданий хусусиятларимиз билан ўзаро уйғунликда бўлган ислом дини ҳамда унинг фалсафаси ҳам ижобий таъсир қилиб келди ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Чунки бу диндаги оқилоналик хусусияти халқимизнинг дунёвий-миллий анъаналари ва урф-одатларига чуқур сингиб кетган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ислом динидаги рационалистик тамойил Ўзбекистоннинг бугунги кундаги шиддат билан кечаётган ижтимоий тараққиёти учун маънавий омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши табиий ҳолдир. Зеро, мамлакат аҳолиси, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзлигини англаш, унинг онгига миллий ғояни сингдириш ва Ватанга садоқатлилик руҳида тарбиялаш жараёнида аجدодларимиз қолдирган бой тарихий-маданий мерос таркибида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ислом қадриятларининг таъсирчанлиги беқиёсдир.

Шунингдек, жамиятимизда изчил тарзда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тизимининг сермаҳсул натижаларига давлат институтининг бош ислохотчилигида эришилаётган шароитларда ислом динининг кишиларни ўзаро меҳр-оқибат, бирдамлик, саховат ва савобга чорловчи қадриятлари ҳам ватандошларимизда саҳийлик, ҳимматлилик ва ижтимоий кўмакка муҳтожларга яқиндан кўмак бериш истакларини сезиларли тарзда кучайтирди.

Кишиларнинг ҳар қандай соҳада ҳалол, самимий ва юксак касбий маҳорат асосида фаолият кўрсатишлари уларнинг эътиқодларига, фуқаролик позицияларига боғлиқ экан, бу ижобий сифатлар ҳар қандай жамиятда тараққиётнинг муҳим омили бўлиб гавдаланади. Куръони карим кўрсатмалари, ҳадислар ва ислом дини тараққиётига дунё тан олган улушни қўшган буюк аجدодларимиз қолдирган бой маънавий мерос замонавий ўзбек жамияти аъзоларида

айнан шундай ижобий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишига муносиб хизмат қилмоқда.

Албатта, ижтимоий тараққиёт жараёнини амалга ошириш ўта мушкул ишдир. Уни мамлакатимиз шароитларида раво ва ўз ички қонуниятлари асосида кечишини таъминлаш йўлида жиддий ғов сифатида пайдо бўлаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф қилишда дунёвийлик асосидаги чоратadbирлар билан биргаликда ислом динидаги оқилоналик тамойилидан фойдаланиш муҳимдир. Айниқса, жиноятчилик, алкоғолизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, порахўрлик, суицид каби долзарб ижтимоий муаммоларнинг йўлини тўсиш ҳаракатларига ислом маърифати ва ахлоқи катта таъсир кўрсатади. Бундай иллатларни ўз вақтида бартараф қилмаслик эса ижтимоий барқарорликка жиддий хавф-хатарни вужудга келтиради. Ижтимоий барқарорликни таъминлашда кучли давлат ҳокимиятининг ролини алоҳида таъкидлаб, ислом динидаги толерантлик тамойилининг ўрни ҳам бу жараёнда ўзига хос бўлиши кундалик ва ижтимоий ҳаётимизда яққол намоён бўлмоқда.

Фан тарихида ижтимоий тараққиёт ва унинг омиллари масалалари мунтазам равишда ўрганиб келинган. Барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг олимлари ўз тадқиқотларининг асосий объекти сифатида жамият, унинг барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш муаммоларини алоҳида эътироф этиб келганлар. Албатта, улар бу масалалар таҳлилига ўз фанларининг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашганлар. Агарда ўтмиш даврнинг мутафаккирлари илмий меросига мурожаат қилсак, уларнинг аксарияти бундай муаммони ўз фалсафий-утопик таълимотлари асосида ҳал қилишга ҳаракат қилганларига гувоҳ бўламиз.

XIX асрга келиб, Ғарб мамлакатларининг ўз ижтимоий тараққиётида янги босқич – капиталистик тузумга ўтиши туфайли жамият ва унинг ривожланиш жараёнларини амалий жиҳатларда ҳам ўрганиш зарурияти вужудга келди. Бундай шароитларда олимларнинг дин омилига эътибор қаратишлари асосий маъно касб этди. Агарда айрим

мутафаккирлар жамият ҳаёти учун динда жиддий ижтимоий хавф-хатарни кўриб, ўз таълимотларида унга нисбатан радикал танқидий муносабатда бўлсалар, бошқалар эса диндан ижобий жиҳатларни излашга ҳаракат қилганлар.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида динлар, жумладан исломнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни фақат материалистик фалсафа ва атеистик ёндашув асосида ўрганиб келинди. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг илмий атеизм кафедраларида эса маҳаллий мутахассислар дин ҳодисасининг тадқиқотини ўз хоҳиш-иродалари ва менталитетларига зид тарзда, динни танқид қилишга асосланган илмий-педагогик фаолиятлари орқали олиб борганликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларидан бошлаб мутахассислар ислом динининг жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисми ҳақидаги ўз илмий тадқиқотларини давр талаблари асосида, тизимли ва изчил тарзда олиб бормоқдалар. Шу билан биргаликда, муаммонинг назария ва амалиёт уйғунлиги хусусиятидаги илмий тадқиқотлари дин социологияси фани доирасида етарли даражада олиб борилмаганлигини таъкидлаш лозим. Айнан шу ҳолат мазкур монография ишини тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотни олиб боришда тизимлилик, тарихийлик, қиёсий таҳлил, анкета сўрови, эксперт сўрови, ҳужжатларни таҳлил қилиш каби умумилмий ва эмпирик методлардан фойдаланилди.

Албатта, ҳар қандай илмий адабиётда учраганидек, мазкур монография ҳам айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин.

Муаллиф монография иши бўйича билдириладиган барча танқидий фикр ва таклиф-тавсиялар учун ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор этади ҳамда улар кейинги нашрларнинг янада мукамал бўлишида муҳим ўрин тутди, деган умидни билдиради.

I боб. СОЦИОЛОГИЯДА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА РАЦИОНАЛИЗМ ТАМОЙИЛИ АЛОҚАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1 §. Ижтимоий тараққиёт таълимотининг генезиси ва эволюцияси

Кишилик жамияти тарихидан яхши маълумки, азалдан одамлар тараққий этган, фаровон ва осойишта ҳаёт ҳукм сурадиган мамлакатда яшашни орзу қилганлар. Ушбу мақсадга эришиш учун инсоният узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳам қачонлардир қоқоқлик, заифлик ва ночорлик ҳолатида бўлиб, уларнинг фуқаролари бу қалтис ҳолатдан чиқиш йўллариини излашга астойдил интилганлар. Бунинг учун эса қомусий мутафаккирлар ўз асарларида тараққий этган, фаровон жамият қуриш ғоясининг асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, таниқли юнон файласуфи Платон ўзининг «Давлат» номли асарида жамият ҳаётини бир-бирига зид бўлган: мукамал (ижобий) ва номукамал (салбий) шаклларда ифодалашга жазм этади. Фикримизча, замонавий шароитларда бундай ёндашув демократик ва нодемократик жамиятларнинг моҳиятига мос келади. Унинг таъкидлашича, у яшаб турган даврдаги барча жамиятлар айнан салбий сифатга эга бўлиб, улардан обод жамиятга ўтиш учун инсоният номукамал шаклдаги қуйидаги тўртта турдаги давлат тузуми: тимократия, олигархия, демократия ва тиранияни босиб ўтиши лозим¹.

Агарда Платон яшаб, ижод қилган даврдан бугунги кунгача бўлган вақт масофаси уч минг йил атрофида эканлигига эътибор қаратсак, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган фикрлари ҳозирги кун учун ҳам долзарб эканлигини

¹ Платон. Сочинения в четырех томах. Том 3. Часть 1. // Государство. – Санкт-Петербург. Изд-во С.-Петербург. ун-та; Изд-во Олега Абышко, 2007. –С.387.

кўрамыз. Масалан, унинг олигархия ҳокимиятига асосланган жамият ҳақидаги қарашлари худди замонавий шароитларни акс эттиргандек бўлади.

Бизга маълумки, олигархия – бу тор доирадаги бадавлат кишиларнинг жамият аъзоларининг кўпчилиги устидан ўрнатган ҳокимиятидир. Бу тўғрисида Платон «Давлат» асарида қуйидаги хулосаларини илгари сурган эди. «Бу шундай ҳокимиятки, у мулкнинг қайд қилиниши ва баҳоланишига асосланади, худди шу сабабли унда бойлар ҳокимлик қиладилар, камбағаллар эса бошқарув ишида иштирок этмайдилар»¹.

Бу ерда муҳим бир ҳолатга дуч келиб турибмиз, яъни замонавий Фарб мамлакатларида жамиятни норасмий шаклда бошқараётган олигархларнинг қандай пайдо бўлиши тафсилотини Платон берган формула асосида аниқлашимиз мумкин бўлади. Бу жараёнда ушбу бадавлат кишилар ўз даромадларини: қимматли молиявий қоғозлари (акциялар), кўчмас мулклари, тўлаётган барча солиқлари ҳамда қилаётган меценатликлари ҳақида тегишли ташкилотларга декларация тақдим этадилар. Ана шундан келиб чиқиб, уларнинг бойликларини умумий қиймати махсус математик-статистик усуллар ёрдамида аниқланади. Пировардида, дунёнинг энг бадавлат кишиларининг рўйхати америкалик молиячи-журналист ва нашриётчи Bertie Charles Forbes томонидан 1917 йилда ташкил этилган машҳур «Forbes» журналида мунтазам тарзда эълон қилиниб борилади. Бу жараён юқорида Платон таъкидлаб ўтганидек, олигархлар мулкни қайд қилинишининг эквивалент ҳолатини ифодалайди.

Платоннинг ушбу хулосалари унинг иқтидорли шогирди – Аристотель томонидан мантиқий тарзда янада ривожлантирилди. Платондан фарқи ўлароқ, у хусусий мулкчиликнинг ёрқин ҳимоячиси сифатида гавдаланади. Аристотель кишиларнинг мулкка эгалик қилиш ҳолатини

¹ Ўша ерда. –С.395.

жамият тараққиётининг муҳим омили сифатидаги аҳамиятини чуқур таҳлил қилиб берган. Унинг фикрича, кишининг маълум бир мулкка эгаллиги унинг онгида тасаввур қилиб бўлмайдиган кўтаринки руҳий кайфиятни шаклланишига туртки беради. Дўстлар ва танишларга хизмат ҳамда ёрдам кўрсатиш қанчалик ёқимли бўлмасин, уларни амалга ошириш фақат хусусий мулкка эгалик имкониятлари шароитларида содир бўлади¹. Унинг бу фикрлари худди бизнинг давримиз учун ҳам мўлжаллаб айтилгандек туюлади. Ҳақиқатан ҳам ҳозирда ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга хусусий мулкка эга бўлган саховатли кишиларнинг амалий ёрдами салоҳиятлироқ кўриниш ҳосил қилмоқда, жумладан, бизнинг мамлакатимиз шароитларида ҳам. Аристотель шундай ҳолатни алоҳида эътироф қилади: табиатан кишиларда ўзини-ўзи севиш хусусиятлари мавжуд экан, улар ўз тафаккурларида умумий ва хусусий мулкдан фойдаланиш ҳис-туйғусини уйғунлаштиришлари зарур. Унинг ижтимоий қарашларига мувофиқ умумий мулк нисбий, хусусийси эса мутлақ даражада бўлиши лозим². Фикримизча, бу ерда сўз мулкчиликнинг турли шакли ва унинг жамият тараққиётига таъсири ҳақида кетаяпти. Бу ғоялар ҳам замонавий ривожланган мамлакатларда мулкчиликка бўлган мавжуд муносабатлар мазмунига тўлиқ мос келади, дейишимиз мумкин. Чунончи, ривожланган — индустриал ва постиндустриал жамиятларда хусусий мулкнинг улуши давлат мулкидан анча юқори даражададир. Ўз фикрларининг мантиқий давоми сифатида, Аристотель давлат икки хил шаклда, яъни демократия ва олигархия кўринишида бошқарилиши мумкинлигини таъкидлайди. Демократияда олий ҳокимият кўпчиликнинг қўлида бўлса, олигархияда эса ҳокимият камчиликка тегишлидир³.

¹ Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 3. Часть 2. //Политика. — Москва: «Мысль», 1983. —С.410.

² Ўша ерда. —С.410.

³ Ўша ерда. —С.492.

Юқорида номлари келтирилган антик даврнинг қомусий мутафаккирлари таълимотларига таяниб, шундай хулосага келиш мумкинки, ижтимоий тараққиёт масалалари инсоният тарихининг кейинги даврларида ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолди. Шу нуқтаи назардан қараганда, социал тараққиёт ҳодисасининг замонавий таҳлилига киришишдан илгари унинг муҳим методологик муаммоси — ижтимоий ўзгаришлар масаласига алоҳида мурожаат қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки ижтимоий ўзгариш тушунчаси ижтимоий тараққиёт тушунчасига нисбатан чуқурроқ мазмунга эгадир. Ижтимоий ўзгариш тушунчасининг конкрет кўриниши бўлиб эса айнан ривожланиш жараёни намоён бўлади. Россиялик социолог С.А. Кравченконинг фикрича, «ривожланиш — бу ижтимоий ва маданий воқеликларнинг тарихий ўзгариши ҳамда уларнинг динамикасидир»¹.

Агарда ижтимоий ўзгаришлар ўзида тараққиёт ҳодисасини мужассамлаштирар экан, демак, ижтимоий ўзгаришлар аксарият социологлар томонидан ижтимоий тизимлар ва уларни ташкил этувчи моддий ва маънавий объектларни бир ҳолатдан бошқасига ўтиши, деб таърифланади. Мазкур таърифдан келиб чиқиб, ижтимоий ўзгаришларнинг қуйидаги асосий турларига эътибор қаратиш лозим бўлади: прогрессив, регрессив, эволюцион ва революцион.

Прогресснинг социологик таърифи ўзида шахс ва жамиятнинг бунёдкорлик ғояси асосидаги ўзаро муносабатларининг ҳаракатини тақозо этади. «Мухтасар қилиб айтганда, олдинга қараб йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат, яъни унинг эскисидан янгисига қаратилгани олға қадам босаётган кишилар учун прогресс, деб номланади ва азалдан прогресс келажакка қаратилган ҳаракат сифатида таърифланиб келинган»². Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар

¹ Кравченко С.А. Социологический энциклопедический русско-английский словарь. — Москва: «Астрель Аст. Транзиткнига», 2004. —С.336.

² Коротаев А.В. Социальная эволюция: факторы, закономерности и тенденции. — Москва: «Восточная литература» РАН, 2003. —С.12.

қандай жамият ўзгаришининг прогрессивлик даражасини аниқлашда қуйидаги мезонларни асосий, деб ҳисоблашни таклиф этамиз:

– жамият ҳаётига ижтимоий адолат тамойилларининг қатъий тарзда жорий этилиши ва уларга кишиларнинг оғишмай амал қилиши;

– ишлаб чиқариш унумдорлиги даражасини оширишда меҳнатнинг ижтимоий тақсимоли илғор тизимига эга бўлиш;

– нанотехнологияларнинг мислсиз тарзда ривожланиши;

– жамиятда шахс эркинлигини таъминлашнинг барқарор асосларига эга бўлиш;

– фуқаролар, миллатлар ҳамда конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат ва эҳтиромга асосланган ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги;

– жамиятнинг моддий ва маънавий ресурслардан оқилона тарзда фойдаланиши;

– ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзаро чуқур интеграциялашган ҳолатининг иштироки.

Агарда бирор-бир жамиятда ушбу таснифланган мезонларнинг мавжудлик даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлса, демак, бу жамиятдаги ўзгаришлар прогрессив, яъни ривожланиш ҳолатида деган фикрни дадил илгари суришимиз мумкин бўлади. Замонавий жамиятнинг прогрессив ҳолати нафақат ишлаб чиқариш сермахсуллиги билан, балки энди соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт каби соҳалардаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам ўлчанмоқда, деган фикрни баралла айтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо, бу жараёнларда ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги ҳодисаси устувор омил сифатида намоён бўлиши ҳамон давом этмоқда. Шунингдек, узок вақт давомида шахс эркинлиги даражаси ҳам ижтимоий тараққиётнинг ҳолатини акс эттирадиган омил сифатида таърифланиб келинмоқда. Лекин ҳозирги кунда жамият ўз тараққиётини такомиллаштириш учун нафақат инсоннинг эркинлигига, балки уни бошқалар учун масъулиятли бўлишига ҳам чуқур эҳтиёжни сезмоқда. Шунинг учун

жамият аъзоларининг эркинликлари ва масъулиятларини ўзаро уйғунликда таъминланганлик ҳолати ижтимоий тараққиётнинг бош омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилнинг тўлақонли таъсирини таъминлаш учун яна бир соҳага эътиборни қаратиш зарурияти пайдо бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бу ерда фикр маънавий соҳа ҳақида кетаяпти. Кишининг моддий жиҳатдан етарлича таъминланганлик ва эркинликларининг тўлиқ кафолатланганлик даражаси жамиятнинг прогрессив ҳолатини тўлақонли тарзда акс эттирмайди. Энди социал тараққиётни таъминлашда маънавий омилнинг роли кун сайин ошиб бораётгани яққол кўзга чалинмоқда. Шунинг учун у ёки бу жамиятнинг тараққий этганлик даражасини аниқловчи яна бир муҳим мезон бўлиб кишилардаги одоб-ахлоқ савиясини белгилаш механизми гавдаланади. Назаримизда, айнан прогресснинг ушбу мезони тараққиёт муаммосига оид турли-туман ёндашувларни бирлаштирадиган интеграл мезон сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

«Регресс» категорияси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унинг асосида жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг прогрессга нисбатан қарама-қарши ҳолатидаги ҳаракат тушунилади. Унинг вужудга келиши ҳам маълум бир сабаб ва омилларга таянади. Бу масалада, авваламбор, регрессни келтириб чиқарадиган асосий сабаб ва омиллар қуйидагилар эканлигига эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

— давлат ва жамият бошқарувида волюнтаристик тамойил таъсирининг кучайиб бориши туфайли ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуниятлари инкор этилади;

— иқтисодда интенсификация ривожланиш ўрнини экстенсив усул эгаллай бошлаши авж олади;

— ижтимоий тараққиётни таъминлашда моддий ресурсларга устувор омил сифатида мурожаат этилиб, маънавий омилларга эса аста-секинлик билан эътиборсизлик ва аҳамиятсизлик асосидаги қарашлар кучаяди;

– жамиятда меҳнат ижтимоий тақсимотининг илгор тизимини шаклланишига жиддий ғовлар пайдо бўла бошлайди;

– ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган стратификация жараёнларининг холислик асосида кечиши таъминланмайди;

– ақлий меҳнат натижаларига ҳақ тўлаш талаб даражасида бўлмайди;

– ишлаб чиқариш соҳасидаги малакали мутахассисларнинг орасида қўнимсизлик ҳолати кучайиб боради;

– милитаризация сиёсатининг кучайиши сабабли ҳарбий соҳага эҳтиёждан ортиқ маблағларнинг сарфланиши ва юқори малакали мутахассисларни ушбу соҳага жалб этиш жараёни авж олади;

– мураккаб геосиёсий вазият туфайли конкрет давлатлар ва ҳарбий блокларнинг аъзо-мамлакатлари томонидан давлатга нисбатан агрессия ҳаракатлари содир этилади.

Албатта, регрессни келтириб чиқарадиган сабаблар рўйхатини янада кенгайтириш мумкин. Лекин регресс ҳодисасининг ижтимоий оқибатлари ўта жиддийлигини эътиборга оладиган бўлсак, ҳеч қайси жамиятда, ҳатто дунёнинг ривожланган мамлакатлар аҳолиси ҳам «биз ҳамиша фақат олға кетамиз», деб ортиқча хотиржамликка берилиши зинҳор мумкин эмас. XX аср шароитларида дунёнинг бир қатор мамлакатларининг аччиқ қисмати ушбу фикрларимизга амалий мисол бўлиши мумкин. Масалан, Болқон ярим оролидаги ривожланаётган мамлакатлардан ҳисобланган Югославия Федерацияси прогресс ҳолатидан регрессга ўтиб, оқибатда ҳатто давлат сифатида барҳам топди. XX аср шароитларида бундай давлатлар тажрибасидан яна бир нечтасини келтириш мумкин.

Ижтимоий ўзгаришларнинг барқарор шакли сифатида эволюцион тарздаги ривожланишни эътироф этиш мумкин. Маълумки, эволюция объектларни босқичма-босқич, ўз ички қонуниятлари асосида ҳаракатланишини ифода этади. Бу хусусият социологияга табиий фанлардан, аниқроғи биологиядан ўтди. Айниқса, XVIII аср охири

ва XIX аср бошларидан табиий фанларда содир бўлган оламшумул кашфиётлар табиатшунослик тараққиётининг тамойилларини жамиятшуносликка ҳам татбиқ этиш мумкин, деган фикрларни юзага келтирди. Бундай шароитларда замонавий социологиянинг мумтоз асосчилар: француз олими Огюст Конт, инглиз мутафаккири Герберт Спенсер ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган социал эволюция назарияси ижтимоий тараққиёт муаммоларини таҳлил қилишда аҳамиятли ролни бажарди.

Инсоният тарихий тараққиётининг қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларини асослашда Конт ўз ватандошларининг асарларидан фаол фойдаланди. Жумладан, у Шарль Луи де Монтескьё (1689–1755)дан қонуниятлар ва Мари Жан Антуан Никола Кондорсе (1743–1794)дан эса инсон ақл-заковати тараққиёти ҳақидаги ғояларини олиб, уларни синтезлашга муваффақ бўлади. Бунинг натижасида у ижтимоий ҳодисалар, жамиятдаги ўзгаришлар инсон тафаккури тараққиётининг фаол босими остида содир бўлишига боғлиқдир, деган хулосага келади. Пировардида, асосий асари бўлмиш «Позитив фалсафа курси»да Конт «ғоялар оламни бошқаради ва уни бутунлай ўзгартириб юборади» ёки «ижтимоий механизм тўлалигича фикрларга таянади»¹, деб ёзади.

Демак, у барча социал ҳодисаларнинг содир бўлишини ақлнинг ҳолатига боғлайди. Унда табиий савол пайдо бўлади, агарда инсоният ақли ва тарихи умумийликка эга бўлса, унда халқларнинг тарихий хилма-хиллиги нималар билан изоҳланади? О.Конт бу саволга учта омилни жавоб тариқасида илгари сурди: ирқ, иқлим ва сиёсий фаолият. У ирқларнинг ўзаро фарқларини улар эга бўлган мойиллик билан изоҳлайди. Масалан, қора ирқ бошқаларидан ўта эмоционаллик ҳолати билан фарқ қилади. Лекин турли халқлар бир хил даражада ривожланган эмаслар. Бу ерда

¹ Конт О. Курс позитивной философии.//Родоначальники позитивизма. СПб., 1912. Вып. 4. –С.19.

иқлим катта роль ўйнаши таъкидланади. Жумладан, у Европа мамлакатлари ривожига Ўрта Ер денгизининг ижобий таъсирини алоҳида кўрсатиб ўтади. Климат тушунчаси орқали Конт инсонларни ўраб турган табиий муҳитни тушунади. Унинг бу хулосалари кейинчалик социологияда ижтимоий тараққиётнинг бош табиий манбасини аниқлашга ҳаракат қилган — «бир омил позитивистик-натуралистик мактаблар»нинг шаклланишига ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Албатта, унинг бу фикрларини мутлақ тўғри дейишимиз қийин, бунинг сабаби шундаки, Ўрта Ер денгизи атрофида жойлашган бошқа мамлакатлар: Миср, Жазоир, Ливия, Тунис кабилар шу денгиз соҳилида жойлашган Европанинг ривожланган давлатлари эришган натижаларга ҳатто яқинлашмадилар.

Тараққиёт омили масаласида Конт яна бир омил — сиёсий фаолиятга бежиз эътибор қаратмаган ҳисобланади. Сиёсий фаолият ролини муҳокама қилишда Конт авваламбор сиёсатдонлар ва ижтимоий ислоҳотчиларни тарихнинг ортга қайтмайдиغان ҳаракатларини ўзгартиришга қодир эканликлари ҳақидаги ўз хато тасаввурларидан ҳоли бўлишларига даъват қилди. Ушбу фикрнинг далили сифатида Наполеоннинг сиёсий фаолиятини танқид қилади. Унинг фикрича, «Наполеон худди император Юлиан ёки Испания қироли Филипп II каби ўз даврининг руҳини ҳис қила олмади, яъни у тарихий қонуниятларнинг мазмунини тушунмади. У дунёни ўзи хоҳлаган шаклда қайта қурмоқчи бўлди-ю, аммо тарихий жараёнлар унга бундай имкониятни бермади»¹.

Зеро, тарихий жараёнларнинг қайта ўзгариши сиёсий арбоблар хоҳиш-иродаси ва фаолиятига боғлиқ эмасдир. Фикримизча, Контнинг кишиларни тарихий воқеалар ҳаракатини ортга қайтаришга қодир эмаслиги ҳақидаги назарияси ижтимоий ислоҳотчилар, утопистлар ва турли

¹ Раймон Арон. Этапы развития социологической мысли. Перевод с франц. Под ред. П.С.Гуревича. — Москва: «Прогресс», 1993. —С.109.

инқилобчиларга, яъни тарихий жараёнларни янги жамият куришни режалаштириш орқали ёки зўравонлик ва зулм ёрдамида амалга оширишни мақсад қилганларга қарши қаратилган.

Француз мутафаккирининг юқорида келтирилган фикрлари тарихий-мантиқий асосга эга эканлиги ҳозирги кунда ҳам маълум бўлмоқда. Хусусан, собиқ Совет Иттифоқини қўмсаётган айрим рус давлат арбоблари, айниқса, Давлат Думасидаги Россия коммунистик партиясининг (КПРФ) фракцияси уни бошқача шаклда бўлса-да, қайтадан тиклаш ғоясини очиқдан-очиқ илгари сурмоқда. Ҳолбуки, собиқ Иттифоқнинг эндиликда ўз давлат суверенитетига эга бўлган собиқ республикалари, жумладан Ўзбекистон ҳам ўз мустақил ривожланиш йўлида илдам қадам ташламоқдалар ва улар тарихларининг аянчли ўтмиш даврига қайтишини тасаввур ҳам қила олмайдилар ҳамда буни умуман хоҳламайдилар. Конт таълимотининг таҳлилини давом эттириб, шундай ҳолатни қайд қилишга жазм этдик: ўзининг ислохотлар дастурида Конт хусусий мулкчиликни сақлаб қолишни ҳимоя қилиб чиқди. Унинг фикрича, позитивизмга мувофиқ сармоялар кимнинг қўлида бўлиши муҳим эмас, фақат сармояларнинг тасарруф этилиши умумий манфаат келтирса шуни ўзи етарлидир¹.

XX асрнинг таниқли социологи, замонавий Ғарб мамлакатларининг шиддатли тарзда ривожланишига ғоявий пойдевор бўлиб хизмат қилган «индустриал жамият» назариясининг асосчиларидан ҳисобланадиган француз олими – Раймон Арон томонидан О.Контнинг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги таълимотига берилган баҳони энг холис ва адолатли деб этироф этишимизга барча асослар етарлидир. Хусусан, Раймон Арон унинг хусусий мулк масаласидаги фикрларига ўзининг рационал муносабатини

¹ Конт О. Общий обзор позитивизма. Перевод. с франц. Под ред. Э.Л.Радалова. Изд.3-е. – Москва: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2012. –С.23.

билдириб ўтганига эътиборимизни қаратмоқчимиз: «Айнан бадавлат кишилар ҳар қандай ижтимоий тартибни муқаррар равишда сақлаб қолишда мавжуд бўладиган куч-қудратни ушлаб турадилар, натижада эса ҳар қандай шароитларда уларга омад кулиб боқади. Аммо, хусусий мулк эгалари ўзбошимчаликка йўл қўйишдан тийилишлари лозим. Зеро, Конт томонидан зодагон, дунёвий бошлиқ, саноатчи, банкир деб аталаётганлар ўз ролларини ижтимоий вазифа сифатида англашлари тақозо этилади. Хусусий мулк муқаррар, зарур ва фойдали, шунингдек, унга тоқат қилса ҳам бўлади, лекин уни фақат суиистеъмолга йўл очадиган ҳуқуқ сифатида идрок қилмасдан, аксинча, жамоавий вазифани амалга ошираётганларга тақдир инъоми ёки эзгуликка йўналтирилган восита деб ҳисоблаш лозим»¹. Раймон Ароннинг ушбу фикрлари бизнинг жамиятнинг ҳаёти учун ҳам муҳимлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Мумтоз социология вакили, таниқли англиз мутафаккири Герберт Спенсер ҳам ўз социологик таълимотида ижтимоий тараққиёт масалаларига катта эътибор қаратди. Г.Спенсер Контнинг социология жамиятни биологияга таяниб ўрганиши лозим, деган фикрларини маъқуллайди. Зеро, жамият ҳаётини социологик жиҳатларда ўрганиш, социал институтларнинг вужудга келиш сабабларини тушунишда эволюция назариясининг ижтимоий ҳаёт шароитларига татбиқ этилиши катта сермахсуллик келтирди. Ривожланиш масалаларини тадқиқ қилишда эволюцион ёндашув яна шуниси билан муҳимки, унинг ёрдамида ҳар бир ҳодиса ўзининг тараққий этиши жараёнида ўрганилади. Спенсер социологик концепциясининг марказий тушунчаси — бу эволюционизмдир. Унинг таъбирича, «эволюция материянинг интеграция ҳолати бўлиб, у материяни ноаниқ, алоқасиз бир хилликдан аниқ алоқаларга эга бўлган қўп

¹ Раймон Арон. Этапы развития социологической мысли. Перевод с франц. Под ред. П.С.Гуревича. — Москва: «Прогресс» 1993. —С.97.

хилликка ўтказиш ҳаракатидир»¹. Эволюциянинг умумий таърифига таяниб, Спенсер жамият ҳаёти ҳам эволюция таъсирида мавжуд бўлишини баён этади. Жумладан, жамиятнинг ўзи ҳам организм ҳисобланиб, доимий тарзда ўсиб бориш эса унинг асосий сифати бўлиб гавдаланади².

У томонидан жамиятни иккита асосий шаклга ажратилиши ҳам ўринлидир, яъни: ҳарбий ва саноатлашган (индустриал). «Ҳарбий» турдаги жамият марказлашган кучли назорат ва ҳокимиятнинг иерархик тартиби билан изоҳланади. Бу ерда ҳаёт тўлалигича қатъий тартибга бўйсундирилган бўлади ва бунда ҳарбий жамиятни таъминлаб турган кооперация жараёни мажбуран тарзда амалга оширилади. Индустриал жамиятда саноат ва савдо устунлик қилади. Бундай жамиятда сиёсий эркинлик пайдо бўлиб, ижтимоий ташкилотлар ўзгарувчан хусусият касб этади. Энг муҳими ҳокимият индивидларнинг хоҳиш-иродасини намоён этадиган институт сифатида гавдаланади. Уларнинг бирлашмаси эса кўнгиллилик асосида кечади³.

Эволюциянинг табиий, оҳишта хусусиятини таъкидлаб, Спенсер ижтимоий ҳаёт барқарор мувозанатга интилади, деб ҳисоблайди. Ўзининг ижтимоий ҳаёт ва унинг хусусиятлари ҳақидаги таълимотига мувофиқ у авваламбор индивидуалистдир. Агарда Конт социал яхлитлик индивиддан олдин ва индивид ҳатто жамиятдан мустақил бўлмаслигини асослашга ҳаракат қилса, Спенсерда эса бунинг батамом аксидир, яъни жамият бу индивидлар агрегатидир. Ижтимоий тараққиётнинг бош омили бўлиб, унинг фикрича, меҳнат тақсимооти намоён бўлади. Бу ҳолат эса ижтимоий тузумнинг юқори турига — «индустриал жамият»га олиб келади. Бу ерда биз уни Сен-Симон ва О.Конт томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий ривожланиш

¹ Герберт Спенсер. Синтетическая философия. — Киев: «Ника-Центр», 1997.—С.44—45.

² Ўша ерда. —С.287.

³ Ўша ерда. —С.295—296.

схемасининг такрорланишига дуч келмоқдамиз. Бироқ, Спенсернинг жамият тараққиёти йўналишлари ва даврлари ҳақидаги тасавурлари Контнинг «социал динамики»сида баён этилган хулосаларидан анча бой ҳолатдадир. Чунки Спенсернинг мулоҳазалари катта ҳажмдаги социо-этнографик материалларни таҳлил қилиш натижасида шаклланган. У конкрет ижтимоий-табiiй шароитлар: айнан, ирқий хусусият, тарихий шарт-шароитлар, ўзига хос урф-одатлар ва ҳоказолар таъсирида алоҳида жамиятлар ва уларнинг социал структураси шакллари турли-туманлик касб этади, деб таъкидлайди.

Спенсер оддий жамиятларни мураккаб шаклларига ўтиш эволюциясини синчковлик билан кузатиб боради. Ҳар қандай ривожланган жамият унинг фикрича, органларнинг учта тизимига эга бўлади: ишлаб чиқарувчи, тақсимловчи ва тартибловчи. Тартибловчи тизим давлат тимсолида таркибий қисмларни яхлитликка бўйсунитини таъминлайди. Жамиятнинг махсус қисмлари сифатида Спенсер социал институтлар: оила, урф-одат, сиёсий, диний, касбий, саноат ва ҳоказоларни ажратиб кўрсатади. Уларнинг барчаси аста-секинлик билан кечадиган эволюциянинг ҳосилдир.

Ижтимоий ўзгаришларнинг радикал, яъни муросасиз кўриниши бўлиб социал революция намоён бўлади. Бу ўзгариш тури объектларни кескин ва тубдан ўзгаришини ифодалайди. Аксарият ҳолларда у жамиятдаги турли социал гуруҳлар, жамоалар ва қатламлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб, беҳуда қон тўкилиши ва зўравонлик сиёсатини амалга ошириш эвазига сиёсий ҳокимиятга эришиш йўлида ҳаракатланади. Айнан шундай хусусияти туфайли кўпгина социологлар ижтимоий ўзгаришларнинг бундай турини ёқламайдилар. Жумладан, Спенсер социал революцияларни «жамият хасталиги», деб эътироф этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Спенсер революциялар орқали вужудга келадиган социализм тузумига муросасиз, қарши фаолият олиб борган киши бўлиб намоён бўлди. Диққатга сазовор жойи шундаки, у социалистик тузумни ҳам адолат,

хам фойдалилик сифатларидан узоқ, деб ҳисоблади ва уни кескин тарзда инкор этиб келди.

1891 йилда нашр этилган «Эркинликдан қуллик сари» номли асарида «Социализмни инкор этишим сабаби уни юқори савияда ривожланган давлатнинг ривожини тўхтатиши ва уни ёмон ҳолатда ортга қараб кетишига асос бўлиши билан боғлиқ ишончга асосланади. Инсон табиатини фақат ижтимоий интизом асосида, аста-секинлик билан ўзгартириб борилиши яхшилик сари шароит яратади»¹, деб ёзади. Унинг бу фикрлари Россия тарихини янги методологик ёндашувлар асосида ўрганаётган олимлар томонидан тасдиқланаяпти. Бизнинг фикримизча ҳам Октябрь инқилоби содир бўлишигача, аниқроғи, Биринчи Жаҳон уруши бошланиши арафасида Россия империяси дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланган. Авваламбор, бу уруш, кейинчалик эса амалга оширилган социалистик инқилоб Спенсер илгари сурган формулага мос тарзда Россия давлатини регресс ҳолатига олиб келди. Спенсер ушбу асарида яна бир муҳим хулосани илгари суради: социализм ҳар қандай шаклда қулликни назарда тутди. Бунинг яққол далили бўлиб мажбурий хизматнинг мавжудлиги намоён бўлади. Спенсер XIX аср охиридаги ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил қила туриб, социализмнинг амалга ошиши дунёнинг шу кунгача кечирган энг аянчли бахтсизлик кунларидан ҳисобланиши, бу эса шафқатсиз ижтимоий тузумни вужудга келишига сабаб бўлишини башорат қила олиши туфайли унинг социологик меросига бўлган қизиқишларини янада кучайтириб юборди.

Масалан, уни «Социал статика» асарида революцияларнинг содир этилиши халққа ҳеч қандай фойда келтирмаслигини таъкидлаб ўтгани бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, у шундай ёзган эди: «Революция

¹ Сочинения Герберта Спенсера. Подъ общей редакцій Н.А.Рубакина. // Опыты научные, политическіе и философскіе. С.-Петербургъ: «Издатель», 1900, Томъ III. –С.270.

йўли билан халқ ўз ҳукуматини қайтадан тузиши мумкин, лекин у ўз-ўзини ўзгартира олмайди. У фақат бу давр ҳодисасининг ҳис-ҳаяжонли таъсири остида бир оз, нисбатан ўзгариши мумкин. Лекин аслида бу халқнинг аъзолари илгари қандай бўлган бўлсалар, шундайликларича қоладилар. Улар онгидаги эски жараёнлар қайта тикланади. Зеро, ҳис-туйғу ғалаёни тугаши билан илгариги даъволар ҳам, лоқайдликлар ҳам яна пайдо бўлади»¹.

Маълумки, Россия империясида 1917 йилда содир этилган социал революция умумжаҳон миқёсидаги геосиёсий вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Ушбу революция Спенсернинг юқорида илгари сурган илмий башоратлари нақадар асосли эканлигини тўлиқ ҳолда исботлади. Россия империяси таркибида бўлган Туркистон ўлкаси халқлари ҳам бу жараёнларнинг салбий оқибатларини ўз бошларидан кечирдилар. Жумладан, замонавий Ўзбекистон тарихидаги кўпгина «қора доғлар» айнан ушбу революция таъсири билан бевосита боғлиқдир. Узоқ йиллар давомида собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари, айниқса, Болтиқбўйи республикаларига қараганда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қоққ бўлиб келишимиз, мамлакатимиз иқтисодининг диверсификациялашмагани, уни деярли тўлиқ ҳолда арзон хомашё етиштиришга йўналтирилгани, бугунги кунда юзага келган жиддий экологик муаммолар, айниқса Орол денгизи муаммолари ўша даврнинг салбий ҳодисалари билан чамбарчас боғлиқликда бўлган, деб изоҳлашимиз мантиқан тўғридир. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, мамлакатимиз ўз тарихий тараққиёт йўлида капиталистик даврни босиб ўтишга улгурмади. Боз устига, собиқ Иттифоқда коммунистик мафкура таъсири остида олиб борилган турли жиҳатлардаги тадқиқотлар ҳам Г.Спенсер таълимотини танқид қилишга йўналтирилган эди ва оқибатда биз социал эволюция назариясида ижтимоий тараққиётнинг

¹ Спенсер Г. Социальная статика / Пер. с англ. — Киев: Гама-Принт, 2013. —С.244.

афзалликлари ҳақидаги асослаб берилган илмий-социологик маълумотларга эга бўлмадик. Болтиқбўйи республикалари эса биздан фарқли ўлароқ, 1940 йилгача, яъни «Риббентроп-Молотов» (1939 йилнинг 23 августида имзоланган) пакти кучга киритилишига қадар мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб келдилар ва уларнинг аҳолиси оз муддат бўлса-да капитализм шароитларида яшашга улгурди. Агарда капитализм саноатлашиш, илм-фан тараққиёти, урбанизация каби муҳим социал жараёнларнинг таъсирида шиддат билан ривожланаётган жамият тури ҳисобланар экан, бизнинг минтақа эса чоризм империясининг бир қоқоқ ўлкаси сифатида халқимизнинг хоши-иродасига зид тарзда, мажбуран революцион ўзгаришлар томон буриб юборилди. Демак, биз ўз тарихий ривожланишимиз даврида эволюцион йўлдан атайлаб четга суриб чиқарилдик. Пировардида эса бу ҳодиса халқимизнинг тақдирига ўзининг жиддий ва аянчли таъсирларини кўрсатишга улгурди. Лекин ҳозирда бундай салбий «ижтимоий мерос» таъсирларидан йироқлашиб боришимиз туфайли мамлакатимиз ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар бошланди.

Юқорида илмий мероси таҳлил қилинган мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий ва социологик назарияларига таяниш ҳамда уларни бугунги кун шароитларидан келиб чиққан ҳолда, танқидий руҳда тадқиқ этиш асосида биз ижтимоий тараққиёт тушунчасига қуйидаги социологик таърифимизни беришга жазм этдик: ижтимоий тараққиёт — бу кишиларнинг моддий ва маънавий омилларни рационаллик асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга йўналтирилган бунёдкорлик фаолиятининг амалий натижасидир.

Юқорида қайд қилиб ўтилган ижтимоий ўзгаришлар жараёнининг эволюцион ёки революцион ёндашувлар таъсирида кечиши жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятларнинг хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлади. Агарда сиёсий партияларнинг раҳбарлари авантюрист-утопик турдаги фикрлашга мойил бўлсалар, улар мавжуд ижтимоий-

иқтисодий муаммолардан фойдаланиб, ҳокимиятга эришишнинг осон йўли сифатида революцияларни амалга оширишга раҳбарлик қиладилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, таниқли немис давлат арбоби — Отто фон Бисмарк «революцияни даҳолар тайёрлашади, романтиклар (хаёлпарастлар) амалга оширишади ва унинг самарасидан эса муттаҳамлар фойдаланишади», деб бежиз айтмагандек туюлади.

Ижтимоий кескинликларнинг сабабларини чуқур мулоҳаза қилиш асносида стратегик қарорларни қабул қилаётган прагматик раҳбарлар революцияларни амалга оширувчилардан фарқи ўлароқ, «етти ўлчаб, бир кесиш лозим» тамойилига қатъий риоя қилиб, жамият ҳаётини ўз ички қонуниятлари асосида, босқичма-босқич тарзда ислоҳ қилишга интиладилар. Худди шундай омилнинг таъсирида мамлакатимиз раҳбарияти инсон ва унинг онгли-тадрижий фаолияти, юсак савиядаги ахлоқий сифатлари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг асосий гарови бўлиб хизмат қилишига асосий эътиборни қаратмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбарияти ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини белгилаб, эркин, обод ва фаровон жамият қуриш мақсадида революцион ўзгаришлардан йироқ бўлган ҳолда эволюцион ўзгаришлар асосидаги «ўзбек миллий ривожланиш модели»нинг стратегиясини ишлаб чиқди. Ушбу ривожланиш модели халқимизнинг кўп асрлик тарихий хусусиятларини тўлиқ ифодалай олгани туфайли бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида эришаётган ютуқларимизниг амалий исботи бўлиб хизмат қилмоқда. Замонавий шароитларда мазкур ривожланиш модели янада такомиллашиб бормоқда. «Айни вақтда, бугунги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида чуқур молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда биз мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган

ислохотлар самарасини янада ошириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқдик»¹.

Мамлакатимиз ижтимоий тараққиётини янада юксак даражага олиб чиқишда пала-партишлик, ижтимоий интизомсизликка асосланган инқилобий ўзгаришлар эмас, балки халқимизнинг миллий руҳиятига тўла мос келадиган ёндашувларга таянган бунёдкорлик ҳаракатларимиз бош омил бўлиб хизмат қилади. Мазкур мақсадга эришиш эса давлатимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатида кириб келаётган 2019 йилни «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб эълон қилгани ҳам бежиз эмасдир. Зеро, дунёнинг ривожланган мамлакатларининг йирик сармоядорлари айнан ўз ички қонуниятлари асосида, барқарор тарзда ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодига ўз инвестицияларини киритишлари биз танлаган ижтимоий тараққиёт йўли тўғри эканлигининг амалий исботидир.

2 §. Шарқ мутафаккирларининг таълимотларида рационализм тамойилининг ўрни

Кишилиқ жамияти тарихида мунтазам тарзда ўрганилиб келинаётган мураккаб муаммолар сирасига биринчи навбатда кишиларнинг тафаккур қилиш масалаларини тааллуқли, деб ҳисоблаш илмий нуқтаи назардан қараганда асосли ва мантиқан тўғридир. Зеро, тафаккур муаммоси инсониятнинг энг қадимий масалаларидан ҳисобланиб, унинг фалсафа фани доирасидаги тадқиқотлари антик даврдан бошлаб тизимли равишда шакллана бошланди ва аста-секинлик билан ривожланиб борди. Фалсафий

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент, 2018. «Ўзбекистон». 2-жилд. 178-б.

тадқиқотларда мазкур масала ҳам онтологик, ҳам гноселогия жиҳатларда таҳлил этилади. Чунки ҳар қандай фалсафий таълимот тағ-заминида борлиқ ва тафаккурнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли бўлган фундаментал саволлар ётади. Бу илмий анъана ўзининг узоқ асрлик тарихига эга ва пировардида, фалсафа фанининг эволюцияси жараёнида тафаккур масалалари таҳлили бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган, турли-туман методологик ёндашувлар шаклланиб, уларнинг асосчилари муаммони ўз илмий қарашларининг хусусиятларидан келиб чиқиб ўргандилар.

Антик дунёнинг «олтин даври» мутафаккирлари ўз асарларида тафаккурга оид масалалар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратдилар. Бу даврнинг энг таниқли қомусий мутафаккирларидан ҳисобланадиган, бир қатор фанларнинг асосчиси – Аристотель ҳам инсоннинг тафаккур қилиш фаолиятини атрофлича тадқиқ қилишга ҳаракат қилди. Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимотига нисбатан танқидий жиҳатларда ёзган машҳур «Метафизика» асарида у тафаккурни кишининг фаолиятида мавжуд бўлишини эътироф этади. «Шундай қилиб, шубҳасиз тарзда, мавжудликнинг имкониятда намоён бўлиши фаолият орқали аниқланади. Бунинг сабаби шундаки, тафаккур – бу фаолиятдир. Демак, шундай маънода имконият фаолиятнинг измида бўлади»¹.

Тафаккурнинг фалсафий таҳлиliga таяниб, социологик адабиётларда рационализм тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «рационализм лотинча «ratio» сўзидан олинган бўлиб, у ақл, оқилона, ақлга таяниш каби маъноларни англатади»². Мазкур тушунча кейинчалик билиш жараёнининг муҳим тамойилига айланди ва унинг ёрдамида табиат ҳамда жамият ҳодисалари чуқур таҳлил

¹ Аристотель. Метафизика// Сочинения в четырех томах. Том 1.– Москва: «Мысль», 1976. –С.249.

² Современная западная социология. Словарь. – Москва: «Полит-литература», 1990. –С. 287.

килина бошланди. Натижада фалсафа фанида «рационал билиш» номли методологик ёндашув шаклланди. Аста-секинлик билан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам ўз таълимотларини рационаллик асосида ишлаб чиққан мутафаккирлар сони кўпая борди. Шарқ ижтимоий-фалсафий фикр тарихида айнан жамият муаммоларини рационализм тамойили асосида тадқиқ қилиш устувор йўналиш ҳисобланган. Хусусан, Аристотелнинг ғоявий шогирди — «Иккинчи устоз», яъни Абу Наср Форобий ҳам ўзининг бир қатор фундаментал асарларида рационализм тамойилининг таҳлилига асосий эътиборини қаратган. Қозоғистонлик таниқли форобийшунос олимлар — Б.Г. Гафуров ва А.Х. Касымжановнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, Форобий гносеологиясида муҳим ўрин тутган рационалистик ёндашув у томондан ишлаб чиқилган социологик таълимотда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Форобий ақлни куч сифатида таърифлаб, у инсоннинг барча муаммоларини ҳал қилишга кодир, деб ҳисоблайди¹.

Форобий инсон ақл-идрокини ташқи дунё ва ўзини билишнинг чегара билмайдиган имкониятлари сифатида талқин қилади. «Модомики, одам қатор бахт-саодатга эга экан, уларнинг айримлари кўпроқ, бошқалари эса камроқ аҳамият касб этади. Боз устига, одамдаги мазкур неъматлар ичидаги энг улуғи бўлиб ақл намоён бўлади. Зеро, айнан ақл одамни одам бўлишига хизмат қилди. Дарвоқе, ушбу неъматнинг татбиқини амалга ошираётган санъат одамнинг ақли бўлиб, у унинг учун неъматларнинг энг олийдир. Ақл сўзи инсоннинг бирор-бир нарсани ўз тафаккури билан билишини англайди ва қадимги одамлар уни нутқ, деб ҳам таърифлашган»².

Машҳур китоби — «Фозил одамлар шаҳри» ва бошқа бир қатор асарларида ўз ижтимоий-сиёсий таълимотини

¹ Гафуров Б.Г., Касымжанов А.Х. О социально-этических воззрениях Аль-Фараби. // Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. — Алма-Ата: «Наука», 1973. — XXV.

² Абу Наср Фараби. О достижениях счастья. // Социально-этические трактаты. — Алма-Ата: «Наука», 1973. — С.37–38.

ишлаб чиқар экан, Форобий ҳатто жамиятнинг вужудга келиши ҳам кишиларнинг ўзаро бирга яшаш заруриятини ўз тафаккурлари билан англаб етганликларининг ҳосили эканлигига эътибор қаратиб ўтган. «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»¹.

Буюк энциклопедист олим миллатларнинг ўзига хос ментал хусусиятларини аниқлашнинг ноанъанавий йўлини таклиф қилди. Унинг фикрича, халқлар ўз дунёқарашлари билан бир-бирларидан қўйидаги 3 та сифатий кўриниш орқали фарқланадилар:

1. Табиий кўникмалар ва ахлоқ.
2. Характер.
3. Тил.

Форобий бу учта сифатнинг пайдо бўлиш сабабларини ҳам излаб топишга ҳаракат қилади. Унингча, уларнинг хусусиятлари у ёки бу халқнинг яшаб турган жуғрофий муҳити билан боғлиқдир, шунингдек, сув, ҳаво, ўсимликлар ва турли хилдаги моддалардан фойдаланиш ҳам шу муҳит орқали намоён бўлади². Ҳақиқатан ҳам табиий муҳит кишининг ақлий ва руҳий ҳолатига жиддий таъсир

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1993. 186-б.

² Ўша ерда. —С.109—111

кўрсатиши бугунги кун тажрибасидан ҳам яхши маълум. Шу ерда муҳим бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим бўлади. Абу Наср Форобий мазкур илғор фикрларини XIX асрда фаолият олиб борган таниқли француз олими Виктор Кузен (1792–1867)дан анча олдин илгари суришга муваффақ бўлганини кўришимиз мумкин. «Менга мамлакатнинг картаси, унинг кўриниши, иқлими, суви, ҳавоси – жисмоний географиясининг барчасини; унинг табиий бойликлари, ўсимликлари, ҳайвонот оламини беринг ва мен бу мамлакат одами қандайлигини, тарихда бу мамлакат қандай роль ўйнашини тасодиф сифатида эмас, балки қонуниятга асосланиб, нафақат бир даврдаги, балки ҳамма даврдаги ҳолатини айтиб беришга журъат этаман», – деб ёзган эди, Виктор Кузен¹.

Аммо, диққатга сазоворлиги шундаки, Форобий давлат ва жамият қурилишида табиий омилларга ҳал қилувчи хусусиятни бермайди. Аксинча, инсонларнинг ақлий салоҳияти бу жараёнда етакчи ролни ўйнайди. Айнан шунинг учун жамият аъзоларининг рационал фикрлаш қобилияти шаҳар-давлатнинг тараққиётини белгилайди. Тўғри, бунда албатта табиий-худудий бойликлар ҳам ўзига яраша аҳамият касб этади. Форобийнинг мазкур хулосалари айнан бизнинг замонамиз шароитлари учун аталгандек туюлади.

Дарҳақиқат, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан яхши маълумки, ижтимоий тараққиётни таъминлашда маънавий омиллар аксарият ҳолларда доминантлик қилмоқда. Бу фикрларимизга замонавий Япониянинг тажрибасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Масалан, бу мамлакат жуда мураккаб географик хусусиятга эга. Авваламбор, у ўта қалтис сейсмик худудга жойлашган, иккинчидан эса табиий фойдали қазилмаларининг захираси жуда чекланган ҳажмдадир.

¹ История буржуазной социологии XIX начала XX века. – Москва: «Наука», 1979. –С.59.

Лекин аҳолисининг юксак савиядаги рационал тафаккур қилишининг маҳсули бўлган маънавий-интеллектуал салоҳият бу давлатнинг Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги мураккаб ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни тез фурсатларда бартараф қилиб, дунёнинг ривожланган, пешқадам мамлакатларидан бирига айланишида белгиловчи омил бўлиб хизмат қилгани бугунги кунда маълумдир.

Форобийнинг рационализм тамойили асосида ишлаб чиққан социологик қарашларига яна мурожаат қилсак, шундай муҳим ҳолатга дуч келамизки, у давлатнинг социал институт сифатидаги сермаҳсул фаолияти фуқаролар ва давлат раҳбари келишувининг натижаси эканлигини онгли тарзда англаб етишлари орқали намоён бўлишини эътироф этади. Форобийнинг мантиқий-рационалликка асосланган мазкур таълимоти ўзининг илмий-амалий татбиқини замонавий Ўзбекистон тажрибасида тўлиқ топди дейишимизга етарлича асос мавжуд. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида ҳамиша халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб келгани туфайли мамлакатнинг турли миллатлардан ташкил топган, турли конфессияларга тааллуқли бўлган аҳолиси ва давлат раҳбари ўртасида ўзаро ишонч, келишув ва ҳамфикрлик мужассамлашган эди, десак муболаға бўлмайди. Бу ўзига хос миллий анъана бугунги кунда ҳам ворислик асосида, изчил тарзда давом этаётганини кузатишимиз мумкин. Давлатимизнинг янги раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз вазифасига киришиши биланок халқ билан доимий ва бевосита мулоқотда бўлиш, фақат халқ манфаатлари учун фаолият олиб боришни барча даражадаги раҳбарлар учун устувор вазифа сифатида белгилаб берди.

«Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя бу болада фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан,

жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда»¹.

Бундай ҳақчил сиёсатни изчил ва тизимли тарзда олиб бориш эса Ўзбекистон халқининг мамлакат раҳбариятига бўлган ишончини янада кучайтирди деган фикрни дадил илгари суришимиз мумкин бўлади. Айнан мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мувофиқлаштирилаётган ушбу мустаҳкам ўзаро ишонч, келишув ва ҳамфикрлик асосидаги бунёдкорлик ҳаракатлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ижтимоий тараққиётимизнинг бош омилларидан ҳисобланади.

Яна мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига мурожаат қилсак, Форобийнинг рационалистик фикрларини замонавий татбиқига рўбарў келамиз. Чунончи, мамлакатимизда яратилаётган улкан моддий бойликлар мутлақ тарзда халқимизнинг юксак маънавий салоҳиятининг ҳосилдир. Форобий жамият тараққиётини фақатгина ижтимоий фойдали меҳнатнинг салмоғи билан ўлчайди. Ундан ташқари ахлоқий омиллар ҳам ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ўзининг юнонистонлик устозлари каби Форобий ҳам ўз идеал жамиятининг социал структурасини ишлаб чиқди. Унингча, бошқариш ва бўйсунуш тамойиллари идеал жамиятнинг табиий бир таркибий қисмидир. Бошқарув фаолиятини амалга оширишнинг рационал шарти бевосита давлат бошлиғига қўйиладиган талаблардан келиб чиқади. Форобий рационаллик тамойилидан келиб чиққан ҳолда идеал давлат бошлиғига 12 та талабни қўяди: саломатлик, фаросатлилик, кучли хотира, зукколик, нотиклик, маърифатга интилиш, нафсни жиловлаш, ҳақиқатга муҳаббат, ориятлилик, молдунё кетидан қувмаслик, адолатпарварлик, қатъийлик ва жасурлик².

¹ <http://president.uz/uz/lists/view/1371>

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1993. 159–160-б.

Шаҳар бошлигининг ўрни ва роли унда мужассамлашган ушбу сифатларнинг салмоғи билан ўлчанади. Шунинг учун бу сифатларнинг характери туфайли раҳбар бир, икки, бир неча одам ёки халқ томонидан сайланадиган шахс бўлиши мумкин. Идеал давлатнинг идеал раҳбарини тасвирлаб берар экан, Форобий бир одамнинг шунча сифатга эга бўлиши жуда мураккаб эканлигини эътироф қилади. Шунинг учун табиатдан шундай хусусиятга эга бўлган инсонлар жуда кам учрайдилар. Шу сабабдан Форобий раҳбарлика бир одамни эмас, балки икки ва ундан кўпроқ инсонларни таклиф қилади¹. Фикримизча, унинг рационал фикрлашга асосланган бундай ғоялари ҳозирги даврдаги ижро этувчи ҳокимият — Вазирлар Маҳкамасининг тузилишини англатгандек бўлади. Дарҳақиқат, замонавий давлат бошқарувиға ўз соҳасининг етук мутахассисларини жалб этилиш анъаналари Форобий таълимотидан бери келмоқда десак сира муболаға бўлмайди. Лекин у барибир бир одамнинг, кучли шахснинг раҳбарлигига ўз мойиллигини билдиради. Раҳбариятнинг сонидан қатъи назар номзодларни ажратиб олиш мезони қилиб, Форобий интеллектуал, ахлоқий сифатларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Унинг таъбирича, давлат бошлиғи лавозимига маълумотли феодаллар ёки рационал даражада фикрлайдиган илғор зиёлилар лойиқдирлар.

Социология фанининг асосчиларидан бири сифатида эътироф қилинадиган, 1332 йилда Тунисда туғилган, Шарқнинг яна бир машҳур мутафаккири Ибн Халдун ҳам тафаккур масалалари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратган. Ўзининг «Муқаддима» асарида айнан тафаккур қилиш хусусияти туфайли инсон илм ва ҳунарға эга бўлиб, унинг ёрдамида бошқа махлуқотлардан ажралиб туриши

¹ Холбеков А. Бошқарув социологияси. — Тошкент: «Академия», 2007. 49–51-б.

ва улардан улуғроқ мақомда бўлишини таъкидлайди¹. Мутафаккир мазкур асарида Форобий фикрларини давом эттириб, инсонларнинг жамиятга бирлашуви уларнинг ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш зарурияти туфайли содир бўлишини тасдиқлайди.

Жумладан, бу ҳодисани қуйидаги фикрлари билан асослайди. «Одам ўз табиатига мувофиқ ижтимоий мавжудотдир, яъни уни бошқа кишилар билан ўзаро бирлашуви зуруриятдир. Бундай бирлашувни ифодалаш учун улар шаҳар сўзини ишлатишади. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг маъноси бўлиб, унинг талқини қуйидагичадир: Аллоҳ (унга ҳамд-санолар бўлсин!) одамни шундай қилиб яратдики, унинг ҳаёти ва мавжудлигини озиқ-овқатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Парвардигор одамни унга берган ақл билан бундай емакка эришиш кўникмаларини излаб топишга қодир қилди»².

Аммо, зарур ноз-неъматларга эришишга ёлғиз одамнинг жисмоний имкониятлари етишмайди. Зеро, бу жараён мураккаб бўлиб, у бир нечта босқични тақозо этади. Масалан, нон неъматига эришиш учун фақат буғдой бошоғига эга бўлиш кифоя қилинмайди. Дастлаб уни янчиб, ун ҳолатига келтириш, кейин бу ундан хамир қориш ва ниҳоят, нонни ёпиш талаб қилинади. Бу ишларнинг барчаси эса турли хил асбоб-ускуналарни тақозо этади. Шунинг учун бунча юмушларни бир кишининг кучи билан бажариш имкониятлари мавжуд эмаслиги туфайли уни шундай неъматларга эришиш пайида бўлган бошқа кишилар билан бирлашиши зарур. Демак, биз бундай шароитда инсон ҳаёт фаолиятининг дебочаси сифатида унга берилган ақл неъматига ҳодисаси билан дуч келаяпмиз.

¹ Ибн-Халдун. Введение (фрагменты). *Перевод С.М. Бациевой.* // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв. Составители: С.Н. Григорян и А.В. Сагадеев. – Москва: Изд. Социально-экономической литературы. 1961. –С. 562.

² Ўша ерда. –С.563.

Ибн Халдун инсоннинг хавф-хатардан сақланишида ва бунда ақлнинг ўрнига катта эътибор қаратишида ҳаётий мисолларга таяниши таҳсинга лойиқдир. Унинг фикрича, одам жисмоний жиҳатдан қараганда ҳайвонлардан анча заифдир. Масалан, от, эшак, буқа, арслон, фил ва ҳоказоларнинг кучи одамнинг кучидан бир неча баробар кўпдир. Махлуқлар ўртасидаги душманлик ва адоват табиий ҳодиса бўлгани учун Худо уларнинг тана аъзоларини бошқалар ҳамласидан сақланишга мослаб яратган. Одамга эса бунинг учун тафаккур ва қўлни ато этди. Одамнинг қўли тафаккур ёрдамида хунармандчиликка мослашади ва у ҳайвонларнинг тана аъзоларидек ҳимоя воситалари каби муҳофаза қуролларини яратади. Масалан, найза шохни, қилич ўткир чангални, қалқон қалин терини ва ҳоказоларнинг ўрнини босади. Лекин унинг ёлғиз ўзи бундай мудофаа воситалари билан ҳайвонлар, айниқса, йиртқичлар таҳдидидан ҳимоялана олмайди. Чунки бир одамнинг кучи шунча миқдордаги хавфсизлик воситаларини ишлаб чиқаришга сира етмайди. Зеро, бундай ҳимоя қуролларини ишлаб чиқариш кўпгина хунармандчилик соҳасининг иштирокини тақозо этади. Бундай ҳолатни биз Форобийнинг қарашларида ҳам кузатган эдик. Фикримизча, унинг таълимотидан яхши хабардор бўлган Ибн Халдун ўз илмий қарашларини ишлаб чиқишда бевосита Форобий фикрларига ҳам таянган, деб ҳисоблашга тўлиқ асос мавжуд.

Ибн Халдуннинг юқоридаги фикрларидан маълум бўлаяптики, одамдаги энг муҳим имконият — бу ундаги фикрлаш қобилиятидир. Шу ерда собиқ тоталитар тузум даврида унинг илмий фаолияти материалистик талқин негизида таҳлил этилганини таъкидлаш лозим. Гўёки, у ўз таълимотининг асосларини ишлаб чиқишда, яъни табиат ва жамият муносабатларини таҳлил этиш учун илоҳиятга рамзий маънода мурожаат қилишни амалга ошириб, амалда эса моддиюнчилик тамойилига риоя қилган деган асоссиз иддаолар билан дуч келамиз. Ҳатто, унинг таълимоти В.И.Ленинни ҳам қизиқтириб,

у «Шарқда бундай мутафаккирлар яна бўлганми?» деган саволни берган, деб даъво қилинишини айрим олимлар ўз асарларида кўрсатиб ўтганлар¹. Холбуки, у ўзининг ҳар бир муҳим фикрларини изхор этишда илоҳиётни зикр этади ва қуйидаги мулоҳазалари уни материалистик таълимотдан узоқлигини кўрсатади. «Ақл ва руҳ жисмсиз ва номоддийдирлар»².

Унинг асарларида илгари сурилган илмий хулосаларнинг мазмуни ва ўзига хослигини холис тарзда тушуниб етишимиз учун эса бу асарлардан тўлиқ хабардор бўлиш талаб этилади. Бахтга қарши, унинг асарлари ўзбек тилига ҳали таржима қилинмаган. Биз ўз тадқиқотларимиз, жумладан мазкур монография ишини тайёрлашда ўтган асарнинг 60–80 йилларида рус тилида чоп этилган адабиётларга мурожаат қиляпмиз. Холбуки, ўша даврда ҳам Ибн Халдуннинг асарлари тўлиқ нашр этилмаган, фақат айрим асарларидан парчалар келтирилиб, улар рус тилига таржима қилинган. Лекин улардан маълум бир маънода, бирламчи манба сифатида фойдаланишимиз мумкин, албатта. «Муқаддима»да яна бир жиҳат ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туришига эътиборни қаратмоқчимиз. Асарда Ибн Халдун одам зоти-ни авваламбор, ҳайвонот олаmidан унга берилган фикрлаш қобилияти туфайли кескин фарқ қилишини таъкидлаб, ундаги тафаккурни 3 та турга ажратади.

Биринчиси, одамнинг табиий ва кишилар томонидан ўрнатилган ташқи ҳодисаларнинг тартибини англаши орқали ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга қодир бўлишига йўналтирилган. Тафаккурнинг бу тури одам тасаввурларининг катта қисмини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, у «фарқлайдиган қобилият», деб номланади. Унинг шарофати билан одам ўз турмуш эҳтиёжлари учун

¹ Игнатенко А.А. Ибн-Халдун. – Москва: «Мысль». 1980. –С.7–8.

² Ибн-Халдун. Введение (фрагменты). *Перевод С.М. Бацеевой.* // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв. Составители: С.Н. Григорян и А.В. Сагадеев. – Москва: Изд. Социально-экономической литературы, 1961. –С.616.

зарур бўладиган воситаларга эга бўлади ва ҳаётидаги фойдалиликни зарарлиликдан фарқ қилишга эришади.

Иккинчиси, унга мувофиқ, одам кишилик жамиятида ўрнатилган дунёқараш ва тартиб-қоидаларга амал қилади. Бундай тартиб-қоидаларнинг катта қисми ҳаётий тажриба негизида, давомли тарзда шундай ташкил этиладики, пировардида улар инсонларга фойда келтиради. Шу туфайли у тажрибавий тафаккур, деб номланади. Ҳозирги кун социологиясида бу ҳолат ижтимоийлашув жараёни сифатида таърифланиши бежиз эмас экан.

Учинчиси, билишда ёки бирор-бир нарса ҳақидаги фикрни юзага чиқаришда фойда келтиради. Бунда ҳиссий идрок қилиш ва ҳаракат билан бевосита боғлиқ эмас. Тафаккурнинг ушбу тури – мушоҳадага асосланган, яъни абстракт тафаккурдир¹.

Ибн Халдуннинг фикрича, одамнинг уни ўраб турган оламдаги ҳеч бир хатти-ҳаракати ҳар қандай нарсанинг бошқаси билан боғлиқлигининг сабабини дастлабки тасаввурни шакллантирмасдан амалга оширилишининг иложи йўқдир. Фақат шундай мулоҳазадан кейин одам муайян ҳаракат содир қилиши мумкин. Одамнинг тафаккур қилиш қобилияти туфайли унга ердаги барча жониворлар бўйсундирилганини Ибн Халдун Куръон ояти асосида таъкидлайди. Демак, унинг фикрича одам ўзида мужассамлашган фикрлаш сифати билан бошқа махлуқотлардан фарқ қилар экан, кишилар ўртасидаги фарқ ҳам айнан тафаккур қилишнинг даражаси асосида ўрнатилади. Зеро, у ёки бу одамнинг ҳодисаларнинг сабаби, оқибати ва кетма-кетлигини қанчалик даражада фикрлаши орқали кузатиб боришига қараб, унинг ақл кучи аниқланади².

¹ Ибн-Халдун. Введение (фрагменты). *Перевод С.М. Бациевой.* // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв. Составители: С.Н. Григорян и А.В. Сагадеев. – Москва: Изд. Социально-экономической литературы, 1961. –С.612.

² Ўша ерда. –С.614.

Ибн Халдуннинг фикрича, шундай одамлар борки, улар бир-биридан кейин келадиган икки ёки уч ходисанинг ўзаро сабабли боғлиқлигини тасаввур қила оладилар. Айрим кишилар эса шундай ҳолатдаги беш ёки олтита ходисанинг алоқасини ўз тафаккурлари ила кузата оладилар. Айнан ўшалар ақлнинг энг юқори даражадаги кучига эга ҳисобланадилар¹.

Абу Наср Форобийнинг кишилардаги фикрлаш қобилиятининг маҳсули бўлган ривожланиш жараёнига табиий иқлимнинг таъсири ҳақидаги ўзига хос ёндашуви ҳам Ибн Халдун томонидан ижодий тарзда, янада юксак савияга кўтарилган десак, сира муболаға бўлмайди. Агарда Форобий табиий кўникма ва ахлоқ, характер ва тилни кишилардаги фикрлаш салоҳиятини оширувчи ҳамда жамият ривожининг ўзига хос омили, деб эътироф қилса, Ибн Халдун эса иқлимларнинг ранг-баранглиги ҳам бу жараёнда аҳамиятли ўрин топишини таъкидлайди. Чунончи, у иқлимларни мўътадил ва номўътадил шаклга эга бўлган 7 та турини ажратиб, уларнинг ҳар бирини ўзига хос сифатга эга эканлигини тавсифлашга ҳаракат қилади. Турли иқлимда истиқомат қилувчиларнинг турмуш тарзи ҳам турлича бўлишини у уй-жойлар қурилишида ишлатилаётган материалларга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан, мўътадил иқлимда яшовчилар уйлари тошли пойдевор устига қурсалар, номўътадил иқлимдагилар эса лой ва қамишдан қуришига у ўз эътиборини қаратадилар².

Шундай қилиб, иқлим ҳам одамларнинг ақлий қобилиятига ва ҳаёт сифатининг даражасига фаол таъсир кўрсатади. Ибн Халдуннинг юқоридаги фикрларига таяниб, биз ҳам мазкур масала бўйича қуйидаги мулоҳазаларимизни илгари суришга жазм этдик: бизнинг мамлакат ҳам мўътадил табиий иқлим ҳукмронлик қилаётган минтақада жойлашган. Унга мувофиқ ҳудудимизда барча фаслларда муайян меъёр мавжуд. Масалан, қиш жуда совуқ келмайди,

¹ Ўша ерда. –С.614.

² Ўша ерда. –С.564–566.

албатта, чилладаги 10–15 кундаги қаҳратон совуқни ҳисобга олмасак. Умуман бу фасл минтақамизга хос тарзда бўлади ва шимолий мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Баҳор фасли ҳам шундай хусусиятга эга, ёғингарчилик ҳам вақти-вақти билан, кишига ёқимли тарзда таъсир қилиш хусусияти орқали содир бўлади ва жанубий-шарқий Осиё мамлакатларига ўхшаб ёмғир ҳафталаб, «челакдан қуйгандек» ҳолатда бўлмай, ҳалокатли сел ҳодисаларини деярли келтириб чиқармайди.

Ёз фасли ҳам ўзгача кўринишда бўлиб, кунлар етарли даражада исийди, жазирама иссиқ фақат чилла вақтида ва у ҳам 10–15 кундан ошмайди, лекин жазирамалик ҳолати экваторга яқин мамлакатлар каби фасл давомида сақланиб турмайди ва ҳаво температураси +55–60° даражада бўлмайди. Мамлакатимиз аҳолиси кузни ҳақиқатан «олтин куз» деб бежиз атамайди. Бу фаслда илиқлик даражаси мўътадил, ёғингарчилик вақти-вақти билан, асосан октябрнинг 20-кунларидан бошланди. Ушбу мисоллардан қуйидаги этно-социологик хулосани чиқарса бўлади, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз аҳолисининг характери ҳам мўътадиллик хусусиятига эга: ўзбекни бирор-бир ҳодисадан қаттиқ таъсирланиб, жаҳли чиқиши дарҳол юз бермайди, агарда бундай ҳолат юз берган тақдирда, бир оз вақт ўтиб, у яна ўзининг нормал эмоционал ҳолатига қайтади. Иссиқ иқлимда туғилиб ўсган кишилар ҳис-ҳаяжонга жуда тез берилувчан ва сержаҳл характерга эгалар. Бу ҳолат уларни ўта жазирама шароитида туғилиб, вояга етганликлари билан изоҳланиши мумкин. Балки, айнан шу сифатлар қора танли кишилар асосан спортнинг агрессив турларидан ҳисобланган профессионал боксда фаолият кўрсатишларига сабабдир. Шимолий мамлакатларнинг фуқаролари характерида ўта совуққонликни кузатиш мумкин. Уларнинг ҳис-ҳаяжонини унча-мунча сабаб билан қўзғатиб бўлмайди. Демак, Форобий ва кейинроқ Ибн Халдун томонидан табиий иқлим шароитини миллат дунёқараши, яъни менталитетининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган восита сифатида тан

олиниши илмий асосларга эга, жуғрофий муҳит эса жамият ривожининг муҳим бир омили бўлиб хизмат қилади, деб ҳисобласак муболаға бўлмайди.

Абу Наср Форобий ва Ибн Халдун томонидан рационализм тамойилига асосланиб ишлаб чиқилган илмий хулосалар ижтимоий тараққиётнинг замонавий таълимотлари ҳамда тамойиллари учун ҳам ўзининг долзарб аҳамиятини сақлай олган қимматли тарихий-маданий меросдир, деган фикрни дадил илгари суриш мумкин.

3 §. Социологияда рационалистик ғояларнинг ишлаб чиқилиши

Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши XIX асрнинг биринчи ярми ва француз мутафаккири Огюст Конт номи билан боғлиқ бўлса-да, лекин илк социологик муаммолар анча илгари, кишилик жамияти вужудга келганидан бери ўрганиб келинган. Социологиянинг алоҳида фан сифатида пайдо бўлишида бошқа фанларнинг таъсири катта бўлди. Бунда фалсафанинг ўрни ўзига хосдир. Чунки илк социал масалалар айнан фалсафа фани доирасида таҳлил қилиниб келинган. Қадимги Хитой, Хиндистон, Юнонистон ва Марказий Осиё мутафаккирлари ўзларининг фалсафий асарларида социологик муаммолар тадқиқотларига алоҳида ўрин ажратиб келганлар. Масалан, қадимги ҳинд мифологиялари: Маҳобҳорат ва Рамаёна каби асарларда ҳукмдорлар ва тобелар ҳамда қариндош-уруғлар муносабатлари, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилишда компромисс ва консенсус каби социал муносабатларнинг илк таҳлилини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Платоннинг «Давлат», «Қонунлар», Аристотелнинг «Сиёсат», Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» каби асарларида кишиларнинг рационал тафаккур қилиш фаолиятларини тадқиқ этиш орқали идеал жамият лойиҳаси, жамият социал структураси масалаларига катта эътибор қаратилган. О.Конт эса янги фанни бунёд қилиш бўйича ўз фаолиятини фалсафани танқид қилишдан бошлаб,

ижтимоий тараққиёт қонунларини: теологик, метафизик ва позитивистик мазмун кўринишида ҳосил қилмоқчи бўлган. Унинг фикрича, анъанавий фалсафа янги давр талабига жавоб бера олмайди, чунки у мавҳум фандир. Шу сабабли энди ижтимоий фанлар бу даврга келиб, катта муваффақиятларга эришган табиий фанлардан «намуна» олиб, жамият ҳаётига фойда келтиришлари керак. Янги ижтимоий фанни Конт дастлаб «социал физика», кейинчалик эса «социология» деб атади. Шу нуқтаи назардан қараганда, социологиянинг мустақил фан мақомига эришиши фақат XIX асрнинг биринчи ярмида ва айнан Фарбий Европада содир бўлди дейишимизга тарихий ва илмий асослар етарлидир. Бу вақтга келиб, Фарб мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида кескин бурилишлар юз берди. Авваламбор, феодал муносабатлар таназзулга юз тутиб, улар ўрнини капиталистик муносабатлар эгаллади. Иккинчидан, бу даврга келиб, табиий фанларда улкан кашфиётлар амалга оширилди ва улар жамият ҳаётининг ривожига жиддий ижобий таъсир кўрсата бошладилар. Ва ниҳоят, йирик шаҳарлар барпо бўлиб, унинг натижасида жамиятда саноатлашиш жараёни бошланди. Мазкур жараёнларларни кузатиб бораётган О.Конт жамият тараққиётини таъминлайдиган янги ижтимоий фанни яратиш лозим деган хулосага келади ва бу фан жамият ривожини ифодалайдиган «уч босқич қонуни»га асосланиш таклифини илгари суради¹.

Бошқа бир француз олими Эмиль Дюркгейм Конт фикрларини асосан маъқулласа-да, лекин айрим масалаларда унга ўз эътирозларини билдирди. Биринчидан, социология фалсафадан ажралиши керак, лекин уни инкор этиб бўлмайди. Иккинчидан, жамият ўзига хос воқелик бўлиб, уни табиий фанлар хусусияти билан ўрганиб бўлмайди. Унинг асосий шиори – «Ижтимоийликни ижтимоийлик

¹ Конт О. Закон трех стадий истории. // Религия и общества. Христоматия по социологии религии. Сост. В.И. Гараджа, Е.Д. Руткевич. – Москва: «Аспект Пресс», 1996. –С.70–80.

билан тушунтириш лозим» – социологияда назария ва амалиётни ўзаро боғлашга йўналтирилган дастлабки ҳаракатнинг маҳсули эди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, Дюркгейм социологиянинг тадқиқот предмети ҳеч бир бошқа фан ўрганмайдиган ўзига хосликдир, яъни социал фактларни ўрганиш, деб таъкидлайди¹.

Юқорида номи келтирилган социологлар фанни позитивизм йўналишида тараққий этиши учун ўзларининг саъй-ҳаракатларини аямадилар. Лекин улар томонидан ишлаб чиқилган позитивистик методологиянинг XIX аср охирида бошланган таназзули социологиянинг кейинги ривожига ўз таъсирини ўтказган бир қатор янги тамойиллар ва ёндашувларнинг шаклланишига туртки берди. Айниқса, рационализм тамойилига асосланган ғоялар XIX аср охири ва XX аср бошларида социологик таълимотларнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилди. Рационал тафаккур тарафдорлари чуқур ижтимоий-иқтисодий таназзулга ботган Ғарб жамиятини бу ҳолатдан олиб чиқишнинг ягона омили – бу инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлайдиган оқилона жамиятнинг қурилишидир, деб таъкидлайдилар. Ушбу ижтимоий тамойил кейинчалик бир гуруҳ олимларнинг социологик таълимотларининг мазмунига айланди. Шу маънода немис мутафаккирлари: Фердинанд Тённис ва Макс Вебер социологияда рационализм ғояларини татбиқ этилишига салоҳиятли улушларини қўшганлардан ҳисобланадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, XIX асрнинг биринчи ярмидан Ғарб мамлакатларида шиддатли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар бошланди. Бу даврга келиб, Германия Европанинг бошқа мамлакатларидан сезиларли тарзда фарқ қилар эди. Ушбу мамлакатда феодализм тарқоқлик туфайли капиталистик ривожланиш анча суст кечаётган эди. Мамлакатнинг келгуси тараққиёти масалалари асосан икки оқим ўртасидаги баҳс ва мунозаларда муҳокама қилинар

¹ Современная западная социология. Словарь. – Москва: «Политиздат», 1990. –С. 94–96.

эди. Маърифатчилик ғояларига таянган рационалистик тафаккур қилиш тарафдорлари инсон табиатига мос келадиган, оқилона қонунларга асосланган, одил ижтимоий тузум ўрнатилишини ёқлаб чиқсалар, тарихий ёндашув вакиллари эса мустаҳкам анъаналар ва меъёрларга таянган азалий давлат бошқаруви лозимлигини таъкидладилар. Фердинанд Тённиснинг фаолияти ҳам айнан шу мураккаб ва қизиқарли даврда кечди. Унинг сермазмун ва серқирра социологик фаолияти ижтимоий оламга рационалликка асосланган янги тарихий нигоҳ остида кечди. 1881 йилда нашр эттирган ва асосий асари ҳисобланган «Жамоа ва жамият»да Тённис рационаллик тамойили нуқтаи назаридан келиб чиқиб, жамият ҳаётини ташкил қиладиган социал муносабатларнинг икки хил шаклини ишлаб чиқди. Улардан биринчиси жамовий хусусиятга эга бўлиб, Тённис фикрича қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: қариндошлик ва уруғ-аймоқ муносабатлари, қўшничилик муносабатлари ва дўстлик муносабатлари¹. Ушбу муносабатлар учун умумий бирлаштирувчи омиллар бўлиб руҳий кечинма, ўзаро боғлиқлик ва мойиллик, диний мансублик, шунингдек, жамовий идентификацияни сақлаб қолиш ҳаракатлари хизмат қилади. Иккинчи шакл эса жамият муносабатлари деб аталади ва уларнинг асосини рационал айирбош ташкил этади. Бундай турдаги муносабат асосида социал гуруҳлар, табақалар, қатламлар, синфлар, меҳнат жамоалари, шунингдек бошқа жамиятлар ва давлатлар бир-бирларига бегона ва ҳатто самимий бўлмаган ҳолатда ҳам ўзаро мулоқотга киришадилар. Чунки бундай муносабатнинг негизида бир-бирлари учун ўзаро фойдани онгли тарзда англаш ва идрок этиш ётади².

Немис олимнинг юқоридаги социологик хулосалари бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб

¹ Фердинанд Теннис. *Общность и общество*. Перевод с немецкого Д.В. Складнева. – Санкт-Петербург: «Владимир Даль», 2002. –С.26.

² Батыгин Г.С., Подвойский Д.Г. *История социологии*. – Москва: Университет дружбы народов, 2003. –С.27.

келмоқда. Бугунги кунда Эрон Ислом Республикасининг ядро энергиясидан фойдаланиш учун қилаётган ҳаракатларида Россия Федерацияси фаол иштирок этмоқда. Лекин бу ҳол АҚШ ва Исроил каби мамлакатларнинг ҳукуматини жиддий ташвишлантираёпти. Чунки бу мамлакатларнинг раҳбарлари Эрон атом энергиясидан ядровий қурол яратишни мақсад қилиб қўйган ва жаҳон ҳамжамиятини «биз атом энергиясидан фақат тинч мақсадларда фойдаланамиз» деган уйдирмасига ишонтирмоқчи, деб хавотир билдирмоқдалар. Эрон давлати раҳбарлари эса мамлакат иқтисодининг диверсификациялашаётгани сабабли электр энергиясига бўлган эҳтиёжини ошиб бориши ва бу муаммони бартараф қилишнинг ечими эса атом электр станциялар қуриш орқали ҳал бўлишини исботлашга интилоқда. Эронга бу мураккаб масалада ёрдам беришда Россиянинг ўрни ўзига хосдир.

Зеро, дунёда АЭС қуришга илмий-техник салоҳияти етадиган мамлакатлар бармоқ билан саноклидир. Россия Федерацияси ҳам шу туркумдаги мамлакатлар сирасига киради. XX асрнинг 90-йилларидаги чуқур таназул ҳолатидан чиқиб олишга муваффақ бўлган Россия Федерацияси яна жаҳонда фаол, етакчи мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилаяпти. Ушбу мақомдан келиб чиқиб, бу давлат бошқа мамлакатлардаги мураккаб технологияларни тақозо этадиган турли хилдаги саноат ва энергетика иншоотларининг қурилишида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу рационал-мантиқий ва прагматик ёндашувдан келиб чиқиб, у Эрон Ислом Республикасига ўзаро иқтисодий манфаатлар асосида бундай мураккаб иншоотларнинг бунёд бўлишида яқиндан ёрдам бермоқда.

Холбуки, Россияни Эрон билан жиддий тарзда боғлайдиган умумий сиёсий-ҳарбий блокларга аъзолик, этно-маданий, диний ва бошқа омиллар мавжуд эмас. Ҳамкорликнинг асл моҳияти шундан иборатки, Эроннинг Бушер шаҳрида қурилган АЭС учун Россия Федерациясининг давлат бюджети бир неча миллиард долларлик иқтисодий фойдага эга бўлди. Қолаверса, ядро физикаси муаммолари билан

шуғулланадиган рус мутахассисларининг ишсиз қолиши уларнинг юқори савиядаги малакасининг йўқолишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Россия раҳбарияти ўз ташқи сиёсатини Тённис таъкидлаб ўтган, ўзида прагматик мазмунни мужассамлаштирган рационал тафаккур қилиш орқали олиб бормоқда. Прагматик тафаккур эса предмет ва ходисаларнинг фойдалилиги ҳақидаги тасаввурлар асосида шаклланади. Кўпинча бу тафаккур тури индивид, социал гуруҳ ва миллатларнинг ўзларини камолотга етказиш, жамият аъзоларини ҳали фойдаланилмаган ақлий имкониятларни излаб топишларига рағбат уйғотади. Ҳозирги глобаллашув шароитларида эса у кўпгина шахс, социал гуруҳлар ва ҳатто юқорида мисол келтирганимиздек бутун бир давлатларга ҳам хосдир. Масалан, халқаро муносабатларда инглизларга нисбатан «инглизларнинг доимий дўстлари йўқ, уларнинг доимий манфаатлари мавжуд» деган афоризмнинг қўлланиб келиниши кўпчиликка аён.

Тённис таълимоти бўйича мазкур социал муносабатларни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, уларга мувофиқ келадиган икки ирода тури намоён бўлади. Жамоа муносабатларига асос сифатида табиий инстинктив ирода (*Wesenwille*), жамият муносабатларига эса ақл-идроқка асосланган ирода (*Kürwille*) хизмат қилади¹. Табиий иродада авлод-аждодлардан мерос бўлиб қолган, ўзида ахлоқ ва виждонийликни тараннум этган фикрлаш тарзи, ақл-идроқка асосланган иродада эса юқори даражадаги рационаллик доминантлик қилади. «Агарда биз ўртоқлик [*Genossenschaft*] жамоа алоқаларини, уюшма [*Verein*] эса жамият алоқаларини ифодаловчи сўзлар сифатида татбиқ этсак, унда ўртоқлик фақат табиат маҳсули, деб изоҳланиши ва тушунилиши мумкин бўлади, яъни у ўзининг келиб чиқиши ва ривожини учун муайян табиий шароитларни тақозо этадиган бирор бир нарса сифатида гавдаланади. Бинобарин, ўртоқлик

¹ Фердинанд Теннис. *Общность и общество*. Перевод с немецкого Д.В. Скляднева. – Санкт-Петербург: «Владимир Даль», 2002. – С.131.

интеграл моҳият тушунчасига мувофиқ келади. Ва аксинча, уюшма – бу фикрий конструкция ёки ўй-хаёлга асосланган моҳият бўлиб, у ўз таъсисчиларига у ёки бу муносабатларда уларнинг умумий танловга асосланган иродаларини намойиш қилишга хизмат қилади. Бу ерда авваламбор, шундай мақсад ҳақидаги саволни қўйиш керакки, унинг учун уюшма восита ва сабаб сифатида мўлжалланилади»¹.

Демак, хулоса қилиб айтганда, жамият ҳаётининг такомиллашиб бориши натижасида жамоавий муносабатлар жамият муносабатлари томон ўсиб боради. Тённиснинг таъкидлашича тафаккур ва ирода ҳар қандай инсоннинг онгли фаолияти асосидир. «Жамоа ва жамият», кейинчалик бошқа бир қатор асарларида у ижтимоий ҳаёт муаммолари ва ҳодисаларини фақат рационаллик негизида таҳлил қилиш мумкин, деган хулосаларини илгари суриб келди².

Социологиядаги гуманистик йўналиш асосчиси ҳисобланадиган немис мутафаккири М.Вебер социал ҳаракат ҳақидаги таълимотида рационаллик тамойили асосида тафаккур қилишнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини аниқ тасвирлаб берган. Кишилар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатининг субъектив маъносини социологик жиҳатларда тадқиқ қилиш учун М.Вебер социал ҳаракатлар таснифни ишлаб чиқди ва уларга қуйидаги турларни тааллуқли ҳисоблайди: мақсадга йўналтирилган рационал, қадриятли-рационал, анъанавий ва аффектив³.

Макс Вебер социологик назариясининг асосини рационализм тамойили ташкил этар экан, шу туфайли у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларга бундай ёндашуви билан ўзининг таниқли миллатдоши Карл Марксдан кескин фарқ қилади. Бунинг сабаби шундаки, асосий асари «Капитал» ва бошқаларида Маркс ижтимоий тараққиёт

¹ Ўша ерда. –С.343–344.

² Karl-Heinz Hillman. Wörterbuch der Soziologie. – Stuttgart: «Kröner». 1994. –С.875–876.

³ М. Вебер. Избранные произведения. – Москва: «Прогресс», 1990. –С. 628.

учун моддийликнинг ролини улуғлаб, бу жараёнда маънавий омил, яъни тафаккурга «ёрдамчи» восита вазифасини юклаган. Унинг асарларидан яхши хабардор бўлган М. Вебер эса бундай қарашларни қабул қилмайди, аксинча, уни кескин танқид қилиб, тафаккурга нисбатан рационалистик ёндашув орқали ўзининг илғор фикрларини илгари суришга муваффақ бўлади. 1905 йилда дин социологияси бўйича нашр эттирган «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи» унинг бир қатор асарлари учун илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. Айнан дин социологиясига бағишланган асарларида у рационализм тамойилининг таҳлилига асосий эътиборини қаратган. «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи» асарида у XIX асрдан бошлаб Фарб жамиятининг жадал тараққиёт йўлига чиқиши сабабларини излашга интилади. Бунда у катта ҳажмдаги тарихий маълумотларга таяниб, ўз хулосаларини илгари суради. Вебер ишончли тарихий лавҳалар асосида механика, физика, астрономия, геометрия, ҳуқуқ, архитектура, ноширлик, рангасвир ва ҳатто мусиқа соҳаларида эришилган оламшумул кашфиётлар кишилик жамияти ривожига таъсир этгани, бироқ, улар дастлаб Шарқ жамиятларида содир этилганини алоҳида таъкидлаб, лекин уларнинг аксарияти ўз амалий-ижтимоий татбиқини фақат Фарбда топгани ҳақидаги таҳлилий фикрларини илгари суради. Вебер кишилик жамияти тараққиётини таъминлашга улкан асос бўлган капиталистик тузум ҳам айнан Фарбда шаклланганлигини ишончли далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади. «Тадбиркорлик, тўкин-сочинлик ва кўпроқ молиявий фойда олишни кўзлаш капитализм билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Бундай интилишлар официантлар, врачлар, извошчилар, рассомлар, порахўр-амалдорлар, ҳарбийлар ва ҳатто қароқчилар, салб юришлари қатнашчилари ва қиморбозларда ҳам кузатилган ва кузатилмоқда. Тўла асос билан айтиш мумкинки, бундай мақсадга интилиш бирор-бир объектив шароит бўлса ҳар давр ва ҳар қандай мамлакатга хос воқелиқдир»¹.

¹ Ўша ерда. –С.47–48.

Юқоридаги мулоҳазаларини давом эттириб, у капитализм ҳақидаги мазкур содда тасаввурлардан воз кечиш кераклигини таъкидлайди. Бойлик орттириш йўлидаги чексиз очкўзлик ҳеч қандай маънода капитализмга мос эмас. Бу ҳол унинг руҳига тамоман зиддир ва шунинг учун капитализмнинг ўзи иррационализмга асосланган ушбу ҳодисани бартараф қилиш механизмидир деган хулоса келади. Унинг фикрича, капитализм — бу мутассил фаолият кўрсатадиган рационал корхона доирасида фойда кўришга, рентабелликка интилишдир. Лекин бундай корхоналар илгариги жамиятларда ҳам фаолият кўрсатганлар. Вебер Хитой, Ҳиндистон, Вавилон, Миср каби мамлакатларнинг Фарбдаги давлатлар билан фарқи шундаки, уларда буржуазия ва пролетариатнинг синф сифатида муносабатлари мавжуд эмас деган хулосага келади. Шунингдек, у Шарқ ва Фарб ўртасида бошқа бир қатор ўзаро ўхшашликларни кўрсатиб ўтиб, капиталистик жамиятнинг шаклланишига асосий таъсирни кўрсатган рационал омил — бу протестантликнинг ахлоқий хусусиятлари эканлигини илгари суради. Бундай хулосани чиқариш учун у яна тарихий материалларга мурожаат қилади. Маълум бўлишича, XIX аср бошларига келиб, протестантликка эътиқод қилувчи мамлакатлар католицизм ва православия ҳукмронлик қилган мамлакатлардан иқтисодий жиҳатдан анча ўзиб кетишган. Бунга у протестантликка мойил бўлган илғор Англия ва Нидерландия, католицизмни қаттиқ ушлаган қоқоқ Испания ва Италияни мисол тариқасида келтирилади. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари сифатида Вебер протестантликдаги толерантлик хусусиятлари ва бу мазҳаб черковининг сарф-харажатлари рационаллик асосига қурилгани: ортиқча байрамлар, бекорчи руҳонийларнинг йўқлиги ва бунинг натижасида қўшимча ишчи кучлари пайдо бўлганини таъкидлайди. Лекин энг асосийси — бу протестантликда «дунёвий аскетизм»ни ифодаловчи рационал тафаккур ҳукмронлигидир. Унга мувофиқ, протестантизм дунёвий касбий фаолиятни Худо йўлида хизмат қилиш, иқтисодий

қонунларни эса диний мажбуриятларни бажариш воситаси деб қабул қилди.

Албатта, Вебер ижтимоий тараққиёт масалаларини дин социологияси жиҳатидан келиб чиқиб, амалга оширган таҳлилида фақат «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи» билан чекланиб қолмади. Бу мавзудаги ўз илмий қарашларини кейинги асарларида янада такомиллаштириб боришга муваффақ бўлди ва унинг илғор ғоялари социологияда рационалистик йўналишнинг тутган аҳамиятини янада ошишига катта ижобий таъсирини ўтказди. «Макс Вебер мумтоз социологлар орасидан бир ўзи ҳам тарихий-фалсафий тафаккур асослари, ҳам эволюционизмнинг бош тахминлари билан алоқани узди. Пировардида, кўхна Европа жамияти замонавийлашуви — бу рационалликнинг универсал-тарихий жараёни натижаси эканлигини тушуниш вазифасини кун тартибига қўйди»¹.

Айнан шунинг учун бугунги кунда ҳам унинг социологик меросига қизиқиш яна ортиб бормоқда. Зеро, ўзининг тараққиёт босқичида постиндустриал даражага етган Ғарб мамлакатларида маънавий таназзул кучайиб бораётган ҳозирги бир мураккаб даврда Вебернинг социологик асарлари ўз аҳамиятини ҳамон сақлаб келмоқда.

Мумтоз социология вакиллариининг илмий меросини танқидий руҳда, турли ёндашувлар асосида таҳлил қилиниши туфайли замонавий социологияда рационализм масалалари янада жадал тарзда тадқиқ қилина бошланди. Зеро, инсон ва унинг рационаллик даражада тафаккур қилиш қобилияти масалалари кишилиқ жамиятининг абадий муаммоларидан бири сифатида бекорга эътироф қилинмайди. Айрим олимлар рационалистик ғояларни танқид қилиб, унинг аҳамияти бугунги кунда классик социология давридагичалиқ долзарб эмас, деб ҳисобласалар, бошқалари эса замонавий шароитларда ҳам рационализм тамойили ўз салоҳиятига эга эканлигини

¹ Юрген Хабермас. Теория рационализации Макса Вебера. // Тягунова Т. Перевод с немецкого. Социологическое обозрение. Т.8. №3. 2009. —С.37.

химоя қилишмоқда. Тўғри, рационализмнинг кўпчиликни ташкил этадиган спектиклари ва танқидчилари уни буткул инкор қилиш ғоясини илгари суришмаяпти, аммо улар олдинги авлод мутафаккирлари томонидан рационаликка юкланган юксак илмий, маданий ва ахлоқий масъулиятни унинг зиммасидан олишни таклиф этишмоқда¹.

XX асрда Фарб социологиясининг таниқли вакили, америкалик олим, Нобель мукофоти лауреати Герберт Александер Саймон томонидан «чекланган рационаллик» ғояси илгари сурилди. Ушбу ёндашувга мувофиқ кишилар айрим сабаблар туфайли ўз хатти-ҳаракатларини рационал тарзда, тўлиқ равишда олиб бормайдилар. Чунки замонавий жамиятда информация оқимининг шиддат билан кечиши ва мураккаблиги туфайли уларни қабул қилиш ва қайта ишлаш машаққати кишиларнинг тўғри қарорларни қабул қилишларига монелик қилади. Унинг ушбу фикрларида мантиқий асос мавжуд. Дарҳақиқат, дунёда кечаётган глобаллашув жараёни информация оқимини мислсиз тарзда кучайтириб юбораяпти. Бу эса ўз навбатида долзарб ижтимоий муаммоларнинг адекват ечимини излаб топишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Тўғри, америкалик олимнинг юқорида билдирилган фикрлари айрим социологлар томонидан танқидий руҳда таҳлил қилиниши билан ҳам дуч келишимиз мумкин. Жумладан, россиялик олим И.В. Розмаинский Г.Саймоннинг «чекланган рационаллик» ғояси тадқиқотчиларни нотўғри йўлга буриб юбориши мумкин, зеро унинг назарияси рационалликнинг қайд қилинган даражасини тақозо этади, деб ҳисоблайди².

Академик Р.А. Убайдуллаева, профессор О.Б. Ата-Мирзаев ва доцент Ў.К. Қаюмов томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларида ижтимоий фикр

¹ Кошеев Э.Б. Рациональность между наукой и обществом. //Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки, 2014. № 3 (24). –С.71.

² Розмаинский И.В. На пути к общей теории нерациональности поведения хозяйствующих субъектов. // Экономический вестник РГУ, 2008. Т.1. N 4. –С.86.

айнан рационаллик-эмоционал-иродавий уйғунликдаги яхлитликни тақозо этиши таъкидланади¹.

Юқоридаги фикрлар социология фанлари доктори, профессор М.Х. Ганиева томонидан янада ривожлантирилди. Унинг илмий хулосасига мувофиқ, ижтимоий фикрнинг аниқ вазифаси сифатида рационаллик концепциясини эътироф этиш қабул қилинган. Пировардида, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш амалиётида ижтимоий фикрни ҳам рационаллик, ҳам ижтимоий назорат уйғунлигини инобатга олиш жорий қилинди².

Социология фанлари доктори Р.Т. Убайдуллаева ҳам ўз илмий ишларида рационаллик ҳодисаси ва унинг турли-туман турларини тадқиқ қилаётганини кузатишимиз мумкин. Ўз илмий изланишларида олима рационалликнинг ўзига хос тури – социал рационаллик масалаларини фаол тадқиқ қилган. Унинг фикрича, авваламбор, рационалликни кундалик ва илмийликка ажратиб олишимиз лозим³. Шунда муаммонинг илмий таҳлилини янада чуқурроқ тарзда амалга ошириш имкониятлари юзага келади. Шунингдек, олима томонидан рационалликни амалий, контекстуал, этно-маданий (Ғарб ва Шарқ рационаллиги) турлари ҳам батафсил очиб берилган. Албатта, рационалликнинг ижтимоий-маданий хусусиятларига эътибор қаратишга йўналтирилган ёндашув социологиядаги янги методология эмас. Бу ҳақида таниқли француз олими Клод Леви-Строс қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Ҳар қандай маданиятга тафаккурнинг ўзига хос бўлган қонунлари, ҳодисаларнинг бир туридан бошқа вариантга ўтишга хизмат қиладиган фикрий чизмаси тааллуқлидир»⁴.

¹ Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Қаюмов У.К. Социология общественного мнения в Узбекистане: теория, методы и практика. – Ташкент: Центр изучения общественного мнения, 2010. –С.21.

² Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития национальных отношений в Узбекистане. Автореф. дисс. докт. соц. наук. – Ташкент: 2009. –С.19.

³ Убайдуллаева Р.Т. Гуманистическая социология: теория, методология и метод. – Ташкент: «Университет», 2010. –С.80–81.

⁴ Леви-Строс К. Первобытное мышление. – Москва: Респ-ка, 1994. –С.10.

Р.Т.Убайдуллаеванинг фикрича, амалий рационаллик тажрибадан ақлга, сезгилардан тафаккурга ва истаклардан мақсадга ўтишни аниқлаш, контекстуал рационаллик эса интерактив, деб ҳам номланиши мумкин. Рационалликнинг бундай тури шахслараро коммуникация жараёнларини тадқиқ қилишда қўл келади. Рационалликнинг Ғарб ва Шарқ жамиятларига хослиги ҳам олима томонидан асосли тарзда тадқиқ қилганлигига эътиборни қаратишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. «Рационалликнинг Ғарбча тури тарихийлик нуқтаи назардан қараганда хусусий ташаббуслар ва индивидуал қобилият негизда шаклланди. Шунинг учун уни формал-индивидуалистик тарзда аташ ҳам мумкин. Рационалликнинг бундай турига индивидуал мақсадларга эришишга йўналганлик, инсоннинг маънавий-ахлоқий сифатларига қараганда чуқур билимга эга бўлиши, янгиликларни аниқлаш билан солиштиришда юқорида баҳолашни ва жамоага нисбатан ҳурматни жойига қамроқ қўйиш хос бўлади. Рационалликнинг шарқона тури ўзининг уюштирувчанлик хусусияти билан ажралаб туради. У умумий манфаатни кўзлашга, шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари, хусусан унинг туйғуларини қадрлашга йўналтирилган мазмунни тараннум этади.

Агарда Ғарб рационалиги ҳақиқатни ҳуқуқ сифатида тушунса, Шарқ рационалиги учун эса ҳақиқат масъулият ва авторитет бўлиб гавдаланади. Шунинг учун айрим мутахассисларнинг фикрича, замонавий конфликтлар — бу икки цивилизация, қадриятлар ва устуворликлар ўртасидаги келишмовчиликлардир»¹. Албатта, ўз илмий ишларида муаллиф диний эътиқодни тараннум этувчи рационаллик ҳақидаги ўз фикрларини изҳор этмаган. Лекин рационалликнинг конфессионал жиҳатларини ҳам тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблашимиз учун етарлича асослар мавжуд.

¹ Убайдуллаева Р.Т. О социальной рациональности и ее типах. // Социс, 2013. №11. —С.12–13.

Россиялик олимлар — А.В.Кураев ва В.И.Кураев диний рационализм масалаларини христианлик мисолида тадқиқ этишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг илмий хулосаларига мувофиқ, «Эътиқод ва ақл, эътиқод ва рационаллик орасидаги муносабатлар оқилоналикнинг нормаллаштирилган ва стандартлаштирилган ифодаси бўлиб, уларни қарама-қаршилик ва ўзаро инкор этишдан холи деган хулосани илгари суришимиз мумкин. Диний эътиқод христианлик нуқтаи назаридан ҳар ҳолда зинҳор рационалликнинг бирор-бир кўринишини ақс эттирмайди. Аниқроғи, диний билимни рационалликдан ҳам юксакроқ, трансрационаллик, деб аташ тўғри бўлади. Бинобарин, у айниқса илмий рационализмнинг маҳсули бўлган «мумтоз рационализм»нинг классик меъёрлари ва ўлчовлари доирасидан холидир»¹.

Бошқа бир россиялик социолог И.В. Скоробогатова ҳам рационалликни диний жиҳатларда тадқиқ қилишнинг муҳимлигига ўз эътиборини қаратган. «Рационалликни диний маконда тушуниш турли диний ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб боришни таъминлаш билан биргаликда, кўп ҳолларда уларнинг ривожини башорат қилиш ҳамда ижтимоий тараққиётнинг тартиби ва барқарорлигига хавф соладиган таҳдидларни вужудга келишидан огоҳлантиради»².

Албатта, юқорида фикр-мулоҳазалари келтирилган социолог олимлар диний рационализм масалаларини христианлик нуқтаи назаридан илгари суришган. Ислом динида рационалликка қаратилган тадқиқотларнинг таҳлилини монография ишининг кейинги бобида олиб боришга интилдик.

¹ Кураев А.В., Кураев В.И. Религиозная вера и рациональность. // В книге Исторические типы рациональности. — Москва: ИФРАН, 1995. Т.1. —С.112.

² Скоробогатова И.В. Рациональность в пространстве религиозного мировоззрения. // Известия Иркутского государственного университета. Серия «Политология и религоведение», 2014. Т.8. —С.242.

II боб. МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1 §. Миллий менталитет феномени ва унинг диний элементи

Авваламбор шу ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, менталитет социология фанининг катта аҳамиятга эга бўлган, лекин ҳали етарли даражада тизимли ва илмий асосда ўрганилмаган категориясидир. Бу социологик категориянинг муҳим методологик аҳамияти шундан иборатки, унинг фаол таъсирисиз ижтимоий ҳаётнинг ҳеч бир соҳаси фаолият кўрсата олмайди. Чунки ҳар бир социал ҳаракат, муносабат маълум бир шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва миллатларнинг онгли фаолиятлари орқали юзага келади. Дарҳақиқат, инсон онгли фаолияти ҳам унинг менталитети маҳсулидир. Шунинг учун ҳар қандай жамиятда миллий менталитет масаласи долзарб муаммо саналиб, унга етарли эътибор қаратилса, ўша жамиятдан тараққиёт аримайди.

Собиқ тоталитар тузум даврида кишилар менталитетининг ижтимоий-маданий хусусиятлари инкор қилиниб келинди. Зеро, парокандага учраган коммунистик мафкура мазмунига мувофиқ менталитет кишилар турмуш тарзининг инъикоси ҳисобланиб, унга иккинчи даражали мақом берилган эди. Бу ҳолат эса жамият аъзоларининг маънавиятини қашшоқлаштириб юборилишига асосий омил бўлди. Айнан ушбу салбий ҳолатлар менталитет социологиясини социология фанининг махсус йўналиши сифатида ривожланишига асосий тўсиқ бўлиб келди. Ҳарб социологиясида эса менталитет муаммолари тизимли ва плюралистик тамойиллар асосида тадқиқ қилинганлигини эътироф этиш лозим. Масаланинг мамлакатимиз шароитларидаги долзарблиги шундаки, эндигина марксистик исканжадан халос бўлган ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафада менталитет тушунчасига дастлабки таърифлар берилган бошланди.

«Менталитет (лот. «mens» — ақл, идрок) — жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган

тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти»¹.

Албатта, мазкур таъриф умумфалсафий мазмун касб этгани туфайли у тафаккурнинг социологик жиҳатларини конкрет даражада таҳлил қилишга тўлиқ жавоб бермайди. Аммо, менталитет тушунчасига фалсафа фанлари доктори, профессор Ш.О. Мадаева томонидан берилган қўйидаги таъриф қомусий луғатда берилганидан тубдан фарқ қилиб, у ўзининг кенг қамровлилиги ва бой мазмуни билан алоҳида ажралиб туришини таъкидлаш лозим. «Менталитет – элат, халқ, миллат, жамоа, гуруҳ, шахснинг тарихий босиб ўтган йўли, биофизиологик ривожланиши, иқтисодий, сиёсий маънавий, диний, экологик, маиший ҳаёт уйғунлиги таъсирида шаклланган, таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий, ақлий салоҳияти, ҳаётий муаммоларга қарши тура олиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган фикрий қобилияти бўлиб, у жамият тараққиёти, иқтисодий-сиёсий даражаси, маънавий камолотида ҳал қилувчи омилдир»².

Демак, айнан тафаккур муаммосининг турли хил ёндашувлар асосидаги фалсафий таҳлили хусусиятларига таянган ҳолда менталитетни социологик категория сифатида эътироф этиш мумкин. Айнан шу мантиқдан келиб чиқиб, аввалги илмий-тадқиқот ишларимизда унга қўйидаги қисқа, лекин лўнда илмий таърифни беришга ҳаракат қилган эдик. Менталитет – бу кишилар, социал гуруҳлар, миллатлар ва халқларнинг муайян ижтимоий-маданий муҳитда, маълум бир тафаккур турларининг фаол таъсири остида шаклланидиган ўзига хос ғоялари, қарашлари, билим ва маълумотларининг йиғиндисидир. Мазкур

¹ Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: «Шарқ», 2004. 257-б.

² Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. Фалсафа фан.док. дисс. – Тошкент, 2009. – 33-б.

таърифдаги ижтимоий-маданий муҳит тушунчасига эса ушбу монография ишида қуйидаги таърифимизни беришни лозим кўрдик: ижтимоий-маданий муҳит — бу бой тарихий-маданий мероснинг хусусиятларини ўзида акс эттирадиган миллий қадриятлар, урф-одатлар, удумлар, анъаналар ҳамда ахлоқий меъёрларнинг яхлит тизими бўлиб, у кишиларнинг миллий ўз-ўзликларини англаш жараёни кечадиган макондир.

Шу боис, ҳеч ким ўз менталитетини миллий ўзликни белгилайдиган мазкур ижтимоий-маданий муҳитдан ташқарида шакллантира олмайди, деб ҳисоблаймиз. Дастлаб чоризм экспансияси, сўнгра 1917 йилда амалга оширилган «Октябрь тўнтариши»дан кейинги даврда мавжуд ижтимоий-маданий муҳитнинг таъсири борган сари сусайиши туфайли миллий ўзликимизни аста-секинлик билан инкор этиб борилиши кузатилди ва бу салбий жараён туфайли айрим ватандошларимиз тафаккурида нигилистик хусусият шаклланди. Лекин миллатимиз ўзликларини сақлашга қаратилган матонатли ҳаракатларини тўхтатмади. Социология фанлари доктори, профессор М.Б.Бекмуродов ва фалсафа фанлари доктори, профессор А.Бегматовнинг асосли тарзда таъкидлашларича, бир ярим асрлик мустамлака даври мобайнида ўзбек халқи ўзликларини асраш, миллий бирлигини маънавий ҳамда ахлоқий яхлитлигини сақлаб қолиш борасида мислсиз матонат кўрсата олди. Халқимиз маънавиятининг ёрқин ифодаси бўлган урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, маросим ва маъракалар тизими сақланиб қолинди¹.

Тўғри, тарихий даврнинг маълум бир даврларида йўл қўйган жиддий хато ва камчиликларимиз, жумладан, айрим юртдошларимизнинг миллий манфаатларимизга зид келган сохта байналминалчилик ғояларига кўр-кўрона ишонганликлари туфайли мамлакатимиз тақдирига тўғридан-тўғри таъсир қила олмадик ва

¹ Бекмуродов М.Б., Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. — Тошкент: «Адолат», 2003. — 4–5-б.

бу ҳолат халқимизнинг эзгу-мақсадларига жиддий зарар келтирди. Биргина Орол денгизи фожиаси ушбу фикрларимизга ишончли ва асосли аргумент бўлиши мумкин. Мамлакатимиз тарихидаги қора кунларнинг яна бир жиддий сабаби шундан иборатки, узоқ вақт давомида миллий менталитет инсон турмуш тарзининг оддий бир кўриниши сифатида ҳисобланиб келинди. Бунда тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари бир ёқлама ва юзаки равишда таҳлил қилинди. Бундан ташқари социология фани ушбу даврда миллий менталитет масалаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда тадқиқ этувчи мустақил фан сифатида эътироф этилмай, унга тарихий материализмнинг «дастёри» деган маънода муомала қилиниб келинди. Чунки марксистик таълимотнинг инсон онги моддийликдан паст туриши ҳақидаги мазмуни борлиқни кишилар онги эмас, аксинча, ижтимоий борлиқ уларнинг онгини белгилаши ҳақидаги тамойилига таянган эди. Мана энди ўз мустақил давлатчилигимизга эга бўлган ҳозирги шароитларда биз юқорида кўрсатиб ўтилган ўтмишдаги хато ва камчиликларимизни чуқур танқидий таҳлил қилиб, уларни сира такрорланмаслик қафолатларини таъминлашимиз зарур. Айниқса, давлат ва жамият бошқаруви масаласида миллий менталитет талабаларига тўлиқ мувофиқ фаолият олиб борилиши давр талабидир. Бу ҳақида мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев қуйидаги фикрларини илгари сурганига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади. «Барчангиз яхши биласиз, халқимиз ориятли, номусли халқ. Халқ барча нарсага чидаши мумкин, лекин, такрор ва такрор айтаман, адолатсизлик ва ноҳақликка асло чидай олмайди. Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Биз халқимизнинг миллий менталитетига ҳам, раҳбар, етакчи деган масъулиятли номга ҳам умуман

тўғри келмайдиган, ярашмайдиган бундай нохуш ҳолатлар билан мутлақо муроса қила олмаймиз»¹.

Маълумки, жамиятимиз миллий-этник таркибининг асосий қисмини ташкил этувчи — ўзбекларга умумийлик сифатлари хосдир. Бу умумийлик маданият, дин, миллий кадриятлар, ахлоқий меъёрлар ва бошқа хусусиятларни қамраб олган ижтимоий тизимда намоён бўлади. Шу билан биргаликда мамлакатимиз минтақаларида аҳоли фикрлаш тарзининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир. Жумладан, Тошкент шаҳри, унинг яқин атрофидаги туманлар ва Фарғона водийсининг аҳолиси бошқа ҳудудларимиздаги кишилардан ўз менталитетидаги диний тафаккур даражаси таъсирининг бир поғона юқорилиги билан ажралиб турса, сурхондарёлик ва қашқадарёлик ватандошларимиз дунёқарашида анънавий тафаккурнинг роли юқоридир. Айнан шу ерларимизда миллий урф-одатларнинг консерватив шаклда эканлигига гувоҳ бўламиз. Бунинг натижасида мазкур урф-одатлар ва анъаналар асрлар давомида ўзгармасдан, авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб келмоқда. Хусусан, бахшилик санъати айнан воҳада шаклланиб, ривожланганлиги ҳам юқорида билдирилган фикрларимизга асос бўлади. Бундай мисолларни ижтимоий ҳаётимиздан яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо, бахтга қарши миллий менталитетимизнинг ижтимоий-маданий ва минтақавий хусусиятлари социологик жиҳатларда ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Ҳолбуки, бугунги глобаллашув шароитларида айнан миллий менталитет ўзга жамиятлардан кириб келаётган ҳодисаларни қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги учун «ижтимоий филтёр» ролини бажариши лозимдир. Албатта, агарда бу ҳодисалар мафкуравий хусусиятга эга бўлмаса, уларни бемалол қабул қилиб, ижтимоий ҳаётимизга татбиқ қилишимиз мумкин бўлади. Масалан, ушбу «ижтимоий филтёр»дан муваффақиятли ўта олган маданият ва спорт

¹ <https://daryo.uz/k/2017/11/20/shavkat-mirziyoyev-mushtumzor-hokimlar-haqida-ula>

ҳодисалари (театр, кино, футбол, волейбол, каратэ, бокс ва бошқалар) бизга бошқа мамлакатлардан кириб келган ва бугунги кунда бу соҳаларда дунё эътироф этган ютуқларга эришмоқдамиз.

Менталитет ҳодисасини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш натижасида ҳар қандай миллатнинг менталитети структурасида диний элемент иштирокини кузатиш мумкин бўлади. Албатта, унинг даражаси турли халқларда ҳар хил кўриниш ҳосил қилади. Баъзи халқлар миллий менталитети таркибида диний хусусиятнинг салмоғи юқори бўлса, бошқаларникида унинг таъсири анча заиф ва ҳатто фақат рамзий маъно касб этиши мумкин. Лекин мазкур ҳолат айрим халқларнинг миллий менталитетида бу хусусият бутунлай мавжуд эмас, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Бинобарин, миллий менталитетни шакллантирувчи асосий институтлардан бири – маданият ҳам дин институти билан чамбарчас боғлиқ ҳолатдадир. Айрим мутафаккирлар дин маданиятнинг таркибий элементидир, деган позицияда турадилар. Натижада ижтимоий тафаккурда дин маданият тизимининг бир бўлаги, деган қарашлар шакллана бошланди. Лекин бошқа бир тадқиқотчилар бундай ёндашувларга қарши бўлишиб, дин маданият тизимининг элементи эмас, деб ҳисоблашади. Ва аксинча, уларнинг фикрича, дин маданиятдан юқори туради ва унинг ўзи маданиятни шакллантиради.

Масалага шундай нуқтаи назардан ёндашиш туфайли таниқли инглиз мутафаккири Кристофер Доусон динни «тарихнинг калити», деб бежиз айтмайди. Унинг таъкидлашича, диний ғояларни тафаккур ёрдамида англамасдан туриб маданият ҳодисасини тушуниб бўлмайди. Диннинг маданиятга салоҳиятли таъсирини намоиш қилувчи мисол кўринишида Доусон ислом динининг вужудга келиши сабабларига мурожаат қилади. Унинг фикрича, янги дин янги маданиятни шакллантиради. «Овлоқ маданий жойда яшовчи бир киши (фикримизча, у Муҳаммад алайҳиссаломни назарда тутмоқда) маълум бир ҳаракатни

пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Бу ҳаракат нисбатан жуда қисқа вақт ичида тарихий империяларни яқсон этиб, Сенегалдан то Борнеогача бўлган масофада истиқомат қилувчи миллионлаб кишиларнинг хулқ-атворини акс эттирадиган янги турмуш тарзини шакллантиради... Бадавий араб, ғарбий африкалик қора танли, малайлик қароқчи, форсий файласуф, турк аскар, ҳинд савдогари каби барча кишилар ягона диний тилда гапиришади, ягона теологик арконга эътиқод қилишади, ягона ахлоқий қадриятларга эга бўлишади, ягона ижтимоий келишувга бўйсунушади. Бинобарин, мусулмон архитектураси ҳар бир мамлакатда ўзгачадир, лекин унда худди адабиёт, нутқ ва хулқ-атворда бўлганидек қандайдир умумий мусулмончилик барқ уриб туради. Шундай қилиб, ислом ҳаётга янгича қараш ва янги диний таълимотлар туфайли маданиятда трансформация содир бўлишини, бунинг натижасида эса асрлар давомида консерватив бўлиб келган, ирқий ва географик доирадан чиқиб кетган янги шаклдаги социал институтлар пайдо бўлганлигининг ёрқин намунасини кўрсатиб бера олди»¹.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳам инглиз мутафаккирининг юқоридаги фикрларига мос келадиган мулоҳазаларини илгари сурган эди. «Менга Ўзбекистонда нима учун маданият қадимий, деб савол берса шундай дердим: авваламбор динимиз туфайли. Ислом дини бўлмаса агар, бизлар ҳеч қанақа бундай маданиятга эга бўлмасдик»².

Дарҳақиқат, ислом динининг миллий маданият билан жуда яқин алоқалари бизнинг менталитетда ҳам муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ўзбек миллий урф-одатларини ислом динининг қадриятларидан сира ажратиб бўлмайди. Бу ҳолат эса миллий менталитетимизнинг салоҳиятини янада юқори савияга кўтаради. Айнан ушбу ҳодиса миллий ўзлигимизнинг

¹ Доусон К. Религия и культура. // Пер. с англ. – СПб.: «Алетейя», 2000. –С.95.

² <https://kun.uz/news/2018/08/21/video-islom-karimov-islom-dini-haqida>

негизини ташкил этади. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, яқин ўтмишимизда кишилар менталитетидан диний тафаккурни буткул ўчириб ташлашга астойдил ҳаракат қилинганлигига етарлича далилларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Айниқса, тоталитар тузум даврида мамлакатимиз тарихини атайлаб сохталаштириб, ижтимоий ҳаётимизда диний эътиқод аҳамиятини инкор қилиш «саъй-ҳаракатлари» авж олди.

Бу даврда, миллий-маданий меросимиз ғайриилмий тарзда талқин қилинаётган шароитларда, ислом дини ва унинг уламолари фаолиятини илм-фаннинг кушандаси ҳамда ашаддий душмани қилиб кўрсатишга астойдил киришилди. Масалан, XX асрнинг 70-йилларида, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи асосида олинган видеофильмда Мирзо Улуғбекнинг ўлимида шайх Хўжа Аҳрор Валий бош айбдор қилиб кўрсатилгани маълум. Ушбу видеофильм сюжетида шайх Хўжа Аҳрор Валий «отанг коинот сирлари ва сайёраларни ўрганиш ниқоби остида куфр ишларни олиб бораяпти ва бу билан улкан даражада шаккоклик қилаяпти», деган маънода Улуғбекнинг ўғли шаҳзода Абдулатифни отасига нисбатан қарши қўйиб, «кофирни ўлдириш улуғ жиходдир ва шу туфайли исломда улкан ажр-савобга эришилади» мазмунидаги қабих фатвони берган, деб таърифланган эди. Албатта, тарихнинг сохталаштирилган ушбу лавҳаларига мамлакатимиз адиблари ва санъаткорларининг тўғридан-тўғри алоқалари йўқ, чунки мамлакатимиз тарихи 1991 йилгача тоталитар тузум марказидан берилган кўрсатмалар асосида, сохта, ёлгон ва ғайриилмий ёндашувлар таъсирида ёзилган эди. Мана энди мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бой маданий-тарихий меросимиз олимларимиз томонидан илмий ва холислик асосида тадқиқ этилиб, у коммунистик мафкуранинг ёлгон сарқитларидан холи бўлмоқда. Бу ҳаракатлар натижасида илгари атайлаб яшириб келинган тарихий ҳақиқат қайта юзага чиқмоқда. Хусусан, мамлакатимиз олимлари томонидан шундай

тарихий факт аниқландики, Мирзо Улуғбек ҳақиқатан ҳам ўз ўғли Абдулатиф фармони билан қатл этилган, лекин бунинг асосий сабаби — уни тожу тахтга эга бўлишдаги разил, пасткаш ва ёвуз ниятини амалга ошириш ҳаракати эди. Ушбу ғайриинсоний мақсадига эришиш учун Абдулатиф падаркушликдан ҳам тоймади. Шайх Хўжа Аҳрор Валий эса Улуғбек қатл қилинганда умуман Самарқандда бўлмаган, аксинча, у теурийзодалар ўртасидаги тожу тахт учун кечаётган бирордаркушлик урушларини олдини олишга астойдил интилиб, бунга ўзининг муносиб улушини қўшиб келган экан. Россиялик профессор А.Н.Болдыриевнинг таъкидлашича, шайх Хўжа Аҳрор Валийнинг қудратли ижтимоий фаолияти даврида халқ учун ҳалокатли бўлган бирордаркушлик ҳаракатларини заифлаштиришга эришилди. Шунинг ўзи ҳам мамлакатнинг юз минглаб меҳнаткашлари учун осойишталик, дунё ва охиратдаги ҳаёти учун ишонч ҳамда ахлоқий сокинлик олиб келишига хизмат қилди¹.

Шунингдек, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимиз томонидан ҳам шайх Хўжа Аҳрор Валий ўша даврнинг бой-бадавлат кишиси сифатида оддий халқнинг ташвишларини енгил қилишга астойдил интилгани таъкидлаганлигига мамлакатимизнинг таниқли тарихчиси ва социолог олими Б.Лунин ўз илмий ишларида алоҳида тўхталиб ўтади². Бироқ, айрим хорижий муаллифлар Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимида ҳали ҳам ислом дини уламоларини асоссиз тарзда айблашни давом эттиряптилар. Чунончи, Мақсат ат-Тарази «Ислом оламида фан равнақи ва инқирози» номли мақоласида қуйидаги, ҳақиқатдан йироқ бўлган айрим фикрларини илгари суради: «Кле-

¹ Болдыриев А.Н. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре. //В книге духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке. Восток в период феодализма. — Москва, 1985. —С.47—63.

² Лунин Б. Ходжа Ахрар: личность, деятельность, судьба (Из истории религиозно-нравственного ответвления социологический мысли Центральной Азии). // Ижтимоий фикр, 1998. №2. —С.58.

рикаллар сиёсий таъсирни қўлга киритишлари биланоқ, олимларнинг бошлари елкаларидан думалашни бошлади. Бунинг яққол мисоли бўлиб Улуғбекнинг ўлими намоён бўлади. Айнан улар, яъни клерикаллар Улуғбекни сеҳр-жодугарчиликда айлаб, уни ҳалок қилдилар. Ҳолбуки, Улуғбек ҳаётлигида унинг маданият ва давлат бошқаруви бўйича амалга оширган ислохотлари мусулмон уломларини ўзига нисбатан муҳолифиятга айлантириб улгурган эди. Улуғбекнинг фожиали ўлиmidан кейин эса клерикал жаҳолатпарастликнинг кучайиши кузатилди»¹. Аммо, муаллифнинг юқоридаги фикрлари илмий ҳақиқатдан йироқдир. Аксинча, айнан темурийлар ҳукмронлиги таназзулга юз тутиши билан юртимизда ислом дини ва унинг кўрсатмаларидан унумли фойдаланиш анча сусайди ва бу ўз навбатида ижтимоий тараққиётга салбий таъсирини кўрсатишга улгурди. Айниқса, бу ҳолат XVIII аср охири ва XIX аср бошидан кучайиб борди. Дину диёнатдан узоқлашиш, ислом дини ахлоқига амал қилмаслик туфайли айрим ҳукмдорларимиз тобора разолат ва фаҳш ботқоғига гарқ бўла бошладилар. Бундай жирканчликка асосланган хулқ-атвор оқибатида марказлашган улкан давлатимиз парчаланиб, миллатимиз тарқоқлик ва колоқлик даражасига тушиб қолди.

Демак, юқорида баён этилган тарихий далилларга таяниб, барча замон ва маконда миллий менталитетимиз таркибида диний мазмун иштирок этиб келган, деган фикрни бемалол илгари суришимиз мумкин бўлар экан. Шу ерда бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратишни тавсия этамиз. Миллий менталитетдаги диний хусусият ўз-ўзидан шаклланмайди, балки у кишиларда диний тафаккур қилиш фаолияти билан белгиланади. Диний тафаккур эса дин ҳукмлари ва кўрсатмалари таъсиридан келиб чиқиб, шаклланади ва ривожланади. У бошқа тафаккур турлари ичида энг қадимий

¹ <http://alfarabinur.kz/arabskie-uchenye/prichiny-rascveta-i-zakata-nauki-v-islamskom-mire.html>.

ва кўхнадир. Бу тафаккур тури инсон яратилганидан бери мавжуд. Ушбу фикрларимизга Қуръони каримнинг оятларида «Улар тафаккур қилмайдиларми?» деган хитоб кўп марта янграшини асос сифатида кўрсатишимиз мумкин. Кишининг тафаккур қилиш фаолияти ҳадисларда ҳам улуғланган. Ҳатто кишининг тафаккур қилиш фаолияти айрим нафл ибодатларидан юқори турганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу масала бўйича буюк бобокалонимиз – Абу Лайс ас-Самарқандий ўзининг «Танбеҳ-ул-Ғофилийн» асарида қуйидаги ҳадисни келтиради: «Пайғамбар (с.а.в.) дан ривоят қилинади. Айтдилар: «Бир соат фикрлаш бир йиллик ибодатдан афзалдир»¹.

Материалистик таълимотларнинг «инсон туғилганида унда ҳали тафаккур қилиш қобилияти мавжуд бўлмайди, фақат ижтимоий ҳаётга киришиши ва унга мослашиши асосида унда тафаккур вужудга келади», деган иддаоларига қарши тарзда, ислом динига мувофиқ, киши дунёга келганида унга тафаккур қилиш қобилияти илоҳий неъмат сифатида берилади. Аста-секинлик билан унинг бу қобилияти ижтимоий муҳит таъсирида ривожланиб боради. Ҳақиқатан ҳам, агарда киши туғма равишда тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлмаса, биз ҳарчанд ҳаракат қилмайлик, унда тафаккур қилиш кўникмаларини шакллантиришга ҳам, ривожлантиришга ҳам қодир бўлмаймиз. Масалан, бунга наркоманлар ва алкогольликлардан туғилаётган ақли заиф фарзандларнинг аччиқ ҳамда аянчли қисматини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Соҳа мутахассислари ҳар қанча ҳаракат қилмасинлар, уларда тафаккур қилиш қобилияти уйғонмаяпти. Чунки бундай аянчли тақдир эгаси бўлган боланинг ота-онаси диний ҳамда миллий кадриятларимизга зид иш тутиб, бўлғуси фарзандини дунёга келтиришга сабаб бўлаётган масъулиятли вақтда

¹ Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбеҳ-ул-Ғофилийн. Араб тилидан Дилмурод Кўшоқов таржимаси. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2007. – 540-б.

ёки гиёҳвандлик моддаси, ёки алкоголь ичимлигининг таъсирида бўлишган. Бундай ҳолатнинг зарарини ислом дини ҳукмлари ҳам, замонавий тиббиёт илми ҳам бирдек тасдиқлайди. Шу билан биргаликда соғлом кишилар орасида ҳам тафаккур қилишнинг салоҳияти хилма-хилдир. Имом Ғаззолий кишиларнинг тафаккур қилиш қобилиятлари даражаларидаги фарқлар туғма сифатга эга эканлиги ҳақида қуйидаги мисолни асос сифатида келтиради: «Кимда ким Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ақл-заковати оддий, маданиятсиз ва қўпол бедуинларникига ўхшаш деб ўйласа, билсинки, унинг ўзи шундай кишилардан ҳам тубан ва аҳмоқроқдир. Қандай қилиб кишилар ўртасидаги туғма ақлий қобилиятнинг ўзаро фарқини эътироф этмаслик мумкин? Холбуки, бундай фарқ бўлмаганда эди, кишиларнинг илм-фанни ўзлаштиришларидаги қобилиятлари ҳам ҳар хил бўлмасди. Уларнинг айримлари тентаксифат бўлиб, устозлар томонидан олиб борилган машаққатли тушунтиришлар ёрдамидагина билимларга базўр эга бўлсалар, ақллилари эса бундай натижаларга ўз заковатлари билан осонроқ эришадилар»¹.

Юқорида илгари сурилган фикрга қўшимча сифатида шуни илова қилиш мумкинки, гарчи кишида тафаккур қилишнинг туғма қобилияти юқори даражада бўлгани билан, бу қобилиятни фақат машаққатли меҳнат ёрдамида янада тараққий эттириш мумкин бўлади. Акс ҳолда, киши ҳарчанд қобилиятли бўлмасин, у янги билимларга интилмаса, унинг тафаккури, жумладан диний тафаккури ҳам турғунлик ҳолатига тушиши муқаррар тарзда содир бўлади. Олиб борилган эмпирик социологик тадқиқотимиз натижалари ҳам юқоридаги фикрларимизга асос бўлиши мумкин.

Тадқиқот 2018 йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизнинг Жиззах, Бухоро, Хоразм, Наманган, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва

¹ Ўша ерда. – 277-б.

Тошкент шаҳри аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари орасида, «Ижтимоий тараққиёт ва унинг омиллари» мавзуида репрезентатив танлов асосида ўтказилди ва унда 1147 та респондент қатнашди. Кишиларда диний тафаккур шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиладиган омил – диний саводхонлик ҳолатини аниқлаш мақсадида респондентлар эътиборига «Ўзбекистонда чиқадиган, динга тааллуқли, давлат томонидан рухсат этилган китоб ва журналларни ўқиб турасизми?» деган саволни ҳавола қилдик ва натижалар қуйидаги кўринишда намоён бўлди.



2.1-расм. Диний мазмундаги адабиётларни ўқишга муносабат.

Маълум бўлаяптики, аксарият респондентлар бундай мазмундаги китоб ва журналларни ўқишга мойил эканлар. Бу ҳолат минтақаларимиз кесимида ўзига хос кўриниш ҳосил қилди. Жумладан, тошкентлик ва наманганлик респондентлар билан биргаликда Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани респондентларининг кўпчилиги ҳам мамлакатимизда динга тааллуқли, давлат томонидан

рухсат этилган китоб ва журналларни ўқиб туришар экан. Лекин бундай адабиётларни ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг энг кам ҳолати тошкентлик ва наманганлик респондентлар жавобларида кузатилди. Худудлар бўйича респондентларнинг мазкур саволга берган жавоблари қуйидаги жадвалда ўз аксини топди.

2.1-жадвал.

Худудларда диний мазмундаги адабиётларни ўқишга муносабат.

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|--|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Ҳа, ўқиб тураман, чунки киши диний илмга эга бўлиши зарур. | 28,3 | 39,6 | 38,6 | 44,8 | 22,2 | 35,8 | 64,8 | 53,2 |
| 2. | Йўқ, ўқимайман ва бунга ҳожат йўқ деб ҳисоблайман. | 17 | 25,3 | 24,8 | 8,5 | 20,5 | 20,9 | 16,7 | 8,3 |
| 3. | Қизиқаман, лекин касбим билан шуғулланишим туфайли вақт тополмайман. | 52,8 | 35 | 34,5 | 42,4 | 54 | 43,3 | 18,5 | 35,3 |
| 4. | Жавоб бермаган. | 1,9 | 0,0 | 2,1 | 4,3 | 3,3 | 0,0 | 0,0 | 3,2 |

Маълумки, ислом динида ҳар бир муслим ва муслимининг илм олиши фарз даражасида кўтарилган. Ушбу мантиққа асосланиб, тадқиқотимизда иштирок этган эркаклар ва аёлларнинг мазкур масала бўйича фикрлари билан ҳам қизиқишимиз бежиз эмас.

2.2-жадвал.

Жинслар ўртасидаги диний мазмундаги адабиётларни ўқишга муносабат фарқлари.

| № | Жавоблар | Эркак | Аёл | Умумий |
|----|---|-------|------|--------|
| 1. | Ха, ўқиб тураман, чунки киши диний илмга эга бўлиши зарур. | 39,4 | 41,6 | 40,5 |
| 2. | Йўқ, ўқимайман ва бунга ҳожат йўқ, деб ҳисоблайман. | 19,2 | 15,6 | 17,3 |
| 3. | Қизиқаман, лекин қасбим билан шу-фулланиш туфайли вақт тополмайман. | 41,4 | 42,8 | 42,2 |

Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг кўрсатишича, респондентларнинг мазкур масала бўйича билдирган муносабатларига мувофиқ, эркаклар ва аёллар ўртасида бу масалада фарқ катта бўлмаган бўлса-да, лекин аёлларда эркакларга нисбатан диний адабиётларни ўқишга қизиқиш даражасибирозюқорикан. Демак, мамлакатимизда аёлларнинг ирсиятларида илмга, жумладан диний билимларга интилиш кўникмалари етарли даражада экан, деган хулосани илгари суришимизга тўлиқ асос бор. Зеро, тарих лавҳаларидан маълумки, юртимиздан таниқли олималар кўплаб етишиб чиққани айнан ислом динида аёлларнинг эркаклар билан тенг даражада илм олишга ҳақли бўлиш имкониятлари асосида содир бўлган. Бошқа мамлакатларда эса фақат XIX асрдан бошлаб илк олималар етишиб чиқа бошлади. Шу ерда бир жиҳатга эътиборни қаратишни жоиз ҳисоблаймиз. Тадқиқотда иштирок этганларнинг 60% яқини бундай адабиётлар билан танишмаслигини маълум қилган экан, юртимизда динга тааллуқли адабиётлар кирилл ёки лотин имлосида нашр этилаётгани, уйимизда Қуръони қаримнинг ўзбек тилига ўгирилган маънолари ҳамда Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа машҳур алломаларимизнинг асарлари мавжуд бўлса, бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, ёшлар тарбияси билан боғлиқ айрим жиддий муаммолар айнан ота-оналарнинг ислом дини таълимотидан етарлича маълумотга эга бўлмаганлиги

туфайли содир бўлмоқда. Масалан, нега айрим ёшлар диний билимлар соҳасида ўзларини ўта билагон ҳисоблаб, ота-оналарининг хоҳиш-истакларига қарши борадиган, ўзларини улардан ақлли ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар? Фикримизча, бунга авваламбор ота-оналарнинг ўзлари айбдордирлар. Чунки ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун биринчи устоз бўлиши керак. Агарда ота-она ўз фарзандига гўдаклик чоғларидан ислом дини ҳақида дастлабки маълумотни бериб турса, унда улар ота-оналарига меҳрли бўлиб вояга етишади. Бунинг учун эса ота-оналарнинг ўзлари ислом дини бўйича етарли даражада саводхон бўлишлари талаб қилинади. Ана шундагина болаларимиз ўзимизнинг қатъий назоратимизда бўладилар ва уларни бегона кишиларнинг ислом ҳукмлари ҳамда кўрсатмаларини сохталаштиришга йўналтирилган ғаразли ташвиқотига мойил бўлиб қолиш хавф-хатарлари барҳам топади.

Зеро, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янгидан-янги имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим»¹.

Ижтимоий ҳаётда диний тафаккур аҳамиятини чуқурроқ таҳлил қила туриб, яна шундай бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Кишилар менталитетида

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. //Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 1-жилд. –125-б.

мужассамлашган диний тафаккур кўпгина ҳолатларда бошқа тафаккур турлари билан уйғунлашиб кетади. Айниқса, анъанавий, қадриятли, жамоавий, баъзи ҳолларда, ҳатто прагматик¹ тафаккур турлари шулар жумласидандир. Масалан, диний ва прагматик тафаккур турларининг ўзаро муносабатларга киришиши немис социологи М.Вебернинг фикрича, Европада капитализм ривожланишининг муҳим маънавий асосларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Албатта, бизнинг жамият аъзоларининг кундалик ва ижтимоий ҳаёт фаолиятларида ҳам диний тафаккур муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёшларнинг ахлоқий тарбияси, жамият ҳаётида учраётган ҳар хил салбий иллатларга қарши курашишда унинг ўрни бетакрордир. Шу билан бирга, мамлакатимиз шароитларида кишилардаги диний тафаккур Куръони карим, ҳадислар ва ислом оламининг обрў-эътиборли уламо ва олимлари: Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ас-Собит (тахаллуси Имом Аъзам), Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор Валий кабиларнинг асарларига таянган ҳолда шаклланиб ривожланса, унинг ижтимоий ҳаётимизда ижобий маъно касб этиши муқаррардир.

Агарда фуқаролар, айниқса ёшларнинг менталитетига ислом динидан ғараз сиёсий мақсадларда фойдаланаётган, аслида мусулмончиликка фақат доғ тушираётган экстремистик кайфиятдаги турли оқимларнинг мафқураси фаол таъсир кўрсатса, унда жамият барқарорлиги ва ривожига жиддий таҳдидлар вужудга келади. Миллий менталитет ва унинг структурасидаги диний эътиқод хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, масаланинг яна бир томонига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Хусусан, кишилар менталитетидаги диний ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар ҳам ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатишга хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун эса улардаги диндорлик сифатлари ва улар томонидан дин кўрсатмаларига амал

¹ Фойдали манфаатни кўзлаш маъносини англатади.

қилиш ҳолатларини аниқлаш талаб этилади. Ана шу мантиқдан келиб чиқиб, тадқиқотимиз иштирокчиларига «Сиз ўзингизни диндор, деб ҳисоблайсизми?» деган савол билан муурожаат қилдик.


Худудларимиздан олинган жавоблар бир-биридан фарқ қилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Натижалар шундан дарак беряптики, фаол диний ҳаёт тарзига амал қилиш тадқиқотимиз қамраб олган бошқа худудларга қараганда кўпроқ Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти респондентларига хос экан.

2.3-жадвал.

Худудларда кишиларнинг диндорлик даражаси ҳолати.

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|---|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Ҳа, мен диндорман, фаол диний ҳаёт тарзига эгаман. | 6,6 | 3,9 | 11,7 | 14,6 | 2,8 | 4,5 | 3,7 | 28,4 |
| 2. | Мен унчалик динга берилмаганман, диний ҳаётда фаол эмасман. | 17,9 | 27,3 | 13,8 | 9,4 | 13,0 | 11,9 | 0,0 | 12,1 |
| 3. | Худо юрагимда, бошқаси аҳамиятли эмас. | 38,7 | 35,0 | 35,9 | 33,0 | 33,0 | 43,3 | 0,0 | 20,5 |
| 4. | Мен худога ишонсам-да, замонавий ҳаёт кечираман. | 29,3 | 24,7 | 32,4 | 33,0 | 42,8 | 34,3 | 96,3 | 26,3 |
| 5. | Жавоб беришим қийин. | 7,5 | 9,1 | 6,2 | 10,0 | 8,4 | 6,0 | 0,0 | 12,7 |

Респондентлар ҳукмига шунингдек, «Диннинг кўрсатмаларига амал қилишга ҳаракат қиласизми?» кабилидаги саволни тавсия этдик.



2.2-расм. Диннинг кўрсатмаларига амал қилиш ҳолати.

2.4-жадвал.

Диннинг кўрсатмаларига амал қилиш ҳолати.

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|--------------------------------|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Ҳа, барчасига. | 10,4 | 7,1 | 16,6 | 26,4 | 6,1 | 10,5 | 7,4 | 39,5 |
| 2. | Ҳа, фақат баъзиларига. | 70,8 | 83,8 | 56,6 | 57,1 | 64,7 | 71,6 | 92,6 | 51,1 |
| 3. | Йўқ, амал қилмайман. | 5,7 | 3,9 | 10,3 | 1,9 | 4,2 | 3,0 | 0,0 | 1,6 |
| 4. | Бунга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. | 1,9 | 2,6 | 5,5 | 2,8 | 4,7 | 6,0 | 0,0 | 0,0 |
| 5. | Жавоб беришим қийин. | 11,2 | 2,6 | 11,0 | 11,8 | 20,3 | 8,9 | 0,0 | 7,8 |

Олинган натижаларга таяниб, респондентларнинг деярли ҳар бештасидан бирида диннинг барча кўрсатмаларига амал қилиш мавжуд экан, деб ҳисоблашимиз мумкин. Бундай ҳолат айниқса, Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти респондентларида умумий кўрсаткичдан сезиларли даражада фарқ қилганига гувоҳ бўлдик.

Худудларимизда аҳолининг турли қатлами ва ҳар хил ёшдаги кишиларнинг фикрларини ўрганиш билан параллел тарзда мамлакатимизнинг таниқли фалсафа, социология, сиёсатшунослик, психология ва исломшунослик соҳаси мутахассислари орасида эксперт сўровини олиб бордик. Унда асосан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг профессор ва доцентлари иштирок этиб, улар мавзу бўйича ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдиришди. «Мамлакатимиз аҳолисининг аксариятини ташкил қиладиган ўзбек миллати вакилларини ислом дини талабларига амал қилиш даражасини қандай баҳолайсиз?» деган савол натижаларининг таҳлилига мувофиқ, экспертларнинг аксарияти, аҳолимизнинг ислом дини талабларига амал қилиш даражасини ҳозирча ўртача ҳисоблаб, бунинг асосий сабаби сифатида 2–3 та авлоднинг атеистик мафкура ҳукмронлик қилган даврда яшагани кўрсатиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришиш арафасидан бошлаб жамиятимизда диний эътиқод масалаларига эътибор кучайди, матбуотда, радио ва телевиденияда ислом дини манбалари ҳақида маълумотлар ҳамда ахборотлар эълон қилина бошланди. Аловуддин Мансур томонидан Қуръони каримнинг маъноларини ўзбек тилига ўғирилган илк варианты «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида тўлиқ шаклда эълон қилингани ҳамон ёдимизда турибди. Лекин ҳозирги ёшлар, катта ҳамда кекса авлод ўртасидаги фарқ шундаки, ёшлар онгида тоталитар тузумдан мерос бўлиб

келаётган «атеистик тарбия»нинг сарқитлари мавжуд эмас. Чунки уларга илмий атеизм деган фан ўқитилмаган. Шу билан биргаликда айрим экспертлар томонидан ислом динига эътиқод қилиш ҳудудларимиз бўйича фарқланиши кўрсатиб ўтилди. Бунга мисол тариқасида Тошкент шаҳри ва унинг яқин атрофи ҳамда Фарғона вилояти аҳолисининг диний эътиқод даражаси юқориликка мувожаат қилинди. Демак, назарий ҳулосаларимиз ва ўтказилган амалий социологик тадқиқотларимиз маълумотларига таяниб, ўзбек миллий менталитетида диний элемент ўзининг салоҳиятли ўрнига эгаллиги ҳақидаги фикрни кун тартибига қўйишимиз учун барча асослар мавжуд.

2 §. Ислом рационализи ва уни миллий менталитетдаги мақоми

Маълумки, кишининг бирор-бир динга эътиқод қилиши ўзининг мазмун ва моҳиятига мувофиқ тарзда, жамият аъзолари дунёқарашининг муҳим бир элементи сифатида бошқа социал жараёнлардан алоҳида ажралиб турадилар. Диннинг бундай ижтимоий-маданий сифатлари уни жамиятда бажараётган рационал социал функциялари билан изоҳланиши мумкин.

Диний эътиқоднинг тарихий рационал феномен тариқасида тадқиқ қилиниши кишилиқ жамияти ривожининг барча даврларида кечган ижтимоий-маданий жараёнларни диний рамзлар орқали очиб беришга асос бўлди. Хусусан, ислом дини таълимотининг рационал ижтимоий ҳодиса сифатидаги хусусиятлари ҳам шундай мазмунга эгадир. Бундай ҳолатда ислом дини ўз арконлари билан нафақат яккаҳудоликни тарғиб этади, балки унга эътиқод қиладиган кишиларнинг турмуш тарзи ва менталитетини ташкил этишга фаол таъсир кўрсатувчи катта салоҳиятига эга эканлигини намоён этади.

Зеро, ислом дини ўзининг қадриятлари билан жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Мазкур фикрларимиз россиялик таниқли олим Г.И. Мирскийнинг илмий қарашларига мос келишини таъкидлаб ўтишни мақсадга

мувофиклигига эътиборни қаратмоқчимиз. Чунончи, у қуйидагиларни ёзган эди: «Исломни замонамизнинг энг кучли ва ҳаётбахш дини, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳеч бир бошқа динда исломдагидек ўз эътиқодларига зўр ихлос ва бутун вужуди билан содиқ бўладиган кўп сонли кишилар бирлашмаси учрамайди. Ислом ҳаёт асоси ва барча нарсаларнинг мезони бўлиб гавдаланади. У ўзига кўплаб тарафдорларни жалб этмоқда.

Мазкур дин асосларининг оддийлиги ва зиддиятли бўлмаганлиги, унда мураккаб метафизик конструкцияларнинг мавжуд эмаслиги, дунё ва жамиятнинг тўлиқ ҳамда тушунарли манзарасини бера олишга қодирлиги – буларнинг барчаси янги кишиларни исломга оммавий тарзда қизиқишига хизмат қилмоқда. Исломни нима деб атамадилар – «камбағаллар цивилизацияси», «қолоқ дин», «энг уришқоқ дин», «тоқатсизлик ва фанатизм дини», «сахроликлар дини», «инсонни поёнсиз тарзда камситувчи дин». Лекин ушбу ёрликларнинг ҳеч бири мусулмон эътиқодининг асл моҳиятини акс эттира олмайди»¹.

Масаланинг мазмунини очишда эронлик тадқиқотчи Ф.М. Муслихабади фикрини ҳам ўринли ва унга таянишни эса асосли, деб ҳисоблашимиз мумкин. У ўз тадқиқотида қуйидагиларга алоҳида урғу беради: «Маълумки, дин инсоният тарихининг барча босқичларида маданият, санъат ва адабиётнинг шаклланишида муҳим ролни ўйнади. Айниқса, Шарқ халқларининг маданият қадриятлари структурасида ўз ўрнини топишга муваффақ бўлди.

Албатта, Ўрта аср мусулмон жамияти ғоявий ҳаётининг оммавий шакли бевосита маънавий-диний мазмун касб этган. Бироқ, жамият тараққиётининг кейинги даврларида ислом фақат диний эътиқод шакли сифатида қолмади. Аксинча, энди у жамият ҳаётини мувофиқлаштирувчи

¹ Мирский Г.И. Ислам: история и современность. 2010/http://www.hist.msu.ru/Journals/NNI/pdfs/Mirskij_2010.pdf

муҳим социал омил ҳамда кўплаб Шарқ халқларининг маданий бойлиги бўлиб гавдаланди»¹.

Демак, ислом дини қадриятлари ва улар негизида шаклланган ахлоқий маъёрлар ҳамда ижтимоий назорат механизмларининг ҳар қандай шароитларида бу динга эътиқод қиладиганлар учун уларнинг турмуш ва тафаккур тарзининг ажралмас қисми бўлиб намоён бўлади, деган фикрни илгари суришимиз мумкин бўлади. Бундай ҳолатнинг алоҳида эътиборга сазоворлик жойи шундаки, мазкур хулосани исломга эътиқод қилмайдиган кишилар ҳам эътироф қилишади. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод қилган таниқли рус мутафаккири В.С. Соловьев қуйидагиларни ёзган эди: «Мусулмонларнинг биздан устунлиги шундаки, улар ўз динларининг қонунлари асосида яшайдилар. Ҳолбуки, уларнинг эътиқодлари ҳақиқий эмас, лекин ҳаётлари эса сохталик ва ёлғондан фориғдир»².

Албатта, бундай хулосаси билан рус файласуфи ўз-ўзига қарши бўляпти. Чунки ҳаёт тарзи сохталик ва ёлғондан йироқ бўлган кишининг эътиқоди ҳам шунга яраша муносиб, яъни чин тарзда бўлади. Зеро, фақат асл ҳақиқатни акс эттирадиган эътиқод реал ҳаёт билан омихта бўла олиши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Масалага шундай мазмундаги ёндашувни асослашда россиялик профессор М.И. Билаловнинг қарашлари ҳам муҳим маъно касб этади. Жумладан, ўз тадқиқотларида рус мутафаккири Л.Н. Толстойнинг қуйидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратади: «... фақат битта – чин эътиқод мавжуд», – деб ёзган эди Л.Н. Толстой. У Худо ва унинг қонунларини тан олиш, яқинларига нисбатан муҳаббат,

¹ Муслихабади Ф.М. Основные аспекты сбалансированного подхода в исламском рационализме. // Вестник КазНУ. Серия востоковедения. №2 (59). 2012. – С.58.

² Каранг: Ракитянский Н.М. Исламский менталитет в контексте принципа политической субъектности. // Теодицея. Альманах. Изд-во ПГЛУ. – Пятигорск, 2012. № 3. – С.86.

ўзига раво кўрган амалларини бошқаларга ҳам қилиш истагини эътироф этишдан ташкил топади. Толстойнинг фикрича, барча диний чин тамойиллар ана шундан келиб чиқади. Шунингдек, агарда динларда қанчалик арконлар, кўрсатма-фармойишлар, мўъжизалар ва ирим-сиримлар тўлиб-тошса, унда улар кишиларни бир-бирларидан янада кўпроқ узоқлаштирадилар»¹.

Л.Н. Толстойнинг юқорида баён этилган мулоҳазалари уни мусулмон теологи билан бўлиб ўтган ўзаро ёзишмаларидан олинган бўлиб, бу рус мутафаккирининг ислом дини маънавий салоҳиятига юқори баҳо беришидан далолат беради².

Ислом дини ва унинг тарбиявий салоҳияти ҳақида таниқли немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте ҳам ўз ижобий фикрларини билдиргани туфайли Шарқнинг таниқли мутафаккири Муҳаммад Иқбол уни ўзининг ғоявий устози — Жалолиддин Румий билан бир қаторга қўйиши ҳам бежиз эмасди. Гёте қуйидагиларни ёзган эди: «Кўриб турганингиздек, бу таълимот, яъни ислом (курсив бизники) ҳеч қачон муваффақиятсизликка учрамайди. Бизнинг барча тизимимиз, умуман олганда ҳеч бир инсон ундан илдамроқ узоққа кета олмайди»³.

Дарҳақиқат, ислом фақат ибодат ва расм-русумлар йиғиндисидан ташкил топган дин эмас, балки у ўзининг рационалликка асосланган тартиб-меъёрлари билан кишилар ҳаётини мувофиқлаштириб турувчи ижтимоий-тарбиявий тизим ҳамдир. Унга эътиқод қиладиган

¹ Куделин А.Б. Переписка Мухаммада ‘Абду и Льва Толстого (из истории русско-арабских культурных связей в начале XX века) // Лев Николаевич Толстой / Под ред. А.А. Гусейнова, Т.Г. Щедриной. — Москва: «Политическая энциклопедия», 2014. —С.445–446.

² Билалов М.И. Религиозное познание в культуре постижения истины. // Исламоведение. 2017. Т.8. № 2. —С.23

³ Муҳаммад Иқбал. Реконструкция религиозной мысли в исламе. Пер. с англ., предисл. и коммент. М.Т. Степанянц. — Москва: «Восточная литература», 2002. —С.31.

фуқаролар аҳолининг кўпчилигини ташкил қиладиган айрим жамиятларда ушбу тизим расмий, бошқаларида эса, айниқса, секулярлашганларида эса норасмий маъно касб этади. Шунинг учун ўзини мусулмонликка мансуб ҳисоблайдиган кишилар кундалик ва ижтимоий ҳаётларида ислом дини аҳкомлари ҳамда кўрсатмаларига амал қилишга ҳаракат қилишларида уларнинг мазмуни оқилоналик асосида намоён бўлишига қатъий ишонадилар. Зеро, ҳар қандай шароитларда ҳам мазкур тизимнинг ядросини ислом рационализи тамойили ташкил этади. Бахтга қарши, илмий социологик адабиётларда ислом рационализи тушунчасига ҳозиргача муносиб таъриф берилгани йўқ. Тўғри, у ҳақида маълум бир илмий тасаввурлар илгаридан мавжуд. Хусусан, ислом оламининг машҳур олимлари: Абу ал-Ҳасан ал-Ашари ва Абу Мансур ал-Мотуридий ислом дини ривожига ўзларининг улкан хизматларини айнан рационалистик таълимотлари ёрдамида қўшдилар.

Чунончи, Абу Мансур ал-Мотуридий Аллоҳнинг борлигини ақлга таяниш асосида ҳам исботлаш мумкинлигини илгари сурди. Бунда у айрим фақиҳлар ва ҳадисшунослар билан ҳатто баҳс-мунозаларга киришади. Чунки уларнинг инсон тафаккурини такомиллашмаган ва у доим хато қилишга мойил, деб таъкидлашларига кескин эътироз билдириб, Абу Мансур ал-Мотуридий «Тавҳид» асарида қуйидагиларни ёзади: «Ақл ила олиб борилган тадқиқотларни рад этувчилар ўзларининг бундай мазмундаги мазкур мулоҳазаларини айнан тафаккур қилиш фаолиятлари асосида ҳосил қиладилар. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам ақлнинг далиллари нақадар зарурлигини кўрсатади. Агарда Аллоҳнинг ўзи Қуръонда ақлнинг далилларини қўллаш заруриятини қайта-қайта буюрса, қандай қилиб бунга қарши бўлиш мумкин»¹.

¹ Али-заде А. Исламский энциклопедический словарь. – Москва: «Ансар», 2007. – С.482–483.

Буюк ватандошимизнинг мазкур фикрлари ислом оламнинг таниқли мутафаккири – Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусий томонидан янада ривожлантирилганига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади. «Ал-Ғаззолий суфизмни ортодоксал ислом билан яқинлаштирди, ҳолбуки, бунда суфизмнинг бой фалсафий мазмуни зарар кўрмади. У рационалистик ёндашув мутафаккирлари (ал-Форобий, Ибн Сино, Сухраверди, Ходжи Насируддин Тусий) билан биргаликда ислом таълимотининг рационалистик аъналарини сақлади ва ривожлантирди»¹.

Ўзининг «Ихйа' 'улум ад-дин», яъни «Дин илмларининг жонлантирилиши» асарида ал-Ғаззолий ислом динида ақл, унга таяниш ҳолатини устувор масала эканлигини Қуръони карим оятлари ва ҳадислардаги маълумотлар асосида исботлашга ҳаракат қилган. Жумладан, бу масалада у Умар ибн ал-Хаттобнинг Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) қуйидаги фикрларини келтирганига алоҳида эътибор қаратади: «Аллоҳнинг Расули айтди, одам кадр-қиммати жиҳатидан ҳеч бир нарса у билан тенглаша олмайдиган – ақлга эга бўлди. Ақл ўз эгасини тўғри йўлга йўналтириб, уни ҳалокатдан йироқ қилади. Яратганнинг қулини ақл-заковати қачонки комилликка етишмас экан, унинг эътиқоди тўлиқ, дини эса ҳақиқий бўлмайди»². Бу ерда биз кишилар ўз тафаккурларини ривожлантира бориб, дунёвий ва диний ҳаёт тарзларини муносиб равишда ташкил қилишлари мумкинлигини изоҳловчи ҳодиса билан дуч келиб турибмиз. Диққатга сазовор жойи шундаки, ушбу ҳолат XVII асрда яшаб, ижод қилган, Ғарбий Европа фалсафасида рационалистик ғояларни ривожланишига ўзининг салоҳиятли улушини қўшган таниқли француз

¹ Билалов М.И. Религиозное познание в культуре постижения истины. // Исламоведение, 2017. Т.8. № 2. –С.22.

² Абу Хамид Муҳаммад аль-Ғазали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги «Ихйа' 'улум ад-дин». В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. – Махачкала: Издательский дом «Нуруль иршад», 2011. –С.263.

файласуфи — Рене Декартнинг «Мен фикрлаяпман, демак мавжудман», деган хулосасини ислом динида мавжуд бўлган мазкур тамойилдан анча кейин илгари сурганига ишончли далил бўлиши муқаррардир.

Юқорида ислом динида рационал тафаккур масалаларининг ёритилиши бўйича ўз қарашларини ишлаб чиққан олимларнинг асарларида келтирилган турли хил фикрларини тизимли ва танқидий тарзда таҳлил қила бориб, биз ислом рационализи тадқиқотига киришимиз мумкин бўлади. Албатта, аввал таъкидлаб ўтганимиздек, ислом рационализи тушунчасига ҳозирча бирор-бир, аниқ социологик таъриф берилмаганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Лекин бу ҳолат мазкур масалага ҳали эътибор қаратилмаган, деган хулосани келтириб чиқармаслиги лозим. Чунончи, айрим замонавий олимлар ўз тадқиқотларида ислом рационализига яқинроқ тушунчаларни келтириб, уларнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, келиб чиқиши араб, таниқли француз олими, Сарбона университети профессори Муҳаммад Аркун ўз тадқиқотларида «исломий ақл» тушунчасини келтиради ва унинг аҳамиятини асослаб беришга интилади. Франциялик мутафаккирнинг мазкур қарашлари рус олимаси Е.А. Фролова томонидан унинг араб ва француз тилларида нашр этилган асарларига таянилган илмий тадқиқотларида баён қилинганлигини кузатишимиз мумкин. «М. Аркун «исломий ақл» тушунчасининг бой мазмуни ва диний томонларига асосий эътиборини қаратади. Пировардида, бу тушунча муаммони этномаданий жиҳатдан маданий-конфессонал жиҳатга кўчиришга хизмат қилади. Ақлнинг бундай жиҳатларини таъкидлаш ва тушунтириш учун М. Аркун уни «постмодерн ҳодисаси», деб таърифлайди. Янги давр ақли ёрдамида, яъни модерн ақл яна ҳам янги — постмодерн ақлдан фарқли ўлароқ, асрлар давомида шаклланган турмуш тарзини онгнинг қотиб қолган структураси сифатида ҳимоя қилиб келган ҳодиса, деб тасаввур қилинади. Постмодерн ақл эса ўзининг келажакка интилаётган новаторлик ва

тадқиқотчилик жиҳатларини тараннум этади. Мазкур ақл унғача бўлган барча ақл турларидан устунлик касб этади. (Аркун М. Ал-Фикр ал-'усулийй ва истихалат ат-та'сйй. Нахва та'рих 'ахар ли-л-фикр ал-исламийй. Бейрут, 1999. –С.292)»¹.

М.Аркун томонидан илгари сурилаётган янгилик фақат эски ақлни танқид қилишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки уни бошқа қадриятлар томон бурилишини, бунда авваламбор диннинг замонавий жамият ва замонавий онгдаги ўрни ҳақида ўзгараётган тасаввурларини ҳам ифодалайди. Илмий-технологияларга асосланган жамият ривожда дин энди ақлнинг чегарасиз имкониятларига эга бўлган тўсиғи сифатида баҳоланмаяпти².

Биз бу ҳолатда фикр ислом цивилизациясининг муаммолари ҳақида кетаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бинобарин, бу муаммоларнинг сабаби шундаки, кўп асрлар давомида дунё цивилизацияси ривожига катта таъсир кўрсатиб келган ислом цивилизацияси кейинги даврларда турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Масаланинг таҳлили эса ислом менталитетининг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини тақозо этади.

Умуман олганда, ҳар қандай менталитетда дунёвийлик сифатлари доминант бўладими ёки конфессионалликми, бундан қатъи назар агарда у ўзида танқидий жиҳатларни мужассамлаштирмаса, унда биз тараққиёт ҳақидаги тасаввурлардан воз кечиб, юқорида таъкидланганидек, турғунлик ҳодисаси билан дуч келаверамиз. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 10 сентябрида Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган «Ислом ҳамкорлик ташкилоти»нинг фан ва технологиялар бўйича биринчи Саммитидаги нутқида айнан шундай турғунлик оқибатида биз Ғарб мамлакатларидан ортда қолаётганимизга алоҳида,

¹ Фролова Е.А. Дискурс арабской философии. / Отв. ред. А.В. Смирнов. – Москва: ООО «Садра»: Языки славянской культуры, 2016. –С.123.

² Ўша ерда. –С.123.

танқидий равишда урғу берди: «Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим. Масалан, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган. Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим»¹.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрларига таяниб, ҳар қандай менталитет эгасида ўзига, атроф-муҳитга нисбатан юқори савиядаги танқидий муносабат шаклланган бўлсагина, мавжуд камчилик ва муаммоларни адекват тарзда таҳлил этилиш имкони пайдо бўлади, деган хулосамизни илгари суришга жазм этдик. Натижада эса тараққиётни таъминловчи омилларни кашф этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш ҳодисаси содир бўлади. Фақат ўтган авлодлар ва уларнинг буюк хизматлари билан қуруқ мақтанавериш — бу ҳозирда менталитетимиздаги энг қусур элементдир. «Менталитетнинг тараққиётни таъминловчи сифатларидан бири — критицизм бўлиб, у воқеликка ва илгариги билимларга нисбатан бўлган танқидий муносабатларни англайди. Танқид адашишлар ва хатоларни аниқлашни тақозо этиб, уларни бартараф этишни эса ўз мақсади, деб эътироф қилади. Бу ерда К.Поппернинг қалбакилаштиришнинг машҳур тамойилини эслаш жоиздир. Унга мувофиқ, маънавий соҳадаги, айниқса, фан ва фалсафадаги тараққиётни қалбакилаштиришсиз, яъни

¹ <http://president.uz/uz/lists/view/1018>

илгариги билимларни танқид қилмасдан амалга ошириб бўлмайди»¹.

Россиялик олимнинг юқоридаги фикрларини ўринли ҳисоблаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай соҳадаги ҳодиса ва воқеалар бўйича танқидий мулоҳазалар муқобил фикрларнинг мавжуд бўлишини таъминлайди. Ўз навбатида бу ҳолат тафаккуримизнинг рационал салоҳиятини янада такомиллашишига хизмат қилади. Жамият аъзолари тафаккурининг рационаллик даражасининг ошиб бориши ўз навбатида цивилизация тараққиётига, жумладан ислом цивилизацияси ривожига ҳам бевосита салмоқли таъсир кўрсатади. Зеро, цивилизациянинг ўзи ҳам кишиларнинг онгли фаолияти маҳсулидир. Шунингдек, мамлакатимизда янги иқтисодий муносабатларга ўтилган бир шароитларда рационаллик тамойилининг аҳамияти ошиб бормоқда ва бу ҳодиса ижтимоий ҳаётимизнинг ривожига салбий таъсир кўрсатаётган иллатларни баратараф қилишда беназирдир. «Бозор муносабатлари инсонни тартибли ҳаётга ундайди, фикрлаб иш тутишга, тадбиркорликка даъват этади. Бозор ҳамма нарсага онгли ёндашувни, оқиллик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Меъёрсиз бағрикенглик, хотамтойлик, саховатпешалик, агар лозим бўлса серчиқимлик, ҳисобсиз сарф-харажат қилишга мойиллик сингари одатларимизни маълум даражада чеклайди. Ҳар нарсага ақл кўзи билан қараш аста-секин турмушнинг бош тамойилига айланиб боради»².

Юқорида баён этилган турли-туман кўриниш, мазмундаги қарашлар ва мулоҳазаларни қиёсий ҳамда танқидий жиҳатларда таҳлил қила бориб, биз ислом рационалиزمи тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

¹ Якупов С.Ф. Особенности исламской цивилизации: менталитет, политико-правовые и экономические институты. // Вестник Челябинского государственного университета, 2012. № 35 (289). Философия. Социология. Культурология. Вып. 28. –С.96.

² Бекмуродов М.Б., Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. – Тошкент: «Адолат», 2003. –9-б.

«Ислом рационализми — бу ислом динига эътиқод қилувчиларнинг турмуш ва тафаккур тарзи (менталитет) ни шакллантириш ҳамда уларни ривожлантиришга йўналтирилган исломий билимлар, кадриятлар, ахлоқий меъёрлар, ижтимоий тартиб-қоидалар, интизом, шунингдек, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби гуманистик ғояларини ўзида ифодаловчи социологик категориядир».

Мазкур таърифга таяниб, шундай хулосага келишимиз мумкин: ислом рационализми бевосита миллий менталитетнинг муҳим элементи бўлиб гавдаланади. Бу эса авваламбор илмга таянадиган ҳодисадир. Зеро, айнан илм ислом динининг мазмунини ташкил этади ва ислом цивилизацияси тараққиётининг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Таниқли форс олими Абдул Ҳусайн Зарринкуб бу масала бўйича қуйидаги асосли мулоҳазаларини илгари суради: «Ислом мўъжизаси номи билан билан машхур бўлган ҳодисанинг бош ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб Қуръон ва пайғамбарнинг кўрсатмалари ҳамда йўл-йўриқларида мусулмонларга билимларга зўр ихлос билан интилишлари кераклиги белгиланганлиги намоён бўлади. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида олимлар, табиблар ва таржимонларнинг етишиб чиқиши кучайди. Шу ерда уларнинг этник келиб чиқиши ҳақида табиий савол пайдо бўлади. Бу маънода машхур тарихчи-олим Ибн Халдун фан оламининг кўпчилигини ажамликлар ташкил этади, деб айтгани ҳақиқатни ифодалайди дейишимиз мумкин»¹.

Дарҳақиқат, юртимиздан етишиб чиққан машхур алломалар араб миллатига эмас, балки туркий ва форсий миллатларга мансубдирлар. Лекин ислом дини улар томонидан амалга оширилган оламшумул кашфиётларга кенг йўл очиб берди. «Ислом юксалиши натижасида илмий тадқиқотлар натижаларининг содир бўлиши алоҳида бир халқ ёки алоҳида бир ҳудудга тааллуқли, деб ҳисоблашга ҳеч қандай

¹ Зарринкуб А.Х. Исламская цивилизация // Пер. М. Махшулов. — Москва: «Андалус», 2004. —С.17.

асос мавжуд эмас. Мусулмонларнинг айнан бу соҳадаги муваффақиятлари уларни мақсадга интилувчанликлари ва турли-туман ғояларга нисбатан тоқатлилиги билан белгиланган»¹.

Бироқ, мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган турли жиҳатлардаги тадқиқотларда ҳудудларимизга ислом дини кириб келгунича ҳам ўзига хос ривожланиш даражаси мавжуд бўлгани таъкидланади. Чунончи, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Р.Хўжамуродов ўз илмий тадқиқотларида қуйидаги хулосаларни илгари суради: «Айрим манбаларда маҳаллий халқлар маънавий ҳаётининг тараққиёти фақат арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши билан боғланмоқда. Аммо, биз бундай ёндашувни қабул қила олмаймиз. Чунки ҳаммага маълумки, бошқалар билан солиштирганда минтақа халқларда асрлар давомида шаклланган ўзига хос юксак маданият мавжуд бўлган, маориф, маданий анъаналар ва урф-одатлар ҳам уларга тааллуқли бўлган»².

Файласуф олим юқоридаги фикрларини фактологик нуқтаи назардан тасдиқлаш мақсадида ўз тадқиқот ишида мамлакатимизнинг таниқли тарихчилари қарашларидан иқтибосларни келтиради. Жумладан, мазкур масала бўйича академик Яҳё Ғуломов томонидан келтирган қуйидаги фикрни илгари сурган: «Ўрта Осиё воҳаларини босиб олган араблар бу ерда сунъий каналларнинг ривожланган тармоқларига асосланган гуллаб-яшнаётган деҳқончилик маданиятини, бой савдо-ҳунармандчилик шаҳарларини, ёзув яхши ривожланган, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва болаларни ёшлигидан саводлик қилишни кўрдилар»³.

¹ Ўша ерда. –С.17.

² Хўжамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Автореф. дисс. докт. филос. наук. – Ташкент, 1994. –С.27.

³ Ғуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. – Тошкент: «Фан», 1959. – 162-б.

Лекин бир масалада – ислом динининг мамлакатимиз аҳолиси томонидан қабул қилингани фақат яхшилик ва эзгулик келтирганини аксарият олимлар қайд этишади. Хусусан, профессор И.Р. Хўжамуродов ҳам арабларнинг ҳарбий фаолиятларини танқидий руҳда таҳлил эта туриб, исломни ҳудудларимизда кенг ёйилиши кейинчалик юртимизнинг келгуси ижтимоий тараққиётига кўрсатган ижобий таъсирларини бир нечта жабҳаларда намоён бўлганини алоҳида таъкидлайди. Фикримизча, олимнинг ўз илмий ишларида кўрсатиб ўтилган жабҳалардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

– ислом мафқураси ва маросимлари туфайли Марказий Осиё халқларида ўша давр жаҳон маданияти ютуқлари билан танишиш имкониятлари пайдо бўлди, Қадимги Юнонистон ва Рим фалсафасини ўрганиш тикланди;

– Марказий Осий халқларининг маънавий маданияти, анъаналарга нисбатан эҳтироми ва маданиятдаги инсонпарварлик сифатлари ўз тараққиётининг чўққисига Ўрта асрларда эришди. Кишилар фаолияти ва ижодининг асоси бўлиб Куръон намоён бўлди. Шу билан биргаликда, умуминсоний қадриятлар ҳам такомиллашиб борди;

– ислом Марказий Осий халқларининг ҳаёт тарзи, маданияти ва анъаналарига ўз таъсирини ўтказди. Ўша даврдан бери араб тили фан, фалсафа, адабиёт, дин ва ҳурфикрлик соҳаларида қарор топди, маҳаллий халқлар исломнинг бевосита таъсири остида ўз маданиятларини она тилларида тараққий эттириш имкониятларига эга бўлишди;

– араб тили ҳукмронлик қилган мамлакатларда давр руҳига мос тарзда академиялар таъсис этилди. Зеро, ўша даврда яшаган ҳар бир олим бир нечта тилни яхши билган, турли мамлакатларда таҳсил олиб, универсал билим ва маълумотларнинг эгаси бўлди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг исломлаштирилиши қуйидаги натижаларга олиб келди: бу ерларда ўзаро ички феодализм урушлари барҳам топди, ўлканинг халқлари бирлашдилар, марказлашган мафқура ўрнатилди ва бу ҳолат

халқларнинг ижтимоий онгида ижобий йўналиш бўлиб намоён бўлди, деб таъкидлайди олим¹.

Юқоридаги тарихий-илмий хулосаларга таяниб, ҳақиқатан ҳам ислом дини мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатгани боис, Ўрта асрларга келиб, худудимиз дунёнинг энг тараққий этган маданият ва илм-фан марказларидан бирига айланишга муваффақ бўлди, деган хулосани илгари суришимиз мумкин. Мазкур хулосамизни Ибн Халдуннинг «Муқаддима» асарида берилган маълумотга асосланиб, баён этишга жазм этдик. Асарда у шундай ёзган эди: «Шарқда таълим бериш узлуксиз тарзда такомиллашиб борапти ва у ерларда фанларнинг тараққий этиш ҳодисаси ижтимоий ҳаётнинг шиддат билан ривожланиши ва таълимда ворисликнинг сақланиб қолиши шарофати билан содир бўлмоқда. Холбуки, илгари фаннинг ривожланиш ўчоғи бўлган Бағдод, Басра ва Куфа каби шаҳарлар ҳозирда вайрон бўлди. Аллоҳ уларни яна ҳам каттароқ шаҳарларга алмаштирди. Фанларнинг ривожланиш маркази бўлиб энди форсий Ироқдаги Хуросон, Шарқдаги Мовароуннахр, шунингдек, Қоҳира ва уни Ғарб томондан ўраб турган шаҳарлар намоён бўлишмоқда»².

Мана шу жойда ҳар қандай динни, жумладан исломни ҳам илм-фан ва ижтимоий тараққиётнинг кушандаси сифатида кескин танқид қилиб келган К.Маркснинг қарашлари нақадар асоссиз эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Ўзининг таниқли шиори — «Дин халқ учун афюндир» асосида у барча динларни кишиларнинг табиат ҳодисалари олдидаги ожизлигини асослаш ва жамиятдаги ижтимоий нотенгликни ҳимоя қилиш учун ҳукмрон синфлар томонидан

¹ Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Автореф. дисс... докт. филос. наук. — Ташкент, 1994. —С.29—30.

² Ибн-Халдун. Введение (фрагменты). Перевод С.М. Бациевой. // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX—XIV вв. Составители: С.Н. Григорян и А.В. Сагадеев. — Москва: Изд. Социально-экономической литературы, 1961. —С.621.

ўйлаб топилган уйдирма сифатида изоҳлайди. Шунинг учун марксизмнинг дин бўйича илгари сурган ғоялари нафақат ўша даврда, балки ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчиларнинг аксарияти томонидан маъқулланмаяпти. «Авваламбор, у динни жамиятнинг кейинги тараққиёти учун мувофиқ келмайдиган ҳодиса, деб таърифлайди. Қолаверса, унинг фикрича айнан динни аста-секинлик билан тарқатиб юбориш тараққиётнинг мезонларидан бири бўлиб гавдаланади»¹.

Фикримизча, К. Маркс ислом дини таълимотидан етарли даражада яхши хабардор бўлмай, унинг манбалари билан бевосита танишмасдан туриб, ўзининг бундай радикал мазмундаги ғояларини илгари сурган. Зеро, ҳар қандай ғоя ёки таълимотни холис танқид қилиш учун авваламбор, унинг бирламчи манбаларини чуқур ва атрофлича ўрганиш қатъий талаб этилади. Аминмизки, К.Маркс Қуръони карим ва ҳадислардан етарли даражадаги билимларга эга бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак К.Маркснинг дин ҳақидаги кескин ва танқидий кўринишдаги қарашлари ижтимоий ҳаётда ўз исботини топа олмади.

Биз ҳам К. Маркснинг дин фаннинг кушандаси ҳақидаги танқидий фикрларини қарши танқидий тарзда таҳлил қилиб, ислом таълимотининг ўзи фан эканлиги, айнан рационализм категорияси мазкур диннинг мазмунини очиб беришга хизмат қилади, деб ҳисоблашни таклиф қиламиз. Россиялик тадқиқотчи С.Ф. Якупов томонидан рационализм инсон онгининг демифологизация қилиниши туфайли вужудга келади², деган фикр илгари сурилиши мантқан олганда тўғрига ўхшайди, лекин у муайян баҳс-мунозарага сабаб бўлиши мумкин. Чунки инсоният тарихида шундай

¹ Узланер Д.А. Неоклассическая модель секуляризации в западной социологии религии второй половины XX начала XXI вв. Дисс. канд. филос. наук. – Москва, 2009. –С.37.

² Якупов С.Ф. Особенности исламской цивилизации: менталитет, политико-правовые и экономические институты. // Вестник Челябинского государственного университета, 2012. № 35 (289). Философия. Социология. Культурология. Вып. 28. –С.96.

ходисалар содир бўлганки, кишиларда тажрибага асосланган билим ва маълумотлар етишмаслиги туфайли уларни афсона, миф сифатида қабул қилиш ҳолатлари тез-тез учраб турган. Бироқ, бундай ходисалар тарихда содир бўлган-ку, чунончи, ислом дини тарихида юз берган Исро ва Меърож ходисасига мурожаат қилсак, шунга амин бўламизки, уни ҳақиқат эканлигини М.Аркун томонидан таъкидлаб ўтилган исломий ақл ёрдамида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) фаолиятининг рост-рўйлигига ва уни фақат ҳақиқатни сўзлашига ҳеч қандай шак-шубҳасиз ишонадиганлар эътироф этишади. Ҳолбуки, Қуръони каримнинг 2-сураси, яъни «Бақара»нинг 2-оятида «Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир»¹, деб хитоб қилинган. Яъни, бунда Қуръони каримнинг бошланишидан, то охиригача бўлган суралари ва оятларини сўзсиз ҳақиқат сифатида тан олиниши талаб қилинмоқда. Биз бу ерда ислом динидаги рационализм тамойили фақат эмпирик билим билан чегараланмаслигининг ҳолатига дуч келиб турибмиз.

Демак, ислом дини тарақалган ҳудудларда цивилизациянинг барқарор ривожини бевоқиф илм-фаннинг тараққиёти билан боғлиқлигида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ислом рационализмнинг асосини авваламбор, илмга таяниш ташкил этади, деган фикрларимизни илгари суришни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз. Жумладан, Қуръони карим оятлари ва ҳадислардаги кўрсатмалар ҳамда маълумотларни ўз тафаккуримиз асосида тўғри англашимиз дунёвий ва диний ҳаётимизни оқилона ташкил қилишга, турмушимизда учраб турган ноҳуш ҳодисалар ечимига мос ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилишини тушуниб етамиз. Зеро, бундай ҳулосаларни илгари сурар эканмиз, ҳақиқатан ҳам ислом динида кишилар амал қилиши лозим бўлган барча бурч ва мажбуриятлар тушунарли тарзда қўйилганини нафақат бу динга эътиқод қилувчилар, балки

¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. – 15-б.

насронийликка тааллуқли кишилар ҳам эътироф этишади. «Умуман олганда, ислом жаҳон динлари орасида бошқаларига қараганда ўзининг оддийлиги ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Одамнинг дунёга келишидан, то уни тарқ этгунча бўлган давридаги барча хатти-ҳаракатлари аниқ йўл-йўриққа асосланган қоидага жойлаштирилган бўлиб, улар очик-ойдин мувофиқлаштирилади»¹.

Ҳақиқатан ҳам ислом динида кишиларнинг ибодат қилишлари ҳам, турмуш тарзларини олиб боришлари ҳам уларга ортиқча қийинчиликларни пайдо қилмаслик талаблари асосида амалга ошириш буюрилади. Яъни, биз бу ерда айнан бу диндаги рационаллик ҳолати билан дуч келиб турибмиз. Хусусан, фарз амалларидан бўлган рамазон рўзасини соғ-саломат бўлган ва сафарга чиқмаган киши тутиши талаб этилади. Агарда унинг саломатлиги бунга монелик қилса, унда у фидя, яъни бир муҳтож кишининг бир ойлик озиқ-овқатини таъминлаш орқали бу фарз амалидан озод бўлади. Сафарда юрган киши эса мусофирчиликда азият чекмаслиги учун вақтинчалик бу амални бажаришдан озод этилади, лекин сафари тугагандан кейин рамазон рўзасини бошқа ойнинг кунларида тутиб бериши лозим бўлади.

Шунингдек, закот бериш ва ҳаж зиёратини амалга ошириш ҳам иқтисодий имконияти талаб даражасида бўлган кишиларга буюрилган. Мол-мулкка эга бўлишда ҳам оқилоналик тамойили аҳамиятини кузатишимиз мумкин. Ислом динида бой-бадавлат бўлиш тақиқланмаган, лекин ноз-неъматларни меъёрда истеъмол қилиш буюрилиб, уларни исроф қилиш кескин қораланади. Бу ерда сўзимиз исломдаги мўътадиллик ҳақида кетаяпти. Ислом динида ҳар соҳада мўътадилликка риоя қилишга алоҳида урғу берилган. Исломдаги фикҳий мактаблар ҳам ушбу масалага

¹ Вишневский В.П., Вишневская Е.Н. Рост исламский экономики в мире: институциональный анализ. // Теоретическая экономика, 2013. №5. –С.31.

ўзларининг рационалистик таълимотларида алоҳида эътиборларини қаратганлар.

«Ашаризм илоҳиёт мактабида рационал методнинг вужудга келиши юнон перипатетизми таъсирида содир бўлгани ҳақидаги фикрлар тез-тез учраб туради. Бинобарин, бу фикрларга қўшилмасликнинг иложи ҳам йўқ. ... Ашарий (873–935) – мазкур мактабнинг асосчиси сифатида эътиқод ҳақидаги таълимотларнинг кўплаб масалаларини асослашда ўртамиёналик, яъни мўътадиллик позициясида турди. Бундан ташқари, оламнинг кўплаб ҳодисалари, инсон ҳаёти ва жамиятнинг турли-туман жиҳатларига рационаллик асосида ёндашиш мусулмонларнинг муқаддас китобида ҳам учрайди ва у мувозанатни сақловчи ёндашувнинг пойдеворини ўрнатди»¹.

Ф.М. Муслихабадининг юқоридаги фикрларини асосли деб ҳисоблаш мумкин. Чунки у ўз хулосаларини Қуръони карим ва ҳадисларга таяниб, илгари сураяпти. Зеро, ҳар қандай шароит ва вазиятда меъёрни сақлаш ислом таълимотининг ядросини ташкил қилади. Лекин бу ҳолат кишиларда зикналик, хасислик ва қуримсоқлик каби салбий сифатларни шакллантирмаслиги лозим. Аксинча, исломда сахийлик, ҳимматлилик, савобпешалик ва саховатлилик киши хулқ-атворининг зийнати ҳисобланади. Мусулмончиликка даъво қилаётган киши менталитетида ислом динида мужассамлашган рационалликни акс этиши уни мазкур дин кўрсатмалари ва ҳукмлари ҳақида етарли билим ҳамда маълумотларнинг мавжудлиги билан белгиланади, деган фикрни илгари суришимиз мумкин бўлади. Зеро, бундай билим ва маълумотларга эга бўлмаган кишиларда исломдаги оқилоналик тамойилидан беҳабар бўлиш ҳолати кузатилади, натижада эса уларнинг

¹ Муслихабади Ф.М. Основные аспекты сбалансированного подхода в исламском рационализме. //Вестник КазНУ. Серия востоковедения. №2 (59). 2012. –С.58.

менталитетида дин ҳақидаги нотўғри тасаввурларни ифодаловчи қарашлар доминантлик қилади.

Бахтга қарши, яқин ўтмишида миллий менталитетимиз ривожланишига жиддий салбий таъсирини кўрсатишга йўналтирилган йўлни босиб ўтдик. Туркистон аҳолисининг менталитетига атеистик дунёқараш ғояларини сингдириш ҳаракати XX асрнинг 20-йилларидан бошланиб, бу жараён мазкур асрнинг 70-йилларига келиб ўзининг салбий натижаларини беришга тўлиқ «муваффақ» бўлди. Натижада бир неча авлод диний қадриятларни тараннум этувчи ислом рационализи ҳақидаги билим ва маълумотлардан бебаҳра қолди. Бу ҳолат ўз навбатида кишиларнинг соғлом маънавий-руҳий аҳволига жиддий зарар етказди. Пировардида, тоталитар тузум даврида жамиятимизда алкоғолизм, гиёҳвандлик, порахўрлик, суицид, жиноятчилик каби бир қатор салбий иллатлар «кенг қулоч ёзди».

Бинобарин, тарих лавҳаларидан яхши маълумки, кўхна Туркистон аҳолиси ўз уйлари, устахоналари ва дўконларига кулф ўрнатмаган. Бой-бадавлат кишилар саховатли ва ҳимматли бўлишиб, бошқалар кўмағига муҳтож ватандошларига беминнат ёрдам кўрсатишган. Айниқса, илм-фан билан шуғулланаётган кишиларга меценатлик қилиш шарафли амал ҳисобланган. Бугунги кунда ҳам миллий менталитетимиз тобора такомиллашиб бораётган шароитларда, айрим вазиятлар бизни огоҳликка чақириши табиий ҳолдир. «Менталитетимиздаги мавжуд ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар ҳаётимизнинг ажралмас атрибутларига айланганлигига шубҳа йўқ. Лекин ҳозирги глобаллашув даврида, юксак технологиялашув, ахборотлашув замонида ахлоқий қадриятларимизни мусаффо ҳолда сақлаш тобора қийинлашиб бормоқда. Чунончи, ҳозирда айрим ёшларнинг Фарбга кўр-кўрона эргашиш, тақлидчилик оқибатида миллий менталитетимиз

софлигининг йўқотилишига сабабчи бўлаётган ҳолатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди»¹.

3.Ш. Ҳамидовнинг мазкур фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, дунёвий-миллий урф-одатларимиз билан уйғунлашган ислом дини қадриятлари нафақат навқирон ёш авлодни, балки аҳолининг барча ёшдаги кишиларини «оммавий маданият» иллатларидан йироқ бўлишига муносиб хизмат қилади.

3 §. Ўзбек миллий менталитетида динийлик ва дунёвийлик алоқаси

Дин институтининг дунёвий аҳамиятини таҳлил қилишдан олдин ижтимоий ҳаётда сакрализация ҳодисасининг мавжуд бўлиши хусусиятлари ҳақида етарли тасаввурларга эга бўлиш талаб этилади. Социологик адабиётларда таъкидланишича, сакрализация лотинча «sacer» сўзидан олинган бўлиб, «муқаддас», «илоҳий» каби маъноларни ифодалайди². Оддийроқ қилиб айтганда, сакрализация — бу кишилар онгли фаолияти, хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, социал институтлар функциялари ҳамда социал гуруҳлар орасида кечаётган ўзаро муносабатларга диний мазмун бериш жараёнидир. Кишилиқ жамияти ва маданияти шаклланишининг дастлабки босқичлари сакрализация жараёни таъсирида кечди. Инсоният тарихининг илк даврларида сакрализация жараёни кишиларнинг ўзаро социал хатти-ҳаракатлари, улар амал қиладиган урф-одатлари, удумлари, рамзлари, илоҳийлик билан боғланган эътиқодларининг муайян тури доирасида амалга оширилган. Кейинчалик сакрализациянинг Ғарб мамлакатларида шиддат билан ривожланиш жараёнлари диний институт ва ташкилот, яъни черков таъсири остида кечиб, бу клерикализмнинг³ шаклланишига фаол таъсирини ўтказди.

¹ Ҳамидов З.Ш. Ўзбекона ахлоқий менталитет. // Илмий хабарнома, АДУ, №3, 2015. —41–6.

² Karl-Heinz Hillman. Wörterbuch der Soziologie. — Stuttgart: «Kröner», 1994. —S.753.

³ Лотинча clericalis — черковга тегишли.

Клерикаллаштириш жамият аъзоларининг нафақат шахсий ва ижтимоий ҳаётини мувофиқлаштириш, балки унга мос келадиган мафқуранинг ишлаб чиқилишини ҳам тақозо этади. Клерикаллаштиришнинг асосий мақсади — инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай соҳани теологик тафаккур қилиш орқали билишга эришишдир. Жараённинг бундай йўналишда кетиши Ғарб жамиятининг барча соҳаларга католицизм таъсирини мислсиз тарзда кучайтириб юборди. Шу ерда бир ҳолатни эслатиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Кишиларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётларида сакрализация жараённинг кечиши ҳар бир диндаги ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади. Жумладан, ислом динидаги сакрализация ҳодисаси христианликдан тубдан фарқ қилади. Чунки тарихийлик нуқтаи назаридан қараганда ислом динида христианликдаги черковга ўхшаган алоҳида ташкилот барпо қилинмагани туфайли бу дин ўзида динийлик ва дунёвийликни омикталаштиришга интилди. Бунинг яна бир асосий сабаби шунда эдики, ислом диний-сиёсий уйғунлигида тараққий этди. Ислому оламининг аксарият сиёсий раҳбарлари сакрализациянинг элементларидан бўлмиш — харизматик¹ сифатларга эга эдилар. Таниқли немис социологи М.Вебернинг фикрича, харизма — бу шахснинг бошқалардан фарқ қиладиган ғайриоддий қобилияти бўлиб, ушбу хислат унинг ҳаёт фаолияти давомида шаклланмайди, балки унга табиат, илоҳ, тақдир томонидан инъом этилади². Шунинг учун исломдаги сиёсий етакчилар бир вақтнинг ўзида диний раҳбарлар ҳам бўлишган: пайғамбар, халифа, қози ва ҳоказолар³.

Мазкур ҳодисалар В.П. Вишневский, Е.Н. Вишневская томонидан асосли тарзда таъкидлаб ўтилганидек: «Динийлик

¹ Юнонча charisma — тухфа, инъом.

² М. Вебер. Избранные произведения. — Москва: «Прогресс», 1990. —С. 27.

³ Цивилизационная структура современного мира. В 3 томах. / Под ред. Ю. Пахомова, Ю. Павленко. — Киев: «Науково думка», Т.3. Кн.1: Мусульманско-афразийская и Индийско-южноазиатская цивилизации, 2008. —С.95—96.

ва дунёвийликни ўзаро уйғунликда намоён бўлиши маъмурий-бюрократик иерархия аҳамиятини пасайтириб борди. Зеро, мансабдорлардан ўз хатти-ҳаракатларини шариат қонунларига мувофиқлаштириб олиб боришлари қатъий талаб қилинади. Пировардида, уларнинг қуюшқондан чиқиш имкониятлари чекланади»¹.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларга маълум бир маънода қўшилса бўлади. Дарҳақиқат, ислом шаклланишининг илк даврларида бундай вазият мавжуд эди, кейинчалик бошқарувнинг ушбу шакли тубдан ўзгарди. Бу фикрларимизга ҳадиси шарифдаги «Мендан, вафотимдан кейин халифалик ўттиз йил давом этади. Ундан кейин амирлик ва подшоҳлик бошланади»², деган хитоб ишончли асос бўлади.

Яна христианликдаги сакрализация масаласига қайтадиган бўлсак, шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, Ўрта асрларга келиб католицизмга тааллуқли барча ҳодиса ва воқеаларни илохийлик даражасига кўтарилиши Рим Папасининг жамият ва унинг барча аъзолари устидан ҳукмронлигини тасаввур қилиб бўлмас даражада кучайтириб юборди. Бу даврга келиб инсон ҳаёт фаолиятининг дунёвий ва сакрал жихатлари ўртасидаги фарқ ажратилмади. Шунинг учун инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва социал ҳодисалар сакрализация мазмунидан келиб чиқиб баҳоланди. XX асрнинг буюк социологларидан ҳисобланадиган, келиб чиқиши рус, америкалик мутафаккир П.А. Сорокиннинг таъкидлашича, Фарб Ўрта аср маданиятининг асосий тамойили ва бош қадрияти сифатида Худо намоён бўлади. Ўрта аср маданиятининг барча соҳалари мазкур тамойил ва қадриятга бўйсундирилди. Масалан, архитектура ва ҳайкалтарошлик ҳамда рангтасвир санъати ўзида Инжил сюжетларини ифодалаб келган бўлса, адабиёт

¹ Вишневский В.П., Вишневская Е.Н. Рост исламский экономики в мире: институциональный анализ. // Теоретическая экономика, 2013. №5. —С.32.

² Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами). Маъсул муҳаррир. И. Усмонов. — Тошкент: «Movarounnahg», 2014. —99-б.

христианлик эътиқодини улуғлар эди, мусиқа эса мутлақ тарзда диний хусусият касб этарди, фалсафа фани деярли теологияга ўхшаш хусусиятга эга бўлди, ва ниҳоят, ахлоқ ҳамда ҳуқуқ ҳам диний мазмун касб этган эди. Бундан ташқари сиёсий тизим, оила ва ҳатто иқтисодни ташкил этиш ҳам дин томонидан назорат қилина бошланди¹.

Бироқ, Ғарбий Европада Ўрта асрларнинг сўнгги ва янги даврнинг бошларидан христиан дини пешволарининг мутлақ ҳукмронлигига чек қўйишга қаратилган ҳаракатлар авж ола бошлади. Таниқли француз мутафаккири К. Гельвещий бу масалада қуйидаги фикрларини илгари сурган эди: «Эътиқод ҳақидаги ҳисоботни мен фақат ўзимга беришим даркор, ҳеч қандай подшоҳ, ҳеч қандай Папа уларга ўхшаб фикрламаганим учун мени жиноят қилган киши сифатида таъқиб қила олмайди. Табиатан мен ўзим ўйлаган нарсалар ҳақида фикрлаш ва гапириш ҳуқуқига эгаман»².

Секуляризация тушунчаси лотинча «secular»дан ҳосил бўлиб, у бевосита дунёвийлик маъносини ифодалайди³. Яна ҳам аниқроқ айтилса — бу жамият ҳаётининг турли соҳалари, ижтимоий, гуруҳий ва индивидуал онг, кишилар фаолияти, хулқ-атворлари, социал институтлар ва уларнинг функцияларини амалга ошириш механизми бўлган социал муносабатлар тизимининг дин таъсиридан йироқлашиш жараёнидир. Мазкур жараённинг кечиши осон бўлмади. Таъкидлаб ўтилганидек, секуляризациянинг илк босқичи уни дастлаб руҳонийларнинг ҳокимияти ва мулкларига нисбатан татбиқ этилиши билан боғлиқ эди. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, секуляризация тушунчаси илк бор сиёсий мақсадларда, яъни 30 йиллик урушдан кейин,

¹ Сорокин П. Социокультурная динамика и религия. Кризис нашего времени. // Человек. Цивилизация. Общество. — Москва: «Политиздат», 1992. — С.430.

² Гельвещий. «О человеке». // Гельвещий соч. в 2-х томах — Москва: «Мысль», 1974. Т.2. — С.226.

³ Большой толковый социологический словарь. — Москва: «ВЕЧЕ-АСТ», 1999. Том 2. — С.191.

Вестфаль тинчлик сулҳини тузиш учун юборилган француз элчиси Лонгвиль томонидан қўлланилди ва урушда ғолиб бўлганларга черков мол-мулкани мусодара қилиш эвазига товон тўлашни таъминлаш учун истеъмолга киритилди. Бир оз фурсат ўтиб, бу жараён Фарбий Европанинг бошқа мамлакатлари ижтимоий ҳаётига ҳам кириб келди. Секуляризация фақат черков мулкани бошқалар ҳисобига тақсимлашни англатиш билан чекланмади. Кейинчалик секуляризация жараёни жамият маданий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўткази бошлади.

Фарбий Европа жамиятида секуляризация ривожини ўрганишда турли хилдаги индикаторлар мавжуд. Жумладан, бу масалада П.А. Сорокин олиб борган тадқиқотлар алоҳида эътиборга сазовордир. Унинг тадқиқотлари асосан Европа мамлакатлари ижтимоий тараққиётини ўрганиш жиҳатлари асосида олиб борилди. Натижада секуляризациянинг Фарб жамияти шароитларида тадқиқ этиш методлари, тушунчалари ва ёндашувлари ишлаб чиқилди. Ҳолбуки, секуляризация ҳар бир жамиятнинг ўзига хос ижтимоий-маданий хусусиятлари таъсирида, жумладан, конфессиялар ўртасидаги фарқларни инобатга олиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб ривожланади. Шунинг учун ҳозирда секуляризациянинг ижтимоий жараён сифатида содир бўлишининг универсал модели йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Масалан, Фарбий Европа мамлакатлари шароитларида кечган секуляризация жараёни нафақат ислом олами ёки буддавийлик, ҳиндуизм, яҳудийлик ва бошқа самовий ҳамда миллий динларга эътиқод қиладиган, балки христианлик тарқалган бошқа мамлакатлар: Россия, Греция, Болқон ярим оролида жойлашган давлатлардаги ижтимоий шароитларга ҳам мос келмайди.

Шу билан биргаликда замонавий жамият ҳаётида диннинг тутган ўрнини таҳлил қилишда секуляризация асосий социологик категориялардан бири бўлиб хизмат қилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Лекин ушбу социологик категория «жамиятга дин керакми ёки йўқ?» деган саволни қўйишдан

четда туриши лозим. Зеро, бу жараён диннинг функциялари замонавий шароитларда қандай амалга ошаётганини кишиларнинг кундалик ва ижтимоий ҳаётларини таҳлил қилиш орқали юзага чиқаради.

XIX аср охири ва XX аср бошидан Туркистонда кенг қулоқ ёзаётган жадидчилик ҳаракатининг асл мақсади — қоқоқ феодал муносабатларга асосланиши сабабли ўз замонасидан ортда қолаётган ўлкани тараққий эттиришга эришиш эди. Жадидчилар ўз даврининг илғор кишилари бўлиб, улар ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни чуқур эгаллаган эдилар. Бу ҳаракат асосчилари ислом динининг мазмун ва моҳиятини тўғри англаган ҳолда жамият аъзолари, айниқса ёш ўғил ва қизлар диний билимлар билан параллел тарзда дунёвий билимларни пухта ўзлаштирсаларгина ҳозирда қоқоқлик даражасида қолаётган жафокаш Туркистон эли тез фурсатларда барқарор тараққиётга эришишига қатъий ишонганлар. Ва шу мақсад йўлида фидокорона ва матонатли фаолият олиб бордилар. Лекин бу эзгу-ниятларни амалга ошириш улар учун осон кечмади. Айниқса, ижтимоий янгиликка тиш-тирноғи билан қарши бўлган кишилар — қадимчилар жадидчиларни кофирликда айлаб, уларни жисмонан йўқ қилишга киришдилар. Ўлкада яна биродарқушлик ҳаракати бошланди. Бу жараёнлар эса Туркистоннинг энг маърифатли кишиларини бевақт ва фожиали ўлимига сабаб бўлди. Жумладан, Туркистон жадидчиларининг етакчиси бўлмиш муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам шафқатсиз, жоҳил ва саводсиз ақидапарастларнинг мақсадига хизмат қилган Бухоро амири сиёсатининг қурбони бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарб мамлакатлари олимлари ўз жамиятларида кечаётган секуляризация жараёнларининг таҳлили учун турли-туман назарияларни ишлаб чиқа бошладилар. Мазкур ҳаракатлар турли йўналишларда олиб борилгани туфайли Европа мамлакатлари ва Америка олимлари томонидан нашр қилинган социологик адабиётларда секуляризация жараёнининг таҳлилида плюралистик ёндашувлар доминантлик касб эта бошлади.

Айрим йўналишларда жамият ҳаётининг барча соҳаларига секуляризациянинг кириб келиши диннинг ижтимоий аҳамиятини пасайишига олиб келиши қайд қилинади. Жумладан, немис миллатига мансуб, америкалик социолог П. Бергер «Илоҳий парда» (1967) асарида секуляризацияни ҳаракатлантирувчи куч сифатида замонавий жамиятнинг иқтисоди намоён бўлишини эътироф қилади. Чунки капиталистик-индуриал жамият иқтисодини барпо этиш ва ривожлантириш ҳаракатлари кишилар онгини плюралистик ғоялар асосида ўзгартиришни тақозо этади. «Индустриал жамият катта кўламдаги илмий-техник персоналнинг фаолиятини талаб қилади. Уларни ўқитиш ва социал жиҳатдан уюштириш жараёни эса нафақат инфраструктура жиҳатидан, балки тафаккур қилиш даражасидан келиб чиқиб, рационаллаштиришни талаб этади»¹.

Кейинчалик секуляризациянинг жамият иқтисодий ҳаётидан бошқа соҳаларга тарқалиб бориши туфайли илоҳийлик билан боғлиқ барча предмет ва ҳодисалар ўз муқаддаслигини йўқотади, натижада ижтимоий тартиб ҳамда ҳамжиҳатликка таҳдидлар пайдо бўлади², деб таъкидлайди П. Бергер. Мазкур шароитларда секуляризация жараёнлари нафақат жамият ва унинг институтлари фаолиятларига, балки кишилар онгига ҳам кучли таъсир кўрсата бошлайди. Онгдаги секуляризация оддий кишиларни динга нисбатан бефарқ бўлиб қолишларига олиб келади. Натижада кишилар «диний мажбуриятларни кейинроқ қилса ҳам бўлади», деб уларни ортга суришлари ва ҳатто, умуман ёддан чиқаришлари мумкин.

Таниқли америкалик социолог Т. Парсонс фикрича, жамият ривожини дифференциация йўлидан бориши туфайли дин ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотади. Секуляризация натижасида дин сакрал хусусиятидан йироқлашади ва

¹ Бергер П. Священная завеса. // Неприкосновенный запас: дебаты о политике и культуре. — Москва, №32, 2003. —С.8.

² Ўша ерда.

бунинг натижасида у жамият ҳаётининг бир бўлагига айланади. Вақт ўтиши билан эса дин кишиларнинг хусусий ишига айланиб қолади. Энди динни социал институт сифатида давлат, ҳуқуқ, иқтисод, таълим каби бошқа соҳаларга тўғридан-тўғри таъсир қилиш салоҳияти кескин камаяди. Бироқ, муаммога бошқа томондан қаралса, диний эътиқод ўз қадриятлари асосида кишиларнинг дунёвий фаолиятларига таъсир қила олади. Бунинг натижасида бу ҳол жамиятда диннинг ролини яна юксалишига олиб келади. «Эътиқод тизимининг институтциялашувига мувофиқ, қадриятлар ва мақсадлар мўйян трансцендент шароитдан ҳосил бўлади, деган эътиқоднинг ўзи социал вазиятнинг бир бўлаги бўлиб гавдаланади. Бас шундай экан, у мантиққа зид тарзда эмпирик оламнинг бир қисмига айланади. Жамият аъзолари шундай фактга дуч келишадики, унда уларнинг кутишга қаратилган хулқ-атвори бевосита трансцендентликка йўналтирилган диний эътиқод воситачилигида белгиланади. Улардан энди бундай муносабатни институтциялашув асосида маъқуллаш учун санкциялар тизимининг барча элементларини сафарбар қилиш кутилади. Натижада дунёвий манфаатлар муқаррар равишда диний хулқ-атворнинг мотивацияси бўлиб хизмат қилади. Ва аксинча, диний қадриятларга амал қилиш албатта дунёвий ишлар билан боғланади. Масалан, агарда дин етарли даражада жиддий бўлса, унда черков ёки унинг функционал эквивалентлари албатта нуфузга ва дунёвий ишларга, шунингдек, ухровий ҳаётга ҳам таъсир қилишига эришишади»¹.

Ҳозирги кунда секуляризация жараёни таъсирида кишиларнинг христианлик, буддавийлик ёки мусулмонликка даъво қилишлари, у ёки бу динга эътиқод қилиш, унинг ҳукмлари, ритуалларга риоя қилиш билан эмас, балки миллий идентификацияга боғлиқ тарзда амалга оширила

¹ Парсонс Т. О социальных системах. // Под ред. В.Ф. Чесноковой и С.А. Белановского. – Москва: «Академический Проект», 2002. – С.511–512.

бошланди. Масалан, бугун рус миллатига тааллуқдилардан қайси динга мансублигини сўралса, улар ўзларини православ, ўзбек миллатига тааллуқдилар эса мусулмон, деб жавоб қайтаришларига дуч келамиз. Ваҳоланки, улар ўз динларининг талабларига амал қилиш у ёқда турсин, ҳатто дин ҳақида оддий тасаввурга ҳам эга эмасликлари маълум бўлади. Лекин бундай кишилар диндан ўз шахсий манфаатлари учун қўл келадиган жиҳатларини олишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, ўзига тўқ айрим эркаклар ислом динида полигомик никоҳга рухсат этилганилигидан ўз худбин мақсадларида фойдаланадилар. Диндан фақат дунёвий роҳат-фароғатли мақсадларда фойдаланиш кишилардаги мавжуд заиф эътиқодни ҳам сўндириши мумкин. Бунинг натижасида инсон ва Худо ўртасидаги боғланиш узилади. Шунинг учун кишиларнинг дунёвий ҳаёт кечиришлари уларнинг ўз хоҳишига боғлиқ бўлса-да, аммо бу ҳолат диний қадриятлар ва урф-одатлар маъносини бузиб талқин қилиниши эвазига бўлишидан йироқ бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Америкалик бошқа бир социолог Р.Белланинг фикрича, секуляризация шароитларида дин ўз ривожини учун янада катта имкониятларга эгаллигини намоён қилади ва бу ҳолат ижтимоий тараққиёт жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, у ирқчиликка қарши куршишда дунёвийлик билан биргалик диний омил ҳам фаол ҳаракатда бўлганини алоҳида таъкидлайди. «Диний ташаббуснинг улкан имкониятлари ҳақида гапира туриб, диний ғоялар томонидан илҳомланган ва Америка жамиятининг хусусиятларини ўзгартирган, яъни кейинги даврнинг энг аҳамиятли ижтимоий ҳаракатларидан бирини эслаш лозим бўлади. Мартин Лютер Кинг раҳбарлигидаги негрларнинг фуқаролик ҳуқуқлари учун курашган Ҳаракат америкаликларни социал ва иқтисодий институтларни тубдан ўзгартиришга даъват қилиб чиқди. Бунда қўйилаётган мақсад эса адолатли, миллий жамиятни барпо этиш бўлиб, бу жамият ўз аъзолари ўртасидаги ўзаро фарқ ва ўзаро боғлиқликни эътиборга олишга

қаратилган бўлиши лозим. Бу ҳаракатда насронийлик ва дунёвийликнинг мазмунлари ўзаро уйғунлашган эди ва уларга индивидуализм маданиятининг янги, ўзгараётган шакли қўшилди»¹.

Р. Белла яна шундай ҳолатни таъкидлайдики, XX асрга келиб Фарбда секуляризация мислсиз тарзда ривожлана борди. Бунинг натижасида кишиларнинг диний эътиқодини назорат қилувчи ташкилот заифлаша бошлади. Лекин Р. Белла бу ҳодиса кишиларнинг диний эътиқоди бутунлай йўқолди деган фикрга олиб келмаслиги кераклигини таъкидлайди. Унинг кузатишича, замонавий Фарб кишиси – бу секулярлашган христиандир. Яъни, энди у ўз эътиқодини черковдан ташқарида ҳосил қилади. Бундан келиб чиқиб, у қуйидаги хулосани илгари суради: «Секуляризация жараёни айнан динни бартараф қилишни эмас, балки унинг структураси ва функцияларини ўзгариши билан қизиқади. Аммо, биз бунини энди тушунишни бошладик»².

Шундай қилиб Т. Парсонс ва Р. Белла секуляризацияни ижтимоий жараён сифатида эътироф этишар экан, унинг кечишида дин роли ва таъсири ўзгариб бориши кишилар дунёқараши дифференцияцияси ва маданияти плюралистик мазмун касб этаётгани билан ифодаланишига асосий урғунни қаратишади. Бунинг асосида дин ўз аҳамиятини сира йўқотмайди, фақат энди уни кишилар дунёқараши ва хулқ-атвориға таъсир этувчи механизми бошқача кўриниш ҳосил қилади³.

Секуляризация жараёнини социологик жиҳатларда тадқиқ қилиш бир жойда депсиниб қолгани йўқ. Уни Фарб ва Шарқ жамиятларининг олимлари ўз ижтимоий-

¹ Белла Р. Религиозный индивидуализм и религиозный плюрализм. // Гараджа В.И., Руткевич Е.Д. Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии для вузов. – Москва: «Аспект-Пресс», 1996. –С.698.

² Белла Р. Социология религии. // Американская социология. – Москва: «Прогресс», 1972. –С.274.

³ Гараджа В.И. Социология религии. – Москва: «ИНФРА-М», 2007. –С.296.

маданий хусусиятлардан келиб чиқиб, юқорида фикрлари баён этилган мутафаккирларнинг ишларига танқидий ёндашган ҳолда изчил ўрганиб бормоқдалар. Албатта, секуляризациянинг замонавий талқинидаги аксарият социологик назариялар Фарб мамлакатларининг олимлари томонидан, христианлик дини аҳамиятининг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган. Бунда ислом дини хусусиятлари деярли таҳлил қилинмаган. Аммо, эндиликда Фарб ва Шарқ мамлакатларининг социологлари мусулмонлар истиқомат қиладиган жамиятларда ислом ва секуляризация масалаларига бағишланган асарларини эълон қилиб бормоқдалар. Бу асарларда секуляризация ҳодисаси ислом динига эътиқод қилувчи аҳолининг кўпчиликини ташкил қиладиган жамиятлар ҳаёти учун янгилик эмаслиги тарихий далил ва исботлар билан баён қилинганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ислом динига эътиқод қилувчилар сони кўп бўлган мамлакатларда секуляризация жараёни аҳолиси ўзини христианликка мансуб ҳисоблайдиган жамиятларга қараганда мураккаброқ кечиши азалдан маълум. Чунки ислом ва унинг қадриятлари кишиларнинг шахсий ҳаётларига чуқур кириб, жойлашган. Шунинг учун улар дунёвийлашиш жараёнига эҳтиёткорлик билан ёндашадилар. Мазкур масаланинг объектив сабаблари ҳам мавжуд. «Фарб жамиятида содир бўлаётган ахлоқий бузуқликлар, фахш, гиёҳвандлик каби иллатларнинг кенгайиб боришида кишиларнинг секуляризация туфайли ўз динларидаги бурч ва мажбуриятларидан воз кечиши асосий ролни ўйнапти» деган мулоҳазалар ислом динига эътиқод қилувчилар орасида чуқур илдиз отмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, «секуляризация исломга мос келадими ёки ундан йироқ бўлиши керакми?» қабалидаги савол ҳам пайдо бўлиши табиийдир. Айримлар секуляризация жараёни туфайли жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятларидан бирини ташкил қилувчи ислом маданияти ва ахлоқининг таъсири худди Фарб жамиятларида христианлик қадриятлари

йўқолиб бориши каби ҳолатга тушади, динга эътиқод қиладиганлар сони кескин камайиши эса жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади деган фикрларини илгари суришмоқда. Лекин мусулмонлар аҳолисининг аксариятини ташкил қиладиган мамлакатлар тажрибаси бундай хулосалар тўлиқ асосга эга эмаслигини кўрсатмоқда. Германиялик олим, профессор Ротрауд Виландт бу масала бўйича ўзининг қуйидаги илмий мулоҳазаларини илгари суради: «Ҳозирги дунёга назар ташланса, дин ва давлатнинг бирлиги тамойилидан ислом доирасида воз кечса бўладими деган савол бугунга келиб, ҳаётини воқеликнинг ўзи томонидан аллақачон кун тартибидан олиб ташлангандек туюлиши мумкин. Шундай қилиб, масалан, 185 миллионга яқин, яъни дунёдаги бошқа ҳар қандай давлатдан кўра кўпроқ мусулмон истиқомат қиладиган Индонезия давлатчилигининг тағзаминида таркибига мусулмон дини ва ҳуқуқи эмас, балки Худога ишонч кирадиган «Панча шила» номи билан машҳур беш тамойил ётади. Аҳолисининг озчилигини — 115 миллионга яқин одамни ташкил қиладиган Хиндистон эса дунёвий-маърифий демократик давлат ҳисобланади. Кўп асрлар муқаддам ислом илдиз отган мазкур мамлакатларда у аввалгидек битмас-туганмас ҳаётини кучга эга. Аҳолисининг 98% мусулмонлардан иборат Туркия Республикаси мана 75 йилдан зиёдроқ вақтдан буён расман дунёвий-маърифий давлат тамойилларига амал қилиб келмоқда. Аммо, бундай ҳолат мамлакат фуқаролари орасида диндорликни йўқолиб кетишига олиб келмади»¹.

Немис олимининг мазкур фикрлари ҳақиқатдан баҳсли мунозараларга муносиб жавоб сифатида намоён бўлади. Жумладан, унинг бу фикрларига таяниб, мамлакатимизнинг бой тарихига назар солсак, шунга гувоҳ бўламизки, бизнинг

¹ Ротрауд Виландт. Дин ва давлат бирлиги исломнинг қатъий талабими? // Ислам ва дунёвий-маърифий давлат. // Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. — Тошкент: «Имом ал Бухорий» ва «Фридрих Эберт» жамғармалари, 2003. —66-б.

худудларимизда ҳам азалдан кишилар тафаккурида табиат ҳамда жамият ҳодисаларини идрок қилишга динийлик ва дунёвийлик тамойилларидан келиб чиқиб, ёндашишга ҳаракат қилинган. Чунончи, фикҳ илмининг дарғаларидан бўлган таниқли олим Бурҳониддин Марғиноний томонидан XII асрда ёзилган ва ҳозирда ҳам мусулмон мамлакатлари университетларида фикҳ йўналиши бўйича қимматли ўқув-илмий манбаа бўлиб келаётган «Ҳидоя фи фирул ал-фикҳ», яъни «Ҳидоя» асарида муаллиф ислом динидаги динийлик ва дунёвийлик муносабатларининг айрим қирралари ҳақидаги ўз хулосаларини Қуръон оятлари ва ҳадисларга таянган ҳолда илгари сурганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, бу асарда мусулмон йигитга бошқа динга эътиқод қиладиган қизни ўз никоҳига олиши мумкинлиги баён қилинган. Бунинг учун эса бўлғуси келин албатта «аҳли китоблардан», яъни илоҳий китоблар ва пайғамбарларни эътироф қилувчи бўлиши лозимлиги алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бунда қиздан ўзи эътиқод қиладиган диндан мажбуран воз кечиши талаб қилинмайди. Лекин мусулмон йигитни маъжусийлик ва кўпхудоликка эътиқод қиладиган қизларга уйланиши мумкин эмаслиги таъкидланади.

Асардаги диққатга сазовор жиҳат шундаки, мусулмонлар учун бундай эътиқод эгалари билан бошқа дунёвий муносабатларга киришиш мумкинлиги тасдиқланади ва бу фикрлар ҳам Бурҳониддин Марғиноний томонидан Қуръон оятлари билан асосланади. Асардаги яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, динийлик нуқтаи назаридан мусулмонларга маъжусийлар томонидан амалга оширилаётган қурбонликда иштирок этмаслик буюрилмоқда, лекин дунёвийлик жиҳатидан уларнинг бу урф-одатларини тақиқлашга даъват этилмаяпти¹.

Бу ерда айнан динийлик ва дунёвийликнинг мустаҳкам алоқасини кузатишимиз мумкин. Демак, аждодларимизнинг

¹ Бурхануддин Маргинани. Хидоя. Комментарий мусульманского права. Перевод с английского. – Ташкент: «Ўзбекистон», 1994. –С.131.

динийлик ва дунёвийлик ҳақидаги мазкур қарашлари жамиятдаги ўзаро ижтимоий тотувликни таъминлашга мустаҳкам ғоявий асос бўлиб хизмат қилиб келди. Шу билан биргаликда мамлакатимиз тарихининг айрим даврларида дунёвийлик роли маълум бир даражада юқори бўлганлиги кузатилса, баъзи даврларда эса динийлик устувор бўлишига эришилган. Лекин кишилик жамияти тарихи шуни яққол асосладики, бу икки тамойил бир-бирини ўзаро тўлдирсагина жамиятда барча социал институтлар фаолияти юқори даражада бўлади ва шу маконда ижтимоий барқарорлик ҳамда тараққиётни таъминлаш қонуният хусусиятига эга бўлади. «Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди. Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз»¹.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам марказлашган давлатчилигимиз асосчиси сифатида динийлик ва дунёвийлик муносабатларини ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатишига катта эътибор қаратиб келган. Ўзининг давлат бошқаруви фаолиятида дин уламолари маслаҳатига ҳам таянган, лекин қарорларни мустақил тарзда, дунёвийлик жиҳатларидан келиб чиқиб эълон қилгани тарихий лавҳалардан яхши маълум. Юқоридаги хулосаларни профессор З.И. Мунавваров томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам яққол тасдиқлайди. «Манбаларда шундай қайдлар учрайдики, руҳонийларнинг энг нуфузли вакиллари Соҳибқирон қарорларининг устуворлигини сўзсиз тан

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: «Маънавият», 2008. —96-б.

олганлар ва у бошлаган ҳар бир ишга, шу жумладан ҳарбий юришларга ҳам оқ фотиҳа берганлар»¹.

Билдирилган фикрлардан маълум бўлмоқдаки, Соҳибқирон динийликни дунёвийликка қарши қўймаган, лекин давлат бошқаруви ишларини дунёвийлик асосида олиб борган. Маълумки, унинг ҳукмронлиги даврида диёримиз аҳолиснинг аксарияти ислом динига эътиқод қиларди, лекин бошқа динларга эътиқод киладиган мамлакатлардан келган элчиларга Соҳибқирон дунёвийлик асосида жуда хушмуомалалик билан, самимий муносабатда бўлгани бизга тарихдан маълум. Шунингдек, бобокалонимиз бирор-бир ҳудудни фатҳ этган тақдирда ҳам ўша юрт вакилига раҳбарлик вазифасини топширганлиги ул зотда диний ва дунёвий бағрикенглик сифатлари бисёр бўлганини англатади: «Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолиснинг ашраф-уруғлари ва бузруғлари билан ошно тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари ишлаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим»².

Бошқарув масалаларида Соҳибқирон раҳбарни дунёвийлик асосида фаолият юргизишининг тарафдори бўлган. Уни «Ҳукмдор — бошқарув ишида, буйруқларни халққа етказишда бировни шерик қилишдан ўзини сақлаши, айниқса бошқарувда ошночилик қилишдан тийилиши лозим»³лигини алоҳида таъкидлаши юқоридаги фикрларимизга амалий мисол бўла олади. Бу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, унда ислом динининг аҳамияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки

¹ Мунавваров З. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши. // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. // Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. — Тошкент: «Имом ал Бухорий» ва «Фридрих Эберт» жамғармалари, 2003. —134-б.

² Темур тузуқлари. — Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. —55-б.

³ Амир Тимур тузуқлари. — Тошкент: «Халқ мероси», 1992. —21-б.

Амир Темур давлати дунёвий мазмунга эга бўлгани билан жамиятда динийлик хусусияти ўзига яраша эди. Шунинг учун Соҳибқирон ўз ўтказган машваратларида дин уламоларининг ҳам иштирок этишларини амр қилган ва улар берган маслаҳатларига зарур шароитларда амал қилишга ҳаракат қилган. Демак, Соҳибқирон Амир Темур марказлашган давлатчилигимиз асосчиси сифатида динийлик ва дунёвийлик муносабатларини ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатишига катта эътибор қаратиб келган деган фикрни дадил илгари суришимиз мумкин.

Энди дунёвийлик ортга сурилиб, фақат динийлик мутлақ етакчилик қилган даврни эсласак, қуйидаги ижтимоий ҳодиса билан қарши келамиз: Туркистоннинг ягона ҳудуд сифатидаги мақоми ўзгариши ва уни хонлик ва амирликка ажралиб кетиши ташқи кучларнинг бевосита босқинчилик ҳаракати билан боғлиқ бўлса-да, бироқ мамлакатдаги ички вазият ҳам ушбу тарихий нохуш воқеаларнинг жиддий сабабларидан бири бўлган. Ушбу фикрларимизни амалий жиҳатдан асослаш мақсадида яна профессор З.И. Мунавваровнинг илмий тадқиқотларига мурожаат қиламиз: «...тарихнинг мазкур даврида муайян кучлар ўз мақсадларига эришиш учун нуфузли шайхлар ва уламолардан фойдаланиб, кўпинча уларнинг давлат сиёсатига аралашувини сезиларли даражада фаоллаштиргани ҳам ўзаро ички низоларни чуқурлаштириб, салбий роль ўйнади. Бу XVIII асрда Мовароуннаҳрни сиёсий нуқтаи назардан узил-кесил парчаланиб кетишига ва унинг ҳудудида учта майда давлатлар – Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг ташкил топишига олиб келди»¹.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб эса аксинча, Туркистондаги давлат ва жамият бошқарувида дунёвийлик

¹ Мунавваров З. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши. // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. // Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: «Имом ал Бухорий» ва «Фридрих Эберт» жамғармалари, 2003. –135–136-б.

хусусиятлари кучайтирилиб, динийликка нисбатан аёвсиз кураш олиб борилди. Хатто, худосизликни тарғиб этувчи жамоатчилик ташкилотлари тузила бошланди. Ислом дини ривожига улкан улуш қўшган буюк алломалар асарлари «мистика, хомхаёлликни тарғиб қилувчи реакцион, ўта зарарли манбалар», деб эълон қилинди ва улардан жамият аъзоларини танишиш ва фойдаланиш имкониятлари тақиқланди. Дин ва унинг асоратлари билан курашиш баҳонасида араб имлосига асосланган эски ўзбек ёзувида нашр қилинган қанчадан-қанча дунёвий китоблар ҳам дунёвий мутаассиблимиз туфайли яксон қилинди. Бу эса тарихий-маданий меросимиз слоҳиятига жиддий путур етказди. Ушбу салбий ҳодисанинг асосий сабабларидан бири — бу тоталитар тузум шароитларида ислом динини бошқа динлар каби ижтимоий ҳаёт таркибидан максимал даражада сиқиб чиқарилганидир. Бундан ташқари диннинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалари билан алоқаси деярли тўлиқ узиб қўйилди. Пировардида, кишилар дин ва унинг қадриятларидан бегоналаша бошладилар. Ўз мақсадларимизга етишдик, деб ҳисоблаган собиқ Иттифоқ раҳбарлари атеистик тарбияни янада кучайтириш учун кўрсатмалар беришди. Яъни, тоталитар жамиятда секуляризация жараёни атеизация билан айнанлаштирилди ва ушбу ёндашув эса секуляризация мазмунига умуман зид эди. Бу ҳақида Россиялик таниқли социолог Ю.Ю. Синелина қуйидаги асосли фикрларини илгари сурган эди:

«Совет Иттифоқида секуляризация назарияси худди Фарбдаги каби — ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади. Кўпинча совет ва Фарб олимларининг диннинг келгуси тақдири ҳақидаги қарашлари ўзаро ўхшашлик касб этарди. Фақат фарқ шунда эдики, совет дин социологлари социалистик жамиятда кечаётган секуляризация жараёнини марксистик позициядан (марксистик назария) туриб ўрганганлар. Социологлар қандайдир жараёнларни фақат қайд қилиш ва вазиятларнинг

башорати билан шуғулланмасдан, балки ўз ҳаракатларини мамлакатда кечаётган секуляризация жараёнига таъсир қилувчи воситаларни излаб топишга йўналтирган эдилар. Пировардида, бу жараённи жадаллаштириш, кучайтириш ва уни атеизацияга айлантиришни мақсад қилдилар»¹.

Демак, атеизм энди янги эътиқод рамзи бўлиб гавдалана бошлади ва бу ҳолат жамият аъзоларини ўзаро бирлаштириш ўрнига уларни бир-бирларидан йироқлаштирди. Чунки динга эътиқод қилувчилар билан эътиқод қилмайдиган кишилар ўртасида сунъий фарқ ташкил қилинди. Юқори лавозимларга номзодларни тайинланишида атеистик дунёқараш бош мезонлардан бири бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ўз худосизлигини ошқора намоиш қилганларга мансаб пиллапояларидан юқорига кўтарилиш имкониятларининг эшиклари кенг тарзда очиб берилди. Бундай шароитларда бошқа миллат вакиллари ўзларини атеист сифатида таништиришлари оддий ҳол бўлган бўлса-да, аммо ўзбеклар бу масалада ўта эҳтиёт бўлишга интилганлар. Бунинг асосий сабаби шундаки, ўзбек жамиятида ўша даврларда ҳам ўзини очикдан-очик худосизман деган кишиларга ҳурмат билан қаралмаган.

Тоталитар тузумнинг ислом динига нисбатан бўлган ўша давридаги танқидий-атеистик ёндашувини сиёсий фанлар доктори, профессор Ш.А.Ёвқочев қуйидагича изоҳлайди: «74 йил мобайнида Ўзбекистон Совет Иттифоқининг таркибида бўлиб, юқорида сиёсий даражадаги коммунистик мафкура ва илмий атеизм ҳукмронлик қилишди. Қуйида, яъни оилавий-қундалик ҳаётда эса аксинча, дин етакчилик қилди. Ўзбек оилаларида аксарият никоҳ маросимлари (дафн эса тўлалигича) ислом қоидалари бўйича ўтказилган. Расмий раҳбарлар ва дин уламолари, фан ва дин ўртасида ҳеч қандай ўзаро музокара ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин

¹ Синелина Ю.Ю. Циклический характер процесса секуляризации в России (Социологический анализ: конец XVII начало XXI века). Автореф. дисс. докт. соц. наук. — Москва, 2009. — С.22–23.


эмасди. Жамиятда гўёки иккита қонун мавжуд эди: расмий ва норасмий. Расмийсига мувофиқ ҳамма атеист ҳисобланар, норасмийсига мувофиқ эса ҳолат аксинча эди»¹.

Мана энди мамлакатимиз ўз суверенитетига эга бўлиб, тоталитар тузумнинг дин, жумладан исломга нисбатан олиб борган барча салбий сиёсатининг асоратларини бартараф қилишга жиддий киришдик ва бу саъй-ҳаракат ўз ижобий натижаларини намоён қилишга улгурди. Айниқса, Куръони карим маъноларини илк бор ўзбек тилида баён қилиниши, Имом Бухорий, Имом Термизий ва ҳадис илмининг бошқа алломалари асарларини она тилимизга таржима қилингани диний амалларни дунёвий жамиятда ҳам эмин-эркин бажариш имкониятларини вужудга келтирди.

Глобаллашув шароитида ҳам замонавий ўзбек жамияти ҳаётида секуляризация ҳодисасининг аҳамияти ошиб бормоқда. Илгари диний мазмун ва маънога эга бўлган жараён ҳамда ҳодисалар энди дунёвийлик кўринишига эга бўлаяпти. Жумладан, фарзанд туғилиши сабабли амал қилинадиган ақиқа тўйи, ёшларни оила қуришдан олдин ўқиладиган никоҳ одатда бир муддат аввал диндорлар томонидан ўтказилган маросим ҳисобланган бўлса-да, ҳозир дунёвий турмуш тарзини олиб борадиган кишилар ҳам уларни дин билан уйғунлашган миллий урф-одат сифатида қабул қилишяпти. Бундай ҳодисалар жамиятимиз ижтимоий барқарорлигининг маънавий омилларидан бири бўлган динийлик ва дунёвийлик мутаносиблигини ишончли тарзда таъминляяпти. Фуқароларимиз онгида динийлик ва дунёвийлик хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим масала ҳисобланар экан, бунинг учун кишиларнинг кундалик ҳаётдаги масалаларига эътиборни қаратиб, мазкур жараён амалий жиҳатларда, реал ҳаётдан ажралмаган ҳолатда

¹ Ёвкочев Ш.А. Современные модели развития мусульманских стран.// Секуляризм и ислам в современном государстве: что их объединяет? Материалы междунар. «круглого стола» (г. Алматы, 30 ноября 2007 г.). Отв. ред. Б.К. Султанов. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2008. –С.83–84.

қандай кечаётганини аниқлаш мумкин бўлади. Айнан ушбу мантиқдан келиб чиқиб, респондентлар ҳукмига «Сизнингча бу йилги ҳосилнинг яхши бўлиши кўпроқ нимага боғлиқ?» деган саволни ҳавола этдик. Натижаларга мувофиқ, респондентлар бу саволга жавоб беришда ўзларидаги динийлик ва дунёвийлик жиҳатларини тенг ҳолатда намоён қилишди.



2.3-расм. Ҳосилдорликни таъминловчи омиллар.

Тадқиқотимизда иштирок этган экспертларнинг фикрича, мамлакатимизда ўзида дунёвийлик ва динийлик хусусиятларини ўзаро уйғунлаштирган мўътадил ислом дини ҳукм сурмоқда. Тўғри, бундай шароитларда айрим худудларимизда дунёвийлик сифатлари бирмунча олдинда бўлса, бошқа минтақаларимизда динийлик бир оз илгарироқ позицияда турибди, деб таъкидланаяпти. Бунда Тошкент шаҳри ва Фарғона водийси аҳолисида динийлик даражасининг юқори эканлиги, Қорақалпоғистон ва Хоразмда эса дунёвийлик жиҳатлари устунроқ эканлигига урғу берилди. Лекин бундай фарқ нисбийлик касб этмоқда. Зеро, мамлакатимизнинг барча минтақаларида дунёвий миллий урф-одатларимиз билан биргаликда ислом дини

урф-одатлари ҳисобланган расм-русумлар ҳам бирдек ўтказиб келинаётгани жамиятимизда секуляризация жараёни ўзига хос тарзда кечаётганига ишорадир. Экспертларнинг илгари сурган фикрларини жойларда ўтказилган тадқиқотимизда иштирок этган респондентларнинг ўз яшаш ҳудудларида ислом дини мазмунга эга урф-одатлардан қайси бирлари мунтазам ўтказилаётганини кўрсатишга қаратилган муносабатлари ҳам тасдиқлайди.



2.4-расм. Жойларда ўтказилаётган ислом дини урф-одатлари.

Респондентларнинг фикрича, мамлакатимизда ислом динининг миллийлик билан қоришиб кетган урф-одатларидан янги туғилган чақалоқнинг қулоғига азон айтиш ва такбир тушириш, ёшларнинг оила қураётганларида исломий никоҳ ўқитиш ҳамда Рамазон ойида ифторлик ўтказишга фуқароларимиз томонидан асосий эътибор қаратилади экан. Ушбу маълумотларимиз «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан олиб борилган социологик тадқиқотларнинг натижаларига мос келаяпти. Жумладан, социология фанлари номзоди Н.М. Латипова «Ижтимоий фикр» Марказининг тадқиқот

материалларига таяниб, ўзбек оилаларидаги динийлик фазилатларининг хусусиятлари ва даражаси бир қатор мезонлар асосида аниқланишига ўз эътиборини қаратган. «Тадқиқот натижаларидан маълум бўлаяптики, айнан оилада кишининг ахлоқий тарбияси, маданий савияси ривожининг дебочаси бошланади. Улар эса унинг келажакдаги ҳаёти учун хулқ-атвор меъёрларини шакллантиради ва ички оламини бойитишга хизмат қилади»¹. Айниқса, оилада қандай диний расм-русумлар ва маросимларнинг ўтказилиши бўйича берилган саволга тадқиқотда иштирок этганларнинг 69,7% ўз оилавий ҳаётларида барча диний урф-одатларга риоя қилаётганларини маълум қилдилар. Шунингдек, респондентлар «Никоҳ» «Жаноза», «Ифторлик», «Суннат тўйи», «Худойи» кабиларнинг ҳам ўтказилишида фаол қатнашаётганлари ҳақида маълумот беришди².

Хулоса қилиб айтганда, инсоният тарихининг барча даврларида дин ва диний эътиқод масалалари ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида мавжуд бўлиб келган. Замонавий жамият шароитларида ҳам дунёвий давлатнинг ижтимоий ҳаётидаги долзарб социал муаммолар ечимини топишдаги диннинг бошқа омиллар билан сермахсул ҳамкорлиги ижтимоий тараққиётнинг муҳим гарови тариқасида намоён бўлаяпти.

Куйидаги келтирилган жадвалда тадқиқотимизнинг минтақалар кесимидаги натижалари ҳам деярли шундай кўриниш ҳосил қилди. Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятида янги чақалоқ туғилганда ақиқа тўйини қилиш бошқа худудларимизга қараганда кўпроқ ўтказилар экан.

¹ Латипова Н.М. Особенности влияния национальных традиций на семью. // Проблемы современной науки и образования, 2016. №26 (68). –С.112.

² Социологик тадқиқот «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2016 йилда, мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилган бўлиб, унда жами 1100 киши қатнашди, респондентларнинг 49,5% шаҳар ва 50,5% эса қишлоқ аҳолиси орасидан репрезентативлик асосида танлаб олинди.

2.5-жадвал.

Жойларда ўтказилаётган ислом дини урф-одатлари.

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|--|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Янги чақалоқ туғилганда ақиқа тўйини қилиш | 6,9 | 8,0 | 9,9 | 13,4 | 5,6 | 2,5 | 1,4 | 15,3 |
| 2. | Чақалоқнинг қулоғига азон айтиш ва такбир тушириш | 23,3 | 18,7 | 22,5 | 23,3 | 17,7 | 23,1 | 19,7 | 23,9 |
| 3. | Ёшлар турмуш кураётганда исломий никоҳ ўқитиш | 19,4 | 18,7 | 22,5 | 21,1 | 23,7 | 24,4 | 30,8 | 19,6 |
| 4. | Рамазон ойида ифторлик қилиш | 21,1 | 13,9 | 15,5 | 12,9 | 23,7 | 23,9 | 3,1 | 12,9 |
| 5. | Марҳумларни эслаб, эҳсон дастурхонини ёзиш | 7,3 | 5,3 | 8,0 | 9,9 | 9,3 | 16,8 | 9,7 | 4,8 |
| 6. | Муҳтож кишиларга хайр-саховат етарли даражада эмас | 3,4 | 3,2 | 1,4 | 2,6 | 0,9 | 1,3 | 13,5 | 2,4 |
| 7. | Барчасига амал қилинаяпти | 10,3 | 25,1 | 16,9 | 11,6 | 7,4 | 2,5 | 9,0 | 15,3 |
| 8. | Фақат айримларига амал қилинаяпти | 7,8 | 7,0 | 2,8 | 5,2 | 11,2 | 4,2 | 12,8 | 5,3 |
| 9. | Ҳеч қайсига амал қилинмаяпти | 0,5 | 0,1 | 0,5 | 0,0 | 0,5 | 1,3 | 0,0 | 0,5 |

Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик ва динийлик муносабатлари халқимизнинг бой тарихий-диний меросига таянилиши мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг

муҳим омилларидан бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар давр ва ҳар маконда кишилар тафаккурида табиат ва жамият ҳодисаларини идрок қилишга динийлик ва дунёвийлик тамойилларидан келиб чиқиб ҳаракат қилинган. Кишилиқ жамият тарихи шуни исботладики, бу икки тамойил бир-бирини ўзаро тўлдирсагина жамиятда барча социал институтлар фаолияти юқори даражада бўлади ва шу маконда ижтимоий барқарорлик ҳамда тараққиётни таъминлаш қонуният хусусиятига эга бўлади.

III боб. ФАРОВОН ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИСЛОМ РАЦИОНАЛИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ

1 §. Исломий ва дунёвий кадриятлар уйғунлиги ижтимоий иш соҳаси ривожининг омили сифатида

Ўз давлат мустақиллигига эришгач Ўзбекистон халқи ижтимоий ривожланишнинг миллий модели асосларини ишлаб чиқишга киришди. Унинг асосини халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, миллий-маданий хусусиятларини ифода этган урф-одатлари, анъаналари, удумлари, ахлоқий меъёрлари, эътиқоди каби сифатларини қамраб оладиган ягона ижтимоий тизим ташкил этади. Бу тизим эса ижтимоий тараққиёт жараёнларининг кечиши давомида вужудга келаётган муаммоларининг ўзига хос ечимини ишлаб чиқиш механизми бўлиб хизмат қилади. Айниқса, мураккаб ўтиш даври шароитларида жамият аъзоларининг кам таъминланган қатламларини кучли ижтимоий сиёсат асосида ҳимоя қилиш миллий моделнинг асосий тамойиларидан бўлиб хизмат қилиши мамлакатимизни турли хил кўнгилсиз ижтимоий ҳодисалар: миллатлараро зиддиятлар, диний кўринишдаги тоқатсизлик ва фуқаролар ўртасида маҳаллийчиликка таянадиган келишмовчилик каби салбий иллатлардан ҳимояланишининг ишончли омили бўлиб хизмат қилди. Ваҳоланки, мазкур кучли ижтимоий сиёсат мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бўш жойда амалга оширилмади. Ҳақиқий ва манзилли ижтимоий ҳимоя асосларини ишлаб чиқишда қадимги Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган ижтимоий кўмак тизимининг тарихий илдизларига асосий эътибор қаратилди.

Албатта, замонавий ижтимоий иш соҳаси яхлит касбий тизим сифатида Фарб мамлакатларида шаклланган бўлса-да, лекин унинг тарихий заминлари ва асослари кишиларнинг хайр-саховатга асосланган фаолиятлари сифатида қадимдан Шарқда ҳам мавжуд бўлиб келган. Тўғри, у даврда бу ижтимоий феномен ҳозирги талқиндаги ривожланган

социал институт шаклида намоён бўлмаган. Лекин Шарқ халқлари, жумладан ўзбек халқининг миллий-маданий тизимида ижтимоий ва индивидуал кўринишидаги хайр-саховат фаолиятининг элементлари ҳар доим мавжуд бўлиб келгани тарихдан аёндыр. Одатда кишилар оилада, жамоада бир-бирларига у ёки бу кўмак шаклини кўрсатиб келишган. Айнан одамлар орасидаги ушбу олийжаноб фазилатлар бобокалонимиз Абу Наср Форобий таъкидлаб ўтганидек кишилиқ жамияти ҳаётининг пойдеворини ташкил этади.

Мовароуннаҳрга исломнинг кириб келиши ва тараққий этиши туфайли жамиятнинг муҳтож кишиларига ижтимоий кўмак кўрсатиш кўлами ҳам ошиб борди. Зеро, ижтимоий ҳаёт борган сари янги маданий ва рухий қадриятларга эга бўла бошлади. Ваҳоланки, бу ҳудудда давлат бошқаруви дунёвий мазмунга эга бўлса-да, бироқ ислом дини уламоларининг ижтимоий ҳаётдаги роли аҳамиятли маъно касб этарди. Айнан ушбу ҳолат жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига ислом дини қадриятларининг кўмак кўрсатиш салоҳиятини белгилаб берди, чунки бу даврда шариат аҳкомлари давлат институтига фаол таъсир қилувчи омил даражасига етган эди.

Шариатнинг ажралмас қисми бўлган фикҳ шарофати билан аҳолининг муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмлари такомиллашиб борди. Бунда исломдаги бешта фарз амалларидан бири бўлган закот ҳодисасига алоҳида эътибор қаратилди. Фикҳ илмининг билимдони ҳисобланган Бурҳониддин Марғиноний ислом оламида катта аҳамият касб этган «Хидоя» асарида ушбу фарз амалининг мазмунини қуйидагича изоҳлайди: «Закот тушунчаси хайр-эҳсон қилишни қонуний тарзда юкланишини англатиб, у ўз мазмунига кўра садақа амалига зиддыр, чунки садақа муҳтож фуқаролар фойдасига ихтиёрий тарзда ёрдам кўрсатилишини англатади¹.

¹ Бурҳониддин Марғинони. Хидоя: Комментарий мусулманского права. / Пер.с англ. – Ташкент: «Ўзбекистон», 1994. –С.45.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлмоқдаки, закот мол-мулки нисобга, яъни белгиланган молиявий чегарага етган ва ўзига тўқ ҳисобланган фуқаролар учун фарз амали бўлиб хизмат қилади. Нисобнинг даражаси эса ислом динида ўрнатилган тартиб асосида белгиланади. Закот низомига мувофиқ мол-мулки нисобга етган киши йил давомида фойдаланмаган бойлигининг қирқдан бир қисмини, яъни 2,5%ни камбағаллар ҳисобига эҳсон қилиши фарздир. Бунда эътиборли жиҳат шундаки, закотни масжид, мадраса ва бошқа диний иншоотлар қурилишига бериш қатъиян ман этилади. Уни фақат аҳолининг муҳтож қатламларига бериш талаб қилинади. Бу ерда биз ҳозирги кун талқинидаги ҳақиқий ижтимоий иш — кам таъминланган кишиларга манзилли кўмак кўрсатиш ҳодисаси билан рўпара келяпмиз.

Шариат талабларига мувофиқ закотдан ташқари фитр садақаси ҳам мавжуддир. Агарда «Ҳидоя»га яна мурожаат қиладиган бўлсак, бу амал рамазон ойи ичида ўзига тўқ кишилар томонидан камбағаллар фойдасига қилинадиган садақани англатади. Лекин унинг молиявий даражаси закотникидан пастдир. Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий кўмакнинг бундай шакллари бугунги кунда ҳам фаол даражада мавжуд. Закот учун нисоб даражаси Ўзбекистон Республикаси мусулмонлар идораси (муфтият) томонидан белгиланади. Албатта, давлат институти бу ишларга аралашмайди, чунки у дунёвий хусусиятга эгадир. Шунинг учун мамлакатимизнинг закот беришга қодир бўлган мусулмон фуқаролари бу амални сидқидилдан чиқариб, ихтиёрий тарзда бажарадилар.

Мамлакатимизда давлат институти бош ислохотчи вазифасини муваффақиятли тарзда бажарётган шароитларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга давлат бюджетидан катта ҳажмда маблағ ажратилмоқда. Шу билан биргаликда жамиятнинг бадавлат табақаси аъзолари аҳолининг кам таъминланган қатламига, жумладан, ногиронлар ва кексаларга беғараз

ижтимоий кўмагини барқарор равишда, янада кенгрок миқёсда кўрсатсалар, хокисорликка асосланган бу ҳомийлик ҳаракати давлат, диний ва бошқа нодавлат ташкилотлар томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ижтимоий иш фаолиятини янада тараққий этиши, фуқаролар ҳамда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, аҳил-иноқлик ҳолатини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу ҳақида социология фанлари доктори Ш.М. Содиқова куйидаги фикрларни илгари суради. «Бугунги кунда кексаларнинг ижтимоий ҳимоясига давлат ва жамият томонидан қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самарасини оширишда ёлғиз кексалар, ногиронлар, эҳтиёжманд ва кам таъминланган ҳамда кўп болали оилалар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш зарурлиги илмий асосланди. Кексаларга давлат билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳомийлар, саховатпеша инсонлар томонидан моддий, маънавий ёрдам кўрсатилишида ижтимоий шерикчилик ҳамкорлиги ишлаб чиқилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотларининг маблағларини янада кенг жалб қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ижтимоий ҳимояни кенгайтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини ошириш билан боғлиқ фаолиятни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилади»¹.

Албатта, Ўзбекистондаги ижтимоий ишнинг тарихий илдизларини фақат динийлик хусусияти ташкил этади дейиш ҳақиқатдан йироқ фикрдир. Қадимги Туронда мунтазам равишда ўтказилиб келинган ҳашарлар ҳам ижтимоий ишнинг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлган. «Ҳашар

¹ Содиқова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Соц.фан.док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2016. –18-б.

қадимдан ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу удумнинг, айниқса, бева-бечоралар ва камбағал оилаларга катта ёрдами теккан. Ўзига тўқ хонадонлар бирлашиб, ночор оилаларга ҳовли-жой қуриб бериш, болаларига тўйлар қилиб бериш каби савоб ишлар, албатта, ҳашар йўли билан бажарилган. Бу анъана ҳозирда ҳам миллий қадриятимиз кўрки бўлиб қолмоқда»¹.

Юқоридаги хулоса таҳлили асосида ҳашар — бу халқ анъаналари ва урф-одатларига асосланган беғараз кўмак бўлиб, у ижтимоий мададга муҳтож кишиларга зарурий ёрдам сифатида кўрсатилади, деган социологик таърифимизни илгари суришимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам, азалдан одамлар уй-жойлар, кўприклар ва дамбалар қурилиши, ариқлар ва каналлар қазиб мақсадида бир-бирларига яқиндан ёрдамлашганлар. Бундай турдаги кўнгилли ёрдам кишилар ўртасидаги ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Аммо, ҳашар учун объектив шароит мавжуд бўлиши лозим, яъни у катта миқёсдаги қўшимча ишчи кучи зарур бўлганда ўтказилади ва одатда у бир-икки кун давом этади. Айрим фавқулоддаги ҳолатларда, шунингдек, ҳашар объекти агарда умуммиллий хусусиятга эга бўлса, унда у узоқроқ муддатга чўзилиши ҳам мумкин. Масалан, Катта Фарғона канали умумхалқ ҳашари асосида, фақат қўл меҳнатига таянган ҳолда қисқа рекорд муддат — 45 кунда қазилиб, ишга туширилди.

Халқимизнинг миллий-маданий тизимида қадимдан савоб ва ҳиммат каби ахлоқий категориялар мужассам бўлиб келган. Улар ижтимоий ишни амалга оширишнинг ўзига хос механизми сифатида гавдаланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, муҳтож кишиларга ижтимоий кўмак беғараз мазмунда кўрсатилади. Аксарият ҳолларда савоб ва ҳиммат яширин тарзда амалга оширилган. Чунки бундай олийжаноб хатти-ҳаракатлар кўзбўямачилик

¹ Ҳамидов З.Ш. Ўзбекона ахлоқий менталитет. // Илмий хабарнома. АДУ. №3, 2015. —40-б.

ва дабдабачиликдан йироқ бўлган кўринишда содир этилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу ахлоқий категориялар универсал мазмунга эга бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзида ҳам динийлик, ҳам дунёвийлик сифатлари мужассамлашгандир. Диндор киши улардан Худога хуш келадиган амалларни бажариш орқали ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга ўзининг беғараз кўмак бериш фаолиятида фойдаланади. Ўз навбатида дунёвий турмуш тарзига амал қиладиган киши ҳам юксак фуқаролик масъулиятини ҳис қилган ҳолда муҳтож ватандошларига зарур ва беғараз ёрдамни аямаслигини намоён қилади. Шу сабабли мамлакатимиз аҳолисининг фаол қатлами диний турмуш тарзи тараққий этган даврда ҳам, «курашувчан атеизм» ҳукмронлик қилган йилларда ҳам халқимизнинг юқорида кўрсатиб ўтилган тарихий анъналарига таянган равишда жамиятимизнинг ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларига уларнинг диний, этник ва ҳудудий келиб чиқишларига қарамай беғараз ёрдамларини фаол даражада кўрсатиб келишга ҳаракат қилганлар.

Таниқли аждодларимиз савоб ва ҳиммат тушунчаларининг мазмун ва моҳиятини чуқур англаган ҳолатда бизга ибрат бўладиган турмуш тарзига амал қилишди. Улар ўзларининг намунали хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларида марҳаматлилик, меҳр-оқибатлилик ва ижтимоий бирдамлик каби сифатларини тараннум этишди. Ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавқеларидан фойдаланиб, доимий равишда жамиятнинг ночор қатламларига ҳар соҳада ўз ёрдамларини аямадилар. Буюк мутафаккир, гуманист ва таниқли давлат арбоби Алишер Навоий Тимурийлар сулоласи давомчиларидан бўлган Ҳусайн Бойқарога энг яқин ҳамфикр ва бадавлат киши сифатида ҳар доим оддий кишиларнинг турмуш шароитларини енгиллаштиришга ҳаракат қилди. Ўзининг асосли маслаҳатлари ва тавсиялари билан подшоҳни оддий халқдан йиғиладиган турли хилдаги солиқларни камайтириш заруриятига ишонтириб келишга муваффақ бўлди. Ўша даврнинг таниқли тарихчиси — Хондамирнинг таъкидлашича, Алишер Навоий ҳазратлари

ҳар куни ўзларининг ишончли кишиларига катта миқдордаги пул маблағларини топшириб, уларга шаҳарни айланиб чиқиш ва муҳтож кишиларни топиб, бу маблағларни холислик ва таъмасизлик асосида тарқатиш вазифаларини амр қилганлар¹.

Бундан ташқари бу баракатли зот доимий равишда бева-лар ва етимларга мурувват ва саховат кўрсатиб, уларга пул маблағлари, кийим-кечак ва озиқ-овқатларни тарқатишни одат қилган. Алишер Навоий айниқса таълим соҳасини астойдил қўллаб-қувватлаб турди. Мадраса мударрислари ва ўқувчи-ёшлардан ўзининг холис ёрдамини аямай, уларнинг орасидан моддий қийинчиликларни бошидан ўтказаетганларга ҳимматини дариф тутмади. Алишер Навоий ва бошқа машҳур бобокалонларимизга хос бўлган бу юксак ахлоқий фазилатлар ва олийжаноблик сифатлари ворислик тамойили кўринишида кейинги аждодларимизга ҳам ҳамроҳ бўлди десак, сира муболаға бўлмайди. Бунга мисол тариқасида XIX аср охири ва XX аср бошларида фаолият олиб борган жадидчилик ҳаракати арбобларининг ҳаётий тажрибаларини келтиришимиз мумкин. Мазлум Туркистоннинг ўша мураккаб даврларида фаолият олиб борган ушбу прогрессив ҳаракат аъзолари оғир азоб-уқубатларни бошидан кечираётган жафокаш ўлка аҳолисини ҳукмрон феодал тузумнинг сарқитлари, жоҳилликлари ва қоқоқликларидан халос қилишни ўзларининг асосий мақсадлари этиб белгилаган эдилар.

Мазкур ижтимоий фаолиятнинг устувор сиёсати бўлиб жамиятнинг камбағал қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари намоён бўлди. Жадидчилар ушбу қатлам болалари учун ўз ҳисобларидан умумтаълим мактабларини ташкил этишга эришдилар ва уларда эски усулдаги мактаблардан фарқли ўлароқ дунёвий фанларнинг чуқур ўқитилишига алоҳида урғу бердилар. Европа таълим тизимининг Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. — Тошкент: «Фан», 1991. Т.1. —177-б.

ва сиёсий тараққиёти учун муҳим аҳамиятини чуқур англаган ҳолда жадидчилик ҳаракати раҳбарлари «Кўмак» жамғармасига асос солдилар. Жамғарманинг бош мақсади — Туркистонда истиқомат қилувчи иқтидорли ўғил-қизларни излаб топиш, уларга Ғарбнинг нуфузли университетларида таҳсил олиб, олий маълумотга эга бўлишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш эди. Ушбу мақсадга эришиш йўлида Туркистоннинг илғор кишилари ўз фуқаролик миллий бурчларини англашнинг юксак даражасини намоён қилиб, шахсий жамғармаларини «Кўмак» ҳисобига беғараз ҳада қилдилар. Жадидчилик ҳаракатининг бундай саховатпеша ҳаёт тарзи бизнинг замонамиз кишилари учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, таниқли миллатдошимиз А.Б.Усмонов бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий соҳаларига, айниқса, маданият, таълим ва спорт каби соҳаларига хокисорлик асосида ўзининг маблағларидан салоҳиятли даражадаги сармояларини сарф қилмоқда.

Ижтимоий иш соҳаси ривожининг таҳлилига янада чуқурроқ назар солсак, замонавий Ўзбекистон аҳолиси онгида жамоавийлик сифатининг доминантлиги мустаҳкам асосга эгаллигини кўришимиз мумкин бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий иш амалиёти жамоавий тафаккурнинг фаол таъсири остида кечаётганлигига ишончли далиллар келтириш мумкин. Гапнинг лўндасини айтганда, биздаги жамоавийлик тамойили асосидаги ижтимоий иш фаолияти Ғарб жамиятининг индивидуализмига таянган ижтимоий иш соҳасидан кескин фарқ қиладиган жиҳатларига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос анъанавий шакли сифатида ўзбек маҳалласининг ижтимоий ишни амалга оширишдаги ўрни беқиёсдир. Азалдан маҳалла алоҳида кўмакка муҳтож қатламларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг таянч макони бўлиб хизмат қилган. Айнан маҳаллада аҳолининг моддий-маънавий мададга муҳтож фуқаролари аниқланиб, уларга зарур ижтимоий кўмак кўрсатилади. Бунда асосий эътибор бевалар, етим-есирлар, ногиронларга моддий ва маънавий

ёрдам кўрсатишга, шунингдек, етим болалар тарбиясига ва уларга маълум бир касб-ҳунарни ўргатишга қаратилади. Шундан бери қанча асрлар ўтди, лекин маҳалланинг ушбу саховатли вазифалари нафақат сақланди, балки улар янада такомиллашди. Бунинг учун мамлакатимизда мустақкам ҳуқуқий асос ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ давлатнинг устувор вазифаларидан бири – марказий бошқарув органлари ўзларининг айрим вазифаларини босқичма-босқич тарзда маҳаллий бошқарув органларига ўтказишди.

Бизга яхши маълумки, маҳалла ўзининг юқорида кўрсатиб ўтилган ижобий сифатлари туфайли олиб борилаётган ижтимоий ишнинг ҳаётийлиги ва амалийлигини таъминлайди. Маҳалланинг кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш функцияси айниқса оиланинг қайғули кунларида яққол намоён бўлади. Маҳалла раҳбарияти марҳумнинг дафн этилишини ташкил этади ва бу ҳақида маҳалла аҳлини хабардор қилади. Маҳалла оқсоқоли эса бу жараёнда шахсан иштирок этади ва раҳбарлик қилади. Агарда мотамни бошидан ўтказаётган оила кам таъминланган бўлса, унда унга маънавий далладан ташқари маҳалла ижтимоий жамғармасидан моддий ёрдам ҳам кўрсатилади ва бу муҳтож кишиларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг технологияси сифатида эътироф этилади. Маҳаллада олиб бориладиган ижтимоий ишнинг яна бир муҳим ва тарихий анъаналарга боғлиқ бўлган фаолият тури – бу жамиятнинг илк бўғини ҳисобланмиш оила мустақкамлигини таъминлашдир. Ҳеч бир оилавий можаро, ажримлар ва аёллар ҳуқуқларини поймол қилинишга уриниш ҳаракатлари маҳалланинг эътиборидан ташқарида қолмайди. Агарда Ғарб жамиятида юқорида кўрсатилган оилавий муаммолар фақат суд институти орқали ҳал қилинса, мамлакатимиз шароитларида бу долзарб ижтимоий муаммолар авваламбор даъвогарлар истиқомат қиладиган маҳаллада муҳокама қилинади. Муаммо ечимига мос келадиган қарорни ишлаб чиқиш учун дастлаб икки томоннинг фикри эшитилади ва мўътадил ёндашув асосида

эркак ва аёлни мурасага келтиришнинг компромисс варианты тавсия этилади. Ижтимоий ҳаёт тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, аксарият бундай шароитларда муаммо ошқора суд жараёни ва оилани барбод бўлишига етиб бормай, можаролар жойида барҳам топиб, оила ўчоғи сақланиб қолинмоқда. Маҳалланинг ушбу ижтимоий сифатлари туфайли «никоҳларни қайд қилиш бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринларни, оилаларни барбод бўлиши бўйича эса охириги ўринларни эгаллайди»¹.

Маҳалланинг юқорида таъкидлаб ўтилган гўзал, инсонпарвар ва амалий фаолият сифатлари бизга аجدодларимиздан қолган тарихий мерос бўлиб келмоқда. Агарда Иккинчи Жаҳон уруши сабоқларини эсласак, шундай фактларга дуч келамизки, мамлакатда олиб борилган улкан сафарбарлик ҳаракатини маҳалланинг ижтимоий ишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳолини ҳарбий хизмат ва фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилиш, фашист-босқинчиларидан озод қилинган ҳудудлар аҳолиси учун озиқ-овқатлар йиғиш ишлари бўйича асосий қийинчиликлар маҳалланинг зиммасида бўлди. Кўпгина маҳаллаларнинг аҳолиси Россия, Украина, Беларуссия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларидан мамлакатимизга эвакуация қилинган оилаларни қабул қилиб олишди. Бунда миллатдошларимиз нонларининг охириги ушоғини ҳам улар билан баҳам кўриб, ўзларидаги юксак савиядаги марҳамат, инсонпарварлик, социал бирдамлик ва беғараз шарқона кўмакни ифодаловчи олийжанобликни намоён қилишди. Урушнинг оғир ва мураккаб йилларида кўплаб ўзбек оилалари патронатлик хусусиятини касб этишди, яъни қаровсиз қолган болаларни ўз оилаларига ихтиёрий тарзда қабул қилишди. Жумладан, Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги «Жар-ариқ» маҳалласида истиқомат қилган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. —253-б.


Ш. Шомахмудовлар оиласи уруш туфайли ғирт етим бўлиб қолган 13 та, урушдан кейин эса яна 3 та болани ўз тарбияларига олди. Улар орасида рус, украин, молдаван ва бошқа миллатларнинг фарзандлари бор эди. Шарқона, ўзбекона меҳр-саховатни тараннум этган ушбу таъсирчан манзара «Ўзбекфильм» томонидан суратга олинган «Сен етим эмассан» номли бадиий фильмнинг мазмунини ташкил этди.

Юқорида келтирилган фикрлар ва амалий мисоллардан маълум бўлаяптики, Ўзбекистонда ижтимоий иш соҳаси шаклланиши ва ривожланишининг тарихий илдиэлари кўп асрлик асосга эга. Ушбу соҳадаги фаолият муваффақиятларида халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси муҳим амалий аҳамият касб этади. Зеро, фақат ворислик, тарихийлик ва замонавийликнинг ўзаро уйғунлашгани асосида ижтимоий тараққиётни янада юқори савияга олиб чиқиш таъминланади, ижтимоий иш фаолияти эса бу мураккаб жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий иш соҳасининг ривожланишида ислом динидаги рационаллик тамойилининг аҳамияти ошиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга яқиндан ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ислом динидаги олийжанобликни ифодаловчи қадриятлар ўзига хос маъно касб этмоқда. Ушбу ҳолат кундалик ва ижтимоий ҳаётда мунтазам кузатилмоқда. Мазкур гипотезанинг амалдаги тасдиғини топиш мақсадида ўзимиз ўтказган эмпирик социологик тадқиқотда респондентларга «Ҳозирги шароитларда ислом қадриятлари бошқалар ёрдамига муҳтож кишиларга зарур кўмакни беришга таъсир қила олаяптими?» деб мурожаат қилдик. Натижалар қуйидаги диаграммада ўз аксини топди.

Юқоридаги саволга ижобий жавоб берган 88,9% респондентдан бунинг 2 та энг муҳим сабабини белгилаб беришларини илтимос қилдик ва улар «Эътиқодли кишилар учун муҳтож одамларга ёрдам бериш улуг савобдир», «Ислом

етим-есир болалар ва бева аёлларга ёрдам кўрсатишни талаб қилади» деган жавобларни илгари суришди.



3.5-расм. Ислom дини кадриятларининг ижтимоий кўмакка мухтож кишиларга ёрдам бериш таъсири.

Саволга салбий муносабат билдирган 11,1% кишидан ҳам ўз жавоблари учун 2 та асосийсини маълум қилишларини сўраганимизда, улар «Кўпчилик ўзини ислom динидан десада, аммо унинг савобга чорловчи ҳукмларига амал қилмайди» ва «Замонавий кишилар диний эътиқодга эга эмасликлари туфайли бировларга моддий ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор беришмайди» деган хулосаларини маълум қилишди. Бу ҳолат сўровда қамраб олинган барча ҳудуддаги иштирокчиларнинг жавобларида қайд этилди.

Юқоридаги савол-жавоблар таҳлилинини янада чуқурлаштириш мақсадида респондентлардан «Бошқаларнинг ёрдамига мухтож одамга қайси кишиларнинг фойдаси кўпроқ тегади?», деган саволга жавоб беришларини сўраганимизда улар қариндош-уруғлар ва яқин дўстлар,

маҳалла фаоллари ва кўни-қўшнилар ва ниҳоят, диний эътиқоди кучли бўлмаса ҳам саховатли кишиларнинг деган 3 та энг муҳим омилни кўрсатишди. Фикримизча, аксарият респондентлар ижтимоий кўмак кўрсатишни авваламбор қариндош-уруғлардан бошлаш лозимлигини яхши англаб етишган экан. Зеро, ҳадисларда ҳам хайр-саховатни дастлаб яқинларига кўрсатиш тарғиб этилган.

Респондентларнинг бу масаладаги фикрлари экспертлар томонидан ҳам танқидий руҳда бўлса-да тасдиқланди. Мутахассисларга ҳам «Жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларига кўмак бериш масаласида ислом дини салоҳиятини қандай баҳолайсиз ва мамлакатимизда бу омилдан қай даражада фойдаланилаяпти?» деб мурожаат қилганимизда, улар бу масалада ислом динида катта салоҳият мавжудлигини эътироф этишиб, кейинги йилларда ундан оқилона фойдаланиш фаоллашганини кўрсатдилар. Жумладан, ташкил этилган «Вақф» жамғармаси жамиятимиздаги муҳтож кишиларга ислом дини қадриятларига таянган ҳолда ёрдам кўрсатишини алоҳида урғуладилар. Шунингдек, айрим экспертлар жамиятимизнинг ўзига тўқ қатлами аъзолари индивидуал тарзда муҳтож кишилар учун ижтимоий кўмакни садақа, хайр-эҳсон ва закот каби амаллар кўринишида кўрсатаётганликларига эътибор қаратдилар. Аммо, бу соҳада ҳали қилинмаган ишлар кўплиги, жумладан, фуқароларимизда ислом динининг кишиларни хайр-саховатга чорловчи кўрсатмалари ҳақидаги билим ва маълумотлари етарли даражада эмаслиги бундай муаммоларнинг асосий сабаби эканлиги экспертлар томонидан кўрсатиб ўтилди.

Ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар масаласи доимо давлатимиз раҳбариятининг диққат марказида тургани алоҳида эътиборга сазовордир. Давлат институти томонидан бундай муаммоли кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши миллий-дунёвий ва диний қадриятларимиз талабларига тўлиқ мос келади. Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрида Олий Мажлисга қилган Муро-

жаатномасида айнан шу нозик масала – «...ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади»¹, деб таъкидлагани халқимизнинг кўнглидаги сўз бўлди десак сира муболаға бўлмайди. Зеро, динийлик ва дунёвийликни ўзида тараннум этувчи қадриятларга таяниб, ижтимоий иш соҳасининг муваффақиятини таъминлаш мумкин бўлади.

2 §. Оила институти мустаҳкамлиги ва ислом рационализмининг ўзаро алоқадорлиги

Илмий социологик адабиётларда социал институтлар бажараётган функцияларига қараб таснифланар экан, бунда аввало оила институтининг аҳамиятига асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки у бошқа социал институтлар ичида энг кўхналаридан ҳисобланади. Беларуссиялик социолог С.Н. Бурованинг эътирофича, «Оила ва никоҳ инсониятнинг энг кўхна бирлиги, кишилар ижтимоий ҳаётининг энг азалги шаклидир. Оила синфлар, миллатлар ва давлатдан олдин, инсониятнинг ердаги ҳаётининг «бошланиш тонгида» вужудга келди. Айнан унда инсонлар турмушининг асрдан асргача тақрорланиб туриши, одамзод наслининг давом этиши, янги авлоднинг ижтимоийлашуви, биологик ва социал эҳтиёжларнинг қондирилиши каби ҳодисалар содир бўлади»².

Фарб социологиясида оилага турли-туман таърифлар берилган бўлиб, шуларнинг ичида таниқли америкалик социолог Н. Смелзер томонидан ишлаб чиқилган таъриф ўзининг оддий, конкрет ва тушунарли даражаси билан ажралиб туради. «Оила – бу кишиларнинг қон-қариндошликка, никоҳ ёки фарзандларни вояга етказишга асосланадиган бирлашмаси бўлиб, улар турмушларининг

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

² Бурова С.Н. Социология брака и семьи: история, теоретические основы, персоналии. – Минск: «Право и экономика», 2010. –С.25.

умумийлиги ва фарзандлар тарбияси учун ўзаро масъулиятни ўз зиммаларига олган бўладилар. Одатда оила аъзолари ягона уйда истиқомат қиладилар»¹.

Оилавий муносабатларнинг дастлабки асоси никоҳ тимсолида шаклланади. Никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг тарихий, ўзгарувчи шакли бўлиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўрнатилиши воситачилигида эр-хотиннинг кундалик ва ижтимоий ҳаётлари тартибланади. Бироқ, оила никоҳдан фарқли ўлароқ мураккаб муносабатларнинг тизимини ташкил қилади. Чунки у ўзида нафақат эр ва хотин, балки уларнинг болалари ҳамда бошқа қариндошларини ҳам жамлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, оила никоҳ гуруҳи эмас, аксинча, социал институт бўлиб гавдаланади. Зеро, у насл қолдириш функцияси, жинслар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва фаолиятларни мувофиқлаштирувчи тизимдир. Шунинг учун оила институти бир қатор ижтимоий фанларнинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Социологияда ушбу институт муаммолари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда ўрганилади. Россиялик социолог С.С. Новикованинг фикрича, оила бир вақтнинг ўзида ҳам социал институт ва ҳам кичик гуруҳ сифатларини ўзида мужассамлаштиради. Оила социал структуранинг микромоделли бўлиб хизмат қилади ва кишиларнинг шахсий мулоқотлари ва муносабатлар кечишини намоён этади².

Таниқли ўзбек олими Султонмурод Олимнинг таъкидлашича, «инсон жуфт қилиб яратилган. Ҳозирги тушунчадаги оила маданиятига эришилгунига қадар эса башарият кўп-кўп даврларни босиб ўтган. Одам жамиятдан айри ҳолда яшаши ҳам мумкин эмас. Жамиятнинг энг кичик бўғини эса — оила. Ўзбек халқининг оила борасида

¹ Смелзер Н. Социология. Перевод. с англ. — Москва: «Феникс», 1994. — С.424.

² Новикова С.С. Социология: история, основы, институционализация в России. — Москва-Воронеж: «МОДЭК», 2000. —С.329–330.

юксак маданияти, минг-минг йиллик мероси бор. Биз ана шу қадимий ва муқаддас миллий анъаналарга, шунингдек, умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаймиз»¹.

Социологларни авваламбор оилавий хулқ-атвор намуналари (оилавий муносабатларни мувофиқлаштириш, унда ўрнатилган роллар ва ҳоказолар) қизиқтиради. Бундай ҳолатда оиланинг шаклланиш жараёни ёшларни бир-бирининг кўнглини олиш меъёрлари ва стандартлари, бўлғуси умр йўлдошини танлаш, жинсий хулқ-атвор ва келин-куёвларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Эркак ва унинг аёли ўртасидаги муносабатлар никоҳ институти томонидан махсус жорий қилинган меъёрлар тизими орқали мувофиқлаштирилади.

Шу ерда никоҳ дунёвий ва диний шаклга эгалигини таъкидлаб ўтиш зарур. Дунёвий никоҳ барча мамлакатларда жорий қилинган бўлса-да, лекин диний никоҳ айрим жамиятларда, асосан клерикал тузумга асосланган мусулмон давлатларида, мажбурий тарзда амал қилиниши қатъий талаб қилинади. Бизнинг жамиятда эса дунёвий никоҳни давлатнинг махсус ташкилоти – ФХДЁда расман қайд қилиш мажбурий хусусиятга эга бўлса, диний никоҳ ихтиёрий ҳисобланади. Аммо, жамиятимизда мусулмонликка даъво қилувчи кишилар дунёвий никоҳ билан параллел равишда диний русумдаги «никоҳ» маросимига амал қиладилар. Айнан ушбу диний маросим миллий менталитетнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини акс эттиради.

Бунинг диққатга сазоворлиги шундаки, ўзбеклар ҳеч қачон ўз фарзандларининг никоҳ тўйларини диний никоҳсиз ўтказмаганлар. Ҳатто, тоталитар тузумнинг мафкураси – «курашувчан атеизм» ҳукмронлик қилган йилларда ҳам бу диний расм-русумга яширин тарзда бўлса-да амал қилинган. Унга ҳозирда ҳам, айниқса, Тошкент шаҳри ва Фарғона во-

¹ Султонмурод Олим. Оила ва жамият ёхуд Микрожамият ва макрооила. –Тошкент: Республика маънавият тарғибот маркази, 2017.–3-б.

дийси аҳолиси томонидан қатъий равишда амал қилинаёпти. Мамлакатимизнинг мустақиллиги шароитларида биз барча диний расм-русумлар, жумладан, диний никоҳни амалга ошириш имкониятларига тўлиқ эришдик. Мазкур фикрларимизни амалий тадқиқотимизнинг натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, респондентларнинг фикрича, бугунги кунда жамиятимизда исломий никоҳ ўқитилишига катта эътибор қаратилаяпти. Албатта, расмий жиҳатдан қараганда, оила қураётган кишиларнинг исломий никоҳсиз ҳам яшашга тўлиқ ҳуқуқлари мавжуд, бироқ, уларнинг бундай хатти-ҳаракати аксарият қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, дўсту биродарлари ва бошқа яқинлари томонидан маъқулланмайди. Бинобарин, никоҳга киришаётган ўзбеклар мусулмончиликнинг бошқа кўрсатмалари: беш вақт намоз ўқиш, жумъа намозидида иштирок этиш, Рамазон рўзасини тутиш, Хаж зиёратини амалга ошириш ва ҳоказоларга риоя этадиларми ёки йўқми, лекин улар бундан қатъи назар исломий никоҳни албатта амалга оширадилар. Монографиянинг олдинги бобида таъкидлаб ўтганимиздек, ўзбек халқининг кўпгина миллий-дунёвий урф-одатлари, маданий қадриятлари ислом динининг маросимлари ва расм-русумлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб кетган. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиб олишнинг деярли имкони ва иложи йўқ.

Тўғри, ҳозирда жаҳоннинг кўпгина давлатларида диний никоҳ тугул, ҳатто дунёвий никоҳга ҳам бепарволик муносабатлари кузатилмоқда. Бу ҳудудларда «фуқаролик никоҳи» жадал суратларда тарқалиб бормоқда. Мазкур никоҳ мазмунига мувофиқ, оила қурувчилар ўзаро келишув асосида бир-бирлари билан ўз тақдирларини боғлайдилар. Бундай никоҳга асосланган биргаликдаги ҳаётда томонлар ҳеч қандай ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммаларига олмайдилар ва давлатнинг никоҳни тузувчи ташкилотидида ҳам, диний ташкилотда ҳам ўз никоҳларини қайд эттирмайдилар. Бироқ, бундай никоҳ асосида турмуш қурган эр-хотиннинг бир уйда яшаши, умумий мол-мулкка эгалик қилиши,

фарзандларни дунёга келтиришга сабаб бўлишлари ва уларни тарбиялашлари каби ҳодисалар содир бўлаверади. Бу ҳолат бир неча йилларгача давом этиши мумкин. Ва ниҳоят, томонлар ўз оиласини расман қайд қилишлари ёки ўзаро келишув асосида ажралиб кетишлари мумкин.

Маълумки, ҳозирда христианликдаги католик ва православ мазҳабларига тааллуқли кишилар ўртасида диний никоҳнинг тузилиши ўзига хос Ренессанс даврини бошидан кечирмоқда. Бироқ, аксарият ҳолларда бундай шаклдаги никоҳ рамзий маънодаги расм-русум сифатида намоён бўлмоқда. Исломи динида никоҳ суннат амали ҳисобланса-да, лекин муслмонликка даъво қилувчи кишилар унга амал қилишга интиладилар. Зеро, ҳадисда таъкидланганидек: «Никоҳ менинг суннатимдир, кимки менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмасдур (яъни, менинг умматим эмасдир)»¹.

Албатта, бу ерда яна бир баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган нозик бир муаммога ҳам эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш жоиз. Бизга яхши маълумки, никоҳ яна моногамик ва полигамик турларга бўлинади. Моногамия – бир эркакни бир аёл билан никоҳидир. Замонавий жамиятларда аксарият мавжуд никоҳлар шундай кўринишга эга. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз шароитларида ҳам шундай тартиб ўрнатилган. Полигамия эса бир кишининг бир нечта (4 тагача) умр йўлдоши билан тузган исломий никоҳидир. Ҳозирда полигамик никоҳлар асосан Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Форс кўрфази атрофидаги давлатлар ҳамда ислом оламининг мамлакатларида кўпроқ учрайди. Чунки бу мамлакатларда давлат бошқарувида дунёвийлик эмас, балки динийлик тамойили ҳукмронлик қилади. Лекин полигамик никоҳлар аёлларнинг психологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳақида россиялик мутахассис – социология фанлари доктори Т.А. Гурко ўз тадқиқотларида илмий маълумотларни эълон қилди.

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомийъ Ас-Саҳих. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. Т.1. –384-б.

«Полигамияга расмий равишда рухсат этилган мамлакатларда (Жазоир, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Кувайт, Иордания) одатда 4 тагача аёлга эга бўлиш мумкин. Аммо, бундай никоҳдаги аёллар аксарият ҳолларда моногамик никоҳда турувчи аёллардан фарқи ўлароқ психологик стресс (руҳий тушкунлик), руҳий сиқилиш, фобия, адоват ва ҳаётдан етарлича қониқмаслик вазиятларини бошларидан кечирадилар. Улардаги бу ҳолат эса болаларига ҳам ўтиш эҳтимоли мавжуд»¹.

Дарвоқе, айрим ҳолларда бизнинг жамиятда ҳам яширин тарздаги полигамик никоҳлар учрашини кузатиш мумкин. Бинобарин, никоҳнинг бундай тури дунёвий давлат талабларига мутлақо зиддир. Бундай никоҳга эга бўлганлар эса ислом динида унга рухсат берилганлигини рўқач қилишади. Бироқ, ислом дини тарихига мурожаат қилсак, шундай ҳодисага дуч келамизки, ислом тарқалаётган илк даврларда жанговар ҳаракатлар туфайли Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўпгина сафдошлари ҳалок бўлдилар. Натижада ҳалок бўлган эркакларнинг оиласи қаровсиз қолиб, етим-есир болалар кўпайиб кетди. Ана шундай мураккаб ижтимоий шароитларда мусулмонларга бева-бечора ва уларнинг етим қолган фарзандларини шаръий асосда, ўз қарамоғига олиш мақсадида бева қолган аёлларга уйланиш учун рухсат берилди. Мазкур мантиқдан келиб чиқиб, ислом динида полигамик никоҳга даъвогар бўлаётган эркак кишига қатъий талаблар қўйилган. Жумладан, Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 3-оятда эркак кишига 4 тагача аёлга никоҳланиши мумкинлиги, бунда уларга тенг ва адолатли муносабатда бўлишлик буюрилмоқда. Аммо, бунинг уддасидан чиқилмаса, унда 1 та никоҳ билан кифояланишга кўрсатма берилган².

¹ Гурко Т.А. Благополучие мужчин и женщин различного брачного статуса: Россия в международном контексте. // Социологический журнал, 2018. Том 24. №1. – С.78.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. –479–484-б.

Россиялик социолог Л. Ахмадуллинанинг тўғри таъкидлашича, «ўзига икки ва ундан кўп аёлни эп кўрадиган эркекдан мустақкам иқтисодий аҳволга эга бўлиши, қармоғидаги барча аёлларини бирдай тенг таъминлаши ва уларнинг ҳеч бирини муҳаббат ва ғамхўрликдан бенасиб қолдирмасликка қодир бўлишига мутлақ ишончи комил бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун мусулмон мамлакатларда бундай оилалар жуда камчиликни ташкил қилади, чунки ҳар ким ҳам бундай масъулиятни ўз зиммасига ололмайди»¹.

Шу ерда бир муҳим ва мураккаб саволга дуч келамиз. Нима учун Ўрта асрлардаги Мовароуннаҳр, кейинчалик Туркистонда ҳукмронлик қилган подшоҳу амирларимиз ва хонларимиз 4 та аёлга уйланишларидан ташқари яна бир нечта канизакларга эгалик қилишган? Ҳолбуки, бу даврларда ислом дини тарақалишининг илк давридаги мураккаб, қалтис вазиятлар мавжуд бўлмаган ва натижада жинслар орасидаги тафовутлар жиддий номутаносиблик касб этмаган-ку? Фикримизча, бу даврда яшаган ҳукмдорларимиз шариат кўрсатмаларидан ўз худбин манфаатларини амалга ошириш учун фойдаланишга астойдил ҳаракат қилишган. Айнан шунинг натижасида полигамик никоҳлар халқимиз тақдирига салбий таъсир кўрсатган. Жумладан, мамлакатимиз тарихининг хоҳлаган даврини таҳлил қилсак, шундай ҳолатга дуч келамизки, полигамик никоҳлар давлат бошқарувининг рационал тарзда амалга оширилишига жиддий тўсиқ бўладиган турли хилдаги фитна-фасодларни вужудга келишининг пойдевори бўлган. Масалан, Темурийлар даври тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, маълум бўладики, Соҳибқирон ўзидан кейин набираси Пирмуҳаммадни тахт меросхўри этиб тайинлаганди. Лекин у саройдаги оилавий фитналар туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу ҳолат эса улкан давлат бошқарувини бошбошдоқликка олиб келди. Ёки бўлмаса, Ҳусайн Бойқаро ва ўғли Бадиуззамон

¹ <https://shkolazhizni.ru/family/articles/27948/>

ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, жумладан унинг ўғли Мўминмирзонинг аянчли ўлимида, шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Шайбонийхонга қарши курашида ота бир, она бошқа бўлган укасининг унга нисбатан сотқинлик қилиши каби нохушлиқларда саройдаги кундошларнинг ўз фарзандларини тахт эгаси этиб тайинлашларга йўналтирилган худбин ҳаракатлари асосий ролни ўйнади дейишимизга тўлиқ асослар мавжуд. Мазкур ҳодисалар кейинчалик марказлашган давлатимизнинг парчаланиб кетишига ўзининг «муносиб ҳиссасини қўшди». Аммо, ҳозирги даврда ҳам тарихий воқеалардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқара олмаслик натижасида жамиятимизда айрим кишилар томонидан «тўқликка шўхлик» ва «жинсий иштаҳа» туфайли полигамик никоҳлар содир бўлаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу масалада Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидаги кескин ва конкрет фикрини илгари сурди: «Баъзан ҳаётда «ЗАГС», яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан ўтмасдан туриб, пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди. Бир пайтлар ҳаётнинг ўзи рад этган кундошлик, қўшхотинлик балоси қандай хунук оқибатларга олиб келиши барчамизни ташвишга солиши керак»¹.

Маълумки, замонавий жамиятларда оила институти икки хил кўринишга эга: нуклеар ва мураккаб. Агарда нуклеар оила эр-хотин ва уларнинг ҳали оила қурмаган болаларидан иборат бўлса, мураккаб оила эса эр-хотин ва уларнинг ҳали оила қурмаган болаларидан ташқари яна қайнота-қайнона, уларнинг бошқа фарзандлари ва ҳатто уларнинг ўз оилаларидаги фарзандларидан ташкил топган бўлади. Бу турдаги оилалар асосан Шарқда, жумладан бизнинг мамлакатда мавжуд. Фарб мамлакатларига эса

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Миллий тараққиёт йўлимизми қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1-жилд, 2017. —488-б.

нуклеар оилаларга эга бўлиш хосдир. Оиланинг нуклеар ёки мураккаб шаклга тааллуқлигидан қатъи назар жамият учун унинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Чунки оила жамиятнинг илк бўғини ва муҳим ҳаётий қадрият бўлиб гавдаланади. «Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти — жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир... Оила — бизнинг халқимиз учун миллатнинг қўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир»¹.

Оила институти мустаҳкамлигининг асосий гаровларидан бири — бу ёшларнинг бир-бирини ёқтириб, синаб кўриб, кейин никоҳга киришишидир. Ислом динида оила қуриш масаласида айнан шу тамойилга таянилади. Исломда йигит ва қизга бир-бирларини кўриш тақиқланмаган. Агарда ёшлар бир-бирларига маъқул келмасалар, уларни, айниқса, қизларни турмушга мажбурлаб бериш ислом дини ҳукмларига зид келадиган амал ҳисобланади².

Оила институтини мустаҳкамловчи яна бир муҳим ҳодиса — бу фарзандларнинг дунёга келишидир. Шунинг учун репродуктивлик оиланинг асосий, бирламчи функцияси ҳисобланади, яъни у жамият учун аҳолининг биологик жиҳатдан қўпайтириш ҳамда кишининг шахсан ўзи учун болаларга бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнидир. Зеро, фарзандлар авлоднинг давомчиси бўлиб хизмат қиладилар. Репродуктивлик оила институтининг бош вазифаси экан, ислом динида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилганига амин бўламиз. Ушбу динда оилаларда фарзандларнинг дунёга келиши рағбатлантирилади. Барчамизга яхши таниш бўлган ҳадисда: «Уйланинглар, насл қолдиришлар, кўпайинглар, бас, мен қиёмат куни сизлардек умматим (кўплиги) билан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. —253-б.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт: никоҳ, талоқ ва идда китоби (13-жуз). — Тошкент: «Шарқ», 2008. —57–62-б.


фахрланаман»¹, деб таъкидланади ва бу тўғридан-тўғри оиланинг репродуктив функциясига ишорадир. Бу манзарани католицизм ҳукмлари билан солиштирсак, католик черкови одамларнинг айрим тоифасига (масалан, руҳоний эркакларга ҳам, аёлларга ҳам) умуман оила қурмасликни буюришига дуч келамиз. Бу ҳолат католик черковида «целибат» – лотинча, уйланмаган, деб номланади. Шу билан биргаликда христианликни оила ва никоҳ ҳақидаги тасаввурлари аста-секинлик билан бўлса-да ўзгариб борди ва бу жараён Ўрта асрларнинг охиригача чўзилди. Шундан кейин христианлик оила ахлоқининг мафкуравий меъёрлари: ношаръий муносабатларни тақиқлаш, никоҳни барбод қилмасликнинг бош даъватчисига айланди.

Исломда оилали бўлиш, фарзандларга эга бўлиш юқорида таъкидлаб ўтилганидек рағбатлантирилган. Охират, деб бу дунёни ташлаб қўймасликка алоҳида эътибор қаратилган. Лекин замонавий жамиятларда оилавий масалалар ва муаммоларни ҳал қилишда диний кадриятлардан беҳабарлик, кўп ҳолларда уларни назар-писанд қилмаслик анчагина оилаларни арзимаган икир-чикир сабаблар билан барбод бўлишига олиб келмоқда. Оиланинг асосий функцияси репродуктивлик экан, ундан кейин эса албатта тарбиявий функция туради. Зеро, фақат фарзанд туғилганидан кейин биз янги авлодни тарбиялашни бошлаймиз. Бу жараённи рисоладек кетишида албатта ислом рационализмининг аҳамияти ўзгачадир. Ислом динида болани вояга етказишда моддий омилнинг аҳамияти ҳеч инкор қилинмаган ҳолда бу жараёнда маънавий омилнинг роли моддий таъминотдан юқорилигига эътибор қаратиш устувор масала сифатида қайд этилади. Ҳадиси шарифда «Ота болага гўзал одобдан яхшироқ нарсани бера олмайди» (Термизий ривояти), деб баён этилган².

¹ Исломда соғлом бола тарбияси. Масъул муҳаррир И. Усмонов. – Тошкент: «Movaqounnahg», 2014. –38-б.

² Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Тошкент: «Movaqounnahg», 2014. –5-б.

Оила институтининг мустаҳкамлиги эркакларнинг ўз аёлига ва фарзандларнинг онасига бўладиган муносабати ҳамда муомаласига бевосита боғлиқдир. Ислom динида бу масалалар рационал тарзда ҳал этилган. Бунга асос тариқасида ҳадисларда эркакларнинг энг афзали – бу ўз аёлига меҳрибон бўлган киши эканлиги баён этилгани, фарзандларга эса яхшиликни авваламбор онасига қилиш буюрилганлигини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Мазкур ҳадислар мусулмон оилаларидаги тарбия жараёни оқиллик ва бой маънавий асос устига қурилганидан далолат беради. Олиб борилган амалий тадқиқотимизда ҳам ислom динининг замонавий ўзбек оилалари мустаҳкамлигига таъсир қилаётган ҳолатини ўрганишга ҳаракат қилдик. Зеро, таъкидлаб ўтганимиздек, ислom динида оила ва унинг барқарорлиги муҳим социологик масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотимизда иштирок этган респондентларга «Сизнингча, ислom дини ҳукмлари асосида оила барқарорлигини таъминлаш мумкинми?», деб мурожаат қилдик.



3.6-расм. Оила мустаҳкамлигига ислom қадриятларининг таъсири даражаси.

Натижалар шуни кўрсатаптики, респондентларнинг мутлақ қисми бу саволга ижобий баҳо берди. Бу масала бўйича ижобий фикр билдиришда Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳар


респондентлари бошқа ҳудудлардаги респондентлардан анча «пешқадам» бўлишди. Салбий муносабат эса кўпроқ Хоразм, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Нукус шаҳри респондентларининг жавобларида намоён бўлди. Масалага ижобий муносабат билдирганлардан бунинг 3 та энг муҳим жиҳатини кўрсатишларини илтимос қилганимизда, респондентлар исломда оила қуриш ва уни асраш муҳим суннат амали ҳисобланишини, эркак кишига оилани таъминлаш ва бошқариш масъулияти юкланганлигини, оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги уят, ҳаё ва ибо таъминланганини алоҳида ажратиб кўрсатишди.

Ўз навбатида ислом дини оила барқарорлигига таъсир ўтказмайди, деб ҳисоблаганлар бунинг 3 та асосий сабаби сифатида шариатда кўп никоҳлиликка рухсат берилганлигини, ислом динида аёлнинг мавқеси эркакка нисбатан паст белгиланганлиги туфайли оилавий можаролар келиб чиқмоқда ҳамда ислом аёлни тижорат мақсадида хорижга эркаксиз ёлғиз боришини қоралаяпти, деб кўрсатишди. Натижаларнинг эътиборлилиги шундаки, сўровда иштирок этган эркаклар ва аёллар муаммо таҳлилига деярли бир хил муносабат билдиришди.

Оила масаласида респондентлар тафаккурида дунёвийлик ва динийлик сифатларини билиш мақсадида «Оила қурмоқчи бўлаётган яқин кишингизга қандай дунёқарашга эга бўлган турмуш ўртоқни танлашни тавсия қиласиз?», деган саволни бердик ва унга олинган натижалар қуйидаги 3,7-расмда ўз аксини топди.

Бу ҳолатга мувофиқ тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг деярли ярми учун асосий талаб — ўртада муҳаббат ва ҳурмат бўлса бўлгани, қолгани муҳим эмас. Респондентлардаги бундай ёндашув сўров ўтказилган барча ҳудудларда етакчи бўлди. Аммо, тошкентлик респондентларнинг ҳаручтасидан бири, наманганликларнинг деярли ҳар бештасидан бири ва Жиззахликларнинг ҳар ўнтасидан бири ўз яқинларига диний дунёқарашга эга бўлган умр йўлдошини тавсия қилишларини маълум

қилишди. Қорақалпоғистонлик респондентлардан ҳеч ким ўз яқинларига диний дунёқарашга эга бўлганларни умр йўлдоши бўлишини раво кўрмасликларини маълум қилган бўлсалар, хоразмликлардан 6%, бухороликлардан 3% ва қашқадарёликлардан эса 2% киши ўз яқинларига диний дунёқарашга эга умр йўлдошини тавсия қилишларини таъкидлашди.



3.7-расм. Яқинларига қандай дунёқарашга эга бўлган умр йўлдошини тавсия қилиш ҳолати.

Олиб борилган тадқиқотимизда никоҳ тўйининг долзарб муаммолари билан ҳам қизиқдик. Чунки оила қуришда никоҳ тўйининг аҳамияти катта. Жумладан, ислом динида ҳам никоҳ тўйи масаласига эътибор жиддийдир. Ҳадисларда таъкидланишича, саҳоба Абдурахмон ибн Авф Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларига келиб, ўзининг уйланганлигини маълум қилди. Шунда ул зот «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қилгин», — дедилар¹.

Фуқароларимиз никоҳ тўйи деганда авваламбор нимага эътибор қаратишларини билиш бу оилавий тадбир

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий Ас-Саҳих. — Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. Т.1. —412-6.

муаммоларининг мазмунини англаб етишимизга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, респондентларга «Никоҳ тўйида сизнингча энг муҳими нима?» деган савол орқали улардаги секулярлашиш ҳолатини кузатмоқчи бўлдик.

Зеро, айнан кундалик ҳаёт ҳақидаги оддий саволлар кишини беихтиёр ўз кечинмалари ва туйғуларини эмин-эркин ифода қилишига хизмат қилиши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Респондентларнинг бу саволга билдирган муносабатлари улардаги дунёвийлашиш жараёни қандай кечаётгани ҳақидаги қизиқарли маълумотларни берди.



3.8-расм. Никоҳ тўйидаги энг муҳим ходиса.

Натижалар таҳлилига кўра, Тошкент шаҳрида бошқа минтақаларимизга қараганда никоҳ тўйида ортиқча сарф-харажатлардан йироқ бўлиш ҳолатининг аҳамияти исломий никоҳ ўқитишдан кейинги даражада бўлиб турибди. Бу ҳолат Тошкент шаҳрида бўлаётган никоҳ тўйлардаги исрофгарчилик бошқа минтақаларимизникидан анча

юқори эканлигига ишорадир. Демак, тўйларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик бўйича олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш тадбирларини биринчи навбатда пойтахт аҳолиси орасида ўтказиш лозим. Бу жараёнда албатта таниқли дин уламолари ҳам фаол иштирок этиб, фуқароларимизга ислом динида исрофга йўл қўйиш оғир гуноҳ эканлигини Қуръони карим оятлари ва ҳадислар асосида, доимий тарзда тушунтириб борсалар, аминмизки, бу саъй-ҳаракатлар албатта ўз самарасини беради. Кузатишимизча, кўп ҳолларда тўйларни исрофгарчилик ва ман-манликка асосланиб ўтказишда ёшлар билан бир қаторда уларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари ҳам сабабчи бўлмоқдалар. Ёшларнинг никоҳ тўйи масаласида қандай позицияда турганларини билиш тадқиқотимиз учун муҳим бўлгани сабабли уларнинг бу муаммога бўлган муносабатлари билан қизиқдик. Бунда 18–25 ёшга тўлганларнинг фикрига таянишни лозим кўрдик. Зеро, мамлакатимизда кишилар асосан шу ёш атрофида оила қуришга киришадилар.

3.6-жадвал.

Никоҳ тўйидаги энг муҳим жиҳат

| № | Жавоблар | 18–25 ёшдагилар | |
|---|---|-----------------|------|
| | | (%) | Сони |
| 1 | Таниқли санъаткорлар иштирок этган замонавий никоҳ тўйи | 3,5 | 13 |
| 2 | «ЗАГС»дан ўтиш | 13,9 | 52 |
| 3 | Келиннинг ахлоқий меъёрларга мос келадиган либосда бўлиши | 9,9 | 37 |
| 4 | Исломиий никоҳ ўқитиш | 23,8 | 89 |
| 5 | Спиртли ичимликлар бўлмаслиги | 4,5 | 17 |
| 6 | Ортиқча сарф-харажатлардан йироқ бўлиш | 44,4 | 166 |

Натижаларнинг кўрсатишича, уйланиш ёшидагилар учун ҳам никоҳ тўйларини авваламбор ортиқча сарф-харажатлардан йироқ бўлиб ўтказиш асосий маъно касб этар

экан. Шунингдек, бу ёшдаги респондентларнинг деярли ҳар тўрттасидан бири учун исломий никоҳ ўқитилиши намоён бўлар экан, бу ҳол ёшларда ислом динининг кадриятларини ўзлаштириб бориш жараёни тўғри йўналишда эканлигига ишорадир. Мазкур масалага экспертларнинг муносабати қандай эканлиги билан қизиқишимиз бежиз эмас. Зеро, уларнинг бу муаммо ечими бўйича фикр-мулоҳазалари тадқиқотимиз учун муҳим ҳисобланади. Оилавий ҳаёт ва унинг мустаҳкамлигига ислом дини кадриятларининг таъсирчанлик даражаси юқори эканлигини деярли барча мутахассислар таъкидлаб, фақат бу омилдан ҳозирда етарлича фойдаланилмаётганлигини кўрсатиб ўтишди. Сўровда иштирок этган мутахассислар ўзбек оилаларининг анъанавий кадриятлар тизими ислом динидан озиқланади ва шу нуқтаи назардан қараганда, оилаларни мустаҳкамлашда ислом дини кадриятларига таяниш ўз самарасини беради, деб эътироф этишди. Аммо, айрим мутахассислар ислом омилининг оила мустаҳкамлигига таъсири етарли даражада эмас, деган фикрларини ҳам илгари суришганига эътибор қаратишимиз жоиз. Уларнинг фикрича, аҳолимиз ислом дини кадриятларини яхши тушуниб етганида эди, ҳозирда содир бўлаётган ажралишлар кескин камайган бўлар эди. Бунинг учун эса оила қураётганлар, айниқса, ёш келин-куёвларга эркак ва аёл учун ислом динида оилавий бурч ва мажбуриятлар қандай белгиланганлигини чуқурроқ тушунтириб бериш тақозо этилади. Бунда маҳаллалардаги диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар ва ота-оналар ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари муаммо ечими бўйича ижобий, сермаҳсул натижаларни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимиз шароитларида ислом рационалиزمи оила институти мустаҳкамлигининг муҳим маънавий омили бўлиб гавдаланар экан, масаланинг акси сифатида кейинги йилларда Ғарб мамлакатларида анъанавий оила институтининг мавқеи анчагина йўқолиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Ҳозирда бу муҳим социал институт

Ўз барқарорлигини сақлашда маълум бир жиддий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Буларнинг ичидаги энг жиддийси — замонавий Ғарб жамияти кишиси христианликнинг оила масалаларига бўлган талабларини менсимай, унга амал қилиш тугул, ҳатто уни очикдан-очик инкор қилишидир. Бинобарин, ўз расм-русумлари асосида консерваторликни тарғиб этувчи католик черковига мансуб бўлган мамлакатларда ҳам оила мустақамлигига дин институтининг таъсири етарли даражада эмас. Натижада бу мамлакатларда никоҳнинг ғайриинсоний шакли — бир жинсли никоҳларнинг вужудга келиши авж олмақда. Ачинарлиси шундаки, айрим давлатларда бундай никоҳлар тузилишига демократия никоҳи остида, гўёки жинсий камчилик — гомосексуалларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баҳонасида расман рухсат берилмоқда. Бу ҳақида Шимолий Осетия-Алания Республикаси мусулмонлар идораси раиси, муфтий Хаджимурад Гацаловнинг қуйидаги фикрлари эътиборга сазовордир.

«Кимдир менга Европа — бу демократия ҳудуди, деб ваъз айтишни бошласа, кулгим келади. Дин (жумладан, христианлик ҳам албатта) бир жинсли никоҳлар мавжуд бўлган, ахлоқнинг туб маъноси яқсон қилинаётган жойларда ҳозир бўла олмайди»¹.

Албатта, бу салбий ҳолат Ғарб жамоатчилигининг илғор фикрлайдиган қисмида катта ташвиш уйғотмоқда. Чунки анъанавий оиланинг таназули бу турдаги ғайиртабiiй никоҳларни шиддат билан кўпайишига асос бермоқда. Ўз навбатида бундай нохуш ҳолат оиланинг асосий функцияси — репродуктивликни яқин йиллар ичида батамом йўқолишига асосий салбий омил бўлади.

Биз ҳам юқоридаги аянчли ҳолатдан тўғри хулоса чиқариб, ортиқча хотиржамликка ва бепароволикка берилмасдан, жамиятимизда оила институти барқарорлиги юксалиб боришига доимий эътиборни қаратишимиз лозим.

¹ <https://www.pravda.ru/expert/25-12-2017/1363343-euroislam-0/>

Зеро, соғлом оила фаровон жамиятнинг пойдевори бўлиб хизмат қилиши тарихий ҳақиқатдир.

3 §. Тадбиркорлик фаолияти тараққиётида ислом ахлоқининг ўрни

Хар қандай жамият тараққиёти ва унинг аҳолисини фаровон турмуш кечиришида иқтисодий ривожланишнинг ўрни бетакрордир. Чунки айнан иқтисодий фаолияти туфайли инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминловчи жараёнлар кечади. Жамиятда ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори савияда бўлса, кишиларнинг турмуш кечириш сифати ҳам шунга мос бўлиши айни ҳақиқатдир. Жамиятни яхлит социал тизим сифатида таърифлар эканмиз, унинг таркибидаги иқтисодий элемент бошқа соҳалар, жумладан, дин институти билан ҳамкорлик қилмай ўз ҳолича фаолият кўрсата олмаслигига тўлиқ амин бўламиз. «Иқтисод ва дин жамият ҳаётининг турли соҳалари бўлса-да, аммо улар ўзаро алоқага киришадилар»¹.

Мамлакатнинг нафақат қулай географик жойлашуви, мўътадил иқлимий муҳити, бой табиий қазилмалари ва бошқа моддий-молиявий ресурслари, балки таълим-тарбия ва илм-фан ривожланиши савиясининг юқори даражаси, улар асосида шаклланадиган кишиларнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда унинг ҳосили бўлган технологик янгиликлар асосида меҳнатни рационал ташкил қилиш каби омиллар ҳам иқтисодий ўсишнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Шунингдек, жамият аъзоларининг муваффақиятли хўжалик юритишларида улар менталитети маънавий омилнинг кўриниши сифатидаги аҳамиятли ролни ўйнайди. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш эса кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Жумладан, уни шакллантиришда бошқа социал институтлар

¹ Мчедлов М.П., Филимонов Э.Г. Религиозный фактор в формировании экономики. // Вестник Российской Академии наук. Том. 66, №9. 1996. –С.831.

каби дин ҳам муҳим маъно касб этади. Ушбу фикрларимизни таниқли немис иқтисодчиси ва социологи Макс Вебернинг таълимотидан етарлича тарихий лавҳалар келтириб, асослаш мумкин. Вебер ўзининг бир қатор асарларида Ғарбда капиталистик жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишида маънавий омиллар таъсирини таҳлил қилар экан, улар орасидан дин омилнинг ўрнини доминантлик даражасида кўрсатади. Айниқса, «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи», «Дунё динларининг хўжалик ахлоқи» каби асарларида у Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ривожланиш динамикасининг хусусиятларини таҳлил қилиб, нима учун иқтисодий фаолиятнинг рационаллик асосида ташкил этилиши фақат Европада содир бўлганига, ушбу ҳолат қитъа мамлакатларининг кейинчалик индустриал жамият даражасига ўсиб келишлари учун хизмат қилганига асосли далилларни топади.

Бинобарин, католик черковининг ўша давр пешволари кишиларнинг жамият ҳаётида, жумладан, иқтисодий соҳада фаол иштирок этишларидан манфаатдор бўлишлари уларни маънавий камолотга эришиш ва руҳларини охират азоб-уқубатларидан қутқаришдан чалғитишга хизмат қилади, деган ақидани қаттиқ ушлаганлар. Вебер ушбу консерватив ақида таҳлилига танқидий тарзда ёндашиб, мавжуд динлар инсонларнинг дунёвий-моддий фаолиятларига салбий жиҳатда қараш ҳодисасидан ҳоли бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Европадаги Реформация даврида меҳнатга нисбатан муносабатнинг кескин ўзгариши, протестантлик мазҳабида кишиларнинг касбий фаолиятларини Худога сидқидилдан хизмат қилиш амали ва диний бурч, деб таърифланиши боис, жамият хўжалик ҳаётида шиддатли ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу ҳолат Вебер таъбирича, Ғарб жамиятини янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичига кўтарилишининг маънавий омили сифатида намоён бўлди. Россиялик тадқиқотчи З.В. Котлованинг таъкидлашича, америкалик социолог Р. Белла М. Вебер анъаналарини

давом эттириб, «Токугава дини» асарида XX асрнинг 50–60 йилларида Иккинчи Жаҳон урушидан батамом яқсон бўлиб чиққан Япония давлатининг шиддат билан тараққий этиш сабабларини таҳлил қилиб, буддизм, синтоизм ва конфуцияликнинг ахлоқий меъёрлари билан қоришиб кетган диний қадриятлар ушбу анъанавий ва консерватив хусусиятларга эга бўлган жамият ривожига жиддий таъсир кўрсата олган деган фикрни илгари сурди¹.

Айнан шу йилларда Европанинг бар қатор мамлакатлари, жумладан, АҚШда ҳам шундай хусусиятларда олиб борилган тадқиқотлар М. Вебернинг дин ижтимоий ўзгаришлар ва ижтимоий ривожланиш омили эканлиги ҳақидаги социологик назариясининг илмийлигини янада бой эмпирик маълумотлар асосида исботлади. Масалан, Г. Ленски томонидан АҚШ автомобилсозлик саноатининг бешиги – Детройт шаҳрида олиб борилган тадқиқотлардан яхши маълум бўлдики, ривожланган индустриал жамиятлар шароитларида ҳам дин аҳолининг хўжалик юритиш тафаккуридаги ўзига хос фарқлари сабабини асослаб бериши мумкин².

Арабистон ярим оролида вужудга келган ислом дини ҳам илгари иқтисодий жиҳатдан колоқ бўлган жамиятларнинг ривожига жиддий ижобий таъсир кўрсатди. Украиналик социолог Л. Васильевнинг фикрича, ислом мусулмончиликкача мавжуд бўлган жамиятнинг барча кемтик жойларини тўлдириб, иқтисодий муносабатлар, сиёсий маъмурият шакллари, социал структура, маданият ва диндорларнинг турмуши хусусиятларини белгилаб берди. Ислом дини айнан шу сифатлари туфайли бутун ислом олами қурилишининг пойдевори бўлиб гавдаланди. Зеро,

¹ Котлова З.В. Роберт Белла об аналогах протестантской этики в религиозных учениях Японии эпохи Токугава. www.gramota.net/materials/3/2015/12-2/29.html

² http://sotsiologia.ru/famous/2007/10/17/famous_7645.html

унга қарши чиқиш мусулмонлар ҳаёти ва жамиятидаги жамики барча нарсаларга қарши бўлишни ифодалайди¹.

Дарҳақиқат, ислом ўз мафкураси асосида жамият иқтисодий ҳаётининг ривожланиб бориш ҳодисасини мустаҳкам асос устига қуришга муваффақ бўлди. Бу жараённинг мазмун-моҳиятини рационал тарзда идрок этишимизда ислом таълимотини чуқур ўзлаштирган олимларнинг илмий фаолиятлари муҳим маъно касб этди. «IX–X асрларда мусулмон ҳуқуқи мактабларининг тўлиқ шаклланиши ниҳоясига етгани туфайли ислом динининг социал-иқтисодий доктринаси эрта вужудга келди. Бу ҳолат эса Яқин Шарқдаги феодализм ривожининг бу даврдаги хусусиятларини намоён этишга хизмат қилди. Кейинги асрларда қонунлаштирилган «иқтисодий хулқ-атвор» меъёрларини қўллаш аксарият ҳолларда назария доирасидан чиқиб туришига қарамай, социал-иқтисодий доктрина ўзгармасдан қолаверди»².

Жамиятнинг иқтисодий масалалари Қуръони карим ва ҳадисларда батафсил баён этилган бўлиб, мусулмон жамиятида уларга асрлар давомида қатъий амал қилиниб келинди. Мусулмон иқтисодининг ўзига хослиги билан қизиқувчи ғайридин мутафаккирлар ҳам уни бошқа жамият иқтисоди билан фарқланиш хусусиятларини фаол тадқиқ қилишган ва замонавий олимлар ҳам ўз илмий фаолиятларида бундан мустасно эмасдирлар. Айниқса, ислом динида моддий неъматларни яратишда меҳнатнинг роли ҳамда ҳалол мулк масаласи алоҳида улуғланишига катта эътибор қаратилишига россиялик олим Л.Р. Суюкияйнен ўз тадқиқотларида асосий урғу берганини кузатиш мумкин. «Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, ислом дунёвий меҳнат фаолияти

¹ Цивилизационная структура современного мира. В 3 томах. / под ред. Ю. Пахомова, Ю. Павленко. – Киев: «Науково думка, Т.3. Кн.1: Мусульманско-Афразийская и Индийско-Южноазиатская цивилизации, 2008. – С.95–96.

² Гибадуллин М.З., Вахитова Т.М. Основы исламской экономики: теория и практика хозяйствования. – Казань: ТГГПУ, 2009. – С.195.

аҳамиятини Аллоҳга ибодат қилишга тенглаштиради. Бинобарин, шариат аксарият ҳолларда кишининг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бу мулк инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилган саъй-ҳаракатга боғлиқлигини шарт қилиб қўяди. Хусусан, «жонли», яъни ишлов бериладиган ердан 3 йил давомида фойдаланмаслик оқибатида шахс унга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, натижада ер энди унга реал тарзда ишлов берадиган кишининг ихтиёрига ўтади. Бундай ҳолатда биз мусулмон ҳуқуқида молпарастлик институти азалдан бегона эканлиги билан дуч келамиз»¹.

Албатта, олимнинг юқоридаги фикрлари айрим тузатишларни талаб этади. Хусусан, кишининг катта ажр-савобларга эришиш мақсадида ҳалол меҳнат билан шуғулланиш фаолияти ислом аҳкомлари бўйича фарз амаллари билан эмас, балки нафл ибодатлари билан тенглаша олади ва ҳатто, аҳамият жиҳатидан улардан юқори даражада жойлашади. Россиялик олимнинг мулк масаласи бўйича ислом динида илгари сурилган талаблар ҳақидаги фикрларини ҳақиқатан ҳам асосли, деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу ҳолат нафақат теократик тузумга асосланган араб ҳамда ислом оламининг мамлакатларида, балки дунёвий давлатларнинг иқтисодида ҳам долзарблик касб этади. Жумладан, замонавий Ўзбекистонда аксарият фермерлар мамлакатимиз аграр соҳасини янада тараққий эттириш мақсадида ердан унумли тарзда фойдаланаётганларини алоҳида таъкидлаб, шу билан биргаликда айрим фермерлар ўзларига ажратилган унумли ерлардан жамият учун фойдалилик нуқтаи назаридан заиф даражада фойдаланишмоқда. Бунинг оқибатида уларга ижарага берилган ер майдонларини ердан ўз шахсий фаровон ҳаёти, айниқса, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари учун унумли фойдаланишга астойдил интилаётган кишиларга олиб берилиши дунёвийлик талаби жиҳатидан ҳам, ислом

¹ Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право собственности: юридическое осмысление религиозных постулатов. http://magazines.russ.ru/oz/2004/6/2004_6_9.html

дини ҳукмларига ҳам мос келишини ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Демак, ислом динида мулк институти иқтисодий фаолиятнинг муҳим атрибутларидан бири бўлиб гавдаланаяпти. Мулкка ҳалол ва тўғри йўл билан эришиш ислом динидаги асосий талаблардан ҳисобланади. Бу ҳақда Куръони карим ва ҳадисларда етарлича маълумотлар берилган. Чунончи, «Бақара» сурасининг 188-оятида қуйидаги ҳукм илгари сурилган: «Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан емангиз. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун ҳокимларга гуноҳкорона ташланманг»¹.

Маълумки, кишиларнинг мол-мулклари албатта уларнинг машаққатли меҳнати негизида тўпланган бўлиб, бу жараёнда ижтимоий омилларнинг роли беқиёсдир. Чунончи, агар жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлмаса, қулай молиявий муҳит етишмаса, унда ўзига тўқ ижтимоий қатламларнинг шаклланиши катта савол остида қолиши муқаррардир. Бу омилларни яратиш давлат институтининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб гавдаланиши табиийдир. Мазкур масалани муваффақиятли уддалашда эса адолатли солиқ тизимининг ўрни ўзига хосдир. Ўз вақтида ва етарли ҳажмда йиғилган солиқ тушумлари давлатнинг ижтимоий сиёсати учун муҳим моддий-молиявий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бу ҳодиса илгариги жамиятларга қандай хос бўлган бўлса, замонавий жамиятларда унинг аҳамияти янада юксалиб бормоқда. Таниқли мутафаккирлар ислом динидаги мазкур масалалар таҳлилига ўз асарларида алоҳида ўрин ажратганликларини кузатишимиз мумкин.

Ханафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ас-Собитнинг шогирди ва энг яқин ёрдамчиси — Абу Юсуф ўзининг «Китаб ал Ҳараж» асарида ҳалифа Хорун

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. — Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. —172-б.

ар-Рашидга солиқ йиғувчининг социал портретини баён қилиб берган. «Эй мўминларнинг амири, сен ва фуқароларнинг ишончини қозона олган содиқ, назари тўқ ва оқкўнгил кишини сайлашга фармойиш бер ва барча соҳаларда камбағаллар фойдасига йиғиладиган солиқларни ундиришни унга топшир. Шунингдек, сен унга аввалдан турмуш тарзи, хулқ-атвори, ишониб топширилган мол-мулкка нисбатан муносабатлари ўрганилган вакилларни барча соҳаларда солиқ йиғиш учун жўнатишни буюр»¹.

Бу асарда яна бир муҳим ҳолатни кузатишимиз мумкин. Абу Юсуф закот ва солиқларни йиғишда бу молиявий тушумларни бир-бирига аралаштирмасликни кўзлаб, уларни ундирувчилар алоҳида фаолият олиб боришлари зарурлигини тавсия қилиши ислом рационализмининг тамойилига тўлиқ мос келади. Юқоридаги манбада баён этилган хулосалар бугунги кунда ҳам долзарблик касб этмоқда. Жумладан, давлатнинг адолатли молия-солиқ тизимини яратишда ва уни бекаму кўст ишлашида биринчи навбатда ҳалол, иймон-эътиқодли, ватанпарвар ҳамда миллатсевар мутахассисларнинг касбий фаолияти доминантлик хусусиятга эга бўлади. Бу ижтимоий талаб замонавий Ўзбекистон шароитлари учун ҳам муҳимдир. Давлатимиз раҳбарининг илк бор, яъни 2017 йилнинг 22 декабрь кунидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз молия соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларнинг маънавий қиёфасига тегишли бўлган жиддий танқидий эътирозларини алоҳида билдириб ўтилди².

Ҳар қандай жамият иқтисодида деҳқончилик, хунармандчилик ва ишлаб чиқариш билан параллел тарзда савдо-сотик соҳаси тараққий этган бўлса, ўша мамлакат

¹ Абу Юсуф Йа'қуб б. Ибраҳим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж. Пер. с арабского и коммент. А.Э. Шмидта. – СПб: «Петербургское Востоковедение», 2001. –С.141.

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. 2-жилд. –118-б.

фуқароларининг фаровон ҳаёт кечириш даражасига эришишлари учун улкан имкониятлар пайдо бўлади. Ислом динида савдогарчилик ҳалол касблар туркумига тааллуқли бўлиб, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ёшлик даврида ушбу касб билан жиддий шуғулланган. «Азалдан Арабистон ярим оролида турли хил савдо муомалалари эркин эркакларнинг муносиб касбларидан бири бўлиб келган. Пайғамбарнинг ўзи ҳам муваффақиятга эришган савдогар бўлган. Ўспиринлик ёшидаёқ Муҳаммад бобоси – Абдулмуталлибнинг савдо қарвонларининг сафарларида иштирок этган. Кейинчалик эса талаб этиладиган тажрибага эга бўлгач, бой бева аёл – Хадича бинт Хувайлиднинг савдо ишларини юритган. Хадича Маккада бекаму кўст обрў-эътиборга эга бўлган Муҳаммадни ҳеч иккиланмай ишга ёллаган. Кейинчалик эса Хадича Муҳаммаднинг аёли ва унинг пайғамбарлигига имон келтирган биринчи киши бўлди»¹.

Нима учун ислом динида савдогарчилик соҳаси улуғланади деган саволнинг кўндаланг қўйилиши табиийдир. Бунга жавоб шуки, савдогарчиликнинг ислом динидаги юқори мавқеи бу касб билан шуғулланаётган кишининг ўз ҳаёти, молу мулкани гаровга тиккандек, узоқ ўлкаларга халқининг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўладиган товарларни келтириш учун қалтис ва ҳатто, айрим ҳолларда хавфли вазиятларда сафарларга чиқиши билан изоҳланади. Савдогарчиликни олиб бориш учун қўйиладиган талаблар билан яқиндан танишиш оқибатида уни ижтимоий аҳамият жиҳатидан оддий чайқовчилик билан айнанлаштиришдан йироқ бўлиши жоиз. Чайқовчилик – бу савдогарларнинг хориждан келтирилган товарларини арзон нархга олиб, ортиқча меҳнат қилмасдан ва қалтисликка асосланиб таваккалчилик қилмасдан, мамлакат ичидаги ҳудудларда бу товарларни бир неча бор қимматига сотишдир. Бундай

¹ Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. – Москва: Издательский дом Марджани, 2009. –С.50.

фаолият ислом динида ҳалол меҳнат қилмасдан даромад топиш, деб таърифланади ва қатъий тарзда қораланади.

Тадбиркорликнинг савдо-сотик, тижорат каби соҳалари бозор иқтисодининг муҳим атрибутлари ҳисобланар экан, бу соҳа мутахассисларидан ўз фаолиятларини бозорнинг объектив қонуниятларига асосланган тарзда олиб боришлари тақозо этилади. Жумладан, бозорда нарх-навони сунъийлик асосида ўрнатиш ва ёлғончиликка асосланган хатти-ҳаракатдан тийилиши лозим. Ҳозирги кунда бундай қатъий талаб дунёдаги мавжуд барча жамиятлар иқтисодининг устувор масалаларидан бири бўлиб гавдаланади. Ҳолбуки, ислом дини шаклланишининг илк давридан бошлаб бу талабга қатъий риоя қилинганини яхши биламиз. Масалан, Қуръони каримнинг 83-сураси – (Аль-Мутаффиин) оятларида савдодаги олди-берди масалаларига эътибор қаратилганини кузатишимиз мумкин.

Янги шаклланаётган ёш ислом жамиятида айрим ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин тарзда кўтарилиб бораётганидан норози бўлган кишилар Муҳаммад алайҳиссаломдан бу жараёнга бевосита аралашни ва нархларни адолатли тарзда ўрнатишга фармойиш беришини сўраганларида, ул зот бу таклифга қарши бўлганига дуч келамиз. «Нархларнинг қимматлиги ва арзонлиги Аллоҳнинг хоҳишидир ва мен кимгадир адолатсизлик қилганимни ҳис этмаслигим туфайли Аллоҳнинг ҳузурида маломатга қолишни истамайман»¹. Шундай қилиб, пайғамбар давлатнинг ўзбошимчалик билан бозорнинг объектив қонуниятларига аралашниш имконини кескин тарзда рад этди².

Албатта, юқоридаги талаблар замонавий давлатларнинг иқтисодида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки бозор иқтисодининг асосий қонунларидан бўлган – талаб ва

¹ Абу Юсуф Йа'қуб б. Ибраҳим ал-Қуфи. Китаб ал-Харадж. Пер. с арабского и коммент. А.Э. Шмидта. – СПб: «Петербургское Востоковедение», 2001. –С.86.

² Беккин Р.И. Теоретические истоки исламской экономической доктрины в Средние века. // PAX ISLAMICA 1/2008 –С.102.

таклифни баҳона қилиб, нархларни сунъийлик асосида, кескин тарзда кўтариб юборилиши ижтимоий барқарорликка жиддий хавф-хатар пайдо қилади. Шунинг учун ишлаб чиқарилган буюмлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун адолатли нарх қўйилиши дунёвийликка асосланган мамлакатларда ҳам, теократик турдаги давлатларда ҳам бирдек талаб қилинади. Шунингдек, ишлаб чиқилган маҳсулотлар савдосида уларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликларини кўрсатилиши ҳам табиий ҳол бўлиши зарур. Ҳозирда бу жараённи биз Фарбий Европа мамлакатлари, Америка, Япония каби давлатларнинг бозорларида кузатаёпмиз. Чунончи, бу мамлакатларда ишлаб чиқилган автомобиллардаги камчиликлар маълум қилиниб, ишлаб чиқарувчилар уларни сотиб олган кишилардан қайтариб олишмоқда ва бу камчилик бартараф қилинган, уларни яна эгаларига қайтармоқдалар. Аммо, бизнинг жамиятда товар-буюмларни ишлаб чиқарувчилар ва тижоратчилар эса тадбиркорликнинг бундай сифатларига ҳали тўлиқ эга бўлганлари йўқ.

Ҳолбуки, ислом динида бундай сифатлар XIV аср олдин белгилаб берилган эди. Имом Муслим ва Имом ат-Термизий Абу Ҳурайрадан қуйидаги ҳадисни ривоят қилдилар: «Бир куни Аллоҳнинг элчиси сотувга қўйилган буғдой ҳосили олдидан ўтаётиб, унга қўлларини тикдилар ва бармоқлари ёрдамида унда намлик мавжудлигини ҳис қилдилар ҳамда сотувчидан бунинг сабабини сўрадилар. Сотувчи буғдойнинг сифатини об-ҳаво бузди, деб жавоб қайтарди. Пайғамбар эса хитоб қилди: нега сен унда кишилар кўриши учун ҳосилингни нам тортган қисмини юқорига қўймадинг? Бизни алдагувчилар биздан эмасдир»¹. Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, ислом динида савдогарлардан маҳсулотларини сотилишидан олдин уларнинг камчиликларини маълум қилиш ва савдода ёлғон гапирмаслик талаб қилинади. Азал-

¹ ИЗБРАННЫЕ ХАДИСЫ. Перевод, примечания и указатели: Владимир (Абдулла) Нирша. – Алушта: «Алушта», 2006. – С.45.

дан шундай олийжаноблик аждодларимиз менталитетига хос бўлган сифатларидан бири ҳисобланган.

Ватанимизнинг узоқ асрлик тарихидан яхши маълумки, ота-боболаримиз ислом дини таълимотини пухта ўзлаштириб, унинг юқорида баён қилинган ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилишлари боис савдогарчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа иқтисодий соҳаларда муваффақиятли фаолият олиб борганлар. Бу эса ўз навбатида Турон ўлкасининг барқарор ривожланишига ижобий туртки берган. Айниқса, буюк аждодларимиз – Абу Наср Форобий, Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар дунёвий илмлар билан бир қаторда диний илмларни ҳам пухта эгаллаб, фаол ижтимоий фаолият кўрсатишлари юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига аҳамиятли таъсир кўрсатгани бугунги кунда барчамизга яхши аёндыр. Шунингдек, ислом оламининг машҳур мутафаккирлари: Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро ва бошқалар фақат диний-маърифий фаолият билан эмас, балки дунёвий касб-ҳунар билан ҳам астойдил шуғулланганликлари тарихдан маълумдыр.

Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» номли машҳур ҳаётий тамойили таркидунёчилик иллатидан ҳоли бўлишга чақирилган, тадбиркорликни тараннум этувчи прогрессив ғоя десак сира муболаға бўлмайди. Бу ғоя жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан фаол маъқулланганлиги туфайли Ватанимиз тарихининг бу давридаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт барқарор кечган ва мазкур ғоянинг аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз нуфузини сақлаб келмоқда. Шу ерда бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратишни лозим кўрамиз, ислом динида ҳалол меҳнат учун бериладиган ажр-савоб даражаси нафл ибодатларидан юқори турар экан, демек, дангасалик ва ишёқмаслик каби иллатлар кескин тарзда

қораланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, кишиларнинг тиланчилик қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлари ислом дини қадриятларига умуман бегона бўлган ҳодисадир. Уни мажбурийлик жиҳатидан қилишга эса жиддий талаб мавжуд. Яъни, қайси бир кишининг уйида бир кунлик озиқ-овқати бўлса, унда унга тиланчилик қилиш ҳаром қилинган. Зеро, ҳадисларда таъкидланганидек, «бераётган қўл олаётган қўлдан афзалдир»¹.

Аммо, ҳозирги кунда айрим ёш, навқирон аёлларнинг меҳнат қилишдан бўйин товлаб, бошқа кишиларда уларга нисбатан ачиниш туйғусини шакллантириш мақсадида ўзлари билан норасида болаларини етаклаб олиб, масжидлар ва зиёратгоҳлар эшиги олдида гадойчилик қилиб туришлари кузатилмоқда. Уларнинг бундай хулқ-атвори эса ислом талабларига мутлақо зиддир. Бундай ҳолат вояга етаётган ёш авлод менталитетида текинхўрлик иллатларини шакллантиришга фаол таъсир кўрсатади. Бинобарин, ислом дини текинхўрлик ва дангасаликни кескин тарзда рад этади. «Бир кучоқ ўтин териб, бозорга орқалаб олиб бориб, сотиб тирикчилик қилган одам тиланчилик бирлан қўл чўзиб, кун кўрадиган одамдан афзал»².

Демак, юқоридаги мисолларга таяниб, XIX аср шароитларида М. Вебер томонидан Фарбий Европада капиталистик жамият тараққиётига улкан улушини қўшган христианликдаги протестантлик мазҳабининг ахлоқидан бир неча аср илгари кўҳна Мовароуннаҳрда дунёвийлик ҳаёти, айниқса, иқтисодий соҳадаги фаолиятни ислом дини қадриятлари билан ўзаро уйғунликда олиб борилганлиги ўша даврдаги тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори бўлганлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин бўлади.

¹ Ижтимоий ҳимояга оид Куръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. Масъул муҳаррир З. Исломов. — Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. —31-б.

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомийъ Ас-Саҳих. — Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. Т.2. —9-б.

Агарда замонавий жамиятлар ривождаги дин омили ҳақида гап кетса, Ғарб мамлакатларининг айрим социологлари «М.Вебер яшаган давр билан ҳозиргиси бир-биридан кескин равишда фарқ қилади, орадан анча йиллар ўтди, биз нанотехнологиялар ривожланган даврда яшайпмиз, шунинг учун дин институти замонавий жамият иқтисодий ўсишига сезиларли таъсир кўрсатмайди» деган хулосани илгари суришмоқда. Масалага юзаки қаралса, бундай фикрда асос бордек туюлади. Лекин замонавий ишлаб чиқариш жараёнининг унумдорлик даражасини таъминлашда инсон интеллектуал салоҳияти, фан-техника ютуқлари ва улар асосида бунёд қилинган моддий база ҳамда сифатли хом ашё билан таъминлаш ҳолатининг юқорилиги каби омиллар муҳимлигини эътироф этишнинг ўзи етарли эмасдир.

Албатта, юқорида баён этилган муҳим омилларга эга бўлган жамиятнинг маълум бир даврда, иқтисодий жиҳатдан қараганда шиддат билан ривожланишига шак-шубҳа йўқ, бироқ, қалтис демографик муаммолар, меҳнат тақсимоотида аҳолининг етарли даражаси таъминланмаслиги туфайли бу ривожланиш маълум бир муддат келиб секинлашиши ва ҳатто, буткул тўхташи муқаррардир. Бунга асос сифатида мазкур бобнинг олдинги қисмида таъкидлаб ўтганимиздек, Ғарб жамиятида оила институтининг аҳамиятини пасайиб бориши, унинг бош функцияси — репродуктивлик бажарилмаётгани, барча самовий динларда тақиқланган ва нормал инсон табиатига зид ҳодиса — бир жинсли никоҳларга айрим ривожланган давлатларда расман рухсат берилаётгани ва бундай ғайриинсоний никоҳ субъектларига фарзанд асраб олиш имкони қонун йўли билан таъминланаётгани бўлғусида ортга қайтмайдиган чуқур ҳамда чегараси бепоён ижтимоий-иқтисодий тангликларни келтириб чиқаришини мисол сифатида кўрсатиш мумкин бўлади.


Дунёда динга эътиқод қилувчилар сони бўйича насронийлик биринчи ўринда туришини эътиборга олган ҳолда унинг аъзолари 2 миллиард 200 миллион атрофида,

деб тахмин қилинар экан, насронийлик расман бундай беҳаё никоҳларга тақиқ қўйган ва уни жиддий қоралайди. Лекин Рим папаси ва христиан динининг бошқа пешволарининг Фарб жамиятларидаги обрў-эътиборлари салоҳиятли бўлса-да, аслида замонавий жамият аъзоларининг катта қисми дин уламоларининг панду насихатига қулоқ солмаяптилар. Натижада бундай кишилар дин ва унинг қадриятларидан етарли хабардор эмаслар ёки уларга очикдан-очик амал қилмайдилар. Бу ҳолат эса мазкур жамиятларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, ўз вақти-соати билан юқорида кўрсатиб ўтилган, кейинчалик ўнгланиб бўлмайдиган жиддий талафотлар ва фалокатларни келтириб чиқаради.

Мамлакатимиз шароитларида ҳалол ва тадбиркор кишиларнинг ўз иқтисодий фаолиятларини олиб боришларида ислом қадриятларининг аҳамияти ошиб бораётгани ижобий ҳодисадир. Аҳолимиз ҳам иймон-эътиқодли, инсофли ва диёнатли тадбиркорлар фаолиятидаги айрим камчилик ҳамда нуқсонларга қарамай, уларнинг меҳнатидан борган сари рози бўлаётганини кузатишимиз мумкин бўлмоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожидида хусусий мулк муҳим маъно касб этапти. Аҳолимиз ҳам ўзининг хусусий мулкига эга бўлишни афзал кўраётганини кузатишимиз мумкин. Хусусан, олиб борилган эмпирик социологик тадқиқотимизда мазкур масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Авваламбор, респондентлардан хусусий мулкка нисбатан муносабатларини ўрганишга жазм қилдик ва бунинг учун улар эътиборига «Сизнинг хусусий мулкка нисбатан муносабатингиз қандай?» кабилидаги саволни ҳавола этдик.

Тадқиқотимизда иштирок этганларнинг асосий қисми хусусий мулк масаласига ўз ижобий фикрини билдирганини гувоҳи бўлдик. Албатта, бунда уларнинг мутлақ қисми бу мулк ҳалолликка асосланишини, ҳақли талаб сифатида қўймоқда. Бу талаб эса ислом динида муҳим ўрин тутаети.

Қувонарлиси шундаки, аҳолимизнинг аксарияти бу ҳақида етарли маълумотларга эга экан.



3.9-расм. Хусусий мулкка нисбатан муносабат.

Кейинги саволимиз юқоридаги саволнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, у хусусий мулкка таянувчи соҳа — тадбиркорлик масалаларига бағишланди. Сўровда иштирок этганлардан унинг мамлакатимиз иқтисодидаги аҳамиятига муносабат билдиришларини ва бунинг учун 2 та асосий фикрларини маълум қилишларини илтимос қилдик. Натижада респондентларнинг кўпчилиги «қўшимча ишчи ўринлар ташкил этилди» ва «тадбиркорлик туфайли бозорларимиз озиқ-овқат ва товарларга тўлди», деган мулоҳазаларини илгари суришди. Респондентларнинг фикрича, тадбиркорлик ривожига авваламбор, барча кишиларнинг қонун олдида тенглиги таъминланганлиги, мутахассислардаги касбий ва ҳуқуқий билимларнинг савияси ва маҳаллий бошқарув органларининг кўмаги кўпроқ таъсир кўрсатар экан.

Албатта, тадбиркор шахсида ўзига яраша ҳам ижобий, ҳам салбий сифатлар учраши табиий ҳолдир. Зеро, бу

сифатлар барча инсонларга хос хусусиятлар ҳисобланади. Ушбу мантиқдан келиб чиқиб, респондентларга «Замонавий тадбиркор шахсидаги қайси ижобий сифатларни кўпроқ қадрлайсиз?», деб мурожаат қилдик. Ижобий муносабат билдирганлар асосан 2 та жавобда, қўл остидаги кишиларга нисбатан адолатлилиги, сахийлиги ва саховатини ҳамда ишбилармонлиги ва уддабуронлигини алоҳида ажратиб кўрсатдилар. Ислом дини қадриятларининг кишилар орасида айнан адолат, саховат ва сахийликни акс эттириши бизга яхши маълум. Ўз навбатида тадбиркорларнинг қандай сифатлари респондентларга ёқмаслигини ҳам аниқлашга интилдик ва бунинг учун уларга «Тадбиркорларда ҳозирда қайси салбий сифат кўпроқ учрайди, деб ҳисоблайсиз?», деган маънода мурожаат қилдик. Респондентлар тадбиркорлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ва хориждан келтирилган буюмларга ҳаддан зиёд баланд нарх қўйишади ҳамда фақат ўзи ва яқинларининг ҳашаматли яшашини таъминлайдилар, деб уларни танқид қилишди. Ушбу ҳолат шундан далолат бермоқдаки, айрим тадбиркорларда ҳали ҳам ислом қадриятларига амал қилган ҳолда фаолият олиб бориш заиф кечмоқда. Чунки исломда ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат ва савдо-сотикда адолатли нарх ўрнатилиши талаб этилади. Айнан сотувчи ва сотиб олувчининг ўзаро дил розилиги ҳар қандай касбу кор ривожига ижобий таъсир кўрсатиши аждодларимизнинг ҳаёт тажрибаларидан яхши маълумдир.

Юқоридаги фикрларимизни экспертлар берган баҳолари ҳам тасдиқлади. Тадқиқотимизда иштирок этган мутахассислар кишиларнинг ишлаб чиқариш, савдо-сотик ва тижорат фаолиятига ислом дини томонидан қўйилган қатъий талабларни бирма-бир қайд этишиб, шу билан бирга, бугунги кунда тадбиркорлар томонидан бу талабларга заиф тарзда амал қилинаётганлигини кўрсатишди. Ҳатто, айрим экспертлар тадбиркорлар орасида намозхонлик даражаси юқори бўлса-да, лекин улар томонидан савдо фаолиятини олиб боришда алдов ва фирибгарлик каби иллатлар ҳамон

учрашини маълум қилдилар. Шунингдек, экспертлар тижорат фаолиятини олиб борувчилар икки хил тоифага тааллуқлилигини ажратиб, хориждан товарларни келтирувчи тадбиркорларда исломий ахлоқни ўзида мужассамлаштирган ҳалоллик сифатини шаклланаётганини, лекин улар келтирган товарларни бир жойдан бошқасига кўчириб ўтиб, савдо қилаётганларда эса бу сифат етишмаётганлигига алоҳида урғу беришди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, оммавий ахборот воситалари, матбуот саҳифаларида ислом ахлоқига таянадиган, ҳалоллик асосида тижоратчилик фаолиятини олиб бораётган ватандошларимизнинг ибратли ҳаёт тажрибаларини кенг тарзда намоиш қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аминмизки, бундай ижтимоий тадбирлар мамлакатимизда ривожланиб бораётган тадбиркорлик соҳасининг келгуси тараққиётига фаол таъсир кўрсатади. Бундан эса жамиятимиз ҳам, тадбиркорлар ҳам фақат фойда кўриши муқаррардир.

IV боб. ИСЛОМ ДИНИ ҚАДРИЯТЛАРИ – ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

1 §. Ислом дини ва стратификация жараёнларининг ўзаро муносабатлари

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, жамиятда хусусий мулк институтининг шаклланиши туфайли ижтимоий ҳаётда табақалашув ҳодисаси содир бўлиб, унинг натижасида турли ижтимоий қатлам ва табақалар вужудга кела бошлади. Мазкур жараёнлар эса кишининг у ёки бу қатлам, табақага мансублиги ва жамиятда тутган ижтимоий мавқесини белгилаб беради. Бунинг натижасида ҳар қандай жамиятда социал нотенглик шаклланади. Чунки кишилар ижтимоий ҳаётда турли хил имкониятларга эга бўлиб борадилар. Социологикадабиётлардасоциалстратификацияга тушунчасига турли-туман таърифлар берилган. Куйидаги берилган таъриф ўзининг конкретлиги билан бошқа таърифлардан ажралиб туради. «Социал стратификация (social snratification) — бу барча жамиятлардаги мавжуд социал нотенгликнинг (мартаба, синф, мавқели гуруҳлар ва ҳоказолар) иерархиялашган ва уюшган структураси бўлиб, у худди геология каби қатламлардан ташкил топади. Аммо, социологияда социал қатламлар социал гуруҳларда намоён бўладилар ва бунда асосий эътибор улар орасидаги нотенгликка қаратилади»¹.

Бизга яхши маълумки, Қадимги Юнонистон мутафаккирлари замонавий социал стратификация назариясининг тамал тошини қўйганлардан ҳисобланадилар. Жумладан, Платон жамият аъзоларининг эҳтиёжлари ҳар хил, лекин бу эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган қобилиятлари эса чекланганлигини эътироф этади. Платоннинг фикрича, ҳар бир буюмни осон, сифатли ва кўп миқдорда ишлаб чиқариш учун фуқаролар

¹ Большой толковый социологический словарь. — Москва: «ВЕЧЕ-АСТ», 1999. Том 2. — С.239–240.

фақат ўзларининг қобилиятларига мос бўлган бир ишни қилишлари, бошқа машғулотларга эса қўл урмасликлари лозим¹.

Пировардида, жамиятда меҳнатнинг ўзаро тақсимланиши турли синфларни вужудга келтиради. Жамият аъзолари учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқарувчи фуқаролар энг паст синфни ташкил этадилар. Улардан юқорида эса олий синфлар: файласуф-ҳокимлар ва қўриқчи аскарлар турадилар².

Платоннинг машҳур шогирди – Аристотель «Сиёсат» асарида табақалашувга оид қарашларини кенг таърифлаб берди. Унинг фикрича, жамиятнинг социал структураси ҳам ўзига яраша жиддийдир. Аристотелнинг тушунтиришича, ўзига тўқ, бой одамлар ҳар ерда камчиликни, камбағаллар эса кўпчиликни ташкил этадилар. Шунинг учун кўпчиликка ёки камчиликка мансублик формал кўринишга эгадир. Жамиятнинг олигархия ёки демократияга ажратиб берадиган ҳақиқий кўриниш бўлиб бойлик ва камбағаллик хизмат қилади. Қаерда ҳокимият бойлар қўлида бўлса, ўша ерда олигархия, қаерда камбағаллар ҳукмронлик қилсалар ўша ерда демократия мавжуд бўлади. Бироқ, Аристотель энг яхши тузумни бойларнинг кўплиги, камлиги ёки бўлмаса камбағаллар салмоғининг кўплиги ёхуд камлигига қараб белгиламайди. Унинг фикрича, қайси жамиятда «ўрта элемент» салмоқли бўлса, ўша давлат фаровон, яхши тузум ҳисобланади³.

«Ўрта элемент» сифатида Аристотель қулдорлар ва қуллар ўртасидаги синфни тушунгани йўқ. Чунки жамият қуллар ва эркин фуқаролардан иборатдир, уларнинг ўртасида эса

¹ Платон. Сочинения в четырех томах. Том 3. Часть 1. // Государство. – Санкт-Петербург. Изд-во С.-Петербург. ун-та; Изд-во Олега Абышко, 2007. –С.158–159.

² Асмус В.Ф. История античной философии. – Москва: «Высшая школа», 1965. –С.179.

³ Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 3. Часть 2. // Политика. – Москва: «Мысль», 1983. –С.508.

бошқа ҳеч қандай синфлар бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун «Ўрта элемент»ни у қулдорларнинг ўртасидан қидиради. «Ўрта элемент»ни Аристотель қулдорлар орасидаги мулкка эгалик қилиш даражаси билан, яъни бу синф орасидан ўрта ҳол фуқароларни ажратиб олиш учун ишлатади. Фақат ўртаҳоллик давлат манфаати ва мақсадларига мойил муносабатда бўлиши мумкин. Шунинг учун «Ўрта элемент» Аристотель излаётган фаровон ва тараққий этган давлатнинг пойдеворини ташкил этади. «Хар бир давлатда биз уч турдаги фуқаролар: жуда ҳам бой, жуда ҳам камбағал ва бу иккисининг ўртасида турганларни учратамиз. Шунинг учун бўлса керак, ўртаҳоллик ҳамма фаровонликлардан афзалдир»¹.

Аристотель шундай хулосага келадики, унга мувофиқ ўрта ҳол фуқаролардан ташкил топган давлат энг яхши тузумдир, унинг фуқаролари эса кўпроқ бежавотирликда бўладилар. Улар камбағалларга ўхшаб бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмайдилар, бошқалар эса ўртаҳолга тегишли бўлган мулкка тажовуз қилмайдилар².

Аристотелнинг ушбу масала бўйича фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Чунки қайси давлатда ўртаҳол фуқаролар жамият аҳолисининг асосий қисмини ташкил этсалар, ўша давлат фаровон давлатдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ўртаҳол фуқароларнинг сонини кўпайтириш давлат олдида турган стратегик вазифа ҳисобланади. Жамиятда табақалашув ҳодисаси доимий тарзда мавжуд экан, «Социал стратификация жараёнлари билан дин ўртасида боғлиқлик борми?» деган табиий савол пайдо бўлади. Умуман диннинг ушбу жараёнга таъсири қай даражада эканлиги ҳақидаги долзарб масалалар социологларни азалдан ўйлантириб келган.

Тарих саҳифаларидан яхши маълумки, қадимги Рим хукмдорлари янги келган дин — христианликни анча

¹ Ўша ерда. —С.507.

² Ўша ерда. —С.508.

вақтгача инкор қилиб, унга қарши шафқатсиз равишда курашиб келдилар. Бунинг асосий сабаби, христианлик кишилар орасида биродарчилик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳроқибат каби сифатларини тарғиб қила бошлади ва бу ҳолат Рим аристократларига эриш туйилди. Чунки бу динга асосан йўқчил ва камбағаллар қатлами талпинаётгани уларга сира ҳам хуш келмади. Ўзларининг киборий мавқеларига зарар етишидан ташвишланиб, улар анча вақтгача янги динни қабул қилиш у ёқда турсин, ундан ҳатто, хавотирланиб яшадилар. Демак, Рим империяси ва унга қарам бўлган улкан ҳудудларда аҳолининг табақалашуви жараёнига дин омили фаол таъсир кучини кўрсатди дейишга ишончли тарихий далилларни келтиришимиз мумкин.

М.Вебер ўз асарларида илк христианликни «шаҳар дини» сифатида таърифлайди. Чунки уюшган христиан жамоасини шаҳар шароитидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмасди. Унинг фикрича, христианликнинг дин сифатида кишиларни мағфират этувчи ахлоқий ва тақводорлик хусусиятлари айнан шаҳарлашиш туфайли содир бўлди. Шунингдек, диндорлик масаласида ҳам камбағаллар ва бойлар ўртасида жиддий тафовутлар борлигига Вебер алоҳида эътибор қаратади¹. Жумладан, унинг фикрича, жамиятнинг қуйи қатламига тааллуқли диндорларнинг аксарияти «бу дунёни ёвузлик ва шайтоний амаллар қамраб олган, шунинг учун энг муҳими охираат дунёсида бериладиган ажр-мукофотга интилиш керак, бойлик эса йўқчил кишиларга қилинадиган зулм, таҳқирлаш ва камситилишлар каби иллатларни чақирадиган ҳодиса» деб тушунишади. Жамиятнинг бадавлат қатлами бўлса, «мол-мулк, бойлик ва бисёрлик илоҳиётнинг берган мукофоти, иқтисодий муваффақиятлар эса Худо томонидан кўрсатилган мурувват» маъносида талқин қилади.

Дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам социал табақалашуви жараёнларига дин асосий мезонларидан бири бўлганини

¹ Вебер М. Социология религии. Типы религиозных сообществ. // Избранное. Образ общества. Пер.с нем. – Москва: «Юрист», 1994. –С.140.

турли-туман мисоллар асосида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳам бўлса авваламбор Ҳиндистондаги каста тизимидир. Ушбу тизимдаги социал нотенглик даражаси диннинг табақалашув жараёнидаги бош детерминантлигига асосланади. Ҳиндуизмда каста тизими табақалашувнинг умрбод тартиби сифатида талаб этилади. Бу динга мувофиқ инсон туғилган вақтидаёқ унга каставий мансублик тайинлади. Инсон ҳаёти — бу кастадаги ҳаёт, каста эса кишининг ҳаётий маконидир. Ҳозирги Ҳиндистонда қатор табақалар мавжуд бўлиб, улар қуйида келтирилган 4 та асосий касталарга бирлашган: брахманлар, кшатрийлар, вайшешиклар ва шудралар.

Кастадан бадарға қилинган киши гўёки қонундан ташқари ҳолатга тушиб қолади. Каста кишининг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Шунингдек, унинг ҳуқуқлари, хулқ-атвори, ҳаттоки ташқи қиёфаси, кийим-кечаги ва зеби-зийнатларини ҳам. Киши туғилганидан, то бу ёруғ дунёни тарк этгунича бир кастадан бошқасига ўтолмайди. Касталар ўртасидаги никоҳлар ҳам тақиқланган. Ҳинд жамияти аъзолари ҳозир ҳам ўзларининг ижтимоий ҳолатидан нолимасликка ҳаракат қиладилар. Чунки Ҳиндуизмда «киши оламдан ўтганидан кейин унинг руҳи бошқа кишиники бўлиб, ёруғ дунёга такроран қайтиб келади, ана ўшанда у олдинги ҳаётининг қийинчиликларига бардош бериб, сабр ва шукур қилгани боис, энди янги ҳаётда юқори мақомга эришади ва фаровон турмуш кечиради», деган қарашлар ушбу диний таълимотнинг бош мазмунини ташкил этади.

Россиялик таниқли социолог, профессор В.И. Гараджанинг фикрича, М. Вебер Ҳинд жамиятида Ҳиндуизмнинг каста тизими синфийлик мазмунига эга бўлгани туфайли бу мамлакатда капитализмнинг ривожланишига монелик қилганига алоҳида эътибор қаратади¹. Каста тушунчаси Ҳинд жамиятининг ўзига хослиги ва унинг дини бўлмиш

¹ Гараджа В.И. Социология религии. — Москва: «ИНФРА-М», 2007. — С.261.

— ҳиндуизм билан боғлиқ бўлгани туфайли уни бошқа жамиятларнинг ҳаётига татбиқ этишга уриниш реал воқеликдан узоқлашишдир. Замонавий Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётида эса бу ҳодиса ҳамон ўз мавқесини сақлаб келмоқда. Каста тизимини бошқа жамиятларга экстраполяция (ёйиш) қилмасдан ҳам диний софлик социал стратификация ўлчовининг бир таркибий қисми, деб талқин қилиш мумкин.

Ҳиндистон тажрибасидан маълум бўлаяптики, айрим давлатларда кечаётган социал стратификация жараёнларига диннинг таъсири сезиларлидир. Лекин тарихда шундай ҳодисалар бўлганки, баъзи мамлакатларда кишининг ўз динидан бошқасини, аниқроғи яшаётган жамиятдаги етакчи динни қабул қилса, унда унинг янги ижтимоий фаолияти истиқболга эга бўлган. Масалан, агарда замонавий Туркия ижтимоий тараққиётининг тарихига мурожаат қилсак, қуйидаги ҳодисага дуч келамиз.

Аббосийлардан кейин ислом оламида ҳукмронлик қилган усмонли турклар ўзлари забт этган ҳудудлардан келтирилган, бошқа динларга эътиқод қилувчи асирлар исломни қабул қилсалар, бунинг эвазига уларга катта ижтимоий имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Бу сиёсатнинг муваффақиятли натижаси сифатида илгари мусулмон бўлмаганлар янги жамоага муносиб тарзда ассимляциялашиб (қоришиб кетиб), турк султонлигида юқори ижтимоий мавқега эришдилар. Айниқса, фуқаровий, ҳарбий ва ҳатто диний соҳаларда ҳам бундай ҳаракатга қўл урган кишиларга ижтимоий иерархиянинг юқори поғонасидан жой олишларига катта имтиёз ва имкониятлар яратилди. Бу ҳолат усмонли туркларнинг узоқ муддат ҳукмронлик позициясини мустаҳкам бўлишига муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келди. Масалан, султон Боязид II (XV асрнинг охири ва XVI асрнинг боши) даврида 4 та вазир исломни қабул қилган славянлар бўлган бўлса, султон Сулаймон I ва султон Салим II ҳукмронлик қилганларида (XVI асрнинг иккинчи ярми) славянлардан саккиз киши


буюк вазир лавозимига кўтарилган. Демак, усмонли туркларга тобе бўлган улкан ҳудудларда бошқа динларга эътиқод қилувчиларнинг ислом динини қабул қилишлари ва турк тилида сўзлашишни ўрганишлари ҳукмрон синфларга тааллуқли бўлишнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилган¹.

Энди Ўзбекистоннинг бой тарихига мурожаат қилсак, илгари унинг ҳудудларида ҳам табақалашув жараёнларига ислом омили фаол таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, эшон, саййид, хўжа қабиларнинг «ижтимоий зинапоя»нинг чўққисидан жой олганликлари ва уларнинг ижтимоий мақомлари бошқа фуқароларникидан анча юқори бўлганига дуч келамиз. Албатта, бу ҳолат аҳолининг юқорида кўрсатиб ўтилган табақаларининг ислом дини таълимотини нотўғри тарзда талқин қилиб, ундан ўз худбин манфаатлари йўлида фойдаланишларининг натижаси эди. Ҳолбуки, ислом динида кишиларнинг ўз диний-сулолавий мавқесидан келиб чиқиб, шахсий манфаат излашлари қаттиқ қораланади. Чунки ислом дини таълимотига мувофиқ барча одамлар тенгдир, уларнинг моддий аҳволлари ва маълумотлари даражаси эса ўз фаолиятларига бевосита боғлиқ. Шунинг учун исломда бой-бадавлат бўлиш чекланмаган ва тақиқланмаган, фақат мол-мулкни исроф қилиш, у билан қибрланиш ҳамда буюрилмаган жойларга сарф қилиш тақиқланган. «Аллоҳнинг йўлида молларини сарфлаб, сўнгра сарфлари кетидан миннат қилмайдиган ва озор бермайдиганларнинг ажрлари Роббилари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар»². Ҳадисларда ҳам ҳалол фаолият асосида бойлик йиғиш ва уни яхшиликка сарфлаш кишининг мол-мулкига барака келтириши ва аксинча, нафси ила бойликка ружу қўйганларнинг аҳволи танг

¹ Васильев А. Мост через Босфор. – Москва: «Молодая гвардия», 1989. –С.10.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. –273-б.

бўлиши ҳақида етарлича маълумотлар берилган. «Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан муккасидан кетиб эгалласа, қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди»¹. Шу ерда амалий тадқиқотимизнинг «Катта даромад келтирадиган ишни бошлаётганингизда у ислом одобига тўғри келмаслигини билиб қолсангиз, ўша ишни тўхтата оласизми?» деган саволига олинган жавобга мурожаат қилишни лозим кўрдик. Бу саволнинг қўйилишидан мақсад кишиларда ҳалоллик асосида даромад топишга бўлган муносабатни аниқлаш эди.



4.10-расм. Катта даромад келтирадиган ишнинг ислом одобига тўғри келмаслигига муносабат.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатаётгани, кўпчилик респондентлар бу масалада дадил муносабатларини билдиришни ўзларига эп кўрдилар. Лекин деярли ҳар уч респондентнинг бу масаладаги мужмал жавоби уларда моддий манфаат мақсадида ҳалоллик масаласига риоя қилмаслик эҳтимоли юқори эканлигига ишорадир. 5,8%

¹ Маърифат – тинчлик асоси. 3. Исломов таҳрири остида. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007. 134-б.

респондент эса ўзининг дангал фикрини изҳор этиб, моддий манфаатларга эришишида ҳалол ва ҳаромнинг улар учун фарқи йўқлигини билдиришди. Саволларнинг ҳудудлар кесимидаги жавоблари эса қуйидаги жадвалга жойлаштирилди.

4.7-жадвал.

Катта даромад келтирадиган ишнинг ислом одобига тўғри келмаслигига муносабат

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|---|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Ҳа, албатта | 52,8 | 72,1 | 58,6 | 78,8 | 42,8 | 49,4 | 51,9 | 74,2 |
| 2. | Йўқ, моддий ҳаётимни яхшилашда ислом одоби билан ҳисоблашмайман | 10,4 | 3,9 | 9,0 | 3,8 | 7,4 | 0,0 | 1,9 | 4,2 |
| 3. | Билмадим | 36,8 | 24,0 | 32,4 | 17,4 | 49,8 | 50,6 | 46,2 | 21,6 |

Жойлардаги вазиятни таҳлил қилсак, моддий манфаат йўлида ислом ахлоқи билан ҳисоблашиш жоизлигини наманганлик респондентлар бошқа минтақада яшаётган ватандошларидан юқорироқ савияда маълум қилишди, кейинги ўринларда эса тошкентлик ва бухоролик респондентлар ўз жавоблари билан жойлашишди. Моддий манфаат ва ислом одоби алоқадорлигининг масаласига камроқ эътибор қаратилишини қашқадарёлик, жиззахлик ва қорақалпоғистонлик респондентлар жавобларида кузатдик.

Тўғри, ислом динида кишиларнинг бой-бадавлатлик мавқеси қораланмайди, ўз навбатида қашшоқликни орзу қилиш ҳам маъқулланмайди. Ислонда ҳатто «қашшоқликдан куфргача бир қадам» деган ибора ҳам мавжуд. Лекин кишилар даромадининг ҳалол бўлиши, уларни шубҳали

ноз-неъматлардан ҳоли бўлишлари динимизнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Ана шунда даромад баракали мазмун касб этиб, ижтимоий тараққиётга бевосита ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда жамият аъзолари ўртасида бирдамлик туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, агарда бой-бадавлат киши жамиятда жорий қилинган солиқларни ўз вақтида тўлаб турса, табақалар ўртасидаги зиддиятларга кенг йўл очмаслик мақсадида бой қатлам аъзолари аҳолининг кам таъминланган қатламларига турли хил хайр-саховатларни кўрсатсалар ҳамда кундалик ва ижтимоий ҳаётда камтар бўлишга интилсалар, бу ислом қадриятларининг талабларига тўлиқ мос келади. Зеро, ҳадисларда келтирилишича, «Бир-бирингизга ҳадя қилиб турунглар, шунда ўзаро меҳр-муҳаббатли бўласиз, қўл бериб сўрашиб юрунглар, шунда дилларингиздаги гина-адоват кетади»¹.

Замонавий шароитларда мамлакатимизда кечаётган стратификацион жараёнларга ислом динининг таъсири мавжуд эмас. Лекин яқин йилларгача жамиятимизда янги оилаларни бунёд бўлишига исломга алоқаси бўлмаган, бидъат ва хурофотга асосланган зарарли иллатлар ҳалақит қилиб келди. Масалан, хўжа, саййид, эшонларнинг авлодлари қизларини ўзларининг табақаларига мансуб бўлмаган оила ўғилларига турмушга бермасликка ҳаракат қилганлар. Ўз навбатида бундай оила аъзолари ҳам хўжа, саййид, эшонлар авлодининг қизларини ўз ўғиллари учун сўрашга ботина олмаганлар. Албатта, аҳолимизнинг ислом дини бўйича билимлари савиясининг ошиб бориши туфайли ҳозирда бундай иллат барҳам топмоқда. Энди ёшлар бир-бирларини ёқтирсалар, ота-оналарига ҳам бу ҳолат маъқул келса, бўлғуси келин-куёвлар хўжа, саййид, эшонзодалиқ мавқесига тааллуқли ёки тааллуқли

¹ Ижтимоий ҳимояга оид Куръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 33-б.

эмаслигига қарамасдан янги, мустаҳкам оилани вужудга келишига сабабчи бўлмоқдалар. Аммо, жамиятимиздаги табақалашув жараёнига бошқа салбий иллат нохуш таъсир кўрсатмоқда, бу ҳам бўлса мамлакатимиз раҳбарияти доим ташвишланиб таъкидлаб келаётган, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи «...маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда»¹.

Мазкур салбий ҳодисанинг эса ислом динига умуман алоқаси йўқ. Чунки бу динда насл-насаб ва ҳудудий келиб чиқиш билан кибрга берилиш қораланади. Бирок, ўқимишсиз кишиларга қараганда илмли ҳамда фозил кишиларнинг ижтимоий мақоми улуғланади. Қуръони карим сураларининг мазмунини ўзбек тилига ўгирилиши туфайли, унинг оятларидан бирида «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми»², деб хитоб қилинганидан яхши хабардормиз. Юқорида баён этилган оятдан маълум бўлаяптики, ислом дини аҳкомларига мувофиқ илмли кишиларнинг мақоми бошқа социал қатлам аъзолариникидан анча юқорида жойлашади. Бу ҳақида оят ва ҳадисларга асосланиб, Имом Ғазоллий ўзининг асарларида батафсил мулоҳаза юритганини эътироф этишимиз мумкин. Жумладан, у «Мужодада» сурасининг 11-оятида «Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илмга берилганларнинг даражаларини кўтаради» дейилган ҳукмга ўз эътиборини қаратган³. Ушбу оят тафсиридан шу

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 1-жилд. —46-б.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. — Тошкент: «Шарк», 2012. Бешинчи жуз. —200-б.

³ Абу Хамид Муҳаммад аль-Ғазали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги «Ихйа' 'улум ад-дин». В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. — Махачкала: «Издательский дом Нуруль иршад», 2011. —С.41.

ҳолат ойдинлашадики, баъзи кишилар ўзларича «обрў-эътибор» деб юрадиган мансаб, пул, йиғилган молу дунё ва бойликларининг Аллоҳ ҳузурида ҳеч қандай қиймати йўқ экан. Фақат иймон, илм билангина Аллоҳ таоло тақводорлар мартабасини юқори тутар экан. Шу ерда яна бир масалага ойдинлик киритмоқ лозим. Ислом илм деганда барча илмларни назарда тутати, ҳозирда баъзи кишилар нотўғри ўйлаганидек, фақат диний илмларнигина эмас. Демак, мусулмонлар учун дунёвий илмларни-да мукамал эгаллаш фарздир¹.

Исломда кишининг илм ўрганиши, ўзи эгаллаган билимларни ўзгаларга ўргатиши уни дунё ва охиратда катта ажр-мукофотларга сазовор қилар экан, хизматларини дунё олимлари эътироф этган аждодларимиз ўзларидаги билимларни шогирдларига илғор усуллар асосида етказиб беришган. Бугунги кун тили билан айтганда улар касбий фаолиятларида илғор педагогик технологиялар – интерактив методлардан унумли фойдаланишган. Шу ерда муҳим бир жиҳатга эътибор қаратишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш жоиз. Фалсафа фанлари доктори, профессор Ш.О. Мадаеванинг ўз диссертация ишида Ғарб мамлакатлари олимларининг маълумотларига таяниб, социологиядаги сифатий методлардан бири ҳисобланмиш – «oral histori», яъни «оғзаки тарих» методи ҳақидаги ғоя биринчи бўлиб 1979 йилда Италияда пайдо бўлгани ва ушбу методнинг Ғарбий Европа замонавий ижтимоий-гуманитар фанларига кириб келиши XX асрнинг 70 йилларига тўғри келиши ҳақидаги кўрсатган маълумотига² аниқлик киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, Куръони карим ва ҳадис илмини ўрганишда Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа мутафаккирлар ўз фаолиятларида Ғарб олимларидан 1150

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Олтинчи жуз. –85-б.

² Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. Фалсафа фан.докт. дисс. – Тошкент, 2009. –64-б.

йил олдин ушбу методдан фаол фойдаланганликларини кузатишимиз мумкин. Чунончи, Имом Бухорий 600.000 дан ортиқ ҳадисни тўплашда бевосита уларни оғзаки тарзда баён қилган кишилардан ёд олганликлари тарихдан бизга яхши маълумдир.

Юқорида баён этилган оят ва ҳадисларда илм-фан аҳамияти ҳақидаги кўрсатмаларнинг Ўрта асарлардан кейинги даврда, мусулмон оламининг олимлари томонидан ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши анча сусайгани туфайли бу соҳа ривожиди Фарб мамлакатларидан тобора ортда қола бошладик. Масалан, ҳозирги давр халқаро статистикасига муурожаат қиладиган бўлсак, қуйидаги аянчли вазият билан рўпара бўламиз. «Дунё олимлари орасида мусулмонлар бор-йўғи 1% ни ташкил қилади. Фақат Исроилнинг ўзидаги олимлар сони бутун мусулмон оламидаги олимлар сонидан кўпдир. Ҳар йили араб мамлакатларида таржима қилинаётган хорижий китобларнинг сони Грециянинг ўзида таржима қилинганлардан беш марта камдир»¹. Дарвоқе, ҳозирги шароитларда бизнинг мамлакатда ҳам етук олимлар етишмаётгани жиддий тарзда сезилмоқда. Бунинг асосий сабаби ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб кўпчилик юқори малакали олим-педагогларнинг ўтиш даври қийинчиликларига сабр-қаноат қилмасдан, ўз соҳаларини ташлаб, савдо-тижорат йўналишига ўтиб кетганликлари билан боғлиқдир. Ҳолбуки, кишилар ўз турмуш ҳаражатларини кўтаришга асос бўлаётган касбларини ўзгартирмасликлари ҳақидаги кўрсатма ислом динида очиқ-ойдин баён қилинган. Зеро, ҳадисларда таъкидланганидек, «Қайси бирингизга Аллоҳ бир касб сабабли ризқ етказиб турган бўлса, то ўша касбнинг ўзи ўзгармагунича уни ташламанг»².

¹ Мирский Г.И. Ислам: история и современность. 2010/http://www.hist.msu.ru/Journals/NNI/pdfs/Mirskij_2010.pdf. –С.13.

² Маърифат – тинчлик асоси. З.Исломов таҳрири остида. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007. –132-б.

Биз собиқ ҳамкасбларнинг бундай хатти-ҳаракатларини қоралашдан йироқмиз, албатта. Агарда бу зиёлилар ўз мақомлари ислом динида қандай улуғ даражада эканлигини чин юракдан ҳис қилганларида, яъни олимларнинг охиратдаги даражаси дин йўлида ҳалок бўлганларники билан тенглаштирилиши ҳақидаги қуйидаги ҳадисдан яхши хабардор бўлганларида эди, улар ўткинчи моддий неъматларга эришишни илмдан юқори қўйишга қўл урмаган бўлар эдилар. «Қиёмат куни олимларнинг сиёҳлари дин йўлида ҳалок бўлганларнинг қонига тенглаштирилади»¹.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасидан бошлаб жамиятимизда кечган социал стратификация жараёнларида салбий мазмунга эга воқеа содир бўлди. Ҳар замон ва ҳар маконда, айниқса, ислом динида улуғланиб келинган устозлик, яъни ўқитувчилик касбининг социал статуси бошқа касблардан анча паст даражага тушиб қолди. Ҳатто, таниқли олим-педагогларнинг ўғил фарзандлари ўз оталари касбини давом эттиришни хоҳлашмади ва ўқитувчилик билан шуғулланишни ўзларига ор, деб билишлари кузатилди. Албатта, улар буни очикдан-очик айтишмади, фақат бу ҳолатнинг сабаби сўралганда, гапни моддий етишмовчиликка буришни афзал билиб, яна ўзларича жамиятимизда ўқитувчилик ҳозирда аёлларга хос касб эканлигини исботлашга уринишди. Айрим олим-педагог оталар фарзандларининг бундай ҳаракатларини маъқуллашди. Ҳолбуки, ислом динида кишининг илм билан шуғулланиши ва бу илмни бошқаларга ўргатиши жуда қадрланади. Ушбу фикрларимиз учун ислом оламининг таниқли мутафаккири – Ҳасан Басрийнинг қуйидаги қарашларини асос сифатида қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: «Агарда олимлар бўлмаганларида

¹ Абу Хамид Муҳаммад аль-Газали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги «Ихйа' 'улум ад-дин». В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. – Махачкала: «Издательский дом Нуруль иршад», 2011. –С.45.

эди, одамлар ҳайвонсифат бўлардилар», яъни Имом Ғаззолий таъбирича, олимлар ўқитиш (маориф) ёрдамида кишиларни ҳайвонлик даражасидан одам даражасига кўтаришга хизмат қиладилар¹.

Халқимизда азалдан «Устоз отангдек улуғ» деган нақл мавжуд. Бугунги кунда устозларнинг машаққатли саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ижобий воқеалар юз бераётгани ҳаммамизга яхши аён. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида кириб келаётган 2019 йилга «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб ном беришни таклиф этди² ва бу бежиз эмас. Чунки давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли эндиликда иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб, ижтимоий мавқеси кўтарилиб бораётган олим-устозларнинг самарали касбий фаолияти асосида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ривожланиш даражасини янада юқори савияга кўтариш мумкин бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятимиз ҳаётида кечаётган социал стратификация жараёнларига дин омили бевосита ҳам, билвосита ҳам фаол таъсир кўрсатмаса-да, лекин дин жамият социал структурасидаги социал мобиллик жараёнининг кескин тарзда кечишини мўътадиллаштиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга қодир. Мазкур фикрларимизни олинган амалий маълумотлар ҳам тасдиқлаши мумкин. Кишиларнинг касбий фаолияти бевосита ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларга катта таъсир кўрсатар экан, мутахассисларни ўз ўрнига қўйиш жиддий масалалар туркумига тааллуқли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан туриб, «Агар раҳбар лавозимида бўлсангиз, биринчи навбатда қайси сифатга эга бўлган кишиларни ишга олар эдингиз?» деган савол билан

¹ Ўша ерда. –С.61.

² Ш.М. Мирзиёев. Олий Мажлисга Мурожаатнома. <http://president.uz/uz/lists/view/1371>

респондентларга мурожаат қилдик ва уларнинг фикрлари қуйидагича бўлди.

4.8-жадвал.

Ишга олинадиган мутахассисдан талаб қилинаётган асосий сифат

| № | Жавоблар | % да |
|---|--|------|
| 1 | Авваламбор, у ўзимизнинг қариндошимиз ёки яқин танишимиз бўлсин. | 2,3 |
| 2 | Ким бўлишидан қатъи назар, ўз соҳасининг билимдони бўлсин. | 58,1 |
| 3 | Диний эътиқоди мустақкам бўлган ҳалол, софдил ва юқори малакали мутахассис бўлсин. | 30,1 |
| 4 | Фақат ўз соҳасини талаб даражасида билсин, диний эътиқоди муҳим эмас. | 7,5 |
| 5 | Жавоб бермаган. | 2,0 |


Натижалардаги эътиборли жиҳат шундаки, ишга олинаётган кишидаги касбий малаканинг юқорилиги ва диний эътиқоди асосидаги ҳалоллиги респондентлар учун муҳим омиллар бўлиб намоён бўлмоқда. Ҳатто, қариндошлик, таниш-билишчилик алоқалари ҳам бу масалада деярли жиддий роль ўйнамаслигини маълум қилингани фуқароларимизнинг тафаккур қилиш савияси тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Маълумки, давлат институти ва мамлакат фуқаролари томонидан раҳбар киши фаолиятига касбий маҳорат ҳамда ҳалоллик сифатлари жиддий тарзда талаб қилинади. Ислом динида эса кишидаги дунёвий ва диний илм, ҳаллоллик, софдиллик каби сифатлар муҳим ҳисобланади. Мана шу ҳолатга таяниб, «Сизнингча, кишининг раҳбарлик лавозимида тайинланишида ундаги ислом ахлоқи муҳимми?», деган саволни шакллантирдик.

Респондентларнинг бу масаладаги фикрлари деярли тенг икки қисмга бўлинди. Уларнинг биринчи ярми учун кишининг раҳбар лавозимида тайинланишида ислом ахлоқи муҳим аҳамият касб этса, иккинчи ярми эса бунга зарурат

йўқ, деб ҳисоблар экан. Натижалар шуни кўрсатяптики, юқоридаги саволга ижобий муносабат билдирган респондентлар ўзларининг 3 та муҳим жавобларини қуйидаги кетма-кетликда баён этишди: эътиқодли киши мансабидан ўз манфаати учун фойдаланмайди, эътиқодли киши порахўрлик ва таъмагарликдан ҳазар қилади ва диний эътиқодли киши ҳалол ишлашини раҳбарлар яхши билишади, деган фикрларини илгари суришди.

Шунингдек, саволга ижобий жавоб берганлар жамиятимиз ҳаётида учраб турган салбий иллатлар – кишиларнинг мансабдан ўз манфаатлари учун фойдаланишлари ва коррупция балосидан қутилишнинг самарали механизми сифатида раҳбар кишидаги ислом ахлоқи мавжудлигини тасаввур қилишларини билдиришди. Дарҳақиқат, маънавияти диний ва дунёвий қадриятлар уйғунлигидан ташкил топган кишигина ўзини бу иллатлардан сақлашга ҳаракат қилади.



4.11-расм. Кишининг раҳбар лавозимга тайинланишида ислом ахлоқининг муҳимлиги.

Кишини ўйлантирадиган ҳолат шундаки, мазкур саволга сўровда иштирок этганларнинг деярли ярми салбий жавоб қайтарди. Салбий фикр билдирганларнинг муносабатлари кўйидаги жадвалда акс этган жавобларда намоён бўлди.

4.9-жадвал.

Раҳбар кишида ислом ахлоқи шарт эмаслигининг сабаблари

| № | Жавоблар | % да |
|----|--|------|
| 1. | Эътиқодли раҳбар киши меъёрдан ортиқ сернасихат бўлади. | 8,1 |
| 2. | Раҳбар адолатли бўлса етарли, ундаги диний эътиқод муҳим эмас. | 36,9 |
| 3. | Ҳалол раҳбар бўлиш учун ислом одатларига амал қилиш шарт эмас. | 19,1 |
| 4. | Ислом ахлоқига амал қилган киши раҳбар бўлган ташкилот жамоасида хушчақчақлик, ўйин-кулгу ва ҳазил-мутойибалар кескин чекланади. | 5,9 |
| 5. | Раҳбар ислом ахлоқига амал қилмаса ҳам порахўр бўлмаслиги мумкин. | 24,7 |
| 6. | Меъёрида алкоголь ичимлигини истеъмол қилиш раҳбар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди. | 5,3 |

Экспертларнинг «Кишиларнинг раҳбарлик лавозимида тайинланишларида ислом ахлоқи ва одобига эга бўлишларини шарт деб ҳисоблайсизми?» деган савол бўйича билдирган фикрлари бир-биридан фарқ қилди. Кўпчилик мутахассислар раҳбарларда бундай сифатларнинг бўлишини ижобий ҳисоблаб, фақат бунинг учун диний эътиқод дунёвий маданият билан уйғунликда бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Айрим экспертлар эса раҳбарликка муносиб кўриладиган кишида исломий ахлоқнинг бўлиши шарт эмас деган фикрни илгари суришди ва бундай ёндашув «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги» қонун доирасида бўлиши зарурлигини маълум қилишди.

Демак, тадқиқотимизда иштирок этган респондентлар ва экспертларнинг фикрларини танқидий таҳлил қилиш асосида ҳақиқатан ҳам жамиятимизда кечаётган стратификация жараёнларига дин институтнинг таъсири деярли сезилмайди, деган хулосани илгари суришимиз мумкин бўлади. Лекин исломдаги оқилоналик тамойили кишилар орасидаги мавқени адолатли тарзда шаклланишига таъсир этиш салоҳиятига эгадир. Зеро, ислом дини манбаларида таъкидланишича, кишилар турли илмларга эга бўлишлари ва уларни бошқаларга ўргатаётганлари, яқинлари, ён атрофидаги кишиларга қилаётган хайр-саховатлари, силаи раҳим ва эзгу-амаллари ҳамда яхшиликлари билангина дунё ва охираат саодатига эришадилар.

2 §. Девиант хулқ-атворга қарши курашишда ислом маърифати роли

Жамият ҳаётининг ҳар қандай жараёнлари равон, текис ва барқарор тарзда кечиши мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Чунки жамият аъзоларининг кундалик ва ижтимоий ҳаётларида турли-туман муаммолар пайдо бўлади. Агарда бу муаммолар конкрет бир ёки бир неча киши фаолиятига салбий таъсир кўрсатса, унда улар жамият ҳаётининг асоси ва унинг барқарор фаолиятига жиддий хавф-хатар кўрсата олмайдилар. Аммо, бундай турдаги муаммолар ўз қаърига борган сари кўпроқ кишиларни тортиб борса, унда ижтимоий ҳаётнинг барқарорлиги учун реал ва қалтис таҳдидлар вужудга келади. Аксарият ҳолларда бундай турдаги муаммолар жамият аъзоларининг ижтимоий ҳаётда ўрнатилган муайян қонунлар ва тартиб-қоидаларни ўз хулқ-атворлари асосида инкор этишлари ёки уларга билиб-билмасдан риоя қилмасликлари оқибатида пайдо бўлади. Кишиларнинг бундай турдаги хулқ-атворлари социологик адабиётларда девиант хулқ-атвор¹, деб аталади.

¹ Девиантлик – лотинча «deviatio» сўзидан олинган бўлиб, у оғиш, чекиниш, бузилиш каби маъноларни акс эттиради.

Девиант хулқ-атворни тушунишнинг илк босқичи бўлиб, меъёр категорияси намоён бўлади. Ижтимоий меъёр — бу конкрет жамиятда маълум бир киши, социал гуруҳ ва ташкилот аъзоси хулқ-атворининг рухсат этилган ва тарихан шаклланган чегарасидир. Ижтимоий меъёрлар ўз татбиқини ҳуқуқий қонунлар, ахлоқ, этикет, қадриятлар ва ҳоказоларда намоёиш қилади. Девиантлик эса жамиятда ўрнатилган айнан ушбу меъёрларга мос келмайдиган хулқ-атвордир. Аксарият ҳолларда кишиларнинг нормал ҳолатдан оғишган хатти-ҳаракатлари ижтимоий санкциялар орқали жазоланади. Ижтимоий ҳаётда девиант хулқ-атворнинг ҳар хил шакллари ва турлари мавжуд. Авваламбор унинг кенг ва тор маънодаги талқини ҳақида фикр билдириш лозим. Кенг маънода девиантлик ёзилган ва ёзилмаган меъёрларга мос келмайдиган ҳолатни назарда тутса, тор маънода эса у фақат ёзилмаган меъёрларга амал қилмасликни ифодалайди. Илмий адабиётларда ёзилган меъёрлар расмий жиҳатдан ҳар қандай мамлакат Конституцияси, жиноят ҳуқуқи ва бошқа юридик ҳужжатларда қайд қилинган ҳисобланиб, фуқароларни уларга оғишмай амал қилиш имкониятлари давлат институти томонидан жиддий тарзда кафолатланади. Ёзилмаган меъёрлар эса хулқ-атворнинг норасмий меъёрлари ва қоидалари бўлиб, улар асосан қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, этикет ва ҳоказолар ёрдамида ўз ифодасини топади¹. Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий ҳаётда ўрнатилган расмий меъёрлардан оғиш деликвент (жиноий), норасмийларидан четлашиш эса девиант (оғишма) хулқ-атвор деб номланади. Масалан, ўғрилиқ, порахўрлик, қотиллик, ҳужжатларни қалбакилаштириш, қароқчилик, фирибгарлик, бошқа мамлакатлар манфаати учун жосуслик қилиш каби хатти-ҳаракатлар деликвент ҳисобланади ва уларни содир қилган киши жамиятда қабул қилинган

¹ Нортов Н.А., Бельский В.Ю. Социология. — Москва: «Юнити», 2012. — С.352.

хуқуқий қонунлар асосида таъқиб қилинади ҳамда уни жазолашга санкция берилади.

Агарда бирор-бир киши ёки кичик социал гуруҳ аъзолари жамоат жойида ўрнатилган ички тартибни бузса, бошқа кишилар асабига тегадиган хатти-ҳаракат содир қилса ва бунинг учун жиноий иш очиш кўзда тутилмаган бўлса, унда биз девиант хулқ-атворга дуч келамиз. Бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жазо ёки жарима солиш белгиланган. Лекин девиантлик ва делеквентлик ўртасидаги фарқ шартли равишда бўлиб, аксарият ҳолларда девиантлик ўзида деликвентликни ҳам мужассамлаштириши мумкин. Юқоридаги фикрларга таяниб, девиант хулқ-атворнинг асосий турларини таснифлаш мумкин бўлади ва ҳозирда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш устувор масала ҳисобланади:

1. Жиноятчилик. Жамиятнинг барқарор ривожланишига жиддий хавф-хатар пайдо қилувчи ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг таҳдидини таъсир доираси хуқуқий қонунлар асосида белгиланади. Жиноятчилик кўламнинг тобора кенгайиб бориши ҳар қандай жамият ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигининг жиддий кушандаси ҳисобланади. Дастлаб ижтимоий ҳаёт асосларига жиддий зарар етказа олмайдиган майда безориликдан бошланган қонунбузарлик уюшган жиноий гуруҳларни пайдо бўлишига пойдевор бўлади. Энди биз бундай вазиятда жамият ҳаётининг барқарор ҳолатига жиддий хавф-хатарни келтириб чиқараётган ижтимоий ҳодиса билан дуч келамиз. Шунинг учун тартиб ва қонунбузарликни «майда-чуйдалар»га ажратмасдан, уларга қарши қатъий тарзда, аёвсиз кураш олиб бориш талаб қилинади. Бунда асосий эътиборни маънавий-маърифий тарбияга кўпроқ қаратиш сермаҳсул натижа беради.

Маълумки, инсоннинг табиатида тақиқланган предмет ва ҳодисаларга қизиқиш кучли бўлади. Агарда ислом тарихининг дастлабки ҳодисаларидан мисол келтирадиган бўлсак, Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг жаннатдан қувилишларига айнан улар учун истеъмолга тақиқланган ноз-неъматлардан

бирини рухсатсиз татиб кўришлари сабаб бўлди. Ана шундан бери инсонда тақиқланган предмет ва ҳодисаларга худбинлик жихатларидаги қизиқиши ҳамда бу тақиқларни менсимасликка интилиши борган сари кучайиб борди.

Биз яшаётган ҳозирги даврда ҳам мазкур ижтимоий иллатлар кенг қулоч ёзаяпти. Аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қиладиган мамлакатларда ҳам бундай салбий ҳодисалар тез-тез учраб турибди. Албатта, агарда делеквентликни жиловлашнинг энг тўғри ва адекват воситаси сифатида фақат жазолаш бўлганида эди, мусулмонлар истиқомат қиладиган мамлакатларда шариат қонунлари асосида чиқарилган ҳукмлар жиноятчиликни аллақачон буткул барҳам топган бўлишига жиддий туртки берган бўларди. Шунинг учун ислом динининг бундай салбий иллатларга қарши курашишида катта таъсир кучига эга бўлган қадриятлари ва ахлоқий меъёрларидан унумли фойланишга асосий урғуни қаратсак, мазкур анти-социал ҳодисаларни баргараф қилишда катта натижаларга эришамиз.

2. Алкоголизм. Ушбу иллат инсонларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётларига қадим даврдан бери тааллуқлидир ва у ҳамиша бошқа турдаги девиантлик ва делеквентликни келтириб чиқаришга «муносиб хизмат қилиб келди», вазият ҳамон шундайлигича қолмоқда. Азалдан инсонлар маст қилувчи турли хил ичимликларни тайёрлаш тажрибаларига эга бўлганлар. Ваҳоланки, илгари бундай ичимликлар жуда қиммат нархларда сотилиб, уларни фақат ўзига тўқ кишилар — жамиятнинг асосан аристократлар табақасига мансуб кишиларигина истеъмол қилишгани тарих лавҳаларидан бизга яхши маълумдир. Фақат XVI асрга келиб турли ўсимлик ва мевалардан арзон тарзда маст қилувчи ичимлик олиш усули топилганидан кейин уни истеъмол қилувчилар сафи тобора кенгайиб борди. Шунингдек, алкоголь истеъмоли айрим халқларнинг диний расм-русумлари ва ҳатто дафн маросимларининг ажралмас атрибути бўлиб шаклланиб борди.

XVIII асрдан бошлаб Европа мамлакатлари, айниқса Россияда алкоголь ичимликларини мунтазам тарзда истеъмол қилиш аҳолининг турмуш тарзига айлана бошлади. Ҳозирги кунда алкоголь ичимликларини истеъмол қилиш одати дунёвий давлатлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Кўпгина расмий ижтимоий маросимлар, расм-русумлар, байрамлар, корпоратив тарзда ҳордиқ чиқаришлар бевосита алкоголь истеъмоли билан мустаҳкам боғлиқлигини кузатиш мумкин. Лекин бу ижтимоий-салбий ҳодиса жамият аъзоларига жуда қимматга тушаяпти. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, аксарият ҳолда майда безорилик, жиддий жиноятларнинг содир этилиши ва оилаларнинг барбод бўлишида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш омили асосий сабаб бўлар экан.

Бизнинг жамиятда ҳам кишиларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ҳолати етарли даражада учрайди ва у юқорида кўрсатиб ўтилган салбий ҳодисаларнинг асосий сабаби бўлмоқда. Бироқ, жамият аъзоларининг бундай иллатдан халос бўлишлари учун алкоголь ичимликларини ишлаб чиқариш, сотиш ва ниҳоят, уларни истеъмол қилинишини фақат тақиқлаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунга тарихдан етарли даражада мисоллар келтириш мумкин. Масалан, АҚШ Президенти Ф. Рузвельт томонидан алкоголь ичимлиги истеъмолига қарши жорий қилинган махсус ва қатъий қонун кутилган натижаларни бермади. 1985 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқда анти-алкоголь компаниясини ўтказиш учун қабул қилинган қонунлар, улар асосида олиб борилган ишлар ҳам бесамар кетди ва барча саъй-ҳаракатлар сароб бўлиб чиқди. Ушбу компаниянинг шиори остида, маъмурий буйруқбозлик ва волюнтаристик ёндашувга асосланган бошқарув усули ёрдамида амалга оширилган пала-партиш ишлар жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, вино тайёрлашни кескин камайтириш мақсадида собиқ Иттифоқда, хусусан Ўзбекистонда ҳам катта ҳудудларни эгаллаган, энг сара навли серхосил узумзорлар

яксон қилинди. Холбуки, узумдан фақат алкоголь маҳсулоти олинмаслиги ҳаммага яхши маълум эди.

Ижтимоий ҳаёт тажрибаларидан маълумки, алкогольга қарши курашишнинг энг сермаҳсул воситаси — бу таълим ва тарбия омилидир. Бунда ислом дини қадриятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Исломи дини ҳукмларига мувофиқ «хамр», яъни маст қилувчи барча воситалар кишини нафақат бу дунёда, балки охиратда ҳам хор бўлишига олиб келиши Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда батафсил баён қилинган. Бу динда кишиларга маст қилувчи барча турдаги ичимлик ва бошқа моддаларни истеъмол қилишни тақиқлаш босқичма-босқич тарзда амалга оширилди.

Исломи дини шаклланишининг илк даврларида мусулмонлар алкоголь ичимликларини ҳам истеъмол қилганлар, ибодатларини ҳам бирдай амалга оширганлар. Нисо сурасининг 43-оятда «Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда — то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизгача — намозга яқинлашманг...»¹, деб хитоб қилингани юқоридаги фикрларимизга асос бўлади. Шунингдек, Қуръони каримнинг энг узун сураси — Бақаранинг 219-оятда қуйидагилар баён қилинган: «Сендан хамр ва кимор ҳақида сўрарлар. Иккисида катта гуноҳ ва кишилар учун манфаат бор. Ва гуноҳлари нафларидан каттароқ, деб айт»².

Аста-секинлик билан мусулмонларга алкогольнинг зарарлари ҳақидаги билим ва маълумотлар етарли даражада етказилганидан кейин, уни истеъмол қилиш қатъий равишда тақиқланди. Моиди сурасининг 91-оятда энди узил-кесил ҳукми маълум қилинди. «Албатта, шайтон хамр ва кимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Хилол. — Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. —547-б.

² Ўша ерда. —211-б.

солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайдир. Энди тўхтарсизлар?!»¹.

3. Гиёҳвандлик (юнон. «нарк» — донг қотиб қолиш ва «mania» — паришонлик, муккасидан кетганлик) — гиёҳванд моддаларга қарамлик, уни енгиб бўлмайдиган майл ва организмнинг жисмоний ҳамда психик функцияларини аста-секинлик билан чуқур тарзда емирилишига олиб келадиган иллат. Шарқда, жумладан Туркистонда илгари бу салбий иллат асосан «қариб қуйилмаган», айрим иймони заиф қарияларга хос эди. Бунга мисол тариқасида Ғофур Ғулумнинг «Шум бола» романи асосида олинган бадиий фильмда Қоровойнинг Хожибува карвонсаройида «ин курган» бангиларга ҳар хил хизматларни қилиб юриши, айниқса, улар учун чилимни нашага тўлдириб, истеъмол қилишга тайёрлашини мисол сифатида келтириш мумкин. Фильмда бундай балога йўлиққанлар олтмиш ёшлардан ошган кекса кишилар персонажи тимсолида кўрсатилган.

Хозирда гаёҳвандлик Ғарб жамиятида «оммавий маданият»нинг норасмий элементига айланди. Хатто, айрим мамлакатларда, масалан, Голландиядаги дорихоналарда гиёҳвандликка ружу қўйган фуқароларга тўлиқ легаллик асосида марихуана моддаси эркин тарзда, махсус қадоқланган шаклда сотилмоқда. Гўёки шундай муқобил йўл билан кишиларни янада қучлироқ наркотик модда — героиндан сақлаш мумкин бўлар эмиш. Муаммо ечимига бундай «демократик ёндашиш»ни Ғарбнинг бошқа мамлакатларида ҳам жорий қилиш тенденцияси кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизга яқин қўшни бўлган Афғонистон гиёҳванд моддаларни етиштириш ва уларни дунё мамлакатларига тарқатиш бўйича «жаҳон биринчилиги»ни забт этиши бу масалада бизнинг фуқароларимиз саломатликларига ҳам жиддий хавф-хатар пайдо қилмоқда. Мазкур мамлакатнинг айрим фуқаролари ўзларининг

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. — Тошкент: «Шарқ», 2012. Иккинчи жуз. —117-б.

бундай ғараз фаолиятлари билан ислом дини обрўсига путур етказаяптилар. Бинобарин, ислом дини нафақат бундай моддаларни истеъмол қилишни, балки уларни етиштириш, қайта ишлаб тайёрлаш ва тарқатишни яна ҳам жиддий тарзда тақиқлайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзини ҳақиқий мусулмон, деб таърифлаётган бу кишилар бундай иллатлардан узоқ бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Суицид («suicide» – ўз жонига қасд қилиш) – атайлаб ўз ҳаётини якунлаш. Суицид ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби девиантликка мансуб бўлиб, у кишининг ўзи рўпара келган муаммолар гирдобидан чиқа олмаслигига ишончи сўниб, пировардида, чуқур руҳий тушкунлик ва чорасизлик кайфияти таъсирида содир этган хатти-ҳаракатидир. Лекин шундай ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, суицид ҳодисасига нисбатан турли замон ва макон ҳамда маданиятларда ўзига хос муносабатлар шаклланган. Аксарият жамиятларда бу ҳодиса ғайриинсоний одат ва оғир гуноҳ сифатида қатъий қораланган. Яҳудийлик, христианлик ва, айниқса, ислом динида муаммога нисбатан шундай муносабатни кўриш мумкин. Имом Бухорий бу масалага оид саҳиҳ ҳадис келтирган. «Жаноб Расулulloҳ (с.а.в.) бундай, деб айтган эканлар: Бир киши ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди, уни жаннатимдан маҳрум қилдим! –деди»¹.

Бироқ, айрим даврлар ва мамлакатларда уни амалга оширишга нафақат руҳсат берилган, ҳатто бу мажбурий миллий-диний расм-русум ҳам ҳисобланган. Бунга Ҳиндистонда бева аёлларни турмуш ўртоқлари вафоти туфайли тириклийн ёқиб юборилишига мажбур қилиниши ёки Японияда самурайларнинг душман қўлига тириклайин тушмаслик учун ўз жонига қасд қилишини мисол тариқасида келтириш мумкин. Абу Наср Форобий ўз асарларида бу масалага

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомиъ Ас-Саҳиҳ. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. Т.1. – 372-б.

жиддий эътибор қаратган. Жумладан у қуйидагиларни ёзади: «Фозил киши ўлимни ўзига яқинлаштирмасликка интилиши даркор. Аксинча, у ўз ҳаётини узайтиришга уриниши лозим. Зеро, бу уни янада ҳам бахтли қилишга имконият беради. Шунингдек, фозил киши бу хатти-ҳаракатини шаҳарликлар учун келтираётган фойдадан маҳрум бўлмасликлари учун ҳам содир этиши жоиз»¹.

Суицид ҳодисасини замонавий социология фанида ўрганилганлик масаласига келсак, уни социологик жиҳатларда илк бор тадқиқ этган олим бу таниқли француз социологи Э. Дюркгеймдир. XIX аср иккинчи ярмида Францияда ўз жонига қасд қилиш ҳодисасининг кескин кўпайиб кетганини «Ўз ўзини ўлдириш» номли асарида тизимли тарзда ўрганиб чиқиб, кишиларнинг бундай ғайритабиий хатти-ҳаракат содир қилишларига француз жамияти айбдорлигини аниқ эмпирик фактлар билан асослаб беришга муваффақ бўлди. Яъни, унинг фикрича, бу ғайриинсоний хулқ-атвори содир этилишининг асл сабаби қашшоқлик, оилавий қайғу-мусибат, рашк, алкоголизм, гиёҳвандлик, фоҳишалик, жисмоний зўриқиш, психологик парокандалик, ҳаётдан бешиш кабилар эмасдир².

Муаммонинг ҳақиқий сабабларига у жамият ҳаётининг муайян қусур иллатлари: ахлоқий ҳолатнинг бузилиши, бошбошдоқлик, ижтимоий алоқаларнинг заифлашуви, онгнинг жамоавий ҳолати, яъни динийликнинг бузилишини бевосита тааллуқли ҳисоблайди. Бундай қалтис вазиятдан чиқишнинг йўли динда мужассамлашган, зеро айнан дин руҳий-психологик тушкунлик, иложсизлик ҳамда умидсизлик вазиятида қолганларга ёрдам қўлини чўзишга қодирдир³. Бахтга қарши, Э. Дюркгеймнинг бу

¹ Абу Наср Фараби. Афоризмы государственного деятеля. // Социально-этические трактаты. – Алма-Ата: «Наука», 1973. –С.243.

² Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. Пер. с фр. с сокр. Под ред. В.А. Базарова. – Москва: «Мысль», 1994. –С.128.

³ Мавляудинов И.С. Социальная роль Ислама как фактора стабилизации общества (на примере Республики Татарстан). Дисс. канд. соц. наук. – Казань: 2007. –С.71.

масалани таҳлил қилиш жараёнида олган натижалари ўз илмийлиги ва ҳаётийлигининг тасдиғини собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистон ССР мисолида ҳам топди, деб ҳисоблашимиз мумкин. XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида қишлоқ ҳудудларида яшаётган айрим ўзбек аёллари томонидан ўз-ўзига ўт қўйиш ҳодисаси амалга оширилди. Албатта, бундай хатти-ҳаракатни 270 дан ортиқ аёл содир этгани тасодифий ҳолат эмасди. Тоталитар тузумнинг ўша давридаги ОАВ ва даврий матбуоти бу мудҳиш воқеанинг асосий сабабчиси авваламбор, «реакцион ислом динининг аёлларга нисбатан камситиш ва уларни хўрлаш ҳамда таҳқирлашга йўналтирилган ҳукмлари», иккинчидан эса эркакларнинг аёлларга нисбатан феодалларча муносабати, деб алоҳида бўрттириб кўрсатишга астойдил ҳаракат қилди. Ҳолбуки, ислом динида аёлларнинг ҳуқуқлари жиддий таъминланганлиги бизга ҳозирда яхши маълум. Хусусан, ҳадисларда аёлларга нисбатан яхши муомалада бўлиш буюрилган. «Аллоҳ таоло аёллар билан яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир»¹.

Шунингдек, шарият аҳкомларига мувофиқ аёлларни бозор-ўчар қилишга юбориш, офир жисмоний вазифаларни бажаришлари, уларнинг хавфсизликларини таъминлаш нуқтаи назаридан узоқ манзилларга бир ўзларини боришларига йўл қўймаслик белгиланган. Демак, суициднинг содир этишни асл сабаби бошқа эди, деган фикрни дадил илгари суришимизга жиддий асослар мавжуд.

Маълумки, бу йилларда Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг арзон пахта етиштириб берадиган «хом ашё базаси» эди. Шу туфайли юртимиз қишлоқ ҳўжалигида пахта монокультураси, яъни яккаҳоқимлиги ўрнатилган бўлиб, унда асосан аёллар меҳнат қилишар эди. Пахтачиликнинг

¹ Ижтимоий ҳимояга оид Куръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. Масъул муҳаррир З. Исломов. — Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. —49-б.

машаққатли меҳнатга боғлиқлиги, уни етиштиришдан, то териб олишгача бўлган жараёнларда зарарли кимёвий моддаларни қўллаш, айниқса, унинг дефоляциясида экология ва медицина жиҳатидан инсон саломатлигига жиддий зиён келтирадиган ўта зарарли бутефос русумидаги моддадан фойдаланиш авваламбор, ҳавони, сув ҳавзаларини ва озиқ-овқатларни захарлар эди. Оқибатда далаларда меҳнат қилаётган аёллар оғир касалликларга учрадилар, энди улар ўз саломатликларини тиклаш мақсадида клиникаларда даволаниш, санаторияларда реабилитациядан ўтиш учун мутасадди ташкилотларга амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилдилар. Лекин уларнинг оғир тиббий аҳволига марказий ва маҳаллий раҳбарлар бепарво муносабатда бўлдилар. Бундай эътиборсизлик, ҳурматсизлик ва адолатсизликка чидай олмаган айрим аёллар чуқур руҳий тушкунликка тушиб, ўзларини жамият учун ортиқча киши сифатида тасаввур қилдилар ва мазкур жиддий муаммолардан кутилиш йўлини фақат суицидда кўрдилар.

Албатта, бундай ишга қўл урган аёлларнинг бу қилмишини сира оқлаб бўлмайди, лекин масалани таҳлил қилишда бошқа бир муҳим тарихий ҳолатга эътиборни қаратиш лозим. XX аср 80-йилларининг охириги давригача давом этган диний билимлар бўйича саводсизлигимиз бизга ислом қадриятларидан етарли даражада хабардор бўлишимизга монелик қилиб келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўз жонига жабр қилган аёллар қандай оғир гуноҳга йўл қўйганликларини англаб етмаганлар. Мамлакатимиз ўз миллий суверенитетига эришгани шарофати билан Қуръони каримнинг маънолари ва ҳадисларни ўзбек тилига ўгириш имкониятлари тўла-тўқис юзага чиқди.

Ислом динида одам табаррук зот эканлиги, бир одамнинг жони Каъбатуллоҳдан улуғлиги, ўзини нобуд қилиш эса нафақат ўзи, балки яқинлари ва ҳатто миллати ҳамда динига қилинган улкан зиён, зарар сифатида ҳеч қандай муросасиз қораланишини аксарият ватандошларимиз ҳозирда яхши англаб етишди. Бироқ, жамиятимизда бу муаммо айрим

ҳолларда ҳамон учраб турибди. Бу масалада дин соҳасининг мутахассислари янада фаол иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимиз Президенти бу иллатга қарши курашишда ислом омилидан фаол фойдаланишни маслаҳат берди. «Сизлар яхши биласизлар, Куръони каримда «Ўзингизни ноҳақ ўлдирмангиз», деб буюрилади. Муборак ҳадисларда ўз жонига қасд қилганлар ҳеч қачон жаннатга тушмаслиги ҳам баён этилади. Шунга қарамасдан, аёлларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари барҳам топмаётган экан, биз аввало бунинг сабабларини бартараф этиш ҳақида ҳар томонлама ўйлашимиз, жумладан, аҳолимиз, аёлларимиз ўртасида динимизнинг бу кўрсатмаларини тушунтиришимиз лозим»¹.

Мамлакатимиз раҳбарининг фикрига таяниб, диний ва миллий қадриятларимиздан яхши хабардор бўлган фуқаролар ҳар қандай мураккаб вазиятларда, тушкунлик ва чорасизлик кайфияти зўрайиб кетганида ҳам бундай амалга сира қўл урмайдилар, деган хулосани илгари суришимиз мумкин бўлади. Демак, биз мамлакатимизнинг янги тарихи шароитларида тоталитар тузум мафқураси таъсирида сохта, бир томонлама ва юзаки тарзда ўрганилган мазкур долзарб социологик масалани ишончли биринчи манбаларга таянган ҳолда тизимли ва илмий асосда тадқиқ этиш имкониятларига эга бўлдик.

5. Проституция (фоҳишабозлик). Ушбу термин лотинча «prostitueere» сўзидан олинган бўлиб, бевосита «ўзини намоийшкорона таклиф қилмоқ» маъносини англатади. Рамзий маънода уни «энг қадимий касб», деб ҳам аташади. Одатда проституция сифатида маълум бир маблағ эвазига беникоҳ жинсий алоқа хизматини кўрсатиш тушунилади. Ғарб жамиятларида проституциянинг чуқур «илдиз отиши»

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 1-жилд. —487-б.

дастлаб меҳнатнинг ижтимоий тақсимои, моногомик никоҳлар ривож ва катта шаҳарларни бунёд бўлиши билан боғлиқ бўлди. Проституция кўлами айниқса, капиталистик жамият ривож туфайли кенгайиб борди ва бу ҳолат кишилар саломатлигига жиддий таҳдидларни вужудга келтирди. Хўш, «мазкур жирканч иллатга қарши кураш тарихнинг турли даврларида қандай кечган?» деган савол кўндаланг қўйилиши мумкин. Тарихий манбаларда проституцияга қарши курашда урта асосий ёндашув мавжудлиги кўзга ташланади:

1. Прогибиционизм (тақиқ),
2. Регламентация (қайд қилиш ва тиббий кузатув)
3. Аболиционизм (тақиқ ва қайд қилишдан холи бўлган профилактик ҳамда тарбиявий-тушунтириш ишлари).

Проституция билан курашда тақиқлар кутилган натижани бермади. Чунки тажрибадан маълумки, ҳар қандай муаммонинг бартараф қилишда авваламбор унинг сабабларини аниқлаш тақозо этилади. Шунингдек, «энг қадимий касб» эгаларига қарши курашга йўналтирилган ҳуқуқий ва тиббий назорат ҳам ўз самарасини тўлиқ намоён қила олмади. Демак, «фақат ижтимоий ҳаётдаги соғлом маънавий-руҳий муҳит таъсирида бу муаммо кўламини кескин камайтириши мумкин бўлади», деган фикрни илгари суриш асосли ҳисобланади. Христианликда ҳам, ислом динида ҳам бундай энгил табиатликка асосланган хулқ-атвор кескин ва жиддий қораланади. Бахтга қарши, секуляризация ҳодисасининг тор маънода талқин қилиниши туфайли оғишма хатти-ҳаракатнинг бу тури нафақат Ғарб мамлакатларида, балки Шарқда ҳам расмий кўринишда содир этилаяпти. Масалан, ҳозирда ўзини ислом оламининг етакчиси бўлишига астойдил даъвогарлик қилаётган Туркия Республикасида борделлар – фаҳш иллоти кенг қулоч ёзган кўнгил очар масканларига расман рухсат бериб қўйилганига сўз топиш қийин. Айрим араб мамлакатларида ҳам шундай ҳодисага дуч келишимиз мумкин.

Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларига бошқа мамлакатлардан алдов йўли билан келтирилган ёки ўз хохиши асосида, яъни «ҳам саёҳат, ҳам тижорат мақсадида» қадам ранжида қилган аёллар бу жирканч «машғулот» билан шуғулланмоқдалар. Ачинарлиги шундаки, бу ахлоқсизлик ҳодисасига Ўзбекистондан келган аёллар ҳам тааллуқли бўлиб қолмоқдалар. Бунда албатта ўз миллатимиздан чиққан бир тўда пасткаш ва одамийлик қиёфасини йўқотган кишилар – сутенёрлар, яъни қўшмачиларнинг «хизмати» ўзига ярашади. Лекин нима учун бошқа мамлакатларда яшаётган мусулмонларга ўзини ибрат, намуна қилиб кўрсатишга даъвогарлик қилаётган араб миллатига мансуб кишилар бундай фахш ишларига кенг йўл очиб бераяптилар ҳамда аксарият ҳолларда мазкур ахлоқсизликка ҳатто ҳомийлик ҳам қилмоқдалар? Мазкур саволнинг жавобини топиш эса қийин кечмоқда. Ҳолбуки, Фарб мамлакатларида бу жирканч иллатни христиан маданияти ва ахлоқидан беҳабарлик ҳодисаси келтириб чиқараяпти, деб баралла айта олак, муқаддас Қуръони карим ва ҳадислар араб тилида битилган бўлса, уларнинг маъноларини араблар биз ажамликлардан, яъни араб миллатига мансуб бўлмаган мусулмонлардан фарқли ўлароқ яхши тушуниб, идрок қилишадику, деган савол кишини ўйга солади.

6. Гомосексуализм (homosexualite) – ўз биологик жинсига мансуб киши билан жинсий муносабатга кириш. Одатда бу термин ўта жирканч хулқ-атвор эгаси бўлган эркакларга нисбатан қўлланилади. Бундай иллатга дучор бўлган аёллар эса «лесбиянкалар» деб номланади. Гомосексуализм термини инглиз тилига XIX асрда кириб келди ва бу даврда Европада мазкур ҳодиса деликвентликнинг бир элементи, яъни жинсий хатти-ҳаракат тури сифатида баҳоланиб, унга тааллуқли бўлган кишилар қонун томонидан аёвсиз тарзда таъқиб этилар ва шафқатсиз даражадаги жазога тортилар эди. Ҳатто, ҳозирда кўпгина беҳаё хулқ-атворлар пайдо бўлаётган Нидерландияда ҳам бу ҳодисага нисбатан аёвсиз ва мурасасиз кураш олиб борилган. 1970 йилгача

гомосексуализм «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти»нинг патология рўйхатида ўткир руҳий хасталикнинг бир тури сифатида сақланиб турди¹. Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг таниқли тиббиёт ҳодимлари ва психиатрлари гомосексуализмни ижтимоий ўта хавфли хасталик ҳисоблаб, унга қарши даволаш усуллари ишлаб чиқишни таклиф қилдилар.

Афсуски, XX асрнинг 80-йилларидан девиантликнинг ушбу тури Фарб жамиятларида «ноанъанавий жинсий ориентацияга эга озчилик ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» шиори остида ижтимоий ҳаётнинг оддий ва нормал элементига айлантирила бошланди. Жамият аъзоларининг аксарият қисмини бу тоифа кишиларнинг бундай ғайриинсоний ҳулқ-атвориға леберал ва бепарво муносабатда бўлиши дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида охир-оқибат янада ҳам жирканчроқ ахлоқсиз аҳвол — бир жинсли никоҳларнинг давлат институти томонидан расмий жиҳатда руҳсат этилишиға олиб келди. Тўғри, Шарқ мамлакатлари ҳаётида ҳам бундай беҳаёлик учраган ва учрамоқда. Жумладан, ислом дини манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, Лут алайҳиссаломнинг қавми ҳам шундай қабоҳатга учраганини кузатиш мумкин. Натижада «бир ховуч» бундай нобакорларнинг ўта ахлоқсизлиги туфайли бутун бир ҳудуд тўла-тўқис вайрон бўлди. Ушбу мудҳиш воқеа Инжилда, кейин эса Курьонда ҳам баён қилинган. Жумладан, Курьондаги Намл сурасининг 54–58-оятларида қуйидагилар маълум қилинади: «Ва Лутни ҳам (Пайғамбар қилиб юбордик) ўшанда у ўз қавмиға: «Сиз кўриб-билиб туриб фоҳиша иш қиласизми?! Сиз, албатта, аёлларни кўйиб, эркакларға шахват ила яқинлик қиласизми?! Йўқ! Сиз жоҳиллик қилаётган қавмдирсиз!» — деди.

Унинг қавмининг жавоби: «Лут аҳлини юртингиздан қувиб чиқаринг, чунки улар покиза бўлишни хоҳлаган

¹ Большой толковый социологический словарь. — Москва: «ВЕЧЕ-АСТ», 1999. Том 1.— С.127.

кишилардир», дейишдан бошқа нарса бўлмади. Бас, унга ва хотинидан бошқа аҳлига нажот бердик. У (хотин)нинг азобда қолгувчилар ичида бўлишини тақдир қилдик. Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдикки, ... бас, огоҳлантирилганларнинг азоби қандай ҳам ёмон бўлади»¹. Инсониятнинг энг тубан вакиллари томонидан қилинаётган бу беҳаёлик масаласига янада чуқурроқ ёндашсак, шундай вазиятга дуч келамизки, ҳатто ҳайвонлар ҳам, улар ёввойи бўладими ёки уй ҳайвоними бундан қатъи назар ўз жинсига тааллуқли тўдадошларига нисбатан шундай муносабатда бўлмайдилар. Демак, бундай тоифадаги инсонлар ўз мақомлари бўйича ҳайвончалик ҳам мавқега эга эмаслар. Лекин одамга ақл ва нутқ берилган экан, унда уни бундай жирканч ишларга қандай сабаблар йўналтираяпти, деган саволнинг жавобини кишилардаги дунёвий маънавий-ахлоқий ва албатта диний қадриятлардан тўлиқ хабарсизлик ҳолатидан келиб чиқиб, излаш лозим бўлади. Бизнинг жамият шароитларида, миллий-дунёвий ва диний қадриятлар таъсирида, бундай кишилар билан қўл бериб кўришиш у ёқда турсин, ҳатто улар билан ёнма-ён туриб нафас олишга ҳам жирканилади.

Маҳаллаларимизда тасодифан бундай тоифадаги киши учраб қолса, (албатта, бундай ҳодиса деярли учрамайди) аҳолимиздан ҳеч ким у билан борди-келди қилмайди, агарда унинг болалари отасининг бундай жирканч иллатга мансублигини билиб қолса, ундан ҳатто воз кечиб юборишлари ҳам табиий ҳолдир. XX асрнинг вабоси сифатида таърифланаётган ОИТС (СПИД) айнан наркомания, проституция ва гомосексуализмнинг «маҳсули» эканлигини медицина фани аллақачон исботлаб берди. Агарда замонавий жаҳон медицинасининг ушбу хасталикка даво топишга ҳозирча ночорлиги маълум экан, унда бутун инсониятни жиддий ташвишга солаётган бу бало-қазони бартараф қилиш, пировардида, инсониятни бундай

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Тўртинчи жуз. –339–340-б.

макрофалокатдан асрашнинг ягона омили сифатида барча одамларни уларнинг ирки, жинси, миллатидан қатъи назар таъкидлаб ўтилган ғайриинсоний, жирканч хулқ-атвордан йироқ бўлишга тўлиқ эришишни эътироф этиш лозим.

Албатта, ҳозирги жамиятларда девиант хулқ-атворнинг юқорида кўрсатиб ўтилган турли кўринишларига қарши кураш ўрнатилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида олиб борилмоқда. Бундай шароитларда давлатнинг моддий-техникавий ва тиббий имкониятлари билан биргаликда жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳам муҳим роль ўйнаши табиийдир. Аммо, Ғарб жамиятларида мазкур муаммолар ечимига жавоблар аксарият ҳолларда дунёвий ҳаёт меъёрларига таянган ҳолда изланмоқда. Монография ишининг илгариги бобида таъкидлаб ўтилганидек, бу мамлакатларда секуляризация жараёнининг бир томонлама талқини туфайли жамият аъзоларининг шахсий ва ижтимоий ҳаётларига христианликнинг ахлоқий қадриятларини таъсир қилиш кучи кескин даражада тушиб кетган. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда дин ва диний эътиқод омили четга суриб қўйилган. Юқоридаги манзаранинг акси сифатида мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаёти тажрибаларини кузатиш мумкин. Аждодларимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган миллий-диний ахлоқ меъёрлари бизнинг кунларгача етиб келган бой маданий мероснинг муҳим бир бўлаги сифатида юқорида кўрсатиб ўтилган жиддий ижтимоий муаммоларга қарши курашишнинг асосий омили бўлиб гавдаланади. Қонунбузарчиликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қиладиган ташкилотларнинг устувор фаолияти бўлса-да, қонунбузарчилик йўлига кираётган ёшларга маҳалла аҳолиси, меҳнат ва ўқув юрти жамоаси билан биргаликда дин уламолари ҳам тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимиз бош Қомусининг 61-моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилгани

белгилаб қўйилган¹, лекин динни жамиятимиз ҳаётидан сира ажратиб бўлмайди. Шунинг учун дин пешволари ҳам қонунбузарчиликнинг ҳар хил турларини содир этилишининг олдини олиш учун ўз куч-ғайратлари, билим ва малакаларини сарфлаётганлари табиий ҳамда ижобий ҳолдир. Натижа ҳам шунга мувофиқ бўлиб, бошқа мамлакатлардаги вазият билан солиштирганда юртимизда девиант хулқ-атворнинг юқорида таснифлаб чиқилган турларининг кенгайиш динамикаси борган сари сусайиб бормоқда. Чунки жамиятимиз ҳаётида дин институти ўзининг муҳим аҳамиятини барқарор тарзда сақлаб келмоқда.

Биз томонимиздан олиб борилган амалий тадқиқот натижалари юқоридаги фикрларимизга эмпирик маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жамият аъзоларининг ибратли маънавий қиёфаси мамлакат тараққиётига улкан таъсир кўрсатиши азалдан маълум экан, шунинг учун кишиларни ахлоқсизликдан қайтариш эса жамият олдида турган асосий масалалардан бири бўлиб гавдаланади. Айниқса, ҳозирги кунларда Фарб жамиятидан мамлакатимиз ҳудудига кириб келишга астойдил ҳаракат қилаётган «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига қарши курашиш долзарб ижтимоий вазифа ҳисобланади. Ушбу хулосамизга таяниб, тадқиқотимиз сўровномасида «Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омил нима?» деган саволни қўйдик ва респондентларнинг жавоблари ҳудудлар бўйича 4.10-жадвалдаги кўринишни ҳосил қилди.

Олинган натижаларга мувофиқ, миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия бу масалада етакчилик қилган. Лекин ўзбек оилаларидаги миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия ҳар доим дунёвий ва динийликни ўзаро уйғунлашган шаклида олиб борилганини эътироф этиш жоиз.

¹ O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent: «O'zbekiston», 2014. –21-b.

4.10-жадвал.


Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омиллар

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|---|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия | 50,9 | 44,8 | 57,2 | 58,0 | 71,6 | 76,1 | 79,6 | 38,9 |
| 2. | Диний тарбия ва унинг асосида гуноҳ ишларни қилишдан қўрқиш | 22,6 | 31,2 | 24,8 | 32,0 | 7,9 | 20,9 | 7,4 | 47,4 |
| 3. | Маҳалла ва жамоатчилик олдидаги шармандалиқдан қўрқиш | 21,7 | 24,0 | 8,9 | 6,6 | 10,2 | 0,0 | 12,9 | 6,8 |
| 4. | Жавоб бермаган | 4,8 | 0,0 | 9,1 | 3,4 | 10,3 | 3,0 | 0,1 | 6,9 |

Бахтга қарши, мазкур муаммолар ўзбек жамиятида ҳам учраб турибди. Уларни бартараф қилиш учун эса давлатимиз томонидан катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда турли соҳа мутахассислари астойдил фаолият олиб бормоқдалар. Жумладан, муаммо ечимига мос механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилаётган ислохотларда диний соҳа вакиллари ҳам четда қолмаяптилар. Зеро, бу муаммолар ва уларнинг оқибатлари ислом динида ҳам кескин қораланади.

Мазкур фикрларимизни тасдиқлаш мақсадида кейинги саволни ишлаб чиқдик ва уни «Жиноятчилик, гиёҳвандлик,

алкоголизм, фоҳишабозлик, порахўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқи муҳимми?» деб номладик. Унга олинган натижалар қуйидаги диаграммада ўз аксини топди.



4.12-расм. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, алкоголизм, фоҳишабозлик, порахўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқининг муҳимлиги.

Худудларимизда истиқомат қилаётган аҳолимиз ҳам унга қарши курашда ислом динининг қадриятларига таяниш зарурлигини алоҳида таъкидлашмоқда. Тадқиқотимизнинг мазкур масала бўйича минтақалар кесимидаги натижалари ушбу фикрларимизга асос бўлиши мумкин.

Муаммо таҳлилига экспертлар фикрини ҳам илова қилишни лозим деб ҳисоблаймиз. Улар жамият аъзолари орасида содир этилаётган девиант хулқ-атворга қарши курашишда ислом қадриятлари қатта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Бунинг учун эса аҳолини бундай қадриятлар билан яқиндан таништириш керак

4.11-жадвал.

Девиант хулқ-атвор таъсирларига курашишда ислом дини омили

| № | Жавоблар | Жиззах | Бухоро | Хоразм | Наманган | Қашқадарё | Нукус шаҳри | Амударё тумани | Тошкент шаҳри |
|----|---|--------|--------|--------|----------|-----------|-------------|----------------|---------------|
| 1. | Исломда бу иллатларни қилиш оғир гуноҳ сифатида қатъий қораланади | 44,3 | 50,7 | 39,3 | 35,9 | 37,7 | 32,8 | 38,9 | 49,0 |
| 2. | Ислом кишиларни ҳалол ва пок юришга чақиради | 29,3 | 39,6 | 25,5 | 42,5 | 32,1 | 53,7 | 38,9 | 29,0 |
| 3. | Аждодларимиз диний эътиқод талабларига амал қилгани туфайли бундай иллатлардан йироқ бўлишган | 8,5 | 4,6 | 11,0 | 10,4 | 8,4 | 1,5 | 22,2 | 6,8 |
| 4. | Жавоб бермаган | 17,9 | 5,1 | 24,2 | 11,2 | 21,8 | 12,0 | 0,0 | 15,2 |

Айрим фуқароларнинг ислом дини қадриятлардан етарли хабардор бўлмагани туфайли жамиятимизда девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари учраяпти. Айниқса, кейинги вақтларда ёшлар орасида суицид муаммоси гоҳ-гоҳ бўлсада, учраб турибди. Агарда ёшларга ўз жонига қасд қилиш исломда нақадар оғир гуноҳ сифатида қораланишини асосли тарзда тушунтира олсак, аминмизки, бу мудҳиш ҳолатни содир этиш барҳам топади. Зеро, киши у дунёда ҳам ҳаёт борлигига ишонса, унда ўзини бу дунёдаги номаъқул хатти-ҳаракатлардан тийишга ҳаракат қилади.

3 §. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ислом толерантлиги таъсири

Маълумки, ижтимоий барқарорлик ҳодисаси ҳар қандай жамият тараққиётининг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади. Социологик адабиётларда таъкидланишича, барқарорлик – «stabilis» сўзидан олинган бўлиб, у доимийлик, мустаҳкамлик, барқарорлик деган маъноларни англатади¹. Ушбу таърифга таяниб, барқарорлик социал тизимнинг мустаҳкам ҳолатидир ва у мазкур тизимнинг рационал даражада фаолият кўрсатиши ҳамда ривожланишини таъминлайди, деб ҳисоблашимиз мумкин. Ўз навбатида ижтимоий барқарорлик турғунлик ва беқарорликнинг аксидир ва уларга қарши курашиш механизми бўлиб гавдаланади. Ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланиши социал институтлар бажараётган функцияларда намоён бўлади. Шунинг учун ижтимоий барқарорлик ҳодисаси социал институтларнинг ҳаракатчанлиги, сермаҳсул фаолиятига бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий барқарорликни издан чиқишининг кўриниши бўлиб ижтимоий тизим динамикасининг пасайиши, турғунлик жараёнларининг вужудга келиши, социал конфликтларнинг сони ва кўламининг ошиши, аҳолининг ўз меҳнат натижаларидан қониқмаслиги натижасида вужудга келадиган антисоциал ҳодисаларнинг кўпайиши намоён бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, жамият барқарорлигининг кушандаси бўлган салбий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилишга интилиш керак, акс ҳолда жамият ўз ривожидан прогресс ҳолатидан регрессга юз тутуди ва унинг барча соҳаларини чуқур ижтимоий таназзул қамраб олади.

Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашга энг устувор масала сифатида қараб келинмоқда.

¹ Кравченко С.А. Социологический энциклопедический русско-английский словарь. – Москва: «Астрель Аст. Транзиткнига», 2004. –С.410.

Бунда жамият аъзолари социал институтларнинг функциялари воситачилигида ижтимоий мажбуриятларини астойдил бажаришга интиломқда. Айниқса, фуқаролар, миллатлар ва конфессиялар ўртасидаги муносабатларнинг умумхалқ манфаатлари асосида такомиллашиши, социал назорат тамойилларининг таъсирини кучайтиришга интилиш, кучли давлат ҳокимияти ролининг ошиб бориши жамият барқарорлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга муносиб хизмат қилмоқда. Албатта, кўрсатиб ўтилган омиллар мазкур барқарорликни тўлиқ таъминлай олмайди. Улардан ташқари яна бир қатор маънавий омиллар ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг ишончли гарови бўлиб гавдаланади. Жумладан, жамиятимиздаги барқарорликни сақлаш масаларида бошқа омиллар билан бир қаторда толерантлик тамойилининг аҳамияти ҳам муҳим роль ўйнапти.

Толерантлик (*tolerantia*) тушунчаси латинчадан олинган бўлиб, у авваламбор диний эътиқод эркинлигини, кейинчалик эса бошқа кишиларнинг турмуш ва тафаккур тарзига ҳурмат билан қарашни ифодалайдиган социологик категорияга айланди. Ҳозирда унинг миллатлар, фуқаролар ва конфессиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларни рационаллаштиришдаги роли бекиёсдир. Бу ҳақида, социология фанлари доктори, профессор М.Х. Ганиева қуйидагиларни ёзади: «Жамиятда толерантлик роли ва аҳамияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Кишилар асосий қисмининг турли мафкуравий назариялар, ахлоқий ва диний қарашлар, маданият ҳодисалари, турли миллатларга тааллуқли инсонларга нисбатан муносабатларининг йўналиш даражаси аксарият ҳолларда ижтимоий барқарорликни белгилаб беради. Бу ҳолат ижтимоий ва маънавий-ахлоқий тараққиётнинг зарурий шарт-шароити бўлиб намоён бўлади»¹.

¹ Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития национальных отношений в Узбекистане. — Ташкент: «Университет», 2006. — С.67.

Толерантлик тамойили ислом динига хос муҳим сифатни ўзида акс эттирар экан, унинг мамлакатимиздаги конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик ҳодисасини таъминлашдаги аҳамиятли роли кундалик ва ижтимоий ҳаётимизда яққол намоён бўлмоқда, деган фикрни илдам илгари суришимиз мумкин. Мамлакатимиз ҳудудига VII аср охири, VIII асрнинг бошида кириб келган ислом тез фурсатда етакчи динга айланди ва буюк бобокалонларимизнинг илмий-амалий фаолияти сабабчилигида янада ривож топди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби кўплаб аждодларимиз ислом дини тараққиётига бутун мусулмон олами эътироф қилган улкан улушларини қўшдилар. Улар мерос қилиб қолдирган асарларда жамият аъзоларининг ўзаро тинчлик ва тотувликда яшаш масалалари атрофлича ёритиб берилган ва бунда исломда мужассамлашган толерантлик тамойили марказий ўринни эгаллайди. Замонавий Ўзбекистон кўп миллатли ва турли-туман конфессиялар фаолият кўрсатаётган дунёвий мамлакат сифатида ўз ижтимоий барқарорлигини сақлаш ҳамда уни янада мустаҳкамлаш учун мазкур тарихий-маданий меросга таяниб келмоқда. Бу ҳақда исломшунос олим Камилов К.С. ўз илмий тадқиқотларида қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Юксак диний бағрикенглик маданияти мустақиллик йилларида давлатимизнинг мустаҳкамланишида диний омилдан демократик йўллар орқали оқилона фойдаланишга кенг имкониятлар яратмоқда»¹.

Демак, толерантлик ҳодисаси кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятларда ўта нозик масалалар туркумига тегишлидир. Шунинг учун бундай мураккаб социал таркибга эга жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш мушкул вазифа ҳисобланади. Лекин таъкидлаб ўтганимиздек, диний

¹ Камилов К.С. Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент: 2011. –16-б.

омил ролини эътиборга олмай туриб, ушбу барқарорликни тўлиқ ҳолда таъминлаб бўлмайди. Айнан шундай нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистонда хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масалалари мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ»¹да давлат сиёсатининг устувор масаласи даражасига кўтарилгани ҳам давр талабидир.

Расмий статистика маълумотларидан маълумки, миллий таркиб бўйича ўзбеклар мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Юртимизда славян, бошқа туркий, форсий миллатларга тааллуқлилар – рус, украин, беларус, қозоқ, татар, қирғиз, уйғур, тожик ва бошқа кўплаб этник гуруҳларнинг аъзолари ўзбеклар билан ўзаро ҳамжихатлик ҳамда аҳил-иноқлик асосида истиқомат қилиб келмоқдалар. Диний мансублик масаласида эса ислом сон жиҳатидан энг кўп эътиқод қиладиганлар дини ҳисобланади, аҳолининг маълум бир қисми эса христианлик, буддавийлик, яҳудийлик ва бошқа динларга эътиқод қилади. Мамлакатимизда кўплаб масжидлардан ташқари черковлар, синегогалар ва бошқа ибодатхоналар ҳам қад кўтариб, улар ўз фаолиятларини эмин-эркин тарзда олиб бормоқда. Толерантликнинг асосий талаби – бу турли диний эътиқод эгаларининг бир-бирларига ўзаро ҳурмат-эҳтиром асосида самимий муносабатда бўлишидир. Бундай шароитларда турли конфессияларнинг вакиллари ўз эътиқодларини ҳам, бошқаларникини ҳам сира камситмайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Куръони карим оятларида бошқа динга эътиқод қилувчилар билан қандай муомала қилиш тартиб-қоидалари ва одоби қатъий белгиланган. Айниқса, ўз диний эътиқодини бошқаларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон. 70-модда.

зўравонлик ва мажбурийлик асосида сингдиришга интилиш ислом динида кескин қораланади. Ушбу фикрларимизга Қуръони карим сураларидаги бир қатор оятлардан асос топишимиз мумкин. Масалан, «Бақара» сурасининг 256-оятида «Динга мажбур қилиш йўқ»¹, деган ҳукм илгари сурилган. Мазкур ҳукм кейинги сураларда янада кенгайтирилган ҳолда баён қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, «Мумтахана» сурасининг 8-оятида эса қўйидаги хитоб янграйди: «Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўради»².

Ҳадисларда ҳам мусулмонларни бошқа диний эътиқод эгаларига бўладиган муносабатлари аниқ ва равшан мазмунда белгиланган: «Кимки зиммийга (мусулмонлар юртида яшовчи бошқа дин вакили) озор берса, мен унга душмандирман. Менинг душманлигим қиёмат куни бўлур»³.

Ҳозирда ўзини бошқа давлатлар учун «намуна» сифатида кўрсатишга ҳаракат қилаётган айрим мамлакатлар демократик тараққиётнинг юқори чўққисига чиққанларини даъво қилсалар-да, амалда эса бизнинг жамиятда таъминланган толерантликнинг заррачасига эга эмаслар. Уларда бошқа динларнинг вакилларига нисбатан тоқатсизлик ҳолатлари кузатилмоқда. Ғарб жамиятининг матбуотида, карикатура услубида нафақат ислом, балки христиан дини кадриятларининг ҳам танқид қилинишини мунтазам тарзда учраб туриши ушбу фикрларимизга амалий мисол бўлиши мумкин. Алоҳида эътиборга сазовор ҳолат шундаки, ўзининг ғаламис ниятларини амалга

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. –263-б

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Олтинчи жуз. –126-б.

³ Ижтимоий ҳимояга оид Қуръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –56-б.

оширишни мўлжаллаган айрим реакцион кучлар «мусулмон оламининг фуқаролари бундай одобсизликка Мусо ва Исо пайғамбарларга нисбатан ўз ҳурматсизликларини намойиш қилиш билан жавоб берадилар, бу эса глобал миқёсдаги конфессиялараро тўқнашувларни келтириб чиқаришга бош тurtкини беради», деб қатъий ишонгандилар.

Бироқ, бу бузғунчи кучлар ислом динида яҳудийлар ва насронийлар ҳамда яна бошқа динларга эътиқод қиладиганларга нисбатан зулм қилиш, уларни беҳурмат қилиш ҳаракатлари қаттиқ қораланишини ўзларининг чаласаводликлари туфайли ёки билмайдилар, ёки билишни умуман истамайдилар. Аммо, улар кутган вазият вужудга келмади. Чунки ислом динидаги рационализм тамойили бундай қалтис масалага оқилоналик билан ёндашишни таъминлади. Дарҳақиқат, ўтган давр пайғамбарларига ҳам самимий ҳурматда бўлиш лозимлигини бизга буюк аждодларимиз исломнинг иккинчи муҳим манбаси — ҳадислар асосида тушунтириб кетишган. «Мен Марям ўғли Исо билан бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яқиндирман. Мен билан унинг ўртасида пайғамбар ўтмаган. Пайғамбарларнинг ҳаммаси бир отанинг фарзандларидир, оналари ҳар хил, аммо динлари бирдир»¹.

Мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимиз аҳолисининг ислом дини манбалари билан яқиндан танишиб бориши туфайли жамиятимизда бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳақиқий, беғараз бағрикенглик ҳодисасининг шаклланиши ва ривожланиши содир бўлди. Бу ижтимоий ижобий ҳодиса юртимиздаги конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда аҳилликнинг ишончли ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан ушбу феномен туфайли жамиятнинг барча соҳалари ривож учун муҳим шарт-шароитлар бунёд бўлди. Шунингдек, жамиятимиздаги ижтимоий ҳамкорлик ҳодисасининг

¹ Маърифат-тинчлик асоси. 3. Исломов таҳрири остида. — Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007. —9-б.

аҳамияти ҳам мазкур барқарорликни таъминловчи омил сифатида гавдаланаяпти. Бу ҳақида социология фанлари доктори Т.Б. Матибаев қуйидагиларни ёзади: «Дарҳақиқат, бир жамиятда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, шунингдек, хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир Ватанда яшашини қўллаб-қувватлаш шунчаки яхшилик ва бағрикенглик эмас. Бунинг учун нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлиги зарур. Бу ўз навбатида, барчадан инсонпарварлик, фаоллик, ўзликни англаб яшашни талаб этади»¹.

Ислом толерантлигининг жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик ҳодисасига фаол таъсирини ҳатто хориж мамлакатларининг дин пешволари ҳам таъкидлашаётгани ижобий ҳолдир. Хусусан, ушбу фикримизни Москва ва Бутун Русь патриархи Кириллнинг 2017 йилнинг сентябрь ойи охирида, Ўзбекистонга ташрифи чоғида илгари сурган хулосалари билан ҳам асослашимиз мумкин. У Ўзбекистондаги черков, бошқа ибодатхоналар ва турли биноларни кўриб, Ўзбекистонда дин ва эътиқодга бўлган ҳурматга тан берди. «Америка, Европа сиёсатчиларини Ўзбекистонга чақиринг, келиб кўришсин. Бундай бағрикенглик ҳеч қаерда йўқ! Мен бу ерда кўрганларимни ҳамма ерда ва ҳар доим айтаман. Бу ерда одамларнинг самимий меҳр-муҳаббати ва ҳурматини ҳис қилдим», – деди патриарх Кирилл»².

Рус православ черкови раҳбарининг юқоридаги фикрлари эмпирик асосга эга. Жумладан, Православ Муқаддас-Тихон гуманитар университети (ПСТГУ) социал фанлар факультети декани, профессор Игорь Рязанцевнинг хабар қилишича,

¹ Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истикболлари. – Тошкент: «Akademiya», 2014. – 160–161-б..

² <http://kun.uz/news/2017/10/04/butun-rossia-patriarhi-amerika-evropa-siesatcilarini-uzbekistonga-ca>

2017 йилнинг 15–25 сентябрь кунлари Ўзбекистонда «Рус православ черкови қавмининг Россия ва хориждаги аҳволи» мавзуида олиб борилган тадқиқотлари натижалари қуйидаги кўриниш ҳосил қилди: Ўзбекистондаги Рус православ черкови қавмининг тадқиқотда иштирок этган 71% вакили ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги дўстликка қатъий ишонар экан, шунингдек, респондентларнинг 65% эса Ўзбекистонда русийзабон аҳоли ўзини хавф-хатардан йироқ ва бадастир ҳаёт кечираётгани ҳақида муносабат билдирди¹.

Бироқ, айрим халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги турли динларга эътиқод қилувчи кишилар ўртасидаги аҳиллик ва иноқликка ноҳолис баҳо бераётганлари ҳам учраб туриши кузатилмоқда. Чунончи, Open Doors инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти Ўзбекистонни христианларни чиқиштирмаслик даражаси юқори бўлган давлатлар рўйхатига киритди. Бу ғаламисликка нисбатан Тошкент ва Ўзбекистон митрополити Викентий, оммавий ахборот воситаларида республикадаги православ христианларини чиқиштирилмаслиги юзасидан пайдо бўлган бундай хабарлар ҳақиқатга мутлақо тўғри келмаслигини маълум қилди.

2019 йилнинг 20 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган Чўқинтириш маросимида Ўзбекистоннинг Викентийси хорижий ташкилотнинг ушбу маълумотлари бўйича ўз фикрларини билдирди. «Мен шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистонда бунга яқин бўлган ҳеч нарса йўқ. Ўзбекистон барча анъанавий динларга ҳурмат билан қарайди, айниқса, христиан динига, боз устига христиан дини энг қадимий динлардан бири саналиб, мамлакатда дин вакиллари сони бўйича ҳам иккинчи ўринда туради. Республикада ўтган Рождество ва Чўқинтириш байрамлари бу ерда православларнинг юқори даражада ҳурматга сазовор эканлигини яна бир бор исботлайди ... Барча хавфсизлик хизматлари бизга ғамхўрлик кўрсатиб, барча байрамларни

¹ <https://ria.ru/religion/20171011/1506630492.html>

муносиб нишонлашимизни таъминлади»¹, — дейди метрополит. Бундан ташқари, у Ўзбекистон Президентига христианларга доимий эътибор ва мамлакатда тарғиб этилаётган халқлар ўртасида бағрикенглик ва дўстлик сиёсати учун ҳам миннатдорлик изҳор этди².

Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий барқарорлик ҳолати таҳлилидан бир оз чекиниб, масаланинг бошқа мамлакатлардаги аҳволи билан солиштирсак қўйидаги вазиятга дуч келамиз: кейинги йилларда дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар ҳамда улар негизида содир этилаётган нохуш ҳодисалар борган сари кўпайиб бораёпти ва бу ҳолат мазкур минтақалар жамиятларининг ҳаётида диний омилдан оқилона фойдаланилмаганликнинг натижасидир. Пировардида, диний негиздаги социал конфликтлар жамият учун ўта хатарли ва талафотли бўлган — фуқаролар орасидаги антагонистик қарама-қаршиликларни келтириб чиқараёпти. Бу фикрга мисол тариқасида Европа ҳудудида Шимолий Ирландия католиклари ва протестантлари, Болқон ярим оролида христианлар ва мусулмонлар, Миср, Судан, Ливанда мусулмон араблар ва христиан араблар, Ироқ, Сурияда суннитлар ва шиалар орасидаги хатарли зиддиятлар ҳамда улар келтириб чиқараётган ижтимоий кескинликларни келтиришимиз мумкин. Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва ислом оламининг бошқа минтақаларида араблар аҳолининг туб миллати ҳисобланса-да, лекин улар турли конфессиялар ва ҳар хил мазҳабларга мансубдирлар. Ушбу конфессиялар ва мазҳаблар ўртасида ўзаро бағрикенглик, тоқатлилик ҳамда чидамлилик сифатларининг етишмаслиги ижтимоий консенсусни таъминлашга монелик қилмоқда. Бу ҳолат

¹ <https://uz.sputniknews.ru/radio/20190120/10570176/Vikentiy-otreagirol-na-soobscheniya-o-pritevneniyakh-khristian-v-Uzbekistane.html>


² <https://daryo.uz/k/2019/01/21/vikentiy-o-zbekistonda-xristian-dini-vakillarini-chiqishtirmasligi-yuzasidan-paydo-bo-lgan-xabarlariga-munosabat-bildirdi/>

юқорида келтирилган мудҳиш воқеаларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлмоқда.

Тўғри, бу мамлакатларнинг ички ишларига бошқа хорижий давлатлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, аралашаётганларини ҳам таъкидлаш лозим. Лекин ҳар қандай ташқи таъсир жамият ички шароитларидаги муаммоларга мослаша олса ва улар билан синтезлашишга муваффақ бўлсагина, у бундай жараёнларда жиддий салбий роль ўйнайди. Бундан эса ҳозирда, бахтга қарши, халқаро экстремистик-террорчи ташкилотлар – ИШИД, Ал-Қоида ва бошқалар «унумли» фойдаланаяптилар. Натижада бу давлатлар ижтимоий ривожланишдан бир неча ўн йилларга ортга қайтиб кетмоқдалар. Бу мамлакатлардаги аянчли, ижтимоий беқарор аҳвол Ўзбекистонда фуқаролар, конфессиялар ва миллатлар ўртасидаги бағрикенглик муносабатларини таъминлаш вазифалари нақадар илғор, прагматик ҳамда муваффақиятли тарзда олиб борилаётганлигининг амалий исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан рухсат этилиб, нашр қилинаётган ислом манбаларидан чуқур танишиб бораётган ватандошларимиз динга бировни зўрлаб киргизиш мумкин эмаслиги, исломни қабул қилмаган кишиларни камситиш ва уларга азоб-уқубат етказишдан тийилиш зарурлигини ушбу адабиётларда баён этилган ишончли далил ҳамда ҳужжатлар асосида чуқур англаб етмоқдалар. Шунингдек, телевидение кўрсатувлари ва радиоэштиришларда дин уламоларининг ислом дини тарихий-маданий меросига таяниб, бу масала бўйича қилаётган маърузалари ҳам бошқа диндагиларга нисбатан бағрикенглик туйғусини шакллантириш бўйича ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ушбу фикрларимизни олиб борилган амалий социологик тадқиқотимизнинг натижалари ҳам тасдиқлаши мумкин. Тадқиқот анкетасига ислом толерантлиги масаласига тааллуқли саволларни ҳам киритдик. Дастлаб

респондентлар ҳукмига «Мамлакатимизда яшаётган, бошқа динга эътиқод қиладиган кишиларга муносабатингиз қандай?» деган саволни ҳавола этдик. Мазкур саволга сўровда иштирок этганларнинг 96% ижобий ва атиги 4% респондент исломдан бошқа динга эътиқод қиладиганларга муносабати салбий эканлигини билдиришди. Юқоридаги саволга жавоблар таҳлилини чуқурлаштириш мақсадида кейинги саволимизни «Жамиятимиздаги тинчлик-осойишталикни таъминлашга ислом динининг таъсири бор, деб ҳисоблайсизми?» деб номладик ва респондентлар томонидан билдирилган жавоблар қуйидаги диаграммада ўз аксини топди.



4.13-расм. Ижтимоий барқарорликни сақлашда ислом динининг таъсир даражаси.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатаптики, аксарият респондентлар ислом дини жамият барқарорлигига ўз таъсирини ўтказиш салоҳиятига эга, деб ҳисоблашар экан. Тўғри, бунда респондентларнинг ярмидан кўпи бу жараёнга ислом дини қисман таъсир кўрсатишини таъкидлашган. Бу масалада ўз салбий фикрини билдирган 7,3% респондент эса

фикримизча, исломдаги толерантлик сифатларидан яхши хабардор эмаслар.

Ушбу саволга ижобий жавоблар даражасининг юқорилиги Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани ва Наманган вилоятларининг респондентларида кузатилди. Ижобий фикр билдирган респондентлардан бундай муносабатларининг сабаби нимада эканлиги билан қизиқдик ва улардан бунинг учун энг муҳим 3 та омилни кўрсатишларини сўрадик. Респондентлар тинч ва осойишта ҳаёт учун шукур қилишда, исломда бошқа динда бўлганларга озор бериш тақиқланган ва исломда раҳбарларга итоат қилиш буюрилган қабилидаги фикрларини билдиришди.

Юқоридаги саволга салбий фикр билдирган камчилик – 7,3% респондент нима учун бундай муносабатда эканликларини билиш ҳам тадқиқотимиз учун муҳимдир. Бунинг учун улардан ўз фикрларини аниқлаштиришларини сўраганимизда, салбий муносабатда бўлганларнинг 40% ўзларини эътиқодли ҳисоблаётган айрим кишилар тинчлик ва осойишталикка хавф солаяптилар, ҳар уч респондентдан бири эса тинчлик-осойишталикни таъминлашга ислом динининг таъсири деярли сезилмайди ва ҳуқуқни муҳофаза қиладиган ташкилотлар хизмати олдида ислом дини таъсири аҳамиятли эмас, деган мулоҳазаларини илгари суришди. Демак, бундай салбий муносабат билдирган респондентлар ислом динидаги бағрикенглик хусусиятлардан ҳали етарли даражада маълумотга эга эмас эканлар деган хулосани чиқаришимиз мумкин бўлади.

Илгари сурилган назарий хулосалар ва улар асосида олиб борилган амалий тадқиқотимизнинг натижалари шундан дарак бераяптики, жамиятимиз барқарорлигини таъминлашга ислом дини қадриятларини ўзида тараннум этган толерантлик тамойили фаол таъсир кўрсатмоқда. Провардида, мамлакатимиз аҳолисининг бу масала бўйича ислом дини манбаларидан етарлича хабардор бўлиши, динимизнинг бағрикенгликка асосланган қадриятларига амал

қилиниши Ватанимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллатга мансуб фуқаролар, мавжуд 16 та конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик ва иноқликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилапти. Мамлакатимизда бағрикенглик масаласи долзарб аҳамият касб этишига давлатимиз раҳбари 2018 йил 28 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида эътибор қаратди.

«Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир. Хабарингиз бор, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди. Бизнинг таклифимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди»¹.

Аммо, ҳозирги глобал мураккаб ва қалтис ижтимоий-сиёсий давр ҳамда шароитларда сира хотиржамликка берилишимиз мумкин эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йилнинг 15 июнь куни диний соҳа вакиллари билан «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида ўтказилган анжуманда қуйидаги фикрни алоҳида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

таъкидлаб ўтди: «Имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осойишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз минг йиллардан буён пок сақлаб келаётган ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузғунчиликка, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб беришлари зарур»¹.

Ушбу фикрлар мамлакатимиз раҳбарининг халқимиз маънавий тарбиясини биринчи ўринга қўяётгани бежиз эмаслигини кўрсатади. Чунки бой маънавий мерос асосида тарбияланган кишиларнинг тафаккур қилишлари юқори даражада рационал бўлади. Натижада улар жамият ҳаёти, унинг муаммоларига, жумладан, турли динлар ва миллатларга тааллуқли бўлган фуқароларимиз орасида ҳақиқий толерантликка асосланган ўзаро муносабатларга тўғри позициядан туриб ёндашадилар. Бу эса юртимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида барқарор ҳолатни таъминлашга муносиб омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 1-жилд. —485-б.

ХУЛОСА

Инсоният тарихидан яхши маълумки, дунёнинг ҳеч бир халқи ночорлик ва қашшоқлик даражасида турмуш кечиришни хоҳламаган ва вазият ҳозирда ҳам шундайлигича қолмоқда. Ҳолбуки, ижтимоий тараққиёт ва унинг асосидаги обод ҳамда фаровон ҳаёт ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун эса мазкур мураккаб жараёнда кўпгина омилларнинг фаол иштироки тақозо этилади. Албатта, моддий ресурслар: бой табиий қазилмалар, қулай географик-ҳудудий жойлашув, мўътадил иқлим, фаол инвестициялар ва ниҳоят, илғор ишлаб чиқариш соҳаси ижтимоий тараққиётнинг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда мазкур жараённинг ижтимоий-маданий омиллари: миллий анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий меъёрлар, диний қадриятлар ва расм-русумлар ҳамда уларнинг барчасини ўзида ифодаловчи миллий менталитет ҳам ижтимоий тараққиётнинг амалга ошишига муносиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ»да маънавий омилларга асосий эътибор қаратилгани жамиятимизнинг барқарор тарзда тараққий этишини ҳар жиҳатдан таъминлаяпти. Бунда дин институти масалалари ҳам мамлакат раҳбариятининг диққат марказида тургани ижобий ҳолдир. Зеро, дунёвий мамлакат ҳаётида, айниқса, бизнинг жамият ҳаётида диний эътиқод феномени муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ислом рационализи тамойилининг ўтмишда ҳам, ҳозирги даврда ҳам кишиларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётларига фаол таъсирининг мавжудлиги ҳақида қўйилган илмий гипотезамиз ўзининг тўлиқ тасдиғини топди, деб ҳисоблаймиз. Бунда мамлакатимиз ижтимоий тараққиёти масалалари ва ислом рационализи тамойилининг алоқадорлиги ислом манбалари – Куръони карим ва ҳадисларда белгиланган ҳукмлар ҳамда кўрсатмаларга таянилган ҳолда асослаб берилди.

Тадқиқотда эришилган назарий ва амалий натижалар асосида қуйидаги хулосаларни илгари суришимиз мумкин:

1. Ижтимоий тараққиёт ходисаси мураккаб ва тизимли тарзда кечадиган социал жараёнларнинг махсули бўлиб, уни содир бўлиши ҳам моддий, ҳам маънавий омилларга бевосита боғлиқ бўлади;

2. Фаровон ва обод жамият қуриш ҳақидаги ўз таълимотларини яратиб кетган мумтоз мутафаккирларнинг тарихий-илмий мероси бугунги куннинг долзарб муаммолари ечими учун ҳам муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилишга қодирдир;

3. Халқимизнинг узоқ асрлик тарихи давомида шаклланган миллий менталитет таркибидаги диний элемент аҳамияти ҳамон салоҳиятлидир;

4. Азалдан ўзбек миллий менталитетида динийлик ва дунёвийлик муносабатлари ҳамиша ўзаро уйғунликда мавжуд бўлиб келган;

5. Замонавий Ўзбекистондаги долзарб социал муаммоларнинг ечимига мос бўладиган сермаҳсул механизмни фақат дунёвийлик ёки буткул динийлик асосида ишлаб чиқиб бўлмайди, аксинча, бу икки ёндашув мунтазам тарзда бир-бирларини ўзаро тўлдирса, кўзланган ҳар қандай мақсадга тўлиқ эришиш мумкин бўлади;

6. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, аҳолининг ҳар хил социал қатламлари орасида, шунингдек, фалсафа, сиёсатшунослик, психология, социология ва исломшунослик соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган эксперт сўрови натижалари ҳам илмий-назарий фаразимизни амалий жиҳатларда тасдиқланишига ишончли эмпирик маълумотни берди.

Мамлакатимиз аҳолисининг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги долзарб муаммоларни илмий-амалий ва социологик жиҳатларда доимий, пухта тарзда ўрганиб бориш мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, улар ечимига мос таклиф ва тавсиялар механизмларини ишлаб чиқишда мазкур монография тадқиқотининг натижалари камтарона бир манба бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар Рўйхати

1. Расмий ҳужжатлар, раҳбарий адабиётлар

1.1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2014. –73-б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги ҳақида қонуни (янги таҳрирда). – Тошкент: «Адолат», 1998. –31-б.

1.3. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон 70-модда.

1.4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. –592-б.

1.5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. –508-б.

1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. –364-б.

1.7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. –176-б.

1.8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. –326-б.

2. Монографиялар, рисоалар, тўпламлар

2.1. Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата: «Наука», 1973. –С.400.

2.2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1993. –224 б.

2.3. Абу Хамид Мухаммад аль-Газали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги «Ихйа’ ‘улум ад-дин». В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. – Махачкала: Издательский дом «Нуруль иршад», 2011. –С.424.

2.4. Абу Юсуф Йа’куб б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж. Пер. с арабского А.Э. Шмидта. – СПб.: «Петербургское Востоковедение», 2001. –С.451.

- 2.5. Ал-Факих Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбеҳ ул-ғофилийн. Араб тилидан Дилмурод Қўшоқов таржимаси. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2007. –647-б.
- 2.6. Аристотель. Метафизика// Сочинения в четырех томах. – Москва: «Мысль», 1976. Т.1. – С.550.
- 2.7. Аристотель. Сочинения в четырех томах. Том 3. Часть 2. // Политика. – Москва: «Мысль», 1983. Т.4. – С.830.
- 2.8. Асмус В.Ф. История античной философии. – Москва: «Высшая школа», 1965. –С.320.
- 2.9. Батыгин Г.С., Подвойский Д.Г. История социологии. – Москва: Университет дружбы народов, 2003. – С.86.
- 2.10. Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. – Москва: Издательский дом Марджани, 2009. – С.316.
- 2.11. Бекмуродов М.Б., Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. – Тошкент: «Адолат», 2003. –78-б.
- 2.12. Белла Р. Религиозный индивидуализм и религиозный плюрализм.// Гараджа В.И., Руткевич Е.Д. Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии для вузов. – Москва: «Аспект Пресс», 1996. – С.775.
- 2.13. Белла Р. Социология религии. // Американская социология. – Москва: «Прогресс». 1972. – С.392.
- 2.14. Болдыриев А.Н. Еще раз к вопросу о Ходжа Ахраре. // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – Москва: «Наука», 1985. – С.209.
- 2.15. Бурова С.Н. Социология брака и семьи: история, теоретические основы, персоналии. – Минск: «Право и экономика», 2010. – С.444.
- 2.16. Бурхануддин Маргинани. Хидоя. Комментарии мусульманского права. Перевод с английского. – Ташкент: «Ўзбекистон», Т.1, 1994. – С.480.
- 2.17. Васильев А. Мост через Босфор. – Москва: «Молодая гвардия», 1989. –С.380.
- 2.18. М. Вебер. Избранные произведения. – Москва: «Прогресс», 1990. – С.808.
- 2.19. Вебер М. Социология религии. Типы религиозных сообществ. // Избранное. Образ общества. Пер. с нем. – Москва: «Юрист», 1994. – С.704.
- 2.20. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития национальных отношений в Узбекистане. – Ташкент: «Университет», 2006. – С.168.

- 2.21. Гараджа В.И., Руткевич Е.Д. Религия и общество. Хрестоматия по социологии религии для вузов. – Москва: «Аспект Пресс», 1996. – С.775.
- 2.22. Гараджа В.И. Социология религии. – Москва: «ИНФРА-М», 2007. – С.348.
- 2.23. Гибадуллин М.З., Вахитова Т.М. Основы исламской экономики: теория и практика хозяйствования. – Казань: ТГГПУ, 2009. – С.195.
- 2.24. Гельвеций. «О человеке»// Гельвеций соч. В 2-х томах – Москва: «Мысль», 1974. Т.2. – С.687.
- 2.25. Фуломов Я.Г. Хоразминг сугорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. – Тошкент: «Фан», 1959. – С.323.
- 2.26. Доусон К. Религия и культура. // Пер. с англ. – СПб: «Алетейя», 2000. – С.281.
- 2.27. Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. Пер. с фр. с сокр.; Под ред. В.А. Базарова. – Москва: «Мысль», 1994. – С.399.
- 2.28. Зарринкуб А.Х. Исламская цивилизация. // Пер. М. Махшулов. – Москва: «Андалус», 2004. – С.237.
- 2.29. Ибн-Халдун. Введение (фрагменты). перевод С.М. Бациевой. // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX–XIV вв. Составители: С.Н. Григорян и А.В. Сагадеев. – Москва: Изд. Социально-экономической литературы, 1961. – С.628.
- 2.30. Игнатенко А.А. Ибн-Халдун. – М.: «Мысль», 1994. – С.160.
- 2.31. Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами). Маъсул муҳаррир. И.Усмонов. – Тошкент: «Movaqounnahg», 2015. –160-б.
- 2.32. Исломда соғлом бола тарбияси. Маъсул муҳаррир. И.Усмонов. – Тошкент: «Movaqounnahg», 2014. –160-б.
- 2.33. Исторические типы рациональности. Отв. ред. В.А Лекторский. – Москва: ИФРАН, 1995. Т.1. – С.350.
- 2.34. История буржуазной социологии XIX начала XX века. – Москва: «Наука», 1979. – С.343.
- 2.35. Конт О. Курс позитивной философии. // Родоначальники позитивизма. – СПб., 1912. Вып. 4. – С.256.
- 2.36. Конт О. Закон трех стадий историй // Религия и общества. Хрестоматия по социологии религии. Сост. В.И. Гараджа, Е.Д. Руткевич. – Москва: «Аспект Пресс», 1996. – С.775.

- 2.37. Конт О. Общий обзор позитивизма. Перевод. с франц. Под ред. Э.Л. Радалова. – Москва: Книжный дом «Либроком», 2012. – С.350.
- 2.38. Коротаев А.В. Социальная эволюция: факторы, закономерности и тенденции. – Москва: «Восточная литература» РАН, 2003. – С.287.
- 2.39. Куделин А.Б. Переписка Мухаммада ‘Абду и Льва Толстого (из истории русско-арабских культурных связей в начале XX века).// Лев Николаевич Толстой. под ред. А.А. Гусейнова, Т.Г. Щедриной. – Москва: «Политическая энциклопедия», 2014. – С.574.
- 2.40. Леви-Строс К. Первобытное мышление. – Москва: Республика, 1994.– С.384.
- 2.41. Маърифат-тинчлик асоси. 3. Исломов тахрири остида. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007. –196-б.
- 2.42. Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. – Тошкент: «Akademiyа», 2014. –250-б.
- 2.43. Мухаммад Икбал. Реконструкция религиозной мысли в исламе. Пер. с англ., предисл. и коммент. М.Т. Степанянц. – Москва: «Восточная литература», 2002. – С.200.
- 2.44. Новикова С.С. Социология: история, основы, институционализация в России. – Москва-Воронеж: «МОДЭК», 2000. – С.464.
- 2.45. Нартов Н.А., Бельский В.Ю. Социология. – Москва: «Юнити», 2012. – С.511.
- 2.46. Парсонс Т. О социальных системах. // Под ред. В.Ф. Чесноковой и С.А. Белановского. – Москва: «Академический Проект», 2002. – С.832.
- 2.47. Платон. Сочинения в четырех томах. Том 3. Часть 1. // Государство. – С.-Петербург. Изд-во С.-Петерб. ун-та; Изд-во Олега Абышко, 2007. – С.752.
- 2.48. Раймон Арон. Этапы развития социологической мысли. Перевод с франц. Под ред. П.С. Гуревича. – Москва: «Прогресс», 1993. – С.608.
- 2.49. Сорокин П. Социокультурная динамика и религия. // Человек. Цивилизация. Общество. – Москва: «Политиздат», 1992. – С.543.
- 2.50. Социология (Ўқув қўлланма). Убайдуллаева Р.А., В.М. Каримова тахрири остида. – Тошкент: «ЎАЖБНТ», 2002. –292-б.

2.51. Смелзер Н. Социология. Перевод с англ. — Москва: «Феникс», 1994. — С.203.

2.52. Сочинения Герберта Спенсера. Подъ общей редакцій Н.А. Рубакина. // Опыты научные, политическіе и философскіе. — С.Петербург: «Издатель», 1900, Том III. — С.285.

2.53. Султонмурод Олим. Оила ва жамият ёхуд Микрожамият ва макрооила. — Тошкент: Республика маънавият тарғибот маркази, 2017. —60-б.

2.54. Темур тузуклари. — Тошкент: Гофур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. —112-б.

2.55. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Қаюмов У.К. Социология общественного мнения в Узбекистане: теория, методы и практика. — Ташкент: Центр изучения общественного мнения, 2010. — С.176.

2.56. Убайдуллаева Р.Т. Гуманистическая социология: теория, методология и метод. — Ташкент: «Университет», 2010. — С.222.

2.57. Ўзбекистон халқлари тарихи. — Тошкент: «Фан», 1991. —187-б.

2.58. Фердинанд Тённис. Общность и общество. Перевод с немецкого Д.В. Скляднева. — Санкт-Петербург: «Владимир Даль», 2002. — С.448.

2.59. Фролова Е.А. Дискурс арабской философии. / Отв. ред. А.В. Смирнов. — Москва: ООО «Садра»: Языки славянской культуры, 2016. — С.312.

2.60. Холбеков А. Бошқарув социологияси. — Тошкент: «Академия», 2007. — 187-б.

2.61. Цивилизационная структура современного мира. В 3 томах. / под ред. Ю. Пахомова, Ю. Павленко. — Киев: «Науково думка», Т.3. Кн.1: Мусульманско-Афразийская и Индийско-Южноазиатская цивилизации. — С.544.

3. Диссертация ва авторефератлар

3.1. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития национальных отношений в Узбекистане. Автореф. дисс. докт. соц. наук. — Ташкент, 2009. — С.50.

3.2. Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. Фалс. фан. докт. дисс. — Тошкент, 2009. — 261-б.

3.3. Мавляутдинов И.С. Социальная роль Ислама как фактора стабилизации общества (на примере Республики Татарстан). Дисс. канд. соц. наук. – Казань, 2007. – С.174.

3.4. Камиллов К.С. Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 23-б.

3.5. Синелина Ю.Ю. Циклический характер процесса секуляризации в РОССИИ (Социологический анализ: конец XVII – начало XXI века). Автореф. дисс. докт. соц. наук. – Москва, 2009. – С.55.

3.6. Содиқова. Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Соц. фан. докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2016. – 62-б.

3.7. Узланер Д.А. Неоклассическая модель секуляризации в западной социологии религии второй половины XX – начала XXI вв. Дисс. канд. филос. наук. – Москва, 2009. – С.209.

3.8. Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Автореф. дисс. докт. филос. наук. – Ташкент, 1994. – С.54.

4. Ислом дини манбалари

1.1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Хадис. Ал-Жомийъ Ас-Саҳиҳ. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. Т.1. – 560-б.

1.2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Хадис. Ал-Жомийъ Ас-Саҳиҳ. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. Т.2. – 621-б.

1.3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Биринчи жуз. – 664-б.

1.4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Иккинчи жуз. – 640-б.

1.5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Учинчи жуз. – 672-б.

1.6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Тўртинчи жуз. – 640-б.

1.7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Бешинчи жуз. – 672-б.

1.8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Шарқ», 2012. Олтинчи жуз. – 640-б.

1.9. Избранные хадисы. Перевод, примечания и указатели: Владимир (Абдулла) Нирша. – Алушта: «Алушта», 2006. – С.135.

1.10. Ижтимоий ҳимояга оид Куръони карим оятлари ва хадислардан намуналар. Маъсул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 64-б.

5. Журнал, газета мақолалари ва анжуманлар материаллари

1.1. Беккин Р.И. Теоретические истоки исламской экономической доктрины в Средние века. // PAX ISLAMICA 1/2008.

1.2. Бергер П. Священная завеса. // Неприкосновенный запас: дебаты о политике и культуре. – Москва, 2003. №32.

1.3. Билалов М.И. Религиозное познание в культуре постижения истины // Исламоведение. 2017. Т.8. №2

1.4. Вишневский В.П., Вишневская Е.Н. Рост исламской экономики в мире: институциональный анализ. //Теоретическая экономика, 2013. №5.

1.5. Ёвкочев Ш.А. Современные модели развития мусульманских стран. // Секуляризм и ислам в современном государстве: что их объединяет? Материалы междунар. «круглого стола» Отв. ред. Б.К. Султанов. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2008.

1.6. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. // Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: «Имом ал Бухорий» ва «Фридрих Эберт» жамғармалари, 2003.

1.7. Кошечев Э.Б. Рациональность между наукой и обществом. // Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки. 2014. №3

1.8. Латипова Н.М. Особенности влияния национальных традиций на семью. // Проблемы современной науки и образования. 2016. №26 (68).

1.9. Лунин Б. Ходжа Ахрар: личность, деятельность, судьба (Из истории религиозно-нравственного ответвления социологической мысли Центральной Азии). // Ижтимоий фикр, 1998. №2.

1.10. Муслихабади Ф.М. Основные аспекты сбалансированного подхода в исламском рационализме. //Вестник КазНУ. Серия востоковедения, 2012. №2.

1.11. Мчедлов М.П., Филимонов Э.Г. Религиозный фактор в формировании экономики. // Вестник Российской Академии наук. Том 66, 1996. №9.

1.12. Розмаинский И.В. На пути к общей теории нерациональности поведения хозяйствующих субъектов. // Экономический вестник РГУ, 2008. Т.1. №4.

1.13. Ракитянский Н.М. Исламский менталитет в контексте принципа политической субъектности // Теодицея. Альманах. Изд-во ПГЛУ. – Пятигорск, 2012. №3

1.14. Убайдуллаева Р. Т. О социальной рациональности и ее типах. // Социс. 2013. №11.

1.15. Хамидов З. Ш. Ўзбекона ахлоқий менталитет. // Илмий хабарнома, АДУ, 2015. №3.

1.16. Якупов С.Ф. Особенности исламской цивилизации: менталитет, политико-правовые и экономические институты. // Вестник Челябинского государственного университета, 2012. № 35 (289). Философия. Социология. Культурология, Вып. 28.

1.17. Юрген Хабермас. Теория рационализации Макса Вебера. // Тягунова.Т. Перевод с немецкого. Социологическое обозрение. Т.8, 2009. №3.

6. Луғатлар, энциклопедиялар

6.1. Али-заде А. Исламский энциклопедический словарь. – Москва: «Ансар» 2007. – С.400.

6.2. Большой толковый социологический словарь. – Москва: «ВЕЧЕ-АСТ». 1999. Том 1–2. – С.544–528.

6.3. Karl-Heinz Hillman. Wörterbuch der Soziologie. – Stuttgart: «Kröner» 1994. – С.971.

6.4. Кравченко С.А. Социологический энциклопедический русско-английский словарь. – Москва: «Астрель Аст. Транзиткнига», 2004. – С.511.

6.5. Краткий словарь по социологии. – Москва: «Политиздат», 1988. – С.479.

6.6. Современная западная социология. Словарь. – Москва: «Политлитература», 1990. – С.432.

6.7. Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: «Шарқ», 2004. – 439- б.

7. Интернет сайтлари ва материаллари

7.1. <http://president.uz/uz/lists/Yiew/1018>

7.2. <http://president.uz/uz/lists/Yiew/1371>

7.3. <https://daryo.uz/k/2017/11/20/shaYkat-mirziyoyeY-mushtumzor-hokimlar-haqida-ula>

- 7.4. <http://alfarabinur.kz/arabskie-ucheny/prichiny-rascYeta-i-zaka-ta-nauki-Y-islamskom-mire.html>
- 7.5. <https://shkolazhizni.ru/family/articles/27948/>
- 7.6. http://sotsiologia.ru/famous/2007/10/17/famous_7645.html
- 7.7. http://magazines.russ.ru/oz/2004/6/2004_6_9.html
- 7.8. <http://president.uz/uz/lists/Yiew/1371>
- 7.9. <http://kun.uz/news/2017/10/04/butun-rossia-patriarhi-amerika-eYropa-siesatcilarini-uzbekistonga-ca>
- 7.10. <https://ria.ru/religion/20171011/1506630492.html>
- 7.11. http://www.hist.msu.ru/Journals/ NNI/pdfs/Mirskij_2010.pdf
- 7.12. <https://www.praYda.ru/expert/25-12-2017/1363343-euroislam-0/>
- 7.13. <https://studopedia.info/8-47073.html>
- 7.14. <https://kun.uz/news/2018/08/21/video-islom-karimov-islom-dini-hakida>

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА. 3

I боб. СОЦИОЛОГИЯДА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА РАЦИОНАЛИЗМ ТАМОЙИЛИ АЛОҚАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ 7

1 §. Ижтимоий тараққиёт таълимотининг генезиси ва эволюцияси. 7

2 §. Шарқ мутафаккирларининг таълимотларида рационализм тамойилининг ўрни 24

3 §. Социологияда рационалистик ғояларнинг ишлаб чиқиши 38

II боб. МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. 52

1 §. Миллий менталитет феномени ва унинг диний элементи. 52

2 §. Ислом рационализи ва уни миллий менталитетдаги мақоми 72

3 §. Ўзбек миллий менталитетида динийлик ва дунёвийлик алоқаси 91

III боб. ФАРОВОН ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИСЛОМ РАЦИОНАЛИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ 115

1 §. Исломий ва дунёвий қадриятлар уйғунлиги ижтимоий иш соҳаси ривожининг омили сифатида 115

2 §. Оила институти мустаҳкамлиги ва ислом рационализиининг ўзаро алоқадорлиги. 128

3 §. Тадбиркорлик фаолияти тараққиётида ислом ахлоқининг ўрни. 145

IV боб. ИСЛОМ ДИНИ ҚАДРИЯТЛАРИ – ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ. 162

1 §. Ислом дини ва стратификация жараёнларининг ўзаро муносабатлари 162

2 §. Девиант хулқ-атворга қарши курашишда ислом маърифати роли. 180

| | |
|--|------------|
| 3 §. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ислом толерантлиги таъсири | 201 |
| ХУЛОСА | 215 |
| Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар Рўйхати | 217 |

Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИСЛОМ РАЦИОНАЛИЗМИ ОМИЛИ

*Муҳаррир М. Турсунова
Мусаҳҳиҳ М. Турдиева
Компьютерда тайёрловчи Д. Эрматова*

*«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти,
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел./факс: 239-88-61.*

*Нашриёт лицензияси: АІ №216, 03.08.2012.
Босишга рухсат этилди 21.06.2019. Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Uz-
Times» гарнитураси. Офсет усулида чоп этилди. Шартли б.т.
14,75. Нашриёт б.т. 14,25. Адади 200 нусха.
Буюртма №12*

*«FAYLASUFLAR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

«УЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИАТИ»
НАШРИАТИ

ISBN 978-9943-5454-1-0



9 789943 545410